

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
I –жилд. I–китоб**

**Олий ўқув юртлари тарих факультети
талабалари учун дарслик**

Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан дарслик сифатида тавсия этилган.

Тошкент–2015

Олий ўқув юртлари бакалаврият босқичи талабалари учун мўлжалланган ушбу “Ўзбекистон тарихи” дарслигининг I – жилди икки китобдан иборат бўлиб, энг қадимги даврлардан бошлаб XIV асрнинг ўрталарига қадар бўлган даврини ўз ичига қамраб олган. Мазкур дарслик мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларнинг умумэътироф этилган натижалари билан бойитилганлиги, фан бўйича инновацияларни ўқув жараёнига жорий этилганлиги билан илгариги ўқув адабиётларидан фарқ қилади.

Ушбу дарслик бакалавр талабаларга мўлжалланган бўлишига қарамасдан, ундан магистрлар, изланувчи–тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва тарихчи–олимлар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Дарслик юзасидан билдирилган фикр–мулоҳазалар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида қабул қилинади.

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори, профессор А.С.Сагдуллаев

Такризчилар:

тарих фанлари доктори Р.Х.Сулаймонов

тарих фанлари доктори Ў.М.Мавлонов

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1–мавзу. “Ўзбекистон тарихи” фани тўғрисида умумий маълумотлар.	8
2–мавзу. Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври	45

3–мавзу. Бронза даври тарихи.....	80
4–мавзу. Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш асослари.....	97
5–мавзу. “Авесто” ва зардуштийлик.....	117
6–мавзу. Қадимги давлатлар тарихи	135
7–мавзу. Мил. авв.VI–IV асрлар тарихи. Ўрта Осиё Ахамонийлар давлати таркибида.....	159
8–мавзу. Македониялик Александрнинг Бактрия ва Сўғдиёнага юришлари.....	175
9–мавзу. Ўзбекистоннинг антик давр давлатчилиги. Салавкийлар ва Юнон–Бактрия давлатлари.....	201
10–мавзу. Хоразм, Қанғ, Даван, Юечжи–кушон ва Кушон давлатлари.	222

Кириш

Ўзбекистон тарихи чуқур илдизларга ва бой маданий ўтмишга эга. Кўп минг йиллар давомида ривож топган бу тарих, аждодларимиз ва халқимиз тарихи сифатида ўрганилади. Истиқлол ўзбек халқи ҳаётида туб маънавий янгилашни жабҳасини бошлаб берди. Ўзбекистон ижтимоий–иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар боис мамлакатимиз XXI асрга замонавий тараққиёт йўли билан кириб келди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда тарих ва маданий меросга муносабат янги даражага кўтарилди. Тарихни холис, ҳаққоний яратиш ва ўрганиш имконияти юзага келди. Бу борада мамлакатимизда муайян мақсадларга йўналтирилган тарихий таълимий сиёсатининг амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон тарихи муаммоларини тадқиқ этиш, тарихни ўрганишга янгича ёндашув бу фанни ўқитиш услубиятини ва Ўзбекистон тарихи бўйича янги дарсликларни яратиш масаласини сифат жиҳатдан тамоман янги ва жиддий поғонага кўтаришга хизмат қилди.

Президент И.А.Каримов яратган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” каби ва бошқа муҳим асарлари Ўзбекистон тарихини замонавий талаб тарзда ўрганишнинг назарий–услубий асосини шакллантиришга назарий пойдевор бўлиб хизмат қилди. Тарихий–маданий жараёнларни холислик, янги илмий ёндашувлар ва қарашлар тамойиллари орқали таърифлаш, бирламчи манбаларга таянган ҳолда масалани таҳлил этиш, ушбу концепциянинг асоси сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида жаҳон тарихидан абадий ўрин олди. Биз ҳозирги даврдаги тинчлик, барқарорлик ва тотувлик, миллий тараққиёт шароитида мустақиллик моҳиятини чуқур англаш, уни кадрлаш ва мустаҳкамлаш учун истиқлол манзиллари сари босиб ўтган йўлларимизга ва ҳурликнинг дастлабки йиллардаги мураккаб сиёсий ва ижтимоий–иқтисодий вазиятда, баъзан оғир шароитда Ўзбекистон тараққиёт йўлини ишлаб чиқиш ва босқичма–босқич муваффақиятли амалга ошириш жараёнини доимий равишда ёдда

тутишимиз лозим. Мустақиллик осон ва ўз–ўзидан қўлга киритилмаган, у Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги сермашаққат курашларнинг натижасидир.

Президент И.А.Каримов халқимизнинг тарихий–маданий анъаналари ва инсонпарварлик қадриятлари асосида таркиб топаётган миллий ғояга бўлган заруриятни асослаб, унинг мазмун–моҳиятини очиб берди. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатларига хизмат қиладиган миллий ғоя мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ривожини ва гуллаб яшнаши билан узвий боғланади. Миллий ғоя эркин жамият қуришнинг маънавий асосларини кўрсатиб берди. Бундай эркин жамият барча фуқароларнинг орзу–истагидир. Кишилар онгидаги бундай интилишнинг шаклланишини ҳам миллий ғоянинг интеграция – бирлаштирувчи вазифаси белгилайди. Олдимизда турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этилишига кўмак берувчи йўللарни тадқиқ этиш, қидириш жуда муҳимдир. Бу борада тарихий онгни шакллантиришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Президент И.А.Каримов ташаббуси билан Ватанимиз тарихини ва халқимизнинг бой маданий меросини холисона ўрганиш ва янгича тадқиқ этиш долзарб вазифага айланди. Ўтмишдаги аجدодларимиз томонидан яратилган қадриятларга содиқлик, маданий ва маънавий мероснинг тикланиши борасидаги бунёдкорлик ишларнинг мазмун – моҳиятини ҳамда фан ютуқларини таълим жараёни, янги дарслик ва ўқув адабиётларига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон тарихи ва аجدодларимиз маданий мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш ва тарғиб этиш, таълим–тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш, ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих, ўтмиш воқелиги миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришда, тарихий хотира эса инсонни ўзлигини танитишга ва иродасини мустаҳкамлашга, унинг дунёқарашини кенгайтиришга кўмак берувчи катта куч ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетининг профессор–ўқитувчилари илм–фан соҳасида кечаётган янгиликлар, фан ва таълим уйғунлиги, замонавий ўқитиш тизимини кенг тадқиқ этиш масалалари туб моҳиятини тушунган ва таҳлил этган ҳолда, нафақат университет, балки республика олий

ўқув юртларида юқорида қайд этилган масалаларнинг ечими ижроси бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Унинг натижасида юксак билимли, маънавий баркамол авлодни юзага келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мазкур соҳада эришилган ютуқлар ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли тарзда эътироф этилмоқда.

Шубҳасиз, янги авлод ўқув адабиётлари ҳам юқорида таъкидланган мулоҳазаларга ҳамоҳанг равишда замонавий талабларга жавоб бериши даркор. Таълим тизимини сифат жиҳатидан такомиллашуви учун унга аввало илм–фан янгиликлари, инновацияларни жо этиши лозим.

Китобхон эътиборига ҳавола этилаётган мазкур дарслик қайд этиб ўтилган фикр–мулоҳазаларда илгари сурилган масалаларни инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон тарихи дарсликларнинг I–жилдини ташкил этиб, у энг қадимги даврдан то XIV асрнинг ўрталарига қадар бўлган тарихий даврини қамраб олади. Дарсликни тайёрлаш жараёнида ёзма манбалар ва археология, антропология, нумизматика ҳамда эпиграфика материаллари, Ўзбекистон тарихининг турли даврларига оид сўнгги илмий тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланилди.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”да илгари сурилган талабларга мос равишда тайёрланган. Бу концепцияда баён этилганидек, ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, ўзлаштириб олинган билимларни босқичма–босқич бойитиш ва мукамаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш ҳамда янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Ушбу дарслик шу вақтгача республика профессор–ўқитувчилари, тарихчи олимлар томонидан яратилган дарсликлардан фарқли ўлароқ қуйидаги жиҳатларни ўзида акс эттирган:

– дарсликда манбашунослик ва тарихшунослик маълумотлари ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий

тадқиқотлар натижалари, Ўзбекистон тарихи фанида юзага келган инновациялардан кенг фойдаланилди;

– фаннинг мазмунига маълум янгиликлар киритилган ҳолда мазкур дарсликда даврлаштириш бўйича мавжуд назариялар ва илмий қарашлар кўриб чиқилди;

– Марказий Осиёда тарихий–маданий меросга муносабат. замонавий муаммолар ва ёндашувлар таърифланди;

– Ўзбекистон давлатчилиги, унинг шаклланиши, шаҳарсозлик маданияти хусусида қатор янги маълумотлар тегишли мавзуларга жорий этилди;

– «Авесто» хусусидаги маълумотлар (географик, ҳудудий номлар, ижтимоий–иқтисодий маълумотлар, сиёсий тарих) кенгайтирилиб, унинг маънавий ҳаётдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди;

– «Буюк ипак йўли» мавзуси энг қадимги ва ўрта асрларда мавжуд алоқа ва савдо йўллари билан узвий боғланган ҳолда янги материаллар билан бойитилди;

– IX–XII асрларда ҳукмронлик қилган сулолалар, давлатлар хусусида бирламчи тарихий манбаларга таяниб, давр тарихий воқелиги асносида кўрсатилди;

– маълум тарихий шахсларнинг фаолиятига Ўзбекистонда янгича баҳо берилиши инобатга олинди;

– ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги мавзуларида унвонлар ва мансаблар, бошқарув, солиқлар ва ислоҳотлар масалаларига катта эътибор қаратилиб, маданият тарихи алоҳида бўлимда ёритилди;

– мавзуларда масала моҳиятини акс эттирувчи манбалар ва тарихий адабиётлар, шу мавзу юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар алоҳида қайд этилди.

Ҳар бир мавзу сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати, таянч тушунчалар ҳамда ўз–ўзини назорат савол ва топшириқлар берилди.

Мазкур дарсликнинг I – жилди икки китобдан иборат бўлиб, муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган. Алоҳида мавзулар ва параграфларни қуйидаги муаллифлар ёзган: 1.3, 1.6, 3.1, 3.2, 3.3, 4.2 ва 5, 6, 7, 8 – мавзулар, 10.1, 16.2 – А.Сагдуллаев; кириш, 2.1, 2.3, 2.4 – А.Сагдуллаев, Б.Эшов; 1.1, 1.2, 1.4, 1.5, 2.2, 4.1, 4.3, 9–мавзу, 10.2, 10.3, 10.4, 16.1, 16.3 – Б.Эшов; 11.1 – Б.Эшов, А.Холиқулов; 12.1, 12.2 – А.Одилов; 12.3, 12.4 – А.Одилов, А.Холиқулов; 12.5,

13.1– А.Одилов, А.Хидиров; 13.2 – А.Одилов; 13.3, 13.4 – А.Одилов, А.Хидиров; 14.1, 14.2, 14.3, 14.4, 14.5 – А.Одилов; 15– мавзу –Б.Эшов.

Дарслик юзасидан билдирилган фикр–мулоҳазалар муаллифлар жамоаси томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.



1–мавзу. “Ўзбекистон тарихи” фани тўғрисида умумий маълумотлар.

Режа:

1.1. Ўзбекистон тарихи фанининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни. Фаннинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти.

1.2. Ўзбекистон тарихи фанининг назарий–услубий асослари ва долзарб масалалари.

1.3. Ўзбекистон қадимги ва ўрта асрлар тарихини даврлаштириш. Жаҳон тарихини даврлаштириш тўғрисидаги назариялар.

1.4. Манбашунослик ва тарихшунослик масалалари.

1.5. Президент И.А.Каримов тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида.

1.6. Марказий Осиёда тарихий–маданий меросга муносабат. Замонавий муаммолар ва айрим ёндашувлар.

1.1. Ўзбекистон тарихи фанининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни. Фаннинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти.

Тарих фани орқали инсониятнинг пайдо бўлиши, ибтидоий жамиятнинг ривожланиши хусусиятларни, моддий ва маънавий маданиятнинг тараққиёти, цивилизациянинг вужудга келиши, этномаданий жараёнлар, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий муносабатлардаги даврий ўзгаришларнинг омиллари, бошқа кўпдан–кўп воқеа–ҳодисаларнинг сабаблари ҳамда мазмун–моҳияти ўрганилади. Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисмидир. Бир умумий географик минтақа – Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган кўшни қабила ва элатларни бир–бирига яқин бўлган маданий, ижтимоий–иқтисодий жараёнлар, ўзаро алоқалар, умумий маданий ва этник илдизлар бирлаштириб турган. Ўрта Осиё жаҳон цивилизацияси ва инсоният маданияти тарихининг масканларидан биридир.

Тарихни ўрганиш нафақат илмий, маърифий, балки чуқур маънавий–руҳий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар биримизда ўзимиз туғилган ва яшаётган она замин билан мустаҳкам алоқадорлик ҳисини ривожлантиради. Ватан тушунчаси тарихий хотира, тарихий онг асосида шаклланади. Олий таълим тизимида «Ўзбекистон тарихи» фанини ҳар томонлама ҳамда чуқур ўқитиш

мақсадида бир қатор янги авлод ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилиб, бу борадаги илмий тадқиқотлар натижалари ўқув жараёнига босқичма–босқич жорий этилмоқда.

Мазкур дарсликларни синовдан ўтказиш жараёни уларнинг айримлари “Ўзбекистон тарихи” фанини ўрганиш–ўргатишда сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилганини кўрсатмоқда.

Тарихий ҳақиқат тўла рўёбга чиқиши ва ҳаққоний тарих ёзилишида тарих фанининг предмети ва объектини тўғри белгиланиши долзарб аҳамиятга эга. Зеро, фаннинг ўрганиш предмети ва объекти аниқ бўлмаса, унинг олдидаги вазифа ноаниқ бўлиб, мақсадга эришиш мушкул. Бундай ҳолат ўқув жараёни самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тарихи фани бошқа ижтимоий фанларидан фарқли ўлароқ мустақил фан. Шунингдек, у фанлар орасида алоҳида ўз ўрни ва мавқега эга. У барча фанлар тарихини ҳам ўз ичига олган ҳолда, уларнинг ривожига катта таъсир этади. Бу ҳолат фаннинг ўрганиш вазифасида тўла намоён бўлмоғи керак. Тарих фани ўз хусусиятига кўра, ўзининг диққат эътиборини ўтмишга ва замонавий жараёнларга қаратади, ундан сабоқ беришга ва хулоса чиқаришга хизмат қилади.

Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма–кетлик – хронологик асосда ўрганилади. Шунингдек, тарихий воқеа ва ҳодисалар, ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқийлиги ва ҳақиқий эмаслиги, улар қачон ва қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитларда тарихан воқеъ бўлганлиги аниқланади. Ва ниҳоят, ўтмиш воқеликларининг муайян сабаб ва оқибатлари, уларнинг аниқ шакл–тамойиллари ва ҳолати аниқланади.

Ўзбекистон тарихи фани ўтмишдаги иқтисодий–ижтимоий ҳаётнинг аҳволи, ривожланиши хусусиятлари ва таназзулининг сабаблари ҳамда оқибатларини ўрганади, улардан келажак учун сабоқ ва хулоса чиқаради. Бу эса келажак авлодлар учун дастуриламал бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани кўп қирралик ва хилма–хиллик хусусиятига эга. У жамият тараққиёти ва инқирозларининг фақат бир томонинигина эмас, балки жамиятнинг барча томонларини узвий ўзаро боғлиқликда, бир бутунликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фани, мамлакатимизнинг ҳудудида энг қадимги даврлардан то ҳозиргача кечган воқеликлар, инсоният ҳаёти ва жамиятнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилади. Унинг ўрганиш предмети

эса, мана шу макондаги турли воқеа ва ҳодисалар, улардаги умумий алоқадорлик ва яхлит бирлик ҳамда қонуниятлар ҳодисаси ва жараёнлар, умуман, инсоннинг яратувчанлик фаолияти киради.

Ўтган тарихий–маданий жараёнлар, воқеалар ва ҳодисаларни халқ ҳамда тарихий шахслар фаолиятисиз тасаввур этиш мушкул. Тарих фанининг асосий мақсади – ўтмиш воқеликларни англаш, улардан тегишли сабоқлар чиқариш, хушёрлик ва огоҳликка, вайронкор ғояларга қарши туришга ундовчи, миллий бирлик, ҳамкорлик ва бағрикенгликка чақирувчи ғояларни тарғиб этишдир. Эзгулик ва бунёдкорликка интилган ўтмиш аждодларимиз билан бугунги авлод ўртасидаги боғлиқликни унутмасдан инсонпарварлик қадриятларни янада мустаҳкамлаш миллий тараққиётнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Тарихнинг ибтидоий босқичи жараёнлари, цивилизация, давлат ва жамият тараққиёти натижаси эканлигини, урбанизация ва маданият, турли–туман ўзаро алоқалар, муҳим воқеалар ҳисобланишини, тарихнинг тараққиёт босқичида фан, техника ва маданият, ахборотлар ўзлаштира боришини ҳамда уларнинг жамият ривожига боғлиқлигини ва ниҳоят, ўзбек халқига мос бўлган мустақил тараққиёт йўли тамойилларини англаш ҳам Ўзбекистон тарихи фанининг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ҳар қандай фанда бўлгани каби, Ўзбекистон тарихи фанининг вазифаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Тарихни манбалар асосида ўрганиб, холислик ва ҳаққонийлик мезонларига таяниб ўқитувчи ва талабларга тарихий ривожланиш қонуниятларини етказиш.

2. Фандаги далиллар ва уларнинг умумлашмасига асосий эътибор қаратиб, қиёсий таҳлилни амалга ошириш.

3. Замон талабларидан келиб чиқиб имконият даражасида фандаги инновацияларни доимий равишда жалб этиш.

4. Турли даврлардаги жамият тараққиётининг турғунлик, инқироз ва тараққиёт босқичлари сабабларини очиб бериш.

5. Фандаги илмий асосланган янги назарияларни таҳлил ва умумлаштириш услуби асосида ўқув жараёнига жорий этиш.

6. Тарихнинг ҳаракатланувчи омилларини талабаларга кўрсатиб бериш.

7. Давлат ва жамият тараққиётида мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда сақлаш омили бўлган комил инсонни тарбиялашда тарихнинг ролини асослаб бериш.

8. Талабалар ва бўлажак мутахассис кадрларга чуқур миллий ва умуминсоний тарихий, илмий–назарий дунёқарашни сингдириш.

9. Ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни англаш, виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш.

10. Ёш авлодда ватанпарварлик ва миллий жасоратни, миллат ва Ватанга садоқатликни ривожлантириш.

11. Талабаларга миллий ва тарихий қадриятларни эъзозлаш, асраб–авайлаш руҳини сингдириш, уларда юксак ахлоқий фазилатлар (халоллик, поклик, одиллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик, имон ва эътиқодлик)ни тарбиялаш.

12. Ёшларни Ватан ва халқ, миллат, ота–она ва фарзанд, табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларга садоқатлик руҳида камол топтириш.

Элатлар ва халқлар, миллатлар ва давлатларга таалуқли мураккаб ижтимоий–сиёсий иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихда ўз аксини топади. Ҳар бир воқеа ва ҳодиса инсон (ёки унинг бир гуруҳи) ҳатти–ҳаракати, унинг кўзлаган маълум мақсадга интилиши жараёнида содир бўлади. Ўзбекистон тарихи фанининг ўрганиш макони–объекти юртимиз тарихи ва маданиятидир. Тарихий объектга нисбатан Ўзбекистон тарихи фанининг мақсади, вазифаси, йўналиши ва ҳаракат доираси ёки чегараси белгиланади. Маълум бир маънода объект билан предмет бир–бирига жуда яқин тушунча бўлса–да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланади.

Объект аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик минтақавий чегаралар, маълум бир халқ, миллат ва мамлакат тарихи билан боғлиқ бўлиб, маълум ҳудуд доирасидаги воқеа ва ҳодисаларнинг бир яхлитликда ўз ичига олади. Предмет эса мана шу бир бутун объект ичидаги аниқ сиёсий, тарихий–маданий ва ижтимоий–иқтисодий жараёнлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон тарихи фани ижтимоий–сиёсий, умуминсоний фан бўлиб, инсон ва миллат ўз ўтмишини билиши, ўзлигини англаши ҳамда келажагини белгилашида асосий дастуриламал ҳисобланади. Шу билан бирга, у ижтимоий–сиёсий ҳаёт соҳасидаги ягона фан ҳам эмас. Жамият, инсоният ва табиатнинг ўтмишини ўрганувчи бошқа соҳа фанлари ҳам бор. Масалан, археология, этнология, антропология, демография, маданият, иқтисодиёт ва бошқа фанлар шулар жумласидандир. Аммо бу фанларнинг ҳаммаси ҳам, табиат,

жамият ҳам аввало, катта тарихда акс этади. Соҳа тарихи фанлари ҳам тарих фанининг ўрганиш объекти ва предмети ҳисобланади.

Тарих фани бошқа, айниқса, ижтимоий–гуманитар фанлари билан мустаҳкам ва узвий алоқа бирлигида ривожланади. Шунинг учун ҳам, тарихчилар фалсафани, адабиёт ва тилни, диншуносликни ва бошқа фанларни, айниқса уларнинг тарихий жиҳатларини билмай туриб, ҳаққоний тарихни тўла ёритиб беролмайдилар.

Тарих билан бошқа ижтимоий–гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти битта, яъни жамиятдир. Предмети эса инсон ва жамиятдир. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига, тарихий ҳақиқатнинг рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Шунингдек, тарих фани ҳам бошқа соҳа фанлари ривожига катта таъсир этади. Аммо, тарих уларни, шунингдек ижтимоий–гуманитар фанларнинг ҳам тарихидир.

Тарих фани, яъни Ватан тарихи–миллат ва она юрт келажагининг равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга. Масаланинг моҳияти шундаки, **биринчидан**, ижтимоий–гуманитар фанларнинг ривожланиши ҳар жиҳатдан тарих фанининг нақадар ҳаққоний бўлишига боғлиқдир. **Иккинчидан**, тарих фалсафаси қанчалик тўла ва равон юзага чиқса, бошқа ижтимоий–гуманитар фанларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда таъсирчанлиги ҳам шунча юксак даражада бўлади.

Тарих фалсафаси деганда, тарих яъни, ўтмиш тажрибаси ва сабоғидан тўғри хулоса чиқара олиш тушунилади. Бошқача айтганда, ўтмиш–тарихга қараб, келажакни ҳис этиш, кўра билиш ва тўғри белгилай олиш ҳам тарих фалсафасини англашни билдиради.

Инсоннинг шахсий манфаат ва эҳтиёжлари, қолаверса, унинг қобилияти ва истеъдоди, воқеаларни теран идрок этиши тарих фалсафасини англаб етишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсон ақл–идроки, унинг тафаккур даражаси, ҳаётий фалсафаси, жамият тараққиёти йўлидаги барча сайъи–ҳаракатлари ва интилишлари маълум миллат ва жамият менталитетини белгилаб беради. Мана шу менталитет миллат ёки ҳалқнинг умуммаданий–маънавий даражаси, ақл–идроки ва тафаккур майдонининг салоҳиятига қараб ўзига хос мазмун–моҳият касб этади. Тарих эса, ана шу ўта мураккаб, ўта

зиддиятли, шу билан бирга ниҳоятда кудратли руҳият ва фаолият орқали хотирага айланади.

1.2. Ўзбекистон тарихи фанининг назарий–услубий асослари, усуллари ва долзарб масалалари.

Ҳар қандай фан каби Ўзбекистон тарихи фани ҳам ўзининг методологик илмий–назарий асослари ва тамойилларига эга. Булар Ўзбекистон тарихи фанининг асосини ташкил этиб, унинг ривожланиши, жамият ва халқ манфаати йўлидаги нуфузини ортиб бориши учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Илмий–назарий тамойиллар Ватан тарихининг ҳаққоний ёзилиши, тарихий ҳақиқатни юзага чиқишига хизмат қиладилар.

Агар тарих инсоният яшаб ривожланиши учун ижтимоий зарурият ва маънавий–маърифий эҳтиёж бўлса, тарих фани эса, бу эҳтиёжларни рўёбга чиқиши учун маъсул бўлган юксак интеллектуал, илмий–амалий фаолиятдир. Бунинг самарали бўлиши яъни, тарих фани ривожланишида услубий илмий ғоя ва назарияларнинг тамойиллари тарихнинг мазмун ва моҳияти ҳамда фалсафасини чуқурроқ очиб беришга, шунингдек, тарих фанининг мақсад ва вазифасини тўлароқ рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради.

Ўзбекистон тарихи фанининг методологик илмий–назарий асослари, ғоя ва таълимотлари нималардан иборат бўлиши ўта муҳим масала ҳисобланади. Юртбошимиз Ислом Каримов тарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ“, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, “Тарих халқ–маънавиятининг асосидир” каби кўплаб тарихий ҳақиқатни тўғри англаувчи ўта теран фикрларни олға сурди.

«Тарих» мозийни ўрганиш ҳақидаги фан бўлиб, илмий атама сифатида икки ўзаро алоқадорликдаги тушунчани ифодалайди. Биринчидан, тарих жамият тараққиёти тўғрисидаги фан. Унинг мавзуи кишилиқ жамияти ўтмишининг, турли–туман соҳалардаги тараққиёти ва ўзгариб бориш жараёнини ўрганадиган фандир. Иккинчидан, тарих бу инсоният тўғрисидаги фан бўлиб, жамиятнинг ўтмишини тадқиқот йўли билан аниқлаб, ўтмишда инсон томонидан яратилган, унинг заковати натижалари бўлган

жараёнларини тадқиқ этиш ва бизгача бўлган даврни ўрганиб, келажак авлодга етказадиган фандир.

Тарихшуносликдан маълумки, тарихий жараён тарих қонунлари билан асосланади. Тарих фанининг асосий таянч тушунчасини тарихий асос ва тарихий манба, тарихий макон ва тарихий замон ташкил этади. Тарих фанини ўрганишдаги энг долзарб муаммо — бу тарихий воқелик ва тарихий манбалар бўлиб, мана шу икки муаммога том маънода илмий ёндашиш тарих фанининг назарияси ва методологиясини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, ҳар бир фанда бўлганидек, тарих, жумладан Ўзбекистон тарихи фанида ҳам ўзининг назарияси ва методологияси мавжуд. Назария — бу илмий билимлар йиғиндиси ва бошқа фанлар билан мавжуд бўлган алоқадорликни билиш жараёнидир.

Тарихчи олимлар тарихни ўрганиш объекти (маълум мавзу) ҳамда эволюциясини, унинг маъно ва мазмунини тўғри билиши, таҳлил қила олиши керак. Агар тарих фалсафаси тарихий воқеаликлар таҳлилидан келиб чиқадиган ҳақиқат (хулоса) ларнинг сўздаги аниқ ифодаси бўлса, тарих фани методологияси мана шу тарихий ҳақиқатларни рўёбга чиқиши — тарих ҳақиқий ёзилиши учун бирдан-бир тўғри йўл кўрсатувчи дастурдир.

Аввало, методология ҳақида тўхталсак, унинг луғавий маъноси юнунча «**metodos**» ва «**logos**» деган икки сўз бирикмасидан иборат бўлиб, метод, яъни, усул — тадқиқот олиб бориш усули (йўли), назария ва таълимот, логия эса фан деганидир. Методология, яъни услубият илмий тадқиқот олиб бориш ёки бирор бир масалани илмий ўрганишнинг энг қулай усуллари, энг тўғри ва мукамал ғояси, назарияси ва таълимотлари мажмуидан иборат бир бутун фандир. Бошқа маънода эса, методология илмий билиш ёки маълум бир илмий фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда қўлланиладиган усуллар ҳақидаги фандир. Демак, тарих фани методологияси тарихни ўрганувчи ва ўқитувчиларни аниқ мақсад сари тўғри етаклайди, яъни тарих ҳаққоний ёзилиши ва ўрганилишига йўл-йўриқ кўрсатади.

Тарих фанини ўқитиш услубияти деганда бу йўналишдаги илмий билимларнинг тузилиши ва ривожланиши, уларнинг натижаларини асослаш йўллари амалиётда мазкур фанга хос бўлган илмий билимлар механизмини самарали тадбиқ этилиши тушунилади. Тарих фани методологияси деганда тарих фанлари

доирасидаги илмий билимларнинг тузилиши тамойилларига, шакли ва илмий жиҳатдан тарих фани доирасида қўлланиладиган таълимотига айтилади. Ўзбекистон тарихи фанининг назарий–методологик асослари ўзида мазкур фаннинг қонуниятлари ва тамойилларини, шу фанга хос бўлган қатъий тушунчалар мажмуи ва билиш услубларини ўз ичига олади.

Тарих фанининг ривожини даражасини, унинг назарий–услубий ҳолати белгилаб беради. Бу ҳолдаги узвий ва икки томонлама боғлиқлик умумий қонуниятидир. Мана шу ўзаро алоқадорлик қонуниятини, мумтоз тарихшунослик талаблари ва ҳозирги замон цивилизацион ёндашувларга асосланган ҳолда Ўзбекистон тарихи фани методологиясини қуйидаги икки қисмга бўлиш тавсия этилади:

1. Ўзбекистон тарихи фанининг услубий, илмий–назарий, ғоявий ва фалсафий асослари. Бунга қуйидагилар киради:

- дин билан дунёвийлик ўртасида муътадил муносабат бўлиши ва дунёвийлик асло даҳрийлик эмаслиги;
- тарихни миллий, умуминсоний, муқаддас ҳодиса ҳамда қадрият деб тушунмоқ;
- тарихга ҳозирги замон цивилизацияси нуқтаи назари ва бағрикенглик асосида ёндашиш;
- тарихий тараққиёт асосини эволюцион – тадрижий йўл ва ислохотчилик ташкил этади деб англамоқ;
- тарихга миллий менталитет нуқтаи назаридан ўзгалар тарихига ҳурмат руҳида мурожаат этиш;
- тарих, жамият ва табиат ҳамда инсоният (барча тарихий воқелик ва жараёнлар) диалектика ҳамда синергетика қонуниятлари асосларида ривожланиши ҳақиқат эканлиги;
- тарих миллий ва умуминсоний хотира, миллат ва халқларнинг жони, тани ҳамда ғоявий муҳофаза қуроли эканлиги.

2. Ўзбекистон тарихи фанининг илмий–услубий тамойиллари. Улар қуйидагилардан иборат:

- илмий холислик;
- тарихий – таҳлилийлик;
- мантиқий – узвийлик;
- ворислик ва хронологик изчиллик;
- бағрикенглик ва ватанпарварлик;

- қиёслаш, кузатиш ва умумлаштириш;
- бахслашиш, мунозара юритиш ва асослаб бериш;
- математик ҳисоблаш;
- шакллаш ва моделлаштириш;
- айримликдан умумийликка ва умумийликдан айрим (жузъий)ликка;
- этнография, археология, антропология, генеология, каби кўплаб ёрдамчи фанларнинг ютуқлари ҳамда усулларидан ҳам кенг фойдаланиш.

Жаҳон тарихи дин тарихи билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётни диндан, динни ижтимоий ҳаётдан ажратиб бўлмайди. Агар ажратилса, тарихга ҳам, динга ҳам, мантиққа ҳам зид бўлади. Маълумки, собиқ совет тарих фани дин илмга зид, тарихий тараққиётга тўсқинлик қилади деган даҳрийликка амал қилди. Бироқ тарих қандай бўлса, уни шундайлигича ўрганиш устивор бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам у дин билан муътадил, мутаносиблик асосида ўрганилмоғи ҳозир энг асосий зарурият бўлиб турибди. Бу эса, ёшларни ҳар хил дин ниқобидаги динга алоқаси бўлмаган террористик гуруҳларга адашиб кириб қолишларининг олдини олади, шунингдек, тарихимизни ҳаққоний ва тўла ёзилишига имкон беради.

Тарихий–танқидийлик ва қиёсий таҳлил тамойили энг қулай усул ҳисобланади. Бу усул тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг нечоғлиқ тўғри ҳамда нотўғрилигини аниқлашга, тарихни ҳаққоний ва тўғри ёзилишига яқиндан ёрдам беради.

Истиқлол туфайли ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ва тарих фани методологиясини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлдик. Ўтган давр ичида Ўзбекистоннинг янги тарихи ёзилди ва тарих фани жадал ривожланмоқда. Бутунлай янги руҳ ва мазмундаги илмий қарашлар пайдо бўлди, ўқув қўлланма ва дарсликлар, тарихий асарлар чоп этилди.

Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб масалалари. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ҳамда ўқитиш борасида бугунги кундаги илмий–тадқиқотларининг кўлами ниҳоятда кенг ва ранг–барангдир. Чунончи, давр тақозоси, замонавий шарт–шароит, талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб бугунги тарихий изланиш ва тадқиқотлар янги асосларда жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳон

цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлиги жаҳон жамиятчилиги томонидан тан олинган ҳолда эътироф этилди. Тарихнинг турли даврларига оид инновациялар ва кашфиётлар, диссертациялар, илмий ишланмалар, фундаментал асарлар – монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари кўринишида ўқув жараёнига жорий этилмоқда.

Тарихий муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг фидокорона меҳнатларини инкор этмаган ҳолда, “Ўзбекистон тарихи” фанининг долзарб муаммолари, ечимини кутаётган мавзулар, баҳс–мунозарали масалалар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунга қадар олиб борилган тарихий тадқиқотлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо, Ўзбекистон тарихининг таркибий ҳамда ёрдамчи қисмлари бўлган археология, этнология, нумизматика ва санъатшунослик, тарихшунослик, манбашунослик ва музейшунослик, тарихий демография, тарихий география, фан тарихи каби соҳаларда тадқиқотларга муҳтож бўлган мавзулар, баҳс–мунозараларга сабаб бўлаётган муаммолар ҳам талайгина.

Бу ўринда фаннинг ҳар қандай йўналишида тадқиқотлар кўлами қанчалик кенгайса, муаммоли масалалар ҳам шунчалик кўпайишини таъкидлаш лозимдир. Дарслик яратиш нуқтаи назаридан барча долзарб муаммоларни санаб ўтишнинг имконияти йўқ. Шунга қарамасдан, ўқувчилар эътибор беришлари керак бўлган айрим масалаларга қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Мутахассис талаблар, яъни тарих йўналиши бўйича таълим олаётган республика олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилаётган “Ўзбекистон тарихи” дасрлиги ҳанузгача яратилмаган.

Ўзбекистон тарихи фанининг таркибий қисмлари бўлган археология, нумизматика, музейшунослик, санъатшунослик, тарихшунослик каби фанлардан ҳам мутахассис талабалар учун тавсия этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш Ўзбекистон тарихини ўқитиш самарадорлигига жуда катта ижобий таъсир кўрсатиш шубҳасиздир.

Юртимиз тарихининг даврлари, тараққиёт босқичлари ва маданий юксалиш жараёнлари ранг–барангдир. Ҳар бир муайян тарихий давр ўз навбатида кўплаб тарихий–маданий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кечган. Хусусан, қадимги даврдан бошлаб юз берган илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиёт босқичлари, ижтимоий–сиёсий тизим ва давлат бошқаруви

этномаданий ва иқтисодий алоқалар, миграция жараёнлари, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги муносабатлар, моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши каби кўплаб жараёнлар бевосита бир–бири билан боғлиқ ҳолда бўлиб ўтган. Улардаги ўзаро боғлиқлик ва ўзига хосликни кўрсатиб бериш ҳам фандаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон тарихи фанининг қадимги ва ўрта асрлар даври бўйича – илк давлатчиликнинг шакллари ва турлари, бошқарув шакллари, унвонлар ва мансаблар, этногенез масалалари, турли даврлардаги миграция жараёнлари, ўрта асрлар шаҳарлари ва бошқа масалалар ҳали кўплаб тадқиқотлар талаб этади.

Масаланинг эътиборли томони шундаки, тарихнинг турли даврлари бўйича мавжуд бўлган долзарб муаммолар юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилиб, уларнинг натижаларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалар орқали ўқув жараёнига жорий этиш “Ўзбекистон тарихи” бўйича таълим олаётган мутахассис талабаларнинг бу фанни янада чуқурроқ ва теранроқ ўзлаштиришлари учун катта имкониятлар яратиши шубҳасиздир.

1.3. Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини даврлаштириш. Жаҳон тарихини даврлаштириш тўғрисидаги назариялар.

Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири қадимги даврлардан бошлаб бир–бирига узвий боғланган бўлиб, Ўзбекистон тарихи минтақа ва жаҳон тарихининг ажралмас қисмидир.

Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида археология, антропология, тарихий этнография, эпиграфика ва нумизматикага оид кашфиётлар туфайли тарихни ҳолисона ёритишга хизмат қиладиган муҳим маълумотлар тўпланди. Улар ўлка тарихининг қадимги босқичларидаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий–сиёсий жараёнлари ҳақида янада тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради. Янги илмий маълумотлар энг қадимги хўжаликлар ва меҳнат қуролилари, хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклларига ўтилиши, ишлаб чиқаришда металлнинг ишлатила бошланиши, айирбошлаш ва савдо–сотик, илк шаҳарлар ва давлатларнинг ташкил топиши ва бошқа тарихий–маданий жараёнлар билан боғланади. Даврлаштириш – инсоният тарихини

ўз хусусиятларга эга, турли белгиларга кўра, бир–биридан ажралиб турган катта даврларга бўлишдир.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихини замон талабларига асосланиб даврлаштириш масаласида олимлар орасида баҳс–мунозаралар давом этмоқда. Мазкур мавзу турли йилларда тадқиқотчилар томонидан кўриб чиқилди (С.П.Толстов, В.М.Массон, Э.В.Ртвеладзе, А.А.Асқаров, Р.Х.Сулаймонов ва бошқ.). Бу муаммо юзасидан, хусусан, қадимги даврлар ва ўрта асрлар тарихини даврлаштиришга оид турли фикр–мулоҳазалар билдирилган. Шу билан бирга жаҳон тарихшунослигида тарихий даврлаштириш масаласига доир тўпланган тажриба, унинг ижобий ва салбий томонлари деярли таҳлил қилинмади. Айниқса, ўтган асрнинг 90–йилларида, тарихий илдизларни билишга табиий интилишдан келиб чиққан айрим муаллифларнинг китобларида тарихни даврлаштириш орқали таърифлаш мезони унутилди.

Мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихни яратиш борасида олиб борилган тадқиқотлар туфайли собиқ совет даври тарихшунослигида устунлик қилган марксча назарияга таянган жамиятни ижтимоий–иқтисодий белгиларга кўра, тарихни даврлаштириш инкор этилди.

Маълумки, марксча ғояларига асосланган жаҳон тарихини тизимли англаш ёндашуви XIX–XX асрлар тарих фани тараққиётига кучли таъсир қилди. Бу ғоя турли халқларнинг бир хил, умумий қонуниятлар таъсиридаги тобора ўсиб борадиган ривожланиши назариясидан келиб чиққан. Инсоният тарихи марксча қарашларида юксалган ижтимоий–иқтисодий формацияларнинг тадрижий алмашуви сифатида баён этилди. Мазкур ғоя, кўп жиҳатдан Европа мамлакатлари тарихига мос келади. Мисол учун, қулдорлик тузуми Қадимги Юнонистон ва Римда, феодализм – Францияда, капитализм – Англияда классик тарзда намоён бўлди. Бироқ, совет даври тарихшунослигида, бу назария жаҳоннинг турли минтақаларида ўз хусусиятларига ва ривожланиш қонуниятига эга тарихий жараёнларни инобатга олинмаган ҳолда, бошқа мамлакатлар ва халқлар тарихига нисбатан умумий қонун тарзда қўлланилди.

Маълумки, ер юзида ҳаёт ва инсониятнинг вужудга келиши ҳақидаги илк тасаввурлар Қадимги Шарқ ва Юнонистон асотириларида ўз аксини топди. Юнон тарихчиси Геродот (мил.авв.484 йилда Кичик Осиёдаги Галикарнасс шаҳрида

туғилган, мил.авв.431–425 йиллар ўртасида вафот этган) Қадимги Шарқ халқлари ва юнон–форс урушлари тарихини ёритиб, ахамонийлар сулоласи подшолари (Кир II, Камбиз, Доро I, Ксеркс) ҳукмронлиги йиллари санасининг изчилигида воқеаларни баён этган. Муаллиф дунёда машҳур тарихий асарлардан бири “Тарих” китобини ёзишда, тарихий, географик ва этнография материалларидан кенг фойдаланган. Геродот 10 йил давомида Олд Осиё, Миср, Оссурия, Бобил, Эрон ва Қора денгизнинг шимолий соҳилларига саёхат қилиб кўпдан–кўп тарихий маълумотлар тўплаган. Юнон–рим тарихчилари ва файласуфлари тарихий воқеалар ва далилларни тизимли баён этиш услубини яратдилар. Қадимги Рим файласуфи ва шоири Лукреций Кар (мил.авв.99–55 йиллар) инсоният тарихини илк бор уч даврга ажратди – бу тош, мис ва темир даврлардир.

XV–XVI асрларда Италияда *medium aevum*, яъни “ўрта асрлар” атамаси пайдо бўлиб, XVII–XVIII асрлар тарихшунослигида “қадимги дунё”, “ўрта асрлар ” ва “янги давр” тарихи тушунчалари ўрин топди. Мазкур давр тарихчилари қадимги –антик даври тарихини маданий юксалиш сифатида таърифладилар. Шунингдек тарихни “қадимги дунё”, “ўрта асрлар” ва “янги давр”га ажратиб ўрганиш, муайян маънога эга эмас, бу даврлаштириш тарихий материалларнинг фарқланишини акс эттиради холос, деган ғоя илгари сурилди.

XVIII асрда шотланд олими А.Фергюсон жаҳон тарихини “ёввойилик”, “варварлик” ва “цивилизация” босқичларига ажратди. Римлик Лукреций Кар ғояси изидан борган даниялик қадимшунос К.Ю.Томсен XIX асрнинг 30–йилларида турли ёдгорликларда топилган археологик материалларни тош, бронза ва темир даврларга ажратиб берди. Бу “уч асрлик” даврлаштириш тизимидан фойдаланган швед олими С.Нильсон археология ва этнография маълумотларини қиёслаб, инсоният тарихида “ёввойи” босқичи, номадизм (кўчманчи чорвачилик), зироатчилик даври ва цивилизация босқичи намоён бўлган деб ўз нуқтаи назарини баён этган.

1870–йилларда америкалик этнограф–олим Л.Г.Морган асарларида ижтимоий–иқтисодий белгиларга асосланган даврлаштириш тизими таклиф қилинди. Л.Морган инсоният тарихидаги “ёввойилик, варварлик ва цивилизация” даврларини алоҳида босқичларга бўлади: ўзлаштирувчи хўжаликлар –

термачилик, овчилик ва балиқчиликнинг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи хўжаликлар – деҳқончилик ва чорвачиликнинг тараққий этиши, темирни кашф қилишини – даврлаштиришнинг юқори нуқтаси сифатида эътироф этилди. Морган ибтидоий жамоа тузуми асосини уруғ ташкил этган, у матриархат ва патриархат даврларидан иборат бўлган, ибтидоий жамият иқтисодиётни жамоатчилик мулкчилигига таянган ва бу ҳолат (жамоатчилик тамойиллари) инсоннинг ижтимоий ҳаёти томонларини белгилаб берган деган фикр–хулосаларни ўртага ташлаган. Тадқиқотчи уруғчилик жамоаси даврида умумий турмуш тарзи, меҳнат қуроллари ва хўжалиги ҳамда умумий манфаатлар жиҳатдан одамлар гуруҳларининг бирлашгани ҳақидаги қарашларни биринчи бор фанга киритган.

XIX асрда инсоният тарихини ҳар томонлама ривожланган ижтимоий ва маданий комплекслар (мажмуалар) – цивилизациялар белгилаб бериши тўғрисида концепция шаклланган. Шунингдек, турли минтақалардаги жамиятлар тараққиётига географик муҳитнинг таъсири, табиат шароитининг хилма–хиллиги туфайли инсон маданияти умумий тарихий қонуният асосида тараққий топмагани каби ғоялар пайдо бўлди.

Собиқ совет даври тарихшунослигида умумжаҳон–тарихий жараёнларнинг бирёклама ривожланиши тан олиниб, маданий–тарихий концепция, цивилизация ёндашувидан фойдаланишга марксча назария тўсиқ бўлиб турди. Бу назария мазмунида ижтимоий синфларнинг вужудга келиши, ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти, қарама–қарши синфлар ўртасидаги доимий зиддиятлар ва курашлар ҳақидаги ғоялар катта ўрин топган эди.


Бир неча юз минг йилларни ўз ичига олган энг қадимги тарихни даврлаштириш ҳақида фанда ягона фикр йўқ. Европа ва Осиё ҳудудларида тарихий ва маданий жараёнлар ривожланишнинг нотексиллиги, айниқса, турли даврларда моддий маданиятдаги ўзгаришларнинг бир–бирига мос келмаслиги сабабли, айрим ҳудудларга тегишли сана ва даврлаштириш бир–биридан фарқланади.

Меҳнат қуроллари ва ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва уларнинг хом ашё ҳамда ишлаб чиқариш техникаси изчил ўзгаришига асосланган қадимги тарихнинг даврларга бўлиниши ва санаси тизимидан, яъни

археологик даврлаштиришдан фойдаланиш кенг қўлланилади. Умумий кўринишда булар тош даври (палеолит, мезолит, неолит), мистош даври (энеолит), бронза асри ва темир давридир.

Археологик даврлаштириш Ер тарихининг геологик даврлари билан солиштирган ҳолда, плейстоцен—музлик даври арафаси ва музлик даври, голоцен—музлик чекинишидан сўнг даврлар ажратилиб, улар Қадимги Шарқда мил. авв. IV минг йиликка қадар ибтидоий жамият тарихига тўғри келади. Совет даврида Л.Г.Морган даврлаштириш тизими рад этилди деб эълон қилинган бўлса—да, унинг кўп жиҳатларидан фойдаланилди. Ибтидоий тарихининг илк босқичи “ибтидоий тўда”, иккинчи босқичи — “ибтидоий уруғ жамоаси” ва сўнгги босқичи — “ҳарбий демократия” даври деб аташ расм бўлди (С.П.Толстов, М.О.Косвен, А.М.Хазанов ва бошқ.).

Ўрта Осиё қадимги тарихини даврлаштириш шартли равишда қуйидагича намоён бўлади:



Тош даври инсоният тарихида энг узоқ давом этган замон бўлиб, моддий манбалар ва археологик ёдгорликлар топилган жойлар номига қараб, алоҳида босқичлар ва маданиятларга бўлинади. Қадимги тош даври – палеолит тарихи билан антропогенез – одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муаммоси боғланади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон тарихини ўрганишда археологик даврлаштириш муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, қадимги ва ўрта асрлар тарихни даврлаштириш масаласида тарихий–маданий тараққиётнинг ижтимоий–иқтисодий омилларига асосий эътиборини қаратиш ғоялари пайдо бўлди. Сўнгги йилларда Ўрта Осиё халқлари тарихининг янги даврлаштириш масаласи ўртага ташланди ва талабаларга тақдим этилган ўқув қўлланма ҳамда умумлашма тадқиқотда баён этилди (А.А.Асқаров). Мазкур даврлаштириш тизими эътиборга молик, у атама ва тушунчалар нуқтаи назаридан аввалги йилларда фанда эътироф этилган “ибтидоий тўда даври”, “ибтидоий уруғчилик жамоаси”, “матриархат”, “патриархат”, “ҳарбий демократия”, “ўрта асрлар” ва “феодал жамияти” каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Бу даврлаштиришнинг биринчи даври – Ўзбекистонда “Ибтидоий тўда даври”, иккинчиси – “Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгаллигининг шаклланиш даври” (бундан 40 минг йил аввал то милодий III–IV асрларгача), учинчиси – “Илк ўрта асрлар”, тўртинчиси – “Ўрта асрлар даври” деб аталган.

Иккинчи давр уч босқичга бўлинган: уруғчилик жамоасининг матриархат, патриархат ва ҳарбий демократия босқичлари. Мазкур даврлаштириш муаллифининг нуқтаи назарига кўра, “Жамият мафкуравий асосини дастлаб табиат ҳодисаларига сиғиниш: тотемистик, анимистик, сеҳргарлик (матриархат), оташпарастилик диний қарашлар (патриархат), сўнг (ҳарбий демократия босқичида) эса зардуштийлик ва буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм ташкил этади”. Шунингдек, “Ўрта Осиё шароитида дастлабки синфий жамиятнинг шаклланиши арафасида асосий ҳаракатланувчи кучлари эркин деҳқон жамоалари—кашоварзлар, озод шаҳар хунармандлари—озодкорлар ва савдо–сотик жамоалари – гувакорлардан иборат эди”, ҳарбий демократия босқичидан аввал, патриархал уруғ жамоаси босқичида “жамиятнинг эркин деҳқон

жамоаларига (кашоварзлар, озодлар ва гувакарларга) тегишли хусусий мулк шакллана бошлайди”, деб баён этилади ёки бошқа жойда: “қишлоқ жамоаларини кадхудотлар, яъни виспатилар бошқарган”, “Ўрта Осиё илк ўрта асрлар (V—VIII) даврининг деҳқонзодлар тоифасини, яъни катта мулк эгаларини Оврупа феодаллари билан қиёслаш мумкин” деган фикр–хулосалар илгари сурилади.

Албатта, бундай қарашлар Олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва талабаларининг нафақат қизиқишларига, балки айрим саволларига ҳам сабаб бўлади. Мисол тариқасида, “Нима учун Ўрта Осиёда милодий IV асргача “ҳарбий демократия” тизими ривож топган? Қайси сабабларга кўра, хусусан бронза даврида кадхудат, кашоварз, озодкор, гувакорлар каби ижтимоий гуруҳлар вужудга келган? – деган саволлар шулар жумласидандир.

Мазкур даврлаштириш изоҳларига оид буддавийлик, монийлик ва насронийликнинг Ўрта Осиёда тарқалиши йил санасини ҳисобга олган ҳолда, минтақа ҳудудида III— IV асрларга қадар “ҳарбий демократия” устунлик қилган — деган хулоса турган гап, чунки юқори сатрларда тилга олинган диний таълимотлар хусусан ҳарбий демократия босқичда минтақа ҳудудларида ёйилиши ҳақида сўз юритилади. Аслида “ҳарбий демократия” тизимини мил.авв. IX—VIII ва VII-VI асрларга оид Ўрта Осиёнинг дашт чорвадорлар-кўчманчи қабилалар жамияти билан қиёслаш мумкин. Бу саналардан анча аввал минтақанинг жанубида, Марғиёна-Бактрия маданияти мисолида илк цивилизация вужудга келган.(У шартли равишда Окс, яъни Амударё цивилизацияси деб аталади).

Иккинчидан, “синфий жамиятнинг шаклланиши арафасида” деганда Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатчилик тузумига ўтиш даври, яъни бронза асри назарда тутилганга ўхшайди. Бироқ, минтақанинг илк ўрта асрлар тарихига тегишли ижтимоий гуруҳларини (кашоварз, озодкор, гувакор, кадхудот) хронологик даврий ва мазмуни жиҳатдан бронза, илк темир асри ва антик даври жамияти таркибини белгилаб берувчи тарихий атамалар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ кўриниб турибди. Ўрта Осиё бронза даври тарихига оид ёзма манбалар аниқланмаган. “Авесто”да ва антик даври Хоразм, Сўғд, Бактрия, Парфия ёзувлари намуналарида, жумладан тангаларда, ижтимоий ва бошқарув тизимига доир махсус тушунчалар мавжуд, шу боис

уларни илк ўрта асрлар тарихига оид атамаларга алмаштириш зарурияти йўқ.

Ўрта Осиё илк ўрта асрлар ижтимоий–иқтисодий муносабатларини (мулкчилик, ер эгаллиги, мулкдорлар аҳволи, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқалари) Европа илк ўрта асрлар жамияти билан қиёслаганда қуйидаги ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга:

– Ўрта Осиёга нисбатан Ғарбий Европада илк ўрта асрлар узок давр мобайнида ривожланган (V аср охири–XI аср ўрталари);

– Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатлари илк ўрта асрларда тараққиёт жиҳатдан Ўрта Осиёдан орқада қолган, мисол учун, франклар жамиятида хусусий–оилавий ер эгаллиги VI асрда шакллана бошлаган;

– илк ўрта асрларда Ғарбий Европада шаҳарлар маданияти ривожланмаган (Франция, Англия ва Германияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши жараёни X–XI асрда бошланади), хўжалик шакллари ва ҳунармандчилик натурал аҳамиятга эга бўлиб, савдо–сотик ва товар–пул муносабатлари суут тараққий топган, ҳунармандчилик эса қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқмаган;

– феодализм классик тарзда намоён бўлган Францияда VIII аср охиридан бошлаб ҳосилдор ерларнинг асосий қисми (шунингдек, ўтлоқлар, қўллар) қирол, черков ва феодаллар қўлига ўтади, деҳқонлар улардан қарам бўлиб, оғир мажбуриятларни бажарганлар.

Ўрта Осиёда тарихий воқелик, жумладан ижтимоий–иқтисодий муносабатлар ер, мулк эгаллиги ҳам мутлақ бошқа бўлган, шу сабабли, минтақа ўрта асрлар тарихига формацияли ёндашувдан келиб чиққан “феодализм”, “феодал жамияти” тўғри келмайди.


Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон қадимги давр ва ўрта асрлар тарихини даврлаштиришда хануз инкор этилмаган археологик даврлаштириш, қабул қилинган атамалар (палеолит, мезолит, неолит, бронза даври, илк темир асри, антик даври, илк ўрта асрлар, ривожланган ўрта асрлар) ҳамда этник ва сиёсий, сулолавий белгиларга асосланган (аҳамонийлар, салавкийлар, юнон–бақтрия, юечжи–кушонлар, афригийлар, эфталийлар, қорахонийлар, ануштегинлар ва х.к.) даврлаштириш тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тарихий даврлаштиришнинг бошқа

вариантлари кўп жиҳатдан уларнинг муаллифларини шахсий фикрлари ва қарашларидан келиб чиқиб, хануз фанда эътироф этилмаган. Мазкур ҳолат юқорида қисқа таҳлил қилинган даврлаштириш тизими мазмунидаги камчиликлар билан узвий боғлиқдир.

1.4. Манбашунослик ва тарихшунослик масалалари

Ўзбекистон тарихини ўрганишда манбаларнинг ўрни ва аҳамияти беҳад катта. Улар халқимизнинг маданий–тарихий бойлиги ҳисобланиб, махсус архивларда, кутубхона ва музейларда авайлаб, эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Халқ оғзаки ижоди орқали авлоддан–авлодга тилларга мерос бўлиб ўтиб келаётган тарихий воқеа ва ходисалар баёни, номоддий маданият асосида бизагача етиб келмоқда. Бинобарин, айнан тарихий манба ва ёдгорликлар орқалигина тарихни ёритиш – тарихий маълумотларни ва далилларни олиш, уларни қиёслаш ва умумлаштириш, тарихий–маданий жараёнлар ҳамда воқеа–ходисаларнинг сабаблари ва оқибатларини, мазмун–моҳиятини таҳлил қилиш, асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш имкониятлари кенгайди. Оддийроқ қилиб айтганда, маълум манбалар ва уларни умумлаштирмасдан туриб ҳаққоний тарихни яратиш мумкин эмас.

Археологик ёдгорликлар ва моддий манбалар турлари



Тарихий манбалар давр нуқтаи назаридан қадимий ва жорий (кундалик) аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, улар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра бирламчи ва иккиламчи аҳамият мақомига ҳам эгадирлар. Бирламчи манбага тарихий ҳужжатларнинг асл нусхаси киради. Иккиламчи манба деб эса, бирламчи манбаларнинг эълон қилинган нусхалари, мақола ва китоб ҳолатига келтирилганларига айтилади.

Тарихий манба деб узоқ ўтмишдан қолган инсониятнинг табиат ва жамиятнинг маълум тараққиёт босқичидаги кечмишини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликларга айтилади. Моддий ёдгорликлар туркумига қадимги манзилгоҳ ва мозорлар, шаҳарлар, қишлоқлар ҳамда қалъаларнинг харобалари, ўша жойлардан топилган ишлаб чиқариш, уй–рўзғор, зеб–зийнат буюмлари, қадимий суғориш иншоотларининг қолдиқлари, олтин, кумуш ва мис танганлар, шунингдек, қадимги одамлар ва ҳайвонларнинг қоя тошларга ўйиб ишланган суратлари, умуман тош ва бошқа буюмларга ўйиб ёзилган ёзувлар киради. Маънавий ёдгорликлар туркумига эса, узоқ ўтмишдан қолган кўлёмза асарлар ҳамда одамларнинг турмуши ва урф–одатларини ўзида акс эттирувчи материаллар, шунингдек кишиларининг онгида сақланиб қолган урф–одатлар ва анъаналар киради.

Тарихий манбаларни умумий табиати, ўтмишни ўзида акс эттиришига қараб қуйидаги беш асосий туркумга бўлиш мумкин:

1. Моддий ёки археологик манбалар. Маълумки, энг қадимги давр тарихининг ўзига хос хусусияти, инсоният тарихида энг узоқ давом этишига қарамай, у ёзма манбалар орқали ёритилмаганлигидадир. Одамзотнинг узоқ ўтмишидан дарак берувчи асосий маълумотлар – моддий (ашёвий) манбалар бўлиб, уларининг барчасини одамлар яратган ва улар инсон ҳаёти ҳамда фаолиятида муҳим ўрин топган. Моддий манбаларнинг кўпи ер остида археологик ёдгорликларнинг маданий қатламларида сақланади ва улар археологик қазув ишлари орқали топиб текширилади.

Моддий ашёвий манбаларга тош, суяк, металлдан ишланган меҳнат ҳамда жанг қуроллари, кўлда ва чархда ясалган сопол идишлар, кулолчилик буюмлари – урчуқ боши, сопол чироқ ҳамда қадимий зеб–зийнатлар, санъат буюмлари, танга пуллар ва бошқа топилмалар киради. Моддий манбалар ёзувсиз замонлардаги

тарихимизни тиклаш учун улкан аҳамият касб этади. Улар археологик ёдгорликлар – одамлар яшаган жойлар, энг қадимги манзилгоҳлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари, қоятош суратлари, ҳунармандчилик устахоналари, истехкомлар, ибодатхоналар, қадимги суғориш иншоотлари, ишлаб чиқариш учун хомашё қазиб олинган конлар ўрганилиши натижасида топилади.

2. Этнографик манбалар. Этнография сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, “*этнос*” – халқ, “*гранхо*” – ёзаман, халқ ҳақидаги маълумотлар, халқшунослик деган маънони билдиради.

Халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган маълумотлар, масалан, халқ, қабила ва уруғ номлари, инсон кўли, ақл–заковати билан яратилган қурол ва буюмларнинг, нақш ва безакларинг, кишилар онгида, шунингдек оғзаки ва ёзма адабиётда сақланиб қолган маълумотлар (анъаналар, урф–одатлар), кишиларнинг турмуш тарзи этнографик манба ҳисобланади.

3. Лингвистик манбалар. Лотинча “*лингва*” – тил сўзидан олинган. Тилимиздаги, унинг лексик таркибида узок ўтмишдан қолган ижтимоий–иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий атамалар: *чокар* (илк ўрта асрларда катта ер эгасининг молу жонини кўриқлаб, уни ички ва ташқи ёвлардан муҳофаза қилган), *кашоварз* (қишлоқ жамоаларининг оддий меҳнаткаш аъзоси), *кадивар* (катта ер эгаларига қарам бўлиб қолган қишлоқнинг зироаткор аҳолиси); *вағзе* (ибодатхона тасарруфудаги ерлар) ва бошқ.; жой, халқ, қабила ва уруғ номлари: *Дўрмон*, *Кўнгирот*, *Мангит*, *Жалоир*, *Қатагон*, *Минглар*, *Чигатой* ва бошқалар кўп учрайди. Шу ва шунга ўхшаш терминлар шубҳасиз қимматли тарихий материал бўлиб, узок ўтмишдаги аждодларимизнинг ижтимоий–сиёсий ҳаётини ўрганишда ёрдам беради. Уларнинг келиб чиқиши ва этимологиясини лингвистика фани ўрганади.

4. Халқ оғзаки адабиёти. Оғзаки адабиёт маданиятнинг энг қадимги соҳаларидан бўлиб, унинг илдизи қадим замонларга бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим намуналари қадимги юнон тарихчилари, шунингдек, Шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Кайковус, Жамшид ва Сиёвуш, Тумарис ва Широқ ҳақидаги қиссалар шулар жумласидандир. “Алпомиш”, “Гўр ўғли” каби дostonлар, шунингдек, халқ эртаклари, маросим кўшиқлари, матал ва топишмоқларнинг ўз даври ижтимоий муносабатлари тарихини ўрганишдаги ўрни беқиёсдир. Ёзма адабиётдан аввал пайдо бўлган бу халқ дурдоналари турли

ижтимоий табақага мансуб кишиларнинг турмуши, маънавий кифоати, урф-одати, шу даврда ҳукм сурган ижтимоий муносабатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

5. Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий тури бўлиб, улар инсоннинг ижтимоий фаолияти, ўзаро муносабатлари натижаси ўлароқ яратилган ва ўша замонларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Уларга эпиграфик ёдгорликлар, яъни, тош, металл, суяк, ёғоч, чарм ва сополга битилган ёзувлар, «Авесто», миххат ёзувлар, қадимги ва ўрта асрлар муаллифларининг асарлари пергамент ва қоғозлардаги қўлёзмалар, ўрта асрлар бинолари ва қабр тошларидаги ёзувлар киради.

Ёзма манбалар ўз навбатида икки турга бўлинади: 1) Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрликлар, фармонлар, иноятномалар ва бошқ.), молиявий ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар. 2) Тарихий, геокосмографик ҳамда библиографик асарлар.

Тарихий манбаларни ўрганишнинг ўзи тарих фанининг махсус соҳаси бўлиб, мазкур фаннинг ривожланиши ва тарих ёзилишида катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда манбашунослик фани кенг ривожланмоқда. У юқорида кўрсатилган методологик илмий-назарий усулларга таянади.

Манбашунослик фани асосан тарихий манбаларни ўрганиш билан машғул бўлиб, манбаларнинг қимматини, ҳақиқий ва ҳақиқий эмаслигини аниқлаш билан бирга уларни туркумларга ажратади. Тарихий манбаларни аниқлаш ва саралаш, уларнинг илмий қимматини белгилаш, таҳлил қилиш ва яратилиш тарихи, шарт-шароитини ўрганиш каби соҳаларга бўлинади.

Манбалар тарихий жараён ва воқеликларнинг ўзида акс эттирган бўлиб, тарихийликнинг инъикоси бўлмоғи керак. Мана шунда уларнинг тарихий аҳамияти ва тарихий эканлиги юқори бўлиб, тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишига яқиндан ёрдам беради.

Минглаб йиллар давомида яратилган ушбу тарихни ўқитиш ва ўрганишда ёрдамчи фанларнинг аҳамияти бекиёсдир. Чунончи, Ўзбекистон тарихини ўрганишда тарих фанининг палеография, эпиграфика, нумизматика, геральдика, сфрагистика, дипломатика,

хронология, метрология каби ёрдамчи фанлари кўлга киритган ютуқларга таянилади.

Палеография (юнон. *палайос* – қадимги, *гранхо* – ёзаман; қадимий ёзув) қадимий кўлёзма асарларнинг қоғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усулларини текширади.

Эпиграфика (юнон. *эпи* – устида, тепасида, *гранхо* – ёзаман; бирон нарса, буюм устидаги ёзув) тош, металл буюмлар, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганади.

Нумизматика (юнон. *нумус* – пул) қадимий пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Геральдика (лотин. *геральд* – герб, белги, нишон) қадимий герблар, турли-туман нишон ва белгиларни ўрганади.

Сфрагистика (юнон. *спрагис* – муҳр) қадимий муҳрлар ва уларнинг ёзувларини ўрганади.

Дипломатика (юнон. *диплома* – икки букланган қоғоз; хужжат) расмий хужжатларни ўрганади ва таҳлил қилади.

Хронология (юнон. *хронос* – вақт, *логос* – тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча) қадимги халқлар орасидаги ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ва тақвимини ўрганувчи фан.

Метрология (юнон. *метрон* – ўлчов, *логос* – тушунча, билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакатлар ва халқлар орасида амалда бўлган масофа, оғирлик ва сатҳ ўлчов бирликларини ўрганади.

Мавжуд ўқув кўлланмалари ва дарсликларнинг аксариятида ёритилаётган мавзунинг **тарихшунослиги** берилмайди. Мутахассис талабалар учун яратилаётган дарсликларда қисқача, экскурс тарзида маълум давр, мавзу ва муаммо бўйича тарихшунослик ёритиб берилса, келажакда тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин бўлган иқтидорли ёшларимиз учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Шунингдек, тарихшуносликдан бохабар бўлиш – ёш олимларнинг истиқболли ва долзарб мавзуларни танлашлари учун катта аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон тарихи” фани бўйича ўқув адабиётлари яратишда **тарихий география** ва **топонимика** масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Мактаб ва ўрта махсус таълим учун яратилган айрим дарсликларда ҳариталар берилган бўлсада, олий таълим адабиётларида бу нарса деярли йўқ ҳисоби. Тарихий география ва топонимика билан боғлиқ бўлган – тоғлар,

дарёлар, кўллар, дашт ҳудудлари, текисликлар, воҳа ва водийлар, қадимги маконларнинг жойлашуви, ҳудудларнинг чегаралари, жой номлари ҳамда уларнинг мазмун – моҳияти, келиб чиқиши каби кўплаб масалалар бўйича маълумотлар олиш талабалар билимининг янада чуқурлашувига кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, географик номлар, уларнинг маълум ҳалқлар ва элатлар яшайдиган ҳудудларда пайдо бўлганлиги, бу жараён табиий – географик шарт – шароит, ҳўжалик шакли, турмуш – тарзи, урф – одат ва анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги боис ҳам соҳа мутахассислари тор йўналишли тадқиқотиларда тарихий география ва топонимикани четлаб ўтолмайдилар.

Тарихни ўрганишда лозим бўлган яна бир муҳим жихат – **маданий мерос ва маънавият** масаласидир. Ўз тарихини чуқур англаган, ўрганган ва билган ҳалқ ёки миллат ҳеч қачон ўзлигини йўқотмаслиги барчага аён. Истиклол йилларида ҳалқимизнинг қадриятлари, урф–одатлари, маросимлари ва байрамлари, оғзаки ижоди анъаналарини қайта тиклаш ва тарғиб этишга замин яратилди. Тарихий–маданий меросни ўрганиш ёшларимизда тарихий онгнинг ривожланишига, ўз аجدодларининг қандай бунёдкор бўлганлигини, ҳалқимиз маданиятнинг жаҳон цивилизацияда тутган ўрнини англаб етишларида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳудудларида содир бўлган тарихий–маданий, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, турли даврларда юз берган маданий юксалиш ва инқироз ҳолатлари, босқинчиларга қарши озодлик курашлари, эзгулик ва бунёдкорликка интилиши, бу юртда буюк алломалар фаолияти Ўзбекистоннинг ўзига хос серқирра ва ранг–баранг тарихидан далолат беради. Айнан шунинг учун ҳам бу тарих энг қадимги даврлардан бошлаб минглаб йиллар давомида аждодларимиз ва ҳалқимиз тарихи сифатида ўрганилиб, ўзига хос тарихшунослик йўналишига эга.

Умуман олганда, “тарихшунослик” атамаси қуйидаги маънода муҳим масалаларни ўрганишда қўлланиши мумкин:

1. Мамлакатлар, тарихий–маданий вилоятлар, элатлар, ҳалқлар, сулолалар тарихи тарихшунослиги.
2. Маълум бир тарихий давр тарихшунослиги (масалан: тош даври, бронза ва темир асри, ўрта асрлар).
3. Тарихий–маданий, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, тарихшунослиги, алоҳида илмий мауммолар,

мавзуларнинг ўрганилиши тарихи (тарихий цивилизациялар ва шаҳарлар, этногенез масалалари, маданий алоқалар ва қадимги йўллар, дипломатия ва халқаро муносабатлар, меъморчилик ва тасвирий санъат, ёзув маданияти ва бошқ.).

Ўрта Осиёнинг қадимги ҳамда ўрта асрлар тарихи ва маданиятига оид қуйидаги манбалар мавжуд:

1. “Авесто”, қадимги форс битиклари, юнон–рим тарихчилари ва географларнинг Ўрта Осиё халқлари ҳақидаги маълумотлари (Гекатей, Геродот, Диодор, Страбон, Квинт Курций Руф, Арриан, Помпей Трог, Плиний, Тацит ва бошқ.).

2. Антик даври хоразм ёзув намуналари ва ҳужжатлари, бақтрия–юнон, бақтрия–кушон ва суғд ёзувлари ҳамда тангалрдаги ёзувлар.

3. Илк ўрта асрлар муаллифларининг хабарлари (византиялик Приск Панийский, Прокопий Кесарийский, Менандр Протектор, Стефан Византийский, Сурия ҳужжатлари, арман ва хитой манбалари, хоразм ёзувлари, Муғ тоғи суғд ҳужжатлари ва бошқ.).

4. Ўрта Осиё ривожланган ўрта асрлар даври тарихига доир асарлар (Табарий, Фирдавсий, Наршахий, Беруний, ибн Хавқал, Мақдисий, Истахрий, Балазурий, ибн Фадлан, Байҳакий, ибн Хурдодбех ва бошқ.).

5. Мовароуннаҳрда муғуллар ҳукмронлиги даври ҳақида маълумотлар берувчи манбалар (Жувайний, Рашидиддин, Жалол ал–Қарший, Ҳамидуллоҳ Қазвиний ва бошқ.).

Бугунги кунга келиб тарихшунослик ва манбашунослик махсус фанлар сифатида тўла шаклланди.

1.5. Президент И.А.Каримов тарихни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида

Бой маданият ва бебаҳо маънавиятига эга ўзбек халқи ўзининг қадимги тарихий ўтмиши билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги йилларида тарихни ўрганиш ва ёритиш, тарихий–маданий меросга муносабат тубдан ўзгарди.

Ҳаққоний ёзилган Ватан тарихини ўрганиш ва ўқитиш шунинг учун ҳам керакки, у сохта тарихий тушунча ва тарихий хотирасизликка барҳам беради, миллий ғоянинг такомиллашувини тезлаштиради. Тарихни мукамал билиш, унинг мазмун ва моҳияти

ҳамда фалсафасини теран англаш миллат учун юксак фазилат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг жамият ижтимоий ҳаётида тарихнинг беқиёс аҳамияти ҳақидаги, асл манбалар ва далилларга таянган тарихни яратиш борасида илгари сурган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Тарих – миллат кўзгуси”, “Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон”, “Халқимизни тарих билан қурролантириш зарур”, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади” каби кўплаб асосли ва долзарб аҳамиятга молик ғоялари республика тарихчи олимларини янгидан–янги илмий тадқиқотларга даъват этаётганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Миллий мафқурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди”.

Тарих ибрат мактаби, ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни англамоқ ва уларни яна такрорлаб қўймасликка чорловчи, хўшёрликка, ташқи ва ички фитналарга учмасликка, миллий бирлик ҳамжиҳатликка ундовчи кўзгу мактабидир. Айнан шунинг учун ҳам холисона тарихни ўрганиш ва яратиш масалага Президент И.А.Каримов ўз асарлари ва нутқларида алоҳида эътибор қаратди.

Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг тарихни тадқиқ этиш ҳамда ўрганиш борасида долзарб илмий–методологик аҳамиятга эга ишланмаларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Булар қуйидагилардир: “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992), “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” (1992), “Истиқлол ва маънавият” (1994), “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998), “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” (1999), “Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат қилсин” (1999), “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” (2011) ва бошқ.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ эълон этилган асарлари ва нутқларида тарих фани ва методологиясини янгилашга бевосита дахлдор бўлган бир қатор илмий–назарий, ғоявий ва фалсафий–тарихий асослар ҳамда тамойиллар мажмуи шакллантирилди. Президент И.А.Каримов ташаббуси билан ёшларни бой тарихий–маданий

мерос, миллий қадриятлар, ахлоқий ва ватанправарлик ғоялари мисолида тарбиялаш муҳим вазифага айланди. Ўтмишдан мерос қолган номақбул, зарарли ходисалардан қутулиш, унинг олижаноб, илғор анъаналарини, тўпланган умумбашарий қадриятларни эса янада кўпайтириш, шу билан бирга ўтмишдаги хатоларни қайтармаслик тўлалигича бизнинг вазифамиздир. Бунда холисона, аниқ тарихий ёндашув жуда муҳимдир.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон тарихи фанини қайта кўриб чиқиш масалалари амалга оширилди. Бу борада мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан “Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши (1996 йили, 18 сентябрь), “Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр қилиш тўғрисида”ги Қарор (1996 йил 16 декабрь) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарор (1998 йили, 26 июнь) долзарб аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этилиши натижасида “Ўзбекистоннинг янги тарихи” деб номланган уч жилдан иборат китоб чоп этилди (2000 йил). Унинг биринчи ва иккинчи жилларида мустамлака даври тарихига дастлаб холис, ҳаққоний баҳо берилди. Учинчи жилда илк бор мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиш даври (1991–2000) ёритилди. Ўзбекистоннинг янги тарихи китобининг чоп этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистонда буюк алломалар, мутафакирлар, Ватан равнақи ва гуллаб-яшнаш учун катта хизмат кўрсатган, озодлик йўлида босқинчиларга қарши курашган тарихий шахслар ва Ўзбекистоннинг бетакрор цивилизация учоқлари – қадимий шаҳарларнинг юбилейлари амалга оширилиб, тарихий–маданий меросга доир бундай бунёдкорлик ёндашув жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Президент Ислам Каримов жаҳон цивилизацияси учоқлари Ўзбекистон тарихий шаҳарлари аҳамиятини шундай баҳолайди: “Қадимги маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм–фан, таълим–тарбия соҳалари, хунармандчилик ва савдо–сотик кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилди. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия,

геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган”.¹ Мамлакатимиз Президенти аждодларимизнинг бебаҳо меросини ёш авлодни миллий ва умуминсоний руҳида тарбиялашда даҳлдор маънавий хазина деб, унинг замонавий жамиятимиз ривожигаги ўрни ва аҳамиятини батафсил очиб берди.²

Президент И.А.Каримов илгари сурган тарих фани ва унинг методологиясига оид ғоя, таълимот, назария, талаб ва тамойиллар ўзининг салмоғи, теран мазмуни, моҳияти билан долзарб илмий–назарий аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Тарих, меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, яъни, дарсликлардан тортиб оддий китобларгача ҳаммасида ҳақиқат ёзилиш шарт. Бу бизнинг ота–боболаримиз руҳи олдидаги қарзимиздир”. Зеро, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”.

Президент асарларида илгари сурилган тарих ва маданият, миллий қадриятлар ва эзгу анъаналарига доир тамойиллар истиқлол даврида жамият, миллат ва илм–фан учун зарурий эҳтиёжга айланди. Ислом Каримов давр талабига кўра, тарих фани ва унинг методологиясига оид, миллат ва Ватан тақдирига даҳлдор таълимотни ҳаётга тадбиқ этди. Ислом Каримовнинг асарларида олға сурилган тарих, тарих фани ва унинг методологиясига оид илмий–назарий масалалар, тамойил ва янгича ёндашувлар хилма–хил бўлиб, истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихи фани янгидан шаклланиши ва ривожланишида етакчилик вазифасини бажармоқда. Тарихий муаммоларни холис ва ҳаққоний ёритиб беришга янада кўпроқ эътибор қаратиш масаласига доир Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай дейди: “Шуни эсда тутиш керакки, тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ”³

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99 сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. / Халқ сўзи, 2014, 3 октябрь.

² “Аждодларимиз бебаҳо мероси – адабиётга даҳлдор маънавий хазинадир”. Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафакирларнинг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. / Халқ сўзи, 2014 йил, 16 май.

³ Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқи / Халқ сўзи, 2015 йил, 13 январь.

Президент Ислам Каримовнинг тарихга оид фикрлардан намуналар:

– тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди;

– инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир;

– сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиш шарт;

– миллий ғояни шакллантиришдаги энг катта манба – ҳаққоний ёзилган тарих;

– тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак;

– миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак;

– ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ–чучугини билиш керак экан;

– тарих – бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хулосалар чиқариш учун хизмат қилади.

1.6. Марказий Осиёда тарихий–маданий меросга муносабат. Замонавий муаммолар ва айрим ёндашувлар.

Талабалар тарихий адабиётларда ва электрон оммавий ахборот воситалари сайтларидаги қадимги давр ва ўрта асрлар тарихига доир маълумотларни ўрганиш пайтида, илмий таҳлил услубига асосланмаган ва миллий эҳтиросларга берилган айрим нашрларга дуч келиши табиийдир. Ўтган асрнинг 90–йиллари мобайнида ҳамда XXI аср бошларида тарихни бўяб кўрсатиш ва ўтмиш воқеаларини ҳаддан ортиқ идеаллаштириш, Марказий Осиё халқларининг қадимги ва ўрта асрлар тарихини афсоналаштириш анъанаси яққол намоён бўлди. Бундай ёндашувлар нафақат тарих ҳаваскорлари, балки илмий даража ва унвонларга эга муаллифларнинг рисола ва китобларида ифодаланган.

Ҳар бир халқнинг ўз тарихини ўрганишга интилиши, унинг ибтидосига мурожаат қилиши — бу табиий жараён. Тарихнинг хусусияти, аҳамияти шундан иборатки, у ўтмишдан сабоқ бериб, умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавият тимсолида бунёдкорликка интилишни тарбиялайди.

Ҳар бир инсон ўз халқи тарихини билиши ва ўзга халқлар ўтмиши ва маданиятига ҳурмат кўзи билан қараши лозим. Шу нуқтаи назардан минтақавий ҳамжамият омили муҳим аҳамият касб этади. Чунки Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданияти кўп жиҳатдан умумий бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Уларнинг келажаги ҳам умумий бўлиб, бу бунёдкорлик фаолияти, интеграция ва ўзаро ҳамкорликнинг чуқурлашувига боғлиқ. Умумэътироф этилган нуқтаи назар шундан иборатки, дунё тамаддуни ҳамда умумжаҳон тарихий–маданий мероси гуё бошқаларга хос бўлмаган мутлақ ва тенгсиз сифатларга эга бўлган айрим халқларнигина қизғин фаолиятининг натижасидан иборат эмас. Тарихий–маданий мерос чегара билмайди ва у бутун инсониятга дахлдор меросдир.

Бизнинг онгимиздаги ушбу тасаввурни барбод қилишга уринишлар содир бўлаётганлигини олимлар совуққонлик билан кузатиб туришга ҳақлимидилар? — деган масала долзарб, албатта. Афсуски, бугунги кунда минтақа халқларининг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини афсоналаштиришга ошқора мойиллик яққол намоён бўлмоқда. Бунда ҳаққоний манбалар ва илмий тадқиқот усуллари эътиборга олинмасдан, сохта тарих яратилмоқдаки, Марказий Осиёдаги республикаларда маълум замонавий нашрларнинг муаллифлари ўз халқларининг узоқ ўтмишини улуғлашга ва аксинча, минтақадаги бошқа халқларнинг тамаддун ривожига қўшган ҳар қандай хиссасини ошқора инкор этишга ҳамда уларнинг тарихини камситишга атайлаб интилаётганликлари тобора одатий ҳолга айланиб, ғайритабiiй тус олмоқда. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун мавзу юзасидан билимларга эга бўлиш, манбаларни билиш ҳамда хулосаларнинг қатъий илмий далилланганлиги талабларига риоя қилиш ўрнига, баландпарвоз услуб, сафсатабозлик ва тарихни сохталаштириш йўлидан борилмоқда.

Жаҳон тарихий жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи инсон ҳисобланади. Шундай экан, тарихий воқеалар ривожини инсоннинг жамиятга муносабатига, унинг кадр–қиммати ёки камчиликларига ва умуман инсониятнинг муштараклигига боғлиқ. Жаҳон тарихи кўплаб инсонпарварлик намуналари ва аксинча, шовинизм ҳамда урушлар ва геноциднинг намоён бўлиши мисолларига тўла. Вайронкор ғоя, тарихнинг ўтмиш хатоларини такрорлашдан, тарихдан ғаразли мақсадларда фойдаланишдан огохлантирувчи сабоқларини эътиборга олмаслик негизида юзага келади.

Марказий Осиё мамлакатларида узоқ ўтмиш воқеаларини ёритиш ва умумлаштиришда содир бўлаётган қуйидаги “замонавий” услублар, ёндашувлар ва қарашлар тизимига этибор бериш мақсадга мувофиқдир:

– асотириштириш, афсоналардан тарихий манба сифатида фойдаланиш;

– ўз халқининг қадимги ва ўрта асрлардаги улуғвор “олтин асри” мавзусини кўпиртириш, унинг этноними (ўзи ўзига берган ном) ҳамда давлатчилигини асоссиз ва сунъий равишда қадимийлаштириш;

– минтақа тарихий–маданий меросига, унда яшаётган ҳар бир халқ ҳиссасининг аҳамиятли ва сўзсиз қимматли эканлиги ҳақидаги холис қондани инкор этиш;

– алоҳида халқ “феномени”, унинг этник танланганлиги ва маданий афзаллиги ҳақидаги ғоя;

– қайси халқ қадимийроқ, минтақадаги илк давлатлар ва шаҳарларга ким асос солган, дастлабки ғилдирак ва аравани ким ихтиро қилган ва ҳ.к. қабилдаги қиёсий– кимўзарча ёндашув.

Ушбу санаб ўтилганларнинг барчаси минтақа халқларининг холис тарихини яратишга сираям кўмаклашмайди. Марказий Осиё халқлари ўтмишига ғайриилмий ёндашувлар — бу фақат гуманитар йўналишдаги, яхши кўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги асосий тўсиқлардан биридир. Бизнинг умумий тарихий–маданий меросимизни ўрганиш борасида ҳаққоний илмий услуб ва тамойилларни қарор топтириш йўлида Марказий Осиё тарихчи олимларининг кучларини интеграциялаш ва бирлаштириш зарурати аллақачон етилган. Бошқа муқобил йўл эса мавжуд эмас. Шундай бўлсада, бу муҳим воқелик кўп ҳолларда инкор этилмоқда.

Ғайриилмий қарашларнинг вужудга келиши, ўтган асрнинг 90–йилларида Марказий Осиё халқлари тарихини кенг қўламли қайта кўриб чиқишнинг бошланиши билан боғлиқ эди.

Минтақа мамлакатларида қадимги тарих ва тарихий маданий меросга мурожаат кенг қулоч ёйиб, бу кўпинча соф илмий муаммоларни ўрганиш доирасидан четга чиқа бошлади. Тарих ижодкор зиёлилар ва ижтимоий фанлар вакилларининг оммабоп машғулотига айланиб қолди, тарихий публицистика жанри юзага келди, унда илгариги ақидалардан қутилиш ниқоби остида тарихий воқеаларни эркин талқин қилиш тамойиллари қарор топди. Манбашунослик ва тарихшунослик талаблари, илмий адабиётларга

иктибос бериш зарурияти, қиёсий таҳлил асосидаги муайян тарихий ёндашув ўрнини тобора кўпроқ юзаки ишқибозлик эгаллай бошлади.

Тарихни бўртириб талқин қилиш ҳолатлари, ўтмиш воқеаларини ҳаддан ташқари идеаллаштириш ва мураккаб масалаларини фақатгина асотир ва афсоналарга таяниб ҳал қилиш мумкин деган тушунчани исботлашга тобора зўр бериб уринишлар пайдо бўлди. Шунинг баробарида афсонадан фарқли равишда тарихий воқеалар ва далилларда ўйлаб чиқарилган, эртак элементлари бўлмасдан, улар мантиқий хусусиятга эга бўлиши тўғрисидаги қоида маълум ҳолларда эътиборга олинмаяпти. Қатор китоб ва мақолалар шу тариқа вужудга келган бўлиб, уларнинг муаллифлари синовдан ўтган, яъни ўзининг ишончлилигини тасдиқлаган асл манбалар ва тарихшунослик маълумотларидан мутлақо фойдаланмасдан, тарихни “ўзларининг дид ва хоҳишларига кўра” қайта ёза бошладилар, бунинг устига тарихни қайта кўриб чиқишга интилиш кўпинча бемаънилик даражасига олиб борилди.

Бу борада ўтмиш воқеаларини ҳаққоний умумлаштириш, тарих ва афсонанинг ўзаро нисбати масаласи юзага келиб, у ҳамиша долзарб аҳамият касб этган.

Энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ўзини ўраб турган дунёни билишга ҳаракат қилган. Дастлаб унинг билимлари чекланган эди. Шу боисдан у ёки бу ҳодиса ёхуд воқеани англаш учун у ўз хаёллар тасаввурларига, тахмин ва фантазияларига таяниб хулоса чиқарган. Асотирлар ва афсоналар шу тариқа вужудга келган.

Турли халқларда асотирлар турли даврларда мавжуд бўлган. Гарчи, қадимги одамниқидан фарқ қилса—да, замонавий инсон ҳам тасаввурини ишга солади. Ўтмишдаги ва ҳозирги билимлар ўртасида жуда улкан тафовут мавжуд. Уруғчилик жамоаси тузуми шароитида ёки илк шаҳарлар ва давлатлар босқичида яшаган инсонларни тушуниш мумкин. Улар учун асотир чин бўлган, масалан, юнонлар ўзларининг афсоналарини Юнонистон—Элладанинг ҳаққоний тарихи сифатида қабул қилганлар.

Аммо тарихий танланганлик ҳақидаги “тожиклар феномени” тўғрисидаги, уларнинг гўё “мил.авв. III—II минг йилликлардаги қадимий орий халқи”нинг бевосита этномаданий авлодлари эканлиги, мазкур феномен “курраамизнинг деярли барча қисмларида

хоҳ кўпроқ, хоҳ камроқ бўлсин, турли даражада намоён бўлиши” хусусидаги ғояларни қандай қабул қилмоқ мумкин?

“Орийлар цивилизацияси”, Ўрта Осиё – бу “тарихий Тожикистон” деган ғоялар, шунингдек, ўз этнонимига ва давлатига эга олис ўтмишда, яъни мил.авв. III мингйилликда туркман–ўғузларининг вужудга келганлиги ҳақида қарашлар илгари сурилди.

Бошқа республикада эса “қирғиз” этноними “умумий туркий ўзакдан келиб чиққан замонавий халқлар номларининг энг қадимгиси” деб ҳисоблашади. Қирғизлар “сайёрамиздаги энг қадимий халқлардан бири” эканлиги яна бир қарра махсус таъкидланади. Умумсайёра миқёсида қиёслашга уриниш қанақадир тушунтириб бўлмайдиган интилишдир.

Ушбу йўналишдаги мавзулар бугунги кунда ўз “долзарблиги” билан ажралиб турибди. “Энг қадимги, энг йирик, энг аввалги” дея бошланувчи асотирлар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Этник бир хиллик ҳақидаги, тарихий бирламчи ватаннинг чегаралари хусусидаги, қайсидир замонавий этноснинг нукул буюк қабила ва элатларга меросхўр эканлиги тўғрисидаги афсоналар сони ортиб бормоқда.

Шунингдек, алоҳида олинган замонавий халқ, минтақадаги энг қадимги шаҳарлар ва давлатчилик, энг эртанги технологик ихтиролар асосчиси, хўжалик ҳамда маданият ютуқлари, умуман маданият қадриятлари эгаси бўлганлиги хусусидаги ғоялар ҳам айнан шу йўналишида ривож топмоқда.

Марказий Осиё қўшни мамлакатларига нисбатан, Ўзбекистонда бундай ғайриилмий ва асотирли мазмунга эга адабиётлар, биров кеч юзага келган бўлса–да, нашрларда кўтарилаётган масалалар ўша–ўша, замонавий асотирлар муаллифларнинг таввалуд топган вилоят, минтақадаги энг қадимги деҳқончилик ва ҳунармандчилик маркази бўлган, ўзбекларнинг этник ва маданий жиҳатдан шумерлар, орийлар ва скифларга ворислиги, қадимий замонларда Амударё ва Сирдарё оралиғидаги фанда номаълум Скифия давлати ҳақидаги қарашлар ва бошқ.

Тожикистон Фанлар академияси доирасида тожикларнинг келиб чиқиши – этногенези мутлақ бронза даври эроний тилли орийлар қабилалари билан боғланади. Ўзбекистонда баъзи тарихчилар аксинча, орийлар – бу туркий тилли қабилалар

эканлигини исботлашга уриниб, хусусан Жанубий Урал, Шимолий Қозоқистон, Ғарбий Сибирдан келгинди чорвадор-орийларнинг сўнгги бронза даврида ёйилишидан ўзбек халқининг этногенези бошланади деган ғояни илгари сурдилар. Абадий уйқуга ботган “буюк орийлар” ворислиги учун “курашга” доир баҳс–мунозаларнинг мазмун–моҳиятини тушуниш қийин. Бироқ, тарихий ҳақиқат шундан иборатки, орийлар хоҳ эроний тили бўлсин, хоҳ туркий тили, уларга қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган маҳаллий маданий ва этник асосни эътибордан соқит қилиш сираям тўғри эмас. Қадимий ва буюк аجدодлар ҳақидаги асотирлар муаллифлари неғадир янада қадимгироқ, камроқ машҳур бўлган аждодлар тарихига эътиборсиз муносабатда бўладилар.

Қайси сабабларга кўра, келгинди орийларнинг Ўрта Осиёда тарқалиши оқибатида тожиклар ёки ўзбекларнинг этногенези бошланган? Бу қабилалар қандай ноёб, бетакрор этник хусусиятларга эга бўлган? Қадимги элатлар ва халқлар кўплаб авлодлар ворислари бўлмаганми? – деган саволларга ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

Ўзбеклар ва тожиклар умумий аждодларга эга эмасми? – деган савол ҳам дарҳол унутилди. Ўзбеклар ва тожиклар этногенезига туб ўтроқ зироатчи аҳолининг қатлами томонидан асос солинган, унинг таркибига узоқ давр мобайнида чорвадор қабилалар ва кўчманчи элатларнинг босқичма–босқич келиб қўшилган. Шундай ёндашув холисонадай, ҳеч бўлмаганда, ҳаққоний тарихий жараёнларга яқин ўхшаб туюлади. Бронза даври қабилалари қайси тилда сўзлашганлари тарих фанида ҳануз маълум эмас.

Орийлар муаммосининг ХХІ аср “янги назариётчилари” танқид қилиниб, айниқса тарих фанида эътироф этилмаган бундай қарашларни талабалар учун яратилган ўқув қўлланмалари мазмунига татбиқ қилишнинг салбий жиҳатлари махсус қайд этилгандан сўнг, “орийлар–туркийлар” ғоясига нисбатан унинг муаллифи (А.А.Асқаров) томонидан эҳтиётлик билан қараш вужудга келди. Аммо, бунга нисбатан “прототурк қабилалар”, “прототурк тили”, “прототуркий сўзлашувчилар” каби тушунчалар ўртага ташланди (“прототурк” деганда “туркийларгача”, “туркийларга қадар”). “Прототурк” деб бронза даври Евроосиё даштларида яшаган ва уларнинг катта гуруҳлари – Ўрта Осиёга кўчиб келган Андроново маданияти чорвадор қабилалари аталган ва улар билан дастлаб “орийлар – туркийлар” боғланган. Бироқ,

“прототуркий” тил – бу қандай тил экан? – деган савол очик бўлиб қолади, чунки мазкур “тил”га оид биронта ёзув намунаси топилмаган. Шу тариқа, “орийлар – туркийлар” ғояси ўрнини эгаллаган, “прототурк” назариясининг фанда эътироф этилишига умид қилиш бироз қийин.

Замонавий халқлардан қайси бири “қадимийроқ ва донишмандроқ” деган мавзуда тинимсиз баҳс юритиш мумкин, аммо бу чинакам тарихий воқеаларнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Бугунги кун ва келажак масаласига келадиган бўлсак, минтақавий муштараклик қонуни ягона минтақада яшовчи халқларда яхши кўшничилик муносабатларини қўллаб–қувватлаш билан боғлиқ умумий манфаатлар мавжудлигини кўрсатади.

Марказий Осиё аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшлар тарбияси бегоналаштирувчи ва вайронкор ғоялар тимсолида тарихни нотўғри англашга қаратилган янги афсоналарга, алоҳида бир халқнинг устунлиги ва тарихан танлаб олинганлиги ғояларига асосланмаслиги лозим. Умуминтақавий муаммоларни босқичма–босқич ҳал қилиш ва биринчи галда – ҳозирги авлод ёшларига муносиб келажак яратиш ҳамда улар бунёдкорлик ва эзгуликка интилишлари учун Марказий Осиё халқларининг интеграцияси ҳаётий заруриятдир.

Бугунги кунда ҳар бир олим аниқ тарихий муаммолар билан шуғулланиш имконига эга ва олимларнинг бош вазифаси – халқларни ажратиш эмас, балки бирлаштиришдан иборат. Шу боисдан бағрикенглик, бизнинг ҳолатда эса – ўзга этносга ижобий муносабат, ўзаро ҳурмат–иззат, бир–биримиз билан тинч–тотув яшашга тайёрлик ва қобиллик абадий тинчликка эришишнинг ягона йўлидир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 1991 йили 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилиши пайтидан бошлаб кўшни халқлар билан самимий дўстлик алоқаларни, тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатимиз сиёсатида долзарб вазифага айланди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм–қариндошлиги,

умумий орзу–умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир–бирдан ажратолмайди”.¹

Бағрикенгликка доир бу муҳим, адолатли фикрларни унутмаслик мақсадга мувофиқ бўларди.

Таянч сўзлар

Фаннинг предмети ва объекти, ўқув жараёни, ижтимоий фанлар, инсон омили, миллат ўтмиши, тарихий макон, воқеа–ҳодисалар, соҳа тарихи, инсон ва табиат, тарих фалсафаси, ўтмиш тажрибаси, менталитет, фан методологияси, илмий–назарий асослар, усуллар, тамойиллар, ижтимоий зарурият, назария, ўрганиш эволюцияси, фан тамойиллари, цивилизацион ёндошув, даврлаштириш, тарихий манбалар, ёзма манбалар, моддий манбалар, этнографик маълумотлар, лингвистик маълумотлар, архив манбалари, манбашунослик, тарихий география, топонимика, маданий мерос, ғайриилмий қарашлар, асотирлаштириш, “орийлар назарияси”, вайронкор ғоялар, бунёдкорлик, эзгуликка интилиш.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистон тарихи фанининг тутган ўрнига баҳо беринг.
2. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети ва объекти ҳақида маълумот беринг.
3. Ўзбекистон тарихи фанининг усуллари ва тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?
4. Тарихни даврлаштиришда нималарга асосий эътибор бериш лозим?
5. Тарих фанининг методологияси деганда нимани тушунасиз?
6. Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги манбалар ҳақида маълумот беринг.
7. Тарихни ўрганишда ёрдамчи фанлар ҳақида қандай фикр билдирасиз?
8. Тарихни ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида гапириб беринг.
9. Президент И.А.Каримовнинг тарихни ўрганишга бўлган муносабати ҳақида нималарни биласиз?
10. Марказий Осиё халқлари тарихини ёритишда қандай муаммолар мавжуд?

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.403.

1–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: O'zbekiston, 2007.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007.
6. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015.
7. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. – Ташкент, 2007. Издание 2–ое.
8. Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. – Тошкент: Турон–Иқбол, 2010.
9. Расулов А., Исоқбоев А. Тарих фанининг илмий тадқиқот асослари ва услубиёти. – Наманган, 2008.
10. Эшов Б. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари. // Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар. – Тошкент: Ношир, 2012.
11. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 1–мавзу.
12. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент, Шарқ, 2010. (Лотин алифбосида).
13. Холбоев С. Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели. – Тошкент: O'zbekiston, 2015.
14. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I – жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
15. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
16. Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы // Материалы международной научной региональной конференции. – Тошкент, 2004.

2–мавзу. Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври.

Режа:

- 2.1. Инсониятнинг дастлабки аجدодлари. Антропогенез жараёни.
- 2.2. Палеолит – қадимги тош даври тарихи.
- 2.3. Мезолит, неолит ва энеолит даври тарихи.
- 2.4. Ибтидоий эътиқодлар ва тасвирий санъат.

2.1. Инсониятнинг дастлабки аجدодлари. Антропогенез жараёни.

Ҳозирги давр тарихшунослигида олимларнинг бир гуруҳи одамзотнинг дастлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, бошқалари — Европа ва Осиё дейдилар. Инсониятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши масаласи бир неча авлод тадқиқотчилари томонидан ўрганилиб турли назариялар юзага келган. Антропогенез энг қадимги давр тарихини ўрганишда муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади. Турли даврларда яшаган мутафаккирлар инсониятнинг пайдо бўлиши ҳақида илмий таърифга яқин фикрларни баён этганлар. Юнон файласуфлари мил. авв. VI–V асрлардаёқ одамнинг келиб чиқиши тамомила табиий ҳодиса деб тавсифлашга уринганлар. Кўпчилик тадқиқотчилар инсонни меҳнат ва ақлий жиҳатдан камол топиши натижасида ҳозирги даражасига етиб келган, деган фикрни илгари сурдилар. Одамни худо яратганлиги, ёки одам бошқа коинотдан келиб ерга тарқалганлиги ҳақидаги назариялар ҳам бор.

Геологик тадқиқотлари натижаларига кўра, осмоний жисм Ер бундан беш миллиард йил илгари пайдо бўлиб, унда дастлаб ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайназой эраларига бўлинади. Архей эраси охирларида Ерда оддий мавжудотлар, палеозойда эса сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юрувчи жонзотлар ва ниҳоят кайназойда сут эмизувчи ҳайвонлар пайдо бўлади. Кайназой эрасининг тўртламчи даври бундан 3 млн. йил илгари бошланиб, бу даврда одамзотнинг дастлабки аجدодлари пайдо бўлади.

Фанда одамнинг пайдо бўлиши масаласи археологик ва антропологик маълумотлар бўйича ўрганилади. Авваламбор, инсоният пайдо бўлишининг Қадимги Шарқ ва Юнонистон

асотирлари маълум ва илоҳиёт билан боғлиқ бўлган назариялар мавжуд.

Якка худоликни тарғиб этган барча диний таълимотларда инсоннинг пайдо бўлиши ёки яратилиши илоҳиёт билан боғланади. Хусусан, “Библия” таълимотига кўра, одамзот худо томонидан 7 минг йил илгари “қизил лойдан” яратилган. Муқаддас Қуръони Каримда эса одамнинг лойдан яратилиб, Оллоҳнинг иродаси билан унга жон ато этилгани таъкидланади. Инсониятнинг илк вакиллари сифатида “Библия”да Адам ва Ева, Қуръони Каримда Одам Ато ва Момо Ҳаво номлари келтирилади. Ҳозирги кунда одам пайдо бўлиши ҳақидаги диний ва дунёвий таълимотлар бир–биридан ажралган ҳолда, мустақил ривожланмоқда. Жаҳон миқёсида иккала таълимотнинг ҳам тарафдорлари кўп.

Дунёвий фанлар, хусусан, антропология, археология, тарих фани антропогенез жараёнини илм–фан соҳаларида эришилган натижаларнинг далиллариغا асосланиб ўрганади. Тарих фанида инсоният табиатнинг бир қисми бўлиб, у ердаги тараққиётнинг маълум босқичида вужудга келиб узлуксиз изланиш ва меҳнат туфайли такомиллашиб борганлиги ҳақидаги хулосалар устунлик қилади. Фанда одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни антропогенез (юнонча “антропос” – одам, “генезис” – келиб чиқиш, ривожланиш) деб аталади.

Илмий адабиётларда антропогенез жараёни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганилади:

1. Одамнинг ибтидоий аجدодлари.
2. Энг қадимги одамлар.
3. Ҳозирги қиёфадаги қадимги одамлар.

Одамнинг ҳайвонот дунёсидаги аجدодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя XVIII асрларнинг ўрталарида К.Линней, кейин XIX асрнинг биринчи ярмида Т.Гексли томонидан олға сурилган. Ч.Дарвин (1871) одамсимон маймунлар одам аجدодлари эканлигини таъкидлаб, инсоннинг ҳайвонот дунёсида ажралиб чиқишидаги асосий омиллар – табиий сараланиш ва жинсий танланишдир деб, антропогенезга доир диний қарашларга зарба беришга ҳаракат қилган. Европа табиатшунослари бу жараёнда меҳнатнинг роли юксак бўлганлиги таъкидладилар. Аммо, замонавий тарих фанида одамнинг тўғридан–тўғри одамсимон маймундан келиб чиқиши ҳақида назария рад этилди. Бунда ибтидоий одамнинг меҳнат фаолияти асосида жисмоний ва ақлий

Ўзгаришига урғу берилган эди. Антропология фанида илк, қазилма ва замонавий одамлар оиласи “hominidae” – “гоминийлар” деб аталади.

Олимлар ибтидоий одамларни австралопитек, *Homo habilis* (“Хомохабилис”) – “ишбилармон одам”, *Homo erectus* – “тик туриб юрган одам”, “неандертал” одами ва *Homo sapiens* (хомосапиенс) – “акл–идрокли одам” турига киритганлар. Австралопитек (лотинча “аустралис” – жанубий, “питекос” – маймун, “жануб маймуни”)лар бундан 6–7 миллион йил илгари шаклланган. Антропологлар нуқтаи назарига кўра, австралопитекдан антропогенез жараёни бошланган. Жанубий Африка (Стеркфонтейн), Шарқий Африка (Эфиопия) ҳамда Танзаниядаги Олдувай дарасида бундан 3–2 миллион аввал яшаган ибтидоий одамларнинг скелет суяклари ва тош қуроллари топилган (зинжантроп).

Зинжантроплардан кейинги даврда яшаган қазилма одамлар қолдиқлари Индонезиядаги Ява оролидан XIX асрнинг охирларида топилган бўлиб, фанда уларни “питекантроп” (“маймун – одам”) деб аташ расм бўлган. Питекантроплар бундан тахминан 1 млн. – 700–600 минг йил илгари (Э.Дюбуа) яшаганлари аниқланган. Шунингдек, 1927 йилда Хитой худудларидан топилган (Д.Блек) қадимги одам қолдиқлари (“синантроп” – “Хитой одами”) бундан 600–500 минг йил илгариги даврга оидлиги аниқланган. Қадимги қазилма одам қолдиқлари Германиянинг Гейделберг, Венгриянинг Будапешт шаҳри яқинидан ҳам топилган. Олимлар питекантроп ва синантропларни *Homo erectus* (хомоэректус), яъни “тик юрувчи” одам турига киритадилар.

Зинжантроп, питекантроп ва синантроплар гоминийлар ривожланишининг илк палеолит даври босқичларида яшаганлар. Бу турдаги қадимги одамлар гавдаларини тик тутиб юрганлар ва тошдан турли меҳнат қуроллари ясаб, улардан фойдалана билганлар. Қурол ясай билиши, ўсимлик илдизлари ва меваларни истеъмол қилишда шу қуроллардан фойдаланиши, шунингдек, айрим ҳайвонларни овлаши илк одамларни ҳайвонот олаmidан ажратиб турган. Ибтидоий одамларнинг маконларида кўпол тош қуроллар ва ҳайвонлар суяклари топилган.



Неандертал одами

бўйларидан, Шимолий Европа ҳамда Осиё ерларидан кўплаб топилган. Бу қиёфадаги одамлар жисмоний жиҳатдан нисбатан анча бақувват бўлиб, ўртача 20–25 йил умр кўрган. Улар тошдан хилма–хил қуроллар ясашни билганлар.

Неандерталнинг ташқи қиёфасида, ибтидоий белгилар сақланиб, шунингдек, у замонавий қиёфадаги одамга анча яқинлашиб қолган эди.

Франциянинг Тордони вилоятидаги сўнгги палеолит даврига оид Кроманьон ғорида қадимги одам мазорнинг ўрганилиши туфайли бу ерда баланд бўйли (180 см), мия косаси ҳажми замонавий инсонга ўхшаш одам дафн этилганлиги аниқланган. Олимлар ғордан топилган одам скелет суяклари қолдиқлари асосида унинг ташқи қиёфасини тикладилар. Кроманьон ғорида топилган одам “кроманьон одами”, яъни *Homo sapiens* (ақл–идрокли одам) деб аталди. Замонавий одам дастлабки вакилларининг суяк қолдиқлари бугунги кунда ер юзининг юздан зиёд маконларидан очиб ўрганилган. Кроманьон одами замонасига келиб инсоннинг биологик ва жисмоний қиёфаси ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган даражада эди. Кроманьонлар даврида уруғчилик жамоаси вужудга келади.

Юқорида одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласига қисқа таъриф берилди. Мазкур мавзу ўта баҳсли муаммодир. XX асрнинг 70–йилларига қадар антропогенезнинг бирёқлама назарияси тан олинган эди (*Homo erectus* – неандертал–*Homo sapiens*). Бугунги кунга келиб, одамнинг ривожланиши жараёнидаги тўртта йўналиши тўғрисида қуйидаги ғоялар ўртага

Ўрта палеолит одамнинг қазилма қолдиқлари Германиянинг Неандертал водийсидан топилганлиги сабабли фанда у “неандертал одами” деб номлаш расм бўлган. Неандертал қиёфадаги одамларнинг суяк қолдиқлари бугунги кунга қадар Африка, Ўрта Ер денгизи қирғоқлари, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари худудларидан, Қора денгиз

ташланди: 1) Европа неандерталлари; 2) Африка хомосапиенслари; 3) Шарқий ва Жануби–шарқий Осиё хомосапиенслари; 4) Сибир–Олтой хомосапиенслари. Олис ўтмиш замонларда улар умумий илдизга эга бўлган, кейинчалик бу одамлар бир дарахтнинг турли шохларига ўхшаб ажралган ва давр ўтиши билан яна бирлашиб, яқинлашган деб ҳисобланди. Мазкур назарияга кўра, неандерталлар ва хомосапиенслар бир даврда, турли ҳудудларда истиқомат қилганлар. Улар биологик жиҳатдан аралашиб (қоришиб) борганлар ва ўзаро маданий алоқаларини давом эттириб, кўникмалар ва билим–тажриба, тош қуроллар яшаш усуллари ҳамда тош қуроллар билан алмашиб турганлар.

Қиёсий ўрганиш учун мисол келтирадиган бўлсак, ўтган асрнинг 30 – йиллари бошларида Фаластинда “Эчки ғори” деган ўрта палеолит ғор–мақонида тош қуроллар билан бирга ибтидоий одамларнинг скелет суяклари аниқланган. Антропологик белгиларга кўра, “фаластин одамнинг” ташқи қиёфаси Европа неандерталларидан фарқ қилган (пешонаси кенгрок, мия косаси баландрок, юзининг тузилиши замонавий одамга яқинроқ бўлган). Шу боис неандертал ва замонавий қиёфадаги энг қадимги одамнинг кўшилиши, қоришиб кетиши ҳақидаги ғоя вужудга келди. Шунингдек, замонавий кўринишдаги одамнинг илдизлари жуда қадимги даврларга бориб тақалиши, унинг неандерталлар билан бир замонда ривожланиши деган ғоялар илгари сурилди.

Аммо, совет даври тарихшунослигида бу ғоялар рад этилди, шу давр қарашларига кўра, антропологик кўринишдаги неандертал одами доимо бир хил бўлмаган, у тадрижий ривожланиб, анча ўзгарган.

Бу назариянинг давоми шундаки, ўрта тош асридаги тинимсиз меҳнат ва табиий муҳитни билишга интилиш жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида, неандертал қиёфасидаги одамлар ҳозирги қиёфали одамларга айлана борганлар. Улар жисмоний ва ақлий жиҳатдан камол топиб, замонавий қиёфадаги кишилар вужудга келди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди, деб тахмин қилинди. Одамнинг пайдо бўлиши ердаги энг буюқ ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий тўқмоқ ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, тинимсиз изланишлар натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди. Аммо, таъкидлаш лозимки, инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

масалаларини ўрганишда талабалар турли назарияларга эътибор беришлари лозим.

Антропогенез жараёнида меҳнатнинг инсон турмуш тарзидаги ўзгартирувчанлик моҳиятини археологияга оид турли–туман манбалар тасдиқлайди. Уларга кўра, турли даврларга оид моддий маданиятнинг алмашиши ҳамда янги асосларда ривожланиши, моддий манбаларнинг ташқи кўринишидан далилланади. Инсонни уни ўраб олган муҳитни ҳамда табиатда содир бўлган ҳодисаларни билиш оқибатида унинг дунёқараши, илк эътиқодлари ва маънавий маданияти ривож топган. Зеро, замонавий одамнинг ҳам жисмоний ва ақлли ривожланишини меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

2.2. Палеолит – қадимги тош даври тарихи.

Палеолит (юнонча, “палайос” – қадимги, “литос” – тош) – инсоният тарихининг энг қадимги даври бўлиб, унинг бошланиш санаси дунё тарихида тахминан бундан 3 млн. йил илгариги давр билан белгиланади. Инсоният минглаб йиллар давомида тошга ишлов бериш техникасини такомиллаштириб ва ривожлантириб борган, турмуш тарзи ҳамда яшаш шароитини яхшилашга ҳаракат қилган. Палеолит даври археологик нуқтаи назаридан уч босқичга: илк, ўрта ва сўнгги босқичларга бўлиниб ўрганилади. Улар археологик даврлаштиришга мансуб бўлиб, ибтидоий жамиятдаги қуроллар ясаш хом–ашёсига ва уни ишлаш техникаси ўзгаришини белгиларига кўра ажратилгани маълум.

Илк палеолитнинг дастлабки даврида Жанубий ва Ўрта Европада иқлим субтропик, Жанубий Осиё ва Африкада тропик бўлиб, бу ҳудудларда иссиқсевар ҳайвонлар кенг тарқалган. Мисол учун, Европада филлар, бегемотлар ва ёввойи отлар, Осиёда ёввойи хўкизлар, каркидонлар, отлар ва зебралар пайдо бўлган ва иссиқсевар ўсимликлар кенг тарқалган.

Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиё палеолити ҳақидаги баҳсларда бу жараённи асосан Европа палеолити билан боғлаб келар эдилар. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистон археологлари томонидан олиб борилган кўпгина тадқиқотлар бу масалага анча ойдинлик киритди.

Ўзбекистоннинг палеолит даври ёдгорликлари ўрганишда қадимшунос олимларнинг хизматлари катта (А.П.Окладников,

У.Исломов, М.Р.Қосимов, Т.Мирсоатов, Р.Х.Сулаймонов, Е.Б.Бижанов ва бошқ.). Уларнинг тадқиқотлари туфайли, қадимги тош даврига оид муҳим маконлар аниқланди, кўпдан-кўп археологик кашфиётлар жаҳон миқёсида тан олинди.

Фарғона водийсидаги Селунгур ғорида илк палеолит даврига оид маданий қатламдан табиий жинс парчалари ва синиқларидан тайёрланган қўл чопқиси, тўмтоқ болталар, пичоқсимон ва тишли ҳамда қуш тумшуғига ўхшаш қуроллар топилган. Шунингдек, маданий қатламлардан 32 турдаги сут эмизувчи ҳайвонларга тегишли бўлган 5 мингдан ортиқ суяк қолдиқлари тадқиқ этилиб, Селенгур ҳайвонот дунёси мажмуаси қайта тикланган.

Селенгур қуроллари кўп ҳолларда Олдувой қуролларига ўхшаб кетади ва бу ердаги топилмаларнинг ёши 1 млн. йилдан зиёдрокдир деб тахмин қилинади. Уларнинг орасидан энг аҳамиятлиси қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суякларидир. Археология фанида “Фарғона одами” – ”Фергантроп” деб номланган бу қазилма одам қолдиқлари энг қадимги одам ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтириш билан бирга Ўрта Осиё, инсоният пайдо бўлиб ривожланган ўчоқлардан бири эканлигини узил-кесил исботлайди.

Кўлбулоқ маконидан (Тошкент вил.) кўп қатламли ёдгорлик очилган бўлиб, унинг энг пастки қатламлари илк палеолит даврига оиддир. Шунингдек, Қизилолмасой ва Тошсой (Оҳангарон) маконларидан ҳам илк палеолит қатламлари очилган ҳамда бу ердан 100 дан зиёд чоппер, нуклеус, қирғич ва қўл чопқирлардан иборат тош қуроллар топилган.

Кўлбулоқда 1993–1998 йилларда ўзбекистонлик археологларнинг чет эллик ҳамкасблари билан қўшма ишлари натижасида палеолитнинг барча босқичларига оид (илк, ўрта, сўнгги палеолит) маданий қатламлар аниқланди. 2007 йилда қазилмалар қайта бошланиб Қизилолмасойда тадқиқотлар давом эттирилди. Янги тадқиқотлар натижасида топилган моддий маданият буямлари тош қуроллар ривожланиши босқичларига янада аниқлик киритиш имкониятини берди.

Илк палеолит даври одамлари тошдан қурол ясаш жараёнида, бу қуролларни такомиллаштириб, ўзлари ҳам ривожланиб борганлар. Бундан 1 млн. – 500 минг йил илгари ўзига хос ибтидоий маданият яратган, оддий тош қурол-чўқмор ясаш орқали кишилик маданиятига асос солган одамлар яшаш учун қулай

бўлган ҳудудларга ўрнашадилар. Уларнинг фаолияти излари ҳозирги кунда ноёб моддий ёдгорликлар ҳисобланган маконлар ва улардаги маданий қатламларда қолдирилган. Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистоннинг географик шароити ибтидоий одамларнинг яшаши ҳамда турмуш тарзи учун қулай бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозимдир.

Илк палеолит даври энг қадимги одамларнинг маконларидаги топилмаларда содда ва кўпол тош қуроллар кўпчиликни ташкил этади. Бу давр кишиларининг қуроллари ўзининг соддалиги, кўполлиги ва турларининг камлиги жиҳатдан кейинги даврлардан кескин фарқланади. Илк палеолит даври одамлари асосан термачилик ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар ҳамда табиат олдида жуда ожиз бўлиб, унда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб яшаганлар.





Илк палеолит даври тош қуроллари

Ўрта палеолит (мустье маданияти) – қадимги тош асрининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Бу даврга келиб (бундан

100–40 минг йил муқаддам) неандертал қиёфали одамлар кенг ҳудудларга ёйиладилар ҳамда аввалги даврга нисбатан табиат билан фаолроқ муносабатга киришадилар.

Ўрта палеолит даврида табиий шароит ўзгариб Европа, Осиё ва Американинг катта қисмини улкан музликлар қоплайди. Натижада мамонтлар, шимол буғулари, айиқлар, умуман совуксевар ҳайвонлар кенг тарқалади. Музликнинг силжиши оқибатида об–ҳавонинг совуши неандертал одамларининг табиий шароитга мослашишига туртки бўлган эди. Бундай мослашув яшаш заруриятининг турли кўринишлари – совуқдан сақланиш, бошпана излаш, кийим кийиш ва оловни кашф этиш кабилар билан изоҳланади. Бу давр одамлари ўз фаолиятлари давомида дунёни билиш, табиат тўғрисида, ундаги ўзгаришлар ва воқеаларга муносабат борасида маълум дунёқарашга эга бўлиб, ибтидоий билимлар ҳамда фикрлаш кўникмаларини эгаллай бошлайдилар.

Ўрта палеолит даврда тош қуроллар турлари ва уларнинг вазифаси такомиллашувида анчагина ўзгаришлар кузатилади. Ҳозирги кунда ўрта палеолит даври тош қуролларининг 60 дан зиёд турлари аниқланган бўлиб улар орасида ўткир учли қуроллар ва тарашлагичлар кенг тарқалган.

Бу даврга оид Ўзбекистондаги дастлабки ёдгорлик Тешиктош (Сурхондарё) ғор макони 1938 йилда А.Окладников томонидан очилган эди. Кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудларида тадқиқотчилар томонидан ўрта палеолит даврига оид кўплаб маконлар аниқланди ва уларда тадқиқот ишлари олиб борилди. Омонқўтон (Тахтақорача довони, Самарқанд), Қўтирбулоқ ва Зирабулоқ (Зарафшон водийси), Обираҳмат (Тошкент вилояти), Кўлбулоқнинг юқори қатламлари (Тошкент вилояти), Қизилнур (Қизилқум), Хўжакент (Тошкент вилояти) каби кўплаб маконлар ўрта палеолит даврига оид бўлиб, уларнинг жами 300 га яқинлашиб қолади.

Сурхон воҳасидаги (Бойсунтоғ) Тешиктош ғор–макони топилмалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё археология фанида машҳурдир. Ўрта палеолит даврига мансуб бу ғор–макон шимоли шарққа қараган бўлиб, кенглиги 20 м, баландлиги 9 м, чуқурлиги 21 м.

Тадқиқотлар натижасида ғор–макондан бешта маданий қатламдан 3000 га яқин тош қуроллар топилган. Шунингдек, турли ҳайвонлар: қоплон, ёввойи от, эшак, қуён ва турли қушларнинг суяк қолдиқлари аниқланган. Тош қуроллар орасида қирғичлар

алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг баъзилари кесгич қурол вазифасида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, ўткир учли пайконлар, тош пичоқлар ва сихчалар ҳам топилган.

Энг муҳими шундаки, Тешиктош ғор–маконининг юқори қатламларидан 9 яшар боланинг скелет суяклари топилган. Бу бола неандертал типига қадимги одам вакилидир. У дафн этилганда ибтидоий дафн маросимларига амал қилиниб жасад атрофига тоғ эчкиси шохлари қадаб қўйилган. Шунингдек, ғор–макондан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси суяк қолдиқлари аниқланган.

Тошкент вилоятидаги Обираҳмат макони (1962 йилда очилган, ғор яқинидаги булоқ номи билан номланган) Тяньшан–Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори оқимидан топилган. Ғор–макон ёйсимон шаклда бўлиб, жанубга қараган, сахни кенг, қуруқ ва ёруғ. Ғорда 10 метр қалинликдаги маданий қатлам аниқланган бўлиб, ушбу қатламлар қадимги одамлар бу ерда узоқ вақт яшаганларидан далолат беради. Маданий қатламлардан оҳак тошли чакмоқ тошдан ясалган хилма–хил меҳнат қуроллари, жумладан, нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, кирғичлар ва куракчалар, учриндидан тайёрланган кесгичлар топилган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ошади. Обираҳматдан ҳайвон суяқларидан ясалган бигизлар ҳамда буғу, тоғ эчкиси, тўнғиз, жайрон, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Обираҳматда қадимги одамлар тахминан 120–40 минг йил илгари яшаб, териб–термачилик ва ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилганлар.


Обираҳматда тадқиқотлар янгидан бошланиб, 2003 йилда археологлар ғор–макондан замонамиздан камида 50 минг йил муқаддам яшаган қадимги одамларнинг суяк қолдиқларини топдилар. Бу қадимги одам суяклари фақат Ўзбекистон эмас, балки Марказий Осиё қадимги тош даври учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки топилган одам бош суяги ва тишлар ҳозирги замон одамининг неандертал одами билан омукталашганлигини намоён этади. Шунинг учун ҳам унинг кўпгина морфологик жиҳатлари ноёб бўлиб, палеоантропологик жиҳатдан ўхашаши деярли йўқ. Бу топилма, яқин–яқинларгача эҳтимолдан узоқ деб ҳисоблаб келинган ҳозирги одамларнинг аجدодлари билан неандерталнинг чатишганлигига далилдир. Ушбу одам суяк қолдиқлари қадимги

тош даври Ўрта Осиё аҳолиси ташқи қиёфасига янада аниқликлар киритиш учун муҳим ҳам ҳисса бўлиб қўшилди.

Топилмалари билан машҳур бўлган Қўтирбулоқ макони Самарқанд вилояти Каттақўрғон ҳудудларидан аниқланган. Тадқиқотлар натижасида макондан ўткир учли пойконлар, қирғичлар ва тешгичлар, икки томонига ишлов берилган баргсимон қуроллар ва бошқа турли-туман тош қуроллар топилган. Шунингдек, кўплаб ёввойи ҳайвонлар – фил, буғу, ёввойи от, қуён кабиларнинг суяклари аниқланган. Қўтирбулоқда яшаган қадимги одамлар мевалар ва ўсимлик илдизлари ҳамда ёввойи ҳайвонларни овлаб турмуш тарзи юритганлар.

Бойсун тоғидаги Амир Темур ғори, Тошкент воҳасининг Хўжакент, Бўзсув, Кўлбулоқ маконлари, Фарғона водийсидаги Жарқўтон, Бўрибулоқ, Томчисув ёдгорликлари, Зарафшон воҳасидаги Омонқўтон, Тўрдара, Қўтирбулоқ маконлари ҳам ўрта палеолит даврига оиддир.

Сўнгги палеолит даврига келиб қадимги одамлар Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларига тарқала бошлайдилар. Бу даврда, айниқса унинг сўнгги босқичида уларнинг турмуш тарзида ва меҳнат қуролларида янги унсурлар пайдо бўлади. Қуролларнинг турлари кўпаяди. Айниқса, овчилик билан боғлиқ бўлган найзасимон ўткир пайконлар, турли пичоқлар, қирғичлар ва кесгичлар шулар жумласидандир. Сўнгги палеолит ҳаётдаги энг муҳим хусусияти шундаки, бу даврда ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтила бошланди.



Ўрта палеолит даври тош қуроллари

Бу шарт–шароитларнинг негизда меҳнат қилиш билан бевосита боғлиқ қуролларнинг такомиллашуви ва шу асосда ўша давр кишиларининг хўжалик ҳаётидаги илгари томон қилинган дастлабки силжишлар ётади. Демак, бу давр – ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қуроллар такомиллашаётган, нутқ маданияти

ўсиб бориб, фикрлаш нисбатан анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган, овчилик анча ривожланиб, кенг ҳудудларга тарқалган давр эди.

Палеолит даври Ўрта Осиё ҳудудларида табиий иқлим ўзига хос бўлиб, ёзда об–ҳаво илиқ ва қуруқ, қишда эса совуқ ва намгарчилик бўлган. Бу даврнинг ўрталари ва охирларига келиб шимолдан улкан музликнинг силжиб келиши натижасида иқлим тамоман ўзгаради. Натижада қадимги одамлар турмуш тарзида катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Совуқ иқлим туфайли одамлар кўпроқ ғорларга жойлаша бошлайдилар. Жанубдаги кичик туёқли иссиқсевар ҳайвонлар қирилиб кетиб шимол буғулари, мамонтлар, улкан айиқлар пайдо бўлади. Улкан ҳайвонларнинг ёйилиши эса ўз навбатида жамоа бўлиб овчилик қилишнинг вужудга келишига олиб келди.

Ўрта палеолит даврига келиб ғор ва унгурларни ўзлаштириш, ўчоқ ясаб унинг атрофида тўпланиш ва ниҳоят жамоа бўлиб ов қилиш услубларининг пайдо бўлиши минтақадаги қадимги одамлар ижтимоий–иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Сўнгги палеолит узок давом этган қадимги тош асрининг охирги босқичи бўлиб, нисбий тарзда мил. авв. 40–12 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давр ёдгорликлари мустье маданияти ёдгорликлари маданиятига нисбатан камроқ ўрганилган. Ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиёда бу даврга оид 30 дан зиёд маконлар очилган. Самарқанд (шаҳарнинг ўзида), Хўжағор (Фарғона водийси), Бўзсув ва Туябўғиз, Кўлбулоқ (Тошкент вилояти), Тақалисой ғор–макони (Самарқанд вилояти) ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Сўнгги палеолит даври қадимги одамларнинг замонавий жисмоний қиёфаси шаклланишида, ибтидоий тўдадан жамоага ўтилишида, тош қуроллар тайёрлашда янги ютуқлар қўлга киритилишида муҳим аҳамият касб этган даврдир. Чунки, бу даврга келиб меҳнат қуроллари яшаш техникасида, ибтидоий хўжалик шаклларида, қадимги одамларнинг яшаш шароити ҳамда турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муносабатларида, фикрлаш ва дунёқарашида, жисмоний қиёфасида кескин ўзгаришлар бўлиб ўтди.

Бу даврдаги моддий маданият ўз хусусиятлари ҳамда тайёрланиш услублари билан илгариги давр тош қуролларига нисбатан анча такомиллашади. Хусусан, бу даврда кенг тарқалган

тош қуроллар тўғри ва узун шаклда бўлиб, улардан асосан пичоқ сифатида фойдаланилган. Археология фанида улар пичоқсимон қуроллар деб аталади. Ушбу даврнинг ажралиб турадиган муҳим хусусиятларидан яна бири – суякдан қуроллар яшаш эди. Мисол учун бу давр топилмалари орасида суякдан ясалган гарпунлар ва игналар кўплаб учрайди.

Бу давр маконларидан топилган топилмалар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлардан ҳам далолат беради. Хўжаликдаги асосий машғулот овчилик ва темирчилик бўлиб, эркаклар овчилик билан, аёллар эса термачилик билан шуғулланганлар. Ундан ташқари, хўжаликни бошқариш, оловни сақлаш ҳам аёллар зиммасида бўлган. Шу боис уруғчилик тузумига асосланган ибтидоий жамоа – матриархат (уруғи жамоаси) деб аталган.

Сўнгги палеолит даврига келиб ҳозирги замон қиёфасидаги одамнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида европоид, негроид ва монголоид ирқларининг пайдо бўлишига олиб келган эди. Улар бир–бирларидан танасининг ранги, соч ва кўзларининг шакли ҳамда ранги, мускуллар ва бўйларининг узун–калталиги, бош суягининг шакли, юз тузилиши ва бошқа белгилари билан фарқланган. Ирқларнинг шаклланишида табиий шароит ҳам муҳим аҳамият касб этган. Негроидлар Африкада, европоидлар Европада, монголоидлар Осиё ҳудудларида кенг тарқалганлар.

Тошкент вилоятида (Оҳангарон) жойлашган Кўлбулоқ маконининг энг тепадаги учта қатлами сўнгги палеолит даврига оиддир. Бу қатламлардан нисбатан такомиллашган тош қуроллар ҳамда кўплаб ҳайвон суяклари топилган.

Самарқанд шаҳрида 1939 йилда очилган ёдгорлик минтақадаги сўнгги палеолит даврига оид дастлабки макон ҳисобланади. Самарқанд макони кўп қатламли бўлиб бу қатламлардан кўп сонли (7,5 минг) хилма–хил топилмалар топилган. Улар орасида қирғичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, ушатгичлар, болталар кабилар бор. Шунингдек, маданий қатламлардан гулхан қолдиғи, кўмир парчалари ва гулхан атрофидан ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар қолдиқлари, чайла устунлари, кроманьон одамнинг суяк қолдиқлари аниқланган. Бу топилмалар бу ерда яшаган кишиларнинг овчилик ва термачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради.

Такалисой ғори Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган бўлиб, олимлар томондан маконидан нуклеуслар, қирғичлар, тош

пичоқлар ва турли ҳайвонларнинг кўплаб суяклари топилган. Бу ерда яшаган қадимги одамларнинг асосий машғулоти овчиликдан иборат бўлган.

Сўнгги палеолит даврига келиб одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам турли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Хусусан, одамлар ғорлардан чиқиб енгил турар–жойлар–чайла ва ярим ертўлаларда яшай бошладилар. Улар энди фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар бўйларида жойлашадилар ҳамда қариндош–уруғчилик жамоаларига бўлинадилар. Натижада жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлади ҳамда улар айрим уруғларни бирлаштириб уруғ жамоасини ташкил этадилар.

Ўрта Осиёда палеолит давр ёдгорликлари ва қуролларнинг ривожланиши

Сана мил. авв. (м.й.)	Давр	Ёдгорликлар	Қуроллар
-12 -20 -30 -35	Сўнгги палеолит	Бўзсув Учбулок Самарқанд макони	Найзасимон, тош чопқич, тош парракча
-40 -50 -60 -70 -80 -90 -100	Ўрта палеолит	Обирахмат Хўжакент Кўлбулок Тешиктош Қайроққум Омонқўтон	Тош қирғич, тош парракча, найзасимон тош учи, нуклеус, ўткир пайконлар, кўл чопқичлари, куракчалар
-200 -300 -400 -500 -600 -700 -800 -900	Илк палеолит	Кулбулок Бўриқазилган Танирқазилган Қизқала Селенғур Онарча	Кўл чўқмоқлари, тошқирғич, тош парчалари, чоппер– дарё тошларидан ишланган қуроллар

Палеолит даври тарихига оид куйидаги муҳим хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Илк палеолит даври меҳнат қуролиари ўзининг соддалиги ва қўполлиги билан кейинги даврларнинг меҳнаг қуролиаридан анча фарқ қилади. Маконлар сувга яқин, очик ерларда жойлашган. Энг қадимги одамлар дастлаб тўда бўлиб яшаганлар. Маконларда топилган ҳайвон суяклар ва тош қуролиларнинг хусусиятлари энг қадимги одамлар овчилик ва термачилик билан шуғулланиб, шу асосда ҳаёт кечирганлигини кўрсатади.

Шубҳасиз маълумки, у пайтда одамларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиш даражаси уларга якка–якка яшаш учун ҳеч қандай имкониятлар яратиб бермаган. Уларнинг озик–овқат захиралари чегараланган эди, бундан ташқари, якка яшаган, одамлар йирик йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан ўз ҳаётларини сақлай олмасдилар. Очлик хавфи ва кўп вазиятларда номаълум табиий жараёнлар энг қадимги одамларни тўда бўлиб яшашга мажбур қилган. Олимлар фикрига кўра, илк палеолит давридаги иқлим иссиқ бўлганлиги учун одамларнинг уй–жой ва кийимга эҳтиёжи бўлмаган.


2. Ўлкамизда топиб текширилган ўрта палеолит даври маконлари, асосан, ғорларда жойлашади. Демак, музлик босиб келиши билан бошпана зарур бўлиб қолиб, одамлар табиий пана жойлар – ғорларни эгаллашга ҳаракат қилганлар. Музлик даврида неандертал одамлари мураккаб синовлардан ўтган. Одамларнинг асосий машғулоти овчилик бўлиб, бу жараён кўп сонли ва турли шакллардаги қуролиларни ишлаб чиқаришни талаб этган ва энг қадимги хўжаликнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Одамлар аста–секинлик билан йирик ҳайвонлари ҳам ов қилишни ўрганиб борди, улар оловдан фойдаланиш ва уни сақлашга ҳаракат қилдилар. Узлуксиз меҳнат асосида инсон ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўзгариб борди.

3. Олов – совукдан ва йиртқич ҳайвонлардан сақланиш, овқат пишириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Аввало ўтнинг эгаллаш ўрмондаги ёнғинлардан, табиий ўтлардан фойдаланишдан бошланган. Бундай ўтларни ўчирмасдан, узок вақт давомида сақлаб туриш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган. Шу билан бирга, одамлар ёғочларни ишқалаш йўли билан ва чақмоқтошлардан ўт чиқариш йўллари топганлар.

4. Одамлар йирик ҳайвонларга ов қилиши натижасида овчиликнинг усуллари кўпайиб борган (ҳайвонларни ўраб олиш, ботқоқликка ҳайдаш, жарга кулатиш ва бошқалар). Ҳайвонларни овлаш жараёни меҳнатни мақсадли ташкил қилишни талаб этган. Сўнги палеолит замонида қуроллар яшашнинг янги усуллари вужудга келган. Қуроллар тош парракчалардан ясашиб, кўпинча нуклеусларнинг (нуклеус – тош ўзак) янги шакллари билан боғланадилар ва қуролларнинг хили кўпая бошлади.

5. Сўнги палеолит – неандертал қиёфали одамдан замонавий қиёфали одамга ўтиш давридир. Замонавий қиёфали одамнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири – бу жамоада яқин қариндошлар ўртасида никоҳнинг ман қилиниши бўлиб, ушбу вазият одамнинг жисмоний турини биологик жиҳатдан тез ўзгаришига олиб келган.

Сўнги палеолит даврининг муҳим хусусиятларидан бири, ибтидоий тўдадан уруғ жамоасига ўтилишидир. Уруғчилик тузумининг бошланғич ва асосий шакли матриархат – она уруғидан иборат бўлган. Уруғчилик тузumi инсон ҳаётидаги бир қатор ижобий ўзгаришларнинг пайдо бўлишига асос солган. Манзилгоҳлар ов қилинадиган жойлар билан боғланган, бу жойларга қариндош–уруғлар эга бўлиб, улар овчилик билан тирикчилик ўтказганлар, шунингдек балиқчилик ривож топган.




Сўнги палеолит даври уй-жойлари. Тикланган.

2.3. Мезолит, неолит ва энеолит даври тарихи.

Тош асрининг кейинги ривожланиш даври фанда мезолит (ўрта тош асри) асри Ўрта Осиёда нисбий тарзда мил. авв. 12–7 минг йилликлар деб қабул қилинган. Мезолит – одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш даври бўлиб, улар денгиз, қўллар ва дарё бўйлари ҳамда тоғли ҳудудларга ҳам тарқаладилар. Каспий бўйларида Тяньшан – Помирғача, Марказий Қозоғистондан Копеттоғ этакларигача бўлган ҳудудлардан мезолит даври ёдгорликларининг намуналари топиб ўрганилган. Мачай (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси), Бўзсув, Қўшилиш (Тошкент), Айдабол, Жайронқудук (Устюрт), Султон Увайс (Қуйи Амударё ўнг сохил ералри) каби Ўрта Осиёдаги 50 дан зиёд ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Мезолит даврига хос бўлган хусусиятлар, чегараси ва номланиш борасида олимлар орасида кўплаб баҳс–мунозаралар мавжуд эди. Чунончи, бир гуруҳ олимлар бу даврга қадимги тош асрининг алоҳида босқичи деб баҳо берган бўлсалар, айримлари тош асрининг сўнгги босқичи деган фикрни билдирганлар. Аммо, кўплаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида тош қуроллар шакли, қўллаш ва ишлаш техникасидаги ўзгаришлар илмий ўрганилиб, янги хусусиятлар аниқланди ҳамда бу давр тош асрининг ўрта босқичи эканлиги эътироф этилди. Ўрта тош асрининг қуйи ва юқори чегараларини белгилашда тадқиқотчилар географик шарт–шароит, тошни қайта ишлаш техникаси ва одамларнинг турмуш тарзи ҳамда машғулотларига асосий эътибор қаратадилар.



Мезолит даври ихтироси. Ўқ-ёй.

Мезолит даврига келиб ер юзидаги улкан музликнинг яна шимолга томон силжиши натижасида иқлим барқарорлашиб ҳозирги даврдагига анча ўхшаб қолган эди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсида анча ўзгаришлар содир бўлди.

Палеолит даврининг йирик ҳайвонлари йўқола бориб улар ўрнига кичик туёкли, тез югурувчан ҳайвонлар – жайрон, сайғоқ, буғулар, тоғ эчкиси, арслон, йўлбарс, қоплон, қуён кабилар кўпая боради. Шунингдек, жанубга хос иссиқсевар, ёввойи бошоқли ўсимлик ва дарахтлар ҳам тобора кўпайиб борди. Табиат ва иқлимдаги бу ўзгаришлар мезолит даври кишиларининг ҳаётида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди.

Бу даврга келиб кишилар нисбатан нозикроқ қуроллар тайёрлашни ўзлаштира бошладилар. Хусусан, жанубий ўлкаларда, шунингдек, Ўрта Осиёда турли геометрик шаклдаги майда қуролчалар–микролитлар пайдо бўлиб улар учун суяк ва ёғоч дастачалардан қадама сифатида фойдаланилган. Ундан ташқари бу даврда инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама – ўқ–ёйни кашф этди. Натижада чопқир, кичик туёкли ҳайвонлар ва паррандаларни ов қилиш имконияти пайдо бўлди.



Мезолит даври тош қуроллари

Мазкур даврнинг энг катта ютуқларидан яна бири ёввойи ҳайвонлар – ит, қўй, эчки қабиларнинг қўлга ўргатила бошланиб, хонакилаштирилишидир. Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда мезолит даврига келиб Олд, Яқин ва Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида термачиликдан ёввойи ўсимликларни хонакилаштиришга ҳамда овчиликдан чорвачиликка ўтиш бошланади. Бу жараён илғор, унумдор ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва табиий–географик иқлим билан бевосита боғлиқ эди.

Мезолит даврининг машхур ёдгорликларидан бири Сурхон воҳасидаги Мачай (Бойсун) ғор маконидир. Дарё сатҳидан 70 метрча баландликда жойлашган бу макондан кўплаб суяк ва асосан тош қуроллар топилган. Суяк қуроллар бигиз, игна, сўзан кабилардан иборат бўлса, тош қуроллар – пичоқлар, аррасимон қуроллар, кесгичлар, ушатгич тошлар, найза ва ўқ учлари кабилардир. Бу қуролларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлса ҳам Яқин Шарқдаги мезолит ёдгорликларидан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади.

Мачай макони топилмаларининг энг аҳамиятли томони шундаки, бу ердан антропологик топилмалар – одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа қисмлари қолдиқлари топилган бўлиб, бу топилмаларни ўрганиш тадқиқотчиларга Ўрта Осиёнинг жанубидаги мезолит даври кишиларининг европоид ирқиға мансуб эканлигини аниқлаш имконини берди.

Одам суякларидан ташқари Мачайнинг маданий қатламларидан бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахон каби ҳайвонларнинг ҳам суяк қолдиқлари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ерда 20 турдан зиёд ҳайвон суяклари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти майда, синдирилган ва оловда қуйдирилган. Демак, мачайлик мезолит даври одамлари оловдан кенг фойдаланганлар ҳамда ҳайвон ва парранда гўштларини оловда пишириб еганлар.

Ўзбекистоннинг жанубидаги яна бир мезолит даври ёдгорлиги Айритом макони бўлиб, у Термиздан 18 км узоқликда жойлашган. Ушбу ёдгорликнинг кўп қаватли маданий қатламларидан тош пармалагичлар, нуклеуслар, тош учриндилар, ўқ учлари кабилар топиб ўрганилган.

Фарғона водийсидан мезолит давриға оид Обишир ғор–маконидан тош қуроллар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари топилган. Шунингдек, топилмалар орасида ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган ва синдирилган суяклари, балиқ тутишда ишлатиладиган қадоқ тошлар ҳам бор. Топилган ашёларға асосланиб обиширликлар балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган дейишимиз мумкин.

Кейинги 30–35 йил ичида Марказий Фарғона ҳудудларидан Шўркўл, Аччиқкўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоқкўл каби 80 га яқин мезолит даври ёдгорликлари аниқланди. Уларнинг кўпчилиги кўл ёқаларидан топилган бўлиб афтидан бу жойлар

мезолит даври кишиларининг яшашлари учун кўпгина қулайликларга эга бўлган. Бу ерлардан топилган кўпгина қурол ва тош буюмлар ўзининг нисбатан нозиклиги, ихчамлиги билан палеолит даври қуролларидан ажралиб туради. Марказий Фарғона тоғлари орасида яшаган мезолит даври қабилаларининг турмуш тарзи ёввойи ҳайвонларни овлаш ва термачилик билан боғлиқ бўлиб, Марказий Фарғонадаги мезолит даври қабилалари хўжалик ҳаётида овчилик, термачилик ҳамда балиқчилик устунлик қилиб, қулай табиий–географик шароит мазкур ҳудудларда қадимги одамларнинг кенг тарқалиб яшашлари учун имконият яратган.

Марказий Фарғона мезолит ёдгорликлари очик маконлар бўлиб, уларда маданий қатламлар сақланган. Ушбу маконларда яшаган мезолит даври қабилалари овчилик, балиқчилик ва термачилик машғулотлари ва турмуш тарзи билан кун кечирганлар. Ўрта Осиёнинг Марказий Фарғона мезолит даври қуйидаги икки босқичга бўлиб ўрганилади:

1. Илк мезолит – Иттак қалъа, Аччиқ кўл, Янгиқадам, Тойпоқкўл қабилар бўлиб, улар мил.авв. IX–VIII минг йилликлар билан саналади.

2. Сўнги мезолит – Аччиқ кўл, Янгиқадам, Бекобод, Шўркўл, Мадийёр, Замбар, Тайпоқкўл маконлари (кўпларининг юқори қатламлари) бўлиб, улар мил.авв. VII минг йиллик билан саналанади.

Тошкентнинг ғарбида, қадимги Бўзсув анҳори соҳилидан Қўшилиш мезолит макони топиб тадқиқ этилган. Ушбу макондан чакмоқтошдан ишланган нуклеуслар, майда парракчалар, учриндилар, қирғичлар, ҳар хил шаклдаги қуроллар, тош пичоқлар, силлиқланган тош қуроллар топилган. Қўшилиш макони топилмалари мил.авв. XI–X минг йилликларига оид бўлиб, бу ерда яшаган қадимги қабилалар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Хуллас, мил.авв. XI–X минг йилликларига келиб Каспий бўйларида Помир тоғларигача, Копетдоғ этакларидан Марказий Қозоғистонгача бўлган кенг ҳудудларда мезолит даври қабилалари ёйилдилар. Ушбу ҳудудларнинг географик шароити хилма–хил бўлиб, мезолит даври маконлари паст текисликлар, дарё ва сой бўйлари ҳамда тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Бу давр қабилалари ва уруғлари овчилик, балиқчилик ҳамда термачилик билан кун кечирганлар.

Мезолит даврида ҳам уруғ аъзоларининг жамоа меҳнати ва ўзаро ёрдамлари ҳаётнинг зарурий шарти бўлган. Камон ва ўқлардан иборат янги қуроолларнинг хўжаликнинг янги турлари вужудга келди. Қадимги Шарқда мезолит даврининг энг катта ютуқларидан бири – қўй ва эчкиларни қўлга ўргатила бошланиши – хонакийлаштирилиши эди. IX–VII минг йилликлар давомида Олд Осиёда овчиликдан чорвачиликка ва термачиликдан деҳқончиликка, хўжаликнинг ишлаб чиқариш шаклига ўтиш бошланган. Бу жараён тарихда бир вақтда бошланмаган ва баъзи жойларда анча эрта, бошқа жойларда бироз кеч содир бўлган.

Ҳайвонларни қўлга ўргатиш қай тарихда бошланган? Тарихчилар ва этнографларнинг айгишича, овда камон ишлатилиши натижасида бевосита истеъмолдан анча ошиқ ўлжа топиш мумкин эди. Овчилар ярадор ҳайвонларни ёки уларнинг болаларини бирданига ўлдирмасдан, уйларига олиб келганлар. Айрим ҳолларда, бу ҳайвонларни одамлар озиқ–овқат ғамлаб қўйиш мақсадида боқишлари лозим бўлган.

Термачилик машғулотининг ривожланиши натижасида, инсон ўсимликлар олами ҳақида кўп маълумотларга эга бўлган (ўсимлик ва дарахтлар ўсиши қонуниятлари, ҳосил қилиши, уларнинг фойдалиги ва зарарлиги, дон ва уруғлар, мевалар, илдизлар ҳақида ва бошқа маълумотлар). Мезолит даврида қадимги Шарқдаги иссиқталаб ёввойи бошоқли ўсимлик ва дарахтлар ҳам тобора кўпая борган. Бу ерда деҳқончилик ривож топишига турли хил имкониятлар бўлган. Олд Осиё ва Икки дарё оралиғида яшовчи термачилар буғдой ва арпа экиш тарихини бошлаб берганлар. Шу ҳудудларда мил.авв. X–IX минг йилликларда ит ва мушук қўлга ўргатилган. Улар энг қадимги хонакилаштирилган ҳайвонлар бўлиб, ит овчиларга хизмат қилган.

Ўта Осиёдан мезолит даври одамлари сўнгги тош асрига нисбатан жадал ривожланиб, кейинги даврлар маданияти ривожланиши учун катта имкониятлар яратиб берганлар.

Ўрта Осиё неолит ва энеолит даври маданиятини ўрганишга таниқли олимлар, йирик қадимшунос – мутахассислар катта ҳисса қўшганлар (С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, В.М.Массон, О.К.Бердиев, Ў.Исломов, В.И.Сарианиди, А.В.Виноградов, М.Жўрақулов, А.Исоқов ва бошқ.). Уларнинг сайи–ҳаракатлари туфайли дашт–чўл ва воҳаларда қидирув ҳамда қазилма археологик ишлар олиб

борилган. Бу тадқиқотларнинг натижалари илмий мақолалар ва монографияларда ўз аксини топган.

Неолит даври моддий маданияти ва хўжалиги. Ўрта Осиёнинг жанубида неолит даври мил. авв. VI минг йилликда бошланган. Неолит тош асрининг сўнгги ва якунловчи босқичи ҳисобланади. Бу даврда одамлар турли табиий шароитга мослаша бошлаганлар ва шундан келиб чиқиб, турли географик ҳудудлардаги тегишли уй-жойлар, меҳнат қуроллари ва хўжаликлар ҳам ҳар хил шаклда ривожланиб борган.

Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлимли жанубий ўлкаларида яшаган кишилар деҳқончилик, чорвачилик ва уй ҳунармандчилиги шакллари билан машғул бўлганлар. Шимолий – шарқий ўлкаларда яшовчи аҳоли, (тоғлар, тоғолди ва даштлар) табиий шароити туфайли, аввалгидек, асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғулланиб, моддий маданият жиҳатдан орқада қолиб кетган. Бунга хўжаликларнинг нотекис ривожланиши сабаб бўлган.

Жанубий Туркменистон аҳолиси 8–7 минг йил аввал деҳқончиликнинг дастлабки шакллари билан шуғуллана бошлаганлар. Бу ҳудудларда илк неолитда ўтроқ маконлар ва пахсадан қурилган уйлар пайдо бўлади (Жойтун, Чағалли, Чўпонтёпа). Улардан топилган дон қолдиқлари (арпа, буғдой), тошдан ишланган ўроқлар, пичоқлар ва ёрғучоқлар деҳқончилик кашф этилганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида неолит даври қабилалари тоғларда, дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, қўл бўйиларида яшаб, табиий имкониятидан келиб чиққан ҳолда, асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғулланганлар (Хоразмда Калтаминор маданияти, Жанубий Тожикистондаги Ҳисор маданияти ёки Фарғона неолит даври маданиятлари). Неолит даврининг энг катта ютуқларидан бири – бу кулолчиликнинг пайдо бўлишидир.

Қадимги Шарқ тарихидан маълумки, энг қадимга идишлар мил.авв. VIII–VII минг йилликларга оид бўлиб, тошдан ва ёғочдан ясалган ҳамда новдадан тўқилган. Саватлар баъзан лой билан сувалган ва ана шундай сават тасодифан гулханга тушиб қолган бўлиши мумкин. Ўтда саватнинг новдалари куйиб кетган, сувалган лой эса шу даражада қотиб қолган. Албатта, лой гулханга бошқа вазиятларда ҳам тушиб қолиши мумкин эди. Одамлар ўтда куйган лойнинг пишиқлигани эътиборга олиб, лойдан ясалган ва гулханда куйдирилган буюмларнинг рўзғор учун фойдали амалий

аҳамиятини тушуниб етганлар. Шу асосда кулолчилик ривож топган.



Сопол идиш ясаш тасма услуби.

Неолит даври кишилари қай билимлар, йўллар ва услублар орқали кулолчиликни кашф этмасинлар, улар лойдан ҳар хил идишлар ясашни ва оловда пиширишни ўргандиларки, бу ўша замон учун жуда катта маданий ютук эди.

Сопол идишлар овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни сақлаш учун одамларга янги имкон яратган. Чорвадор ва деҳқон, овчи ва балиқчилар ҳам сопол идишлардан кенг фойдаланганлар. Неолитда вужудга келган кулолчилик, айниқса деҳқончилик ва уй чорвачилиги тараққиёти учун зарурий шарт эди.

Жанубий Туркменистондаги неолит даври маданияги Жойтун маданияти деб аталади (мил. авв. VI–V м.й.). Жойтун макони Ўрга Осиё худудида энг машҳур деҳқончилик масканидир. Унинг харобалари Ашгабоддан 25 км шимолдаги Қорақум билан кесилиб чегараланган ерларда жойлашади. Жойтун маконида ярим гектар майдонни эгаллаган 30 та бир хонали қадимги уй-жойларнинг қолдиқлари топиб текширилган. Пахсадан барпо этилган. Уйларнинг ҳар бирида алоҳида ўчоқлар, супалар ва токчалар бор. Ҳар бир уйда яқка 5–6 кишидан иборат оила яшаган. Демак, Жойтун қишлоғида 30 та уй-жой бўлиб, уларда 150–180 киши яшаши мумкин бўлган.

Жойтунликлар деҳқончилик билан бирга эчки ва қўй боққанлар. Уйларнинг сатҳидаги лой сувоғида арпа ва буғдой донлари сақланиб қолган.

Ёдгорликда топилган кўлда тасма услубида ясалган сопол идишлар рангли нақшлар билан безатилган. Идишлар ҳар хил шакллардан иборат бўлиб (хумча, туваксимон, қозонча, косасимон, пиёла), қадимги деҳқонларнинг хўжалик ҳаёти ва уй рўзғорида катта аҳамиятга эга бўлган.

Жойтун харобаларида тош болталар, ўроқлар, камон ўқларининг учлари, мунчоклар, урчуклар ҳамда лойдан ишланган ва гулханда пиширилган одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари топилган.

Неолитда кулолчиликдан ташқари, тўқимачилик ҳам кашф этилади, ўзаро буюм ва озиқ-овқат алмашинуви ривожланади, қадимги жамоаларнинг моддий ва маънавий маданияти жадал ривож топади.

Хўжаликнинг илғор ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилиши тарих фанида «неолит инқилоби» деб аталади. Одам узоқ тарих давомида табиатда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотдан фойдаланиб, хўжаликларнинг ибтидоий шаклларини ривожлантирган. Бу жараён одамнинг ақлий ва жисмоний тараққиёти, билимлари, тажрибаси, амалий машғулоти ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлиги билан бевосита боғлиқ бўлган. Мезолит ва неолит даврига келиб, инсон ўз меҳнат фаолияти билан табиатга фаол таъсир этиб, илғор унумдорлик хўжалигига ўта бошлаган.

Шу билан бирга энг қадимги хўжалик машғулоти (маданиятларнинг нотекис ривожланганлиги туфайли) неолитда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида (Хоразм воҳаси, Фарғона, Ҳисор тоғлари) овчилик ва балиқчилик, қисман чорвачилик, шу даврда хўжаликнинг асосини ташкил этган.

Хоразм воҳасида Қалтаминор маданиятига тегишли (мил. авв. V–IV минг йилликлар) Ёнбош (Жонбос 4) макони диққатга сазовордир. Бу ерда 290 кв метр ҳажмли турар жойнинг қолдиғи топилган. Бу макон кулба шаклида бўлиб, ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Кулба ўртасида катта марказий ўчоқ, унинг атрофидан эса майда ўчоқлар қолдиқлари топилган. Этнографик маълумотлар билан солиштирилган ҳолда, Қалтаминор маданияти манзилгоҳлари йирик жамоалар аъзоларига тегишли бўлганлиги аниқланган. Жонбос 4 кулбасида 100-120 киши яшаган деб тахмин қилинади.

Макон ўртасидаги катта марказий ўчоқ турли маросимлар пайтида бутун жамоа аъзоларига хизмат қилган. Унинг атрофида жойлашган майда ўчоқлар эса айрим оилаларга тегишли бўлган. Калтаминор маданияти маконларидан сопол идишлар, тош қирғичлар, нуклеуслар, найза ва ўқларнинг учлари ва бошқа тош қуроллар топилган.

Неолит даври ёдгорликлари Бухоро воҳаси ва Қизилқумда ҳам топиб текширилган. Дарвозақир I маконидан чайласимон уй–жой қолдиги, бир нечта учоқ, тош қуроллар ва сопол идиш парчалари топилган. Археологик маълумотларга кўра, Зарафшон этакларидаги неолит даври маконларидан 17 мингдан ортиқ тош қуроллар топиб текширилган. Уларнинг орасида силлиқланган болта ва поналар, пичоқлар, қирғичлар, ўқ ва найза учлари бор.

Неолит даврида қадимги кабилалар Ўрта Осиё ҳудудларини кенг миқёсда эгаллайдилар. Бу даврда минтака ҳудудларида зироатчи билан бирга овчилар ва балиқчилар ҳам яшаганлиги бизга маълум. Хуллас, неолит даври ёдгорликлари Ўрта Осиё қадимги тарихининг долзарб масалаларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бу давр меҳнат воситаларида ўзгариш юз бериб, хусусан, тош, суяк ва ёғочга ишлов беришнинг анъанавий услублари юксакликка эришган. Айниқса, тошни силлиқлаш, пармалаб тешиш сингари технологиялар кашф этилган, микролит қуроллар янада такомиллашган.

Неолитнинг табиий иқлим шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳозирги замонга нисбатан яқинлиги билан изоҳланади. Жумладан, илгариги тараққиёт босқичларига қараганда янги, табиатан маъқул ҳудудларни ўзлаштириш жараёни тезлашиб, одамлар нисбатан кенгроқ минтақаларда яшай бошлайдилар. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида мезолитнинг охири ва неолит даврида одамлар яшаши учун қулай экологик муҳит мавжуд бўлиб, бу даврда жанубий–ғарбий Устюрт ва Қизилқумнинг ички ҳудудлари Зарафшон ва Амударё этаклари овчилар ва балиқчилар жамоалари томонидан деярли ўзлаштириб бўлинган эди.

Соҳа мутахассисларнинг эътирофи этишларича, неолит даврида қулай экологик муҳит, деб аталувчи табиий иқлим шароитининг вужудга келганлиги янги минтақаларни ўзлаштириш имконини беради. Шу тариқа, жамоалар турли табиий, экологик шароитларга тушиб қолиб, бу ҳолат улар турмуш тарзининг мослашиш

заруратини тақозо этган ва ўз навбатида бу жараён турли неолит маданиятларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди.



Неолит даври сопол идишлари

Энеолит даври. Энеолит – мистош давридир. Мил. авв. IV минг йилликкача одамлар фақат тошдан, ёғочдан ва суякдан ясалган қуроллардан фойдаланганлар. Мисдан ишланган қуроллар ва буюмлардан фойдаланиш инсоният тарихида яна бир улкан босқич бўлиб, турли вилоятлар тараққиётининг янги асосда ривожини тезлаштиришга имкон берган.

Энеолит даврига ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада юксалганлигини кўрсатади. Мисдан ишланган қуроллар тош қуролларга қараганда анча такомиллашган бўлсада, лекин мис кучли ва оғир қуроллар яшаш учун яроқсиз бўлган. Шу сабабдан, энеолит даври қабилалари тош қуроллардан ҳам кенг фойдаланганлар. Мис ва тош қуролларнинг ишлатилиши қадимги хўжалик тармоқларининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Қадимги Шарқда ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва хунармандчиликнинг ривожланиши асосида катта, серсув дарёлар водийларида шаҳар–давлатлар пайдо бўлди. Бу ерда қулай табиий шароитлардан ташқари, ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг умумий ривожини тезлаштиришга имкон берган.

Қабилаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Неолит даври қабилалари орасида вужудга келган иқтисодий ва маданий нотекислик мистош замонида анча кучайди. Мазкур даврда Европа ва Осиё аҳолиси хилма–хил хўжалик турларига бўлинган. Шу асосда ишлаб

чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этган.

Овчилик ва балиқчилик асосида ривожланган жамиятлар иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган. Уларнинг ижтимоий муносабатларида тош даври тузумига хос хусусиятлар сақланган. Лекин қадимги Шарқ давлатлари чегараларида яшовчи деҳқончилик билан машғул бўлган қабилалар ҳам (Кавказорти, Ўрта Осиёнинг жануби) қадимги уруғчилик тузумининг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолганлар. Бу вилоятларда деҳқончилик ортиқча маҳсулотларни кенг даражада яратилишига асос бўлмаган. Уруғлик, қабилавий тузум хусусиятлари сақланиб қолган ҳолда, жамоалар озиқ–овқат маҳсулотини умумий мулкка айлантириб, маҳсулотлар баравар тақсимланган эди. Тузумнинг мустаҳкам бўлганлиги, истеъмол воситаларининг бараварлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва хўжаликни бутун уруғ аъзолари биргаликда бошқарганлиги – ибтидоий тузумнинг асосий белгиларидир.

Энеолит даври қабилаларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмагани туфайли археологик маълумотлар Ўрта Осиё аҳолиси иқтисодий–маданий жиҳатдан нотекис ривожланганидан далолат беради,

Шунинг учун ҳам минтақанинг турли вилоятларида неолит билан энеолит хронологик жиҳатдан бир вақтга тўғри келган. Туркманистоннинг жанубида мистош даврининг бошланиши мил. авв. IV минг йилликка мансуб бўлган бўлса, ҳудди ўша замонда Ўрта Осиёнинг шимолий дашт ва шарқий тоғлиқ вилоятларида қадимий қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Бу икки давр (неолит ва энеолит) маданий–хўжалик даражалари жиҳатдан бир–биридан фарқ қилган. Маданий–хўжалик турлари қадимги машғулотлар, турар жой, уй–рўзғор буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари асосида ўрганилади.

Металлчиликнинг кашф этилиши ва хўжаликда мис қуроллари-нинг жорий қилиниши бир неча асрлар давомида содир бўлган. Одамлар ўз меҳнат қуроллари яшаш учун ҳар хил тошлар қидириш жараёнида табиий мисга дуч келишган. Дастлабки меҳнат қуроллари ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган. Кучли оловда мис рудасини суюқликка айлантириш металлчиликнинг ривожланишига сабаб бўлган. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бир

неча вилоятларида очик мис конлари, улар атрофида металл эритиш қўралари топилди.

Мисдан ҳарбий қурооллар, уй–рўзғор буюмлари ва зеб–зийнатлар ҳам тайёрланган. Аммо мис юмшоқ металл сифатида, қабилаларнинг хўжалик ҳаётида тошдан ишланган қуроолларни сиқиб чиқаролмаган, ҳатто бутун илк металл асри давомида тош қурооллардан кенг фойдаланилган. Шунинг учун ҳам бу давр мистош даври деб аталади.

Ўрта Осиё энеолит даврининг ижтимоий–иқтисодий ва маданий жараёнлари моддий топилмалар асосида ўрганилади. Бу ҳудуднинг жануб қисмида Жойтун маданиятининг анъаналари янги асосда анча юксак даражада ривож топиб, янги маданий–тарихий жараёнлар билан боғланади.

Илк ва ривожланган мистош даврида қабилаларнинг ижтимоий–иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекикликлар сақланади. Янги хўжалик турлари – деҳқончилик ва уй чорвачилиги аввалгидек Ўрта Осиёнинг жануби–ғарбида қулай географик шароитда ривожланиши туфайли, бу ердаги қабилаларнинг маданий–хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги босқичи бошланади. Қуйи Зарафшон ва қуйи Амударё ҳавзаларида яшовчи қабилалар зироатчиликка ўтмаганлар. Ўрта Осиёнинг шарқий қисмидага тоғлик туманлар аҳолиси хўжалигида овчилик устунлик қилар эди.

Ўрта Осиёнинг шимолий ва шарқий вилоятларида Қалтаминор ва Ҳисор маданиятларига мансуб маданий–хўжалик турлари тараққий этган. Дашт ва тоғ маконларидан топилган хилма–хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош қурооллар, ҳайвон ва қушлар суяклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида овчилик ва балиқчилик тирикчилигининг асосий манбаи бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга дашт қабилалари тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланган. Аҳолининг асосий қисми дарёларнинг ирмоқлари соҳилида ва қуллар атрофида яшаган. Табиий бойликлар энеолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи эди.

Копетдоғ атрофидаги ерлар ўзининг табиати ва иқлими жиҳатидан (ерлари қуруқ ва иссиқ иқлими) деҳқончилик учун қулай эди. Энг қадимги суғориш тармоқлари шундай шароитга эга бўлган сойлар этакларида вужудга келган. Тоғ дарёлари бўйларида

яшовчи қабилалар қадимдан арпа, буғдой, беда, полиз ва бошқа экинларни суғоришда, асосан сой сувларидан фойдаланганлар.

Жанубий Туркменистонда энеолит замонида мансуб 32 та қадимги макон маълум. Уларнинг асосий қисми Ашгабодга яқин жойда ва Геоксур воҳасидан топиб текширилди. Геоксур воҳаси 8 та қадимги манзилгоҳдан иборат бўлиб, энеолит даврида ўтроқ деҳқончилик туманига айланган эди. Қадимий воҳанинг аҳолиси 4000–5000 кишидан иборат бўлган.

Геоксуртепа I атрофидаги қадимги суғориш майдонлари 50–75 гектар бўлиб, каналларнинг узунлиги ўртача 3 км.ни ташкил этган. Қабилаларнинг ҳаётида чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Маконлардан ёввойи қушлар ва ҳайвонлар суяклари топилган. Овчилик деҳқончилик қабилалари ҳаётида сақланган бўлса ҳам, лекин хўжалик тури сифатида катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Энеолит даври маданиятини яратган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда, пахса ёки хом ғиштлардан қурилган уйларда яшаганлар. Уй–жойлар айлана ва тўртбурчак шаклда бўлган. Уйларнинг деворлари сомонли қоришма билан сувалган. Дастлаб эшиклар учун ёғоч ишлатилмай, улар ҳайвон терилари билан тўсилган, сўнгги энеолит даврида ёғоч эшиклар пайдо бўлган. Баъзи манзилгоҳлар муҳофаа деворлари билан ўралган.

Қурилиш услублари анча ривожланган. Уйлар ичида тўрт бурчакли ёки халқа шаклидаги ўчоқлар ўрнатилган. Турар жойлар ёнида дон сақлаш учун хўжалик хоналари ва махсус молхоналар қурилган. Аҳоли кўпроқ майда чорва – қўй–эчкиларни боққанлар.

Жанубий Туркменистон энеолит даври сопол буюмлари қадимги ҳунармандчилик касбини ўрганишда ғоят қимматли моддий манба ҳисобланди. Сопол идишлар рангдор бўлиб, нақшлар ичида геометрик чизиқлар ва ҳайвон ёки қуш расмлари учрайди. Сопол буюмлар ҳар хил шаклларда ясалган, кўпчилик сопол идишларнинг таги ясси. Дон сақлаш учун хумсимон идишлар ишлатилган. Улар билан бирга товоқсимон, пиёла ва косасимон майда идишлар ҳам бўлган. Сопол буюмларнинг қизил, қора ва сариқ рангли нақшлари минерал буёқлар билан ишланган.

Моддий топилмалар орасида мис пичоқлар ва игналар, тошдан ясалган ўроқ ва пичоқ қадамлари, қирғичлар, найза ва ўқ пайконлари, ёрғучоқлар ва бошқа қуроллар учрайди.

Энеолит даври қадимги жамиятнинг ижтимоий, хўжалик ва маданий ривожланишида катта ўзгаришлар содир бўлган. Сўнгги энеолит она уруғи – матриархат тузумидан патриархат – ота уруғига ўтувчи давр бўлиб ҳисобланади, лекин ота уруғи ҳукмронлиги фақат бронза асрида ўрнатилиб, қадимги қабилалар орасида кенг ёйилди.

Археологик қазишмалари натижасида топган манбалар эътиқод ва илк диний қарашлардан ҳам далолат беради. Энеолит даври ибодатхоналарида рангли девор нақшлари топилган. Иншоотлар ўртасидаги марказий ўчоқ диний маросимлар ўтказишга хизмат қилган. Бу ўтга сиғишишнинг дастлабки шакллари бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки одамлар ибодатхонадаги марказий ўчоқни овқат пишириш учун эмас, балки табиий кучларга сиғиниш мақсадида ишлатганлар. Дехқончилик қабилалари орасида оловдан ташқари қуёшга, ерга, сувга, ҳосилдорликка сиғиниш кенг тарқалган. Ибодатхоналар энеолит даври ижтимоий ҳаётининг диний марказлари ҳисобланган бўлиши мумкин.

Лойдан ишланган ҳайвон ҳайкалчалари ва рангли сопол идишлардаги ҳайвон расмлари тотемизм (ҳайвонларга сиғиниш) шакллари билан боғлиқ бўлган.

Металлчиликнинг кенг ёйилиши ва меҳнат қуроли яшаш услуби ўзгариши билан одамлар мис, қалай ва кўрғошин конларини қидиришга мажбур бўлганлар (айниқса, мисни қалай билан, кўрғошин билан бирга эритиб, қотириш услубини ўрганиб олгандан сўнг). Илк мистош даврида мис жуда қимматли ашё бўлиб, соф мис фақат айрим жойларда учраган.

Дехқончилик қабилаларининг узоқ вилоятларга тарқалиши янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, табиий қазилма бойликлар, мис конларини қидириш билан боғлиқ бўлган. Бу мисолда, юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км. ғарбда топилган Саразм манзилгоҳи муҳим ёдгорликдир.

Саразм маконига мил. авв. IV минг йилликнинг охирида асос солинган. Қадимги қишлоқ қурилишлари кўп хонали уйлардан иборатдир. Уй–жойлар кичик оилаларга мўлжалланиб, 2–3 хонали қилиб қурилган. Улар уй–жой ва рўзғор–хўжалик вазифасини бажарган. Турар жойга мосланган хоналардан думалоқ шаклда ишланган ўчоқлар топилган.

Зарафшон воҳасининг юқори қисмида деҳқончилик маданияти ёйилишига Жанубий Туркманистоннинг Геоксур туридаги аҳолиси сабаб бўлганлигидан дарак беради, лекин Саразм моддий топилмалари орасида Жанубий Афғонистон ва Калтаминор маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Улар энеолит даври қабилалари ўртасидаги кенг маданий ва иқтисодий алоқалар ва шу даврга оид қабилалар миграцияларидан, яъни бир жойдан иккинчисига кўчиришларидан далолат беради. Шаҳрисабз атрофида топилган мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликка оид мисдан ишланган ханжар ва болта айнан мазкур миграциялар йўналишини кўрсатиб беради.

Ўрта Осиёдаги энеолит даври жамияти неолит замони жамиятидан ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёти даражаси юқори бўлиши билан ажралиб туради. Энеолит даври аҳолисининг энг катта ишлаб чиқариш ютуғи, бу сунъий суғориш – ирригациянинг ривож топишидир.

Бошқа бир маданий янгиликлардан бири – бу сўнгги мистош замони қурилишида меъморий режалаштиришга амал қилинишидир. Кўчалар, майдонлар ва катта жамоа бинолари тартиб билан қурилган. Бинокорликда паҳсадан ташқари, хом ғишт ишлатила бошланди.

Қабилалар махсулотлари умумий мулкка айлантирилган бўлиб, жамоадаги айрим оилаларнинг ўртасида баравар тақсимланар эди. Уй жамоасининг аъзолари умумий турар жойда яшаганлар, биргалашиб меҳнат қилганлар, қуроллар, рўзғор буюмлари ва хўжалик махсулотлари умумий бўлган.

Энеолит замони тарихий–маданий муносабатларини ўрганишда Ўрта Осиё, Эрон ва Месопотамия аҳолисининг маданий алоқаларига эътибор бериш лозим. Ўрта Осиё жанубидаги мистош даври қурилишида ва тасвирий санъатида қадимги Шарқ давлатларининг маданий таъсирини кўриш мумкин. Ташқи савдо ва айирбошлаш асосида Ўрта Осиё жанубида мисдан ишланган идишлар, қуроллар ва зеб–зийнатлар кўпайиб борган.

Ўрта Осиё жанубий ҳудудларида қуйидаги янги тарихий–маданий жараёнлар энеолит даври билан боғлиқдир:

1. Хўжаликнинг бошқа ҳамма шаклларида қараганда деҳқончиликнинг устунлик қилиши.
2. Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлган ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши.

3. Катта–катта жамоаларнинг пахсадан ва хом ғишдан бино қилинган уй–жойлари.

4. Кулолчиликда муҳим техника ютуғи – хумдонларнинг ишлатилиши.

5. Ўтроқ хўжалигининг ривожланиши, жамоа бирлашмаларининг уйлари ва қурилишида хом ғишнинг пайдо бўлиши.

6. Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруғи тузумига (матриархатга) хос аёл ҳайкалчалари.

7. Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвирлар ишланган сопол буюмларнинг мавжудлиги.

2.4. Ибтидоий эътиқодлар ва тасвирий санъат.

Меҳнат қуролларини ясаш, овчилик ва ёввойи меваларни териб олиш, табиат ходисаларни кузатиш ҳамда ҳайвонлар ҳаёти ва одатларини ўрганиш жараёнлари энг қадимги одамларнинг фикрлаш ва сўзлаш қобилиятини ўзгартириб борди. Бу ўзаро таъсир асосида ривожланиб, айниқса авлоддан–авлодга билим, тажриба ва кўникмаларни оширишда фикрлаш қобилияти, тафаккур анча тараққий топган.

Ўрта палеолит даврида марҳумларни ерга кўмиш маросими, одамлар мурдадан кўрққанлари туфайли, унга меҳрибонлик қилиш, жасадни йиртқич ҳайвонлардан сақлаш ва эҳтимол, ўликдан халос бўлмоқ зарурияти сабабларга кўра вужудга келган. Бу жараён ибтидоий одамларнинг аклий жиҳатдан ривожланганлигидан далолат беради. Неандертал одамлар дафн этилган қабрлар (Тешиктош ғори, Франциядаги Ле Мустье ғори ва бошқ.) археология фанида маълум энг қадимги қабрлардир. Улар саёз чуқурлардан иборат бўлиб, ғор–маконларнинг четида жойлашган. Жасадлар ёнбошлаб, букчайтирилган ҳолда, уйқуга ботган одам сифатида кўмилган. Қабрлар ичига тош қуроллар қўйилган, Тешиктош ғорида неандертал боланинг жасади кийик шоҳлари билан ўралган.

Ўрта Осиёда палеолит даври эътиқодларига доир маълумотлар кўп эмас. Шу боисдан адабиётларда сўнги палеолитда вужудга келган тотемизм (уруғ жамоалари аъзоларининг маълум ҳайвон зоти, қушлар ва ўсимликлар билан қалин алоқадорлигига ишониш), анимизм (инсонни ўраб турган муҳитда жонлар, рухлар

арвоҳларнинг мавжудлигига ишониш), фетешизм (омад ва фаровонлик келтирувчи ёхуд бало–қазони бартараф этувчи, “ёмон кўздан” сакловчи нарса (тумор, мунчоқ, хайвон шохи, тиш) ҳамда магия–сеҳргарликка эътиқод қилиш ҳақида, одатда гапирилади. Бу эътиқодлар инсон табиат ҳодисаларини тушуниб етмаганидан келиб чиқиши мумкин эди.

Тараққиёт жиҳатдан орқада қолган қабилалар ва элатлар ҳаётини, урф–одатлари ва диний қарашларини ҳамда замонавий халқлар маданиятида ибтидоий эътиқодлар изларини тадқиқ этиш натижасида турли даврларда ривожланган эътиқодларнинг мазмун моҳиятини ўрганиш мумкин.

Сўнгги палеолит даврига оид ғорлар деворларидаги рангли расмлар (Алтамир, Ласко, Капова ғори) ибтидоий эътиқодларнинг ўрганишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Евроосиё ҳудудларида бу замонда мамонт суягидан ҳамда лойдан ясалган маъбуда-аёл ҳайкалчалари тарқалади.

Ўзбекистонда қоятош расмларини ўрганишда А.П.Окладников, А.Р.Муҳаммаджонов, Ж.Кабиров, Р.Равшанов, Х.Ботиров, М.Хўжаназаров ва бошқа олимларнинг хизматлари каттадир.

XXI асрга қадар юртимизда аниқланган тасвирий санъат обидалари орасида мезолит даврига оид Зараутсой (Зарауткамар) расмлари энг қадимги деб ҳисобланарди. Бироқ, 2001 йили Китоб шаҳридан 25 км шимол–ғарбида Зарафшон тизими унғурларида ўрганилган Сийпантош расмлари тахминан мил.авв.20–10 минг йил аввал, яъни сўнгги палеолит ва мезолитнинг илк босқичлари билан белгиланди (Р.Х.Сулаймонов). Минерал бўёқ–охра, жигар, қизил ва оқ рангдаги геометрик расмлар (халқа, хоч, ромб ва чизиклар), қуёшнинг рамзий тасвири, ёввойи буқа ва аёл бармоқлари излари, умуман Сийпантош расмлари самовий эътиқодни ўзида акс эттиради деган тахминга асос бўлди. Кўп жиҳатдан мазкур тасвирлар тушунарли эмас, аммо уларнинг қадимлиги шубҳа уйғотмайди. Расмларнинг мазмуни ва тасвирий услубига кўра, улар мезолит даврига мансуб бўлиши мумкин.

Зарауткамар ва ундан биров сўнг пайдо бўлган Сармишсой, Биронсой, Илонсой ва бошқа қоятош расмлар аждодларимиз тасвирий санъати ва маънавий маданияти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг мазмуни ва манзаралар маъноси қуйидагиларни ўрганишда манба бўлиб хизмат қилади:

- ҳайвон ови куроллари ва усуллари;
- қадимги давр кишиларнинг хўжалиги, ҳайвонларни хонакилаштириш ва чорвачиликнинг пайдо бўлиши;
- инсоннинг эътиқоди ва диний қарашлари;
- одамнинг санъат истеъдоди, теварак дунё ва ўз ҳаёти, турмуш тарзи, машғулоти ҳамда ҳайвонот оламини ифодалашга интилиш.

Ўтмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва тоғли туманларида кенг тарқалган бу қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хилдир. Уларнинг бир хиллари бўёқ (оҳра) билан, бошқалари эса-уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган расмлар – петроглифлардир.

Қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ҳайвонот олами зотларининг расмларини кузатиш мумкин. Улар буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайронлар кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, қопқон каби куроллар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мавжуд қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатдан хилма-хилдир. Унда одамлар, ов, йиртқич ҳайвонлар тўқнашувлари манзаралари тасвирланган.



Зараутсойдаги ҳайвонларни овлаш манзаралари

Қоя тош расмлари ўзига хос анъаналари, инсоннинг эстетик истеъдоди, гўзаликка интилиш ғояларини акс эттирувчи тасвирий

санъат обидалари бўлиб, Ўзбекистонда Кўхитанг, Зарафшон, Нурота ва Чотқол тоғларида топилган.

Тошкент воҳаси қоятош тасвирлари Фарбий Тяншандаги (Тангитоғ) энг кўп тарқалган қадимги санъат тури ҳисобланади. Бу ҳудуд тасвирий санъат ёдгорликларга жуда бой. Улар мавзуларнинг турли-туманлиги, юқори бадий даражаси манзаралари билан ажралиб туради. Тошкент воҳасидаги петроглифлар Ўрта Осиёда машҳур ҳисобланади. Ўзига ҳос ва бетакрор қоятош суратларига Хўжакент, Бошқизилсой ва Чотқол қабилар киради.

Ушбу ёдгорликлардаги қоятош расмларининг хронологик санаси – энеолит – бронза давридан антик давргача боради. Мазкур суратлар мазмун ва мавзу жиҳатдан анча бой ва ранг-барангдир. Улар орасида от ва туя, эчки, тоғ такаси ва архар ҳамда бўри, тулки, қоплон каби ҳайвонлар тасвирлари, шунингдек, маъноси ҳозиргача номаълум бўлган турли шакл ва белгилар сақланиб қолган. Расмлар орасида якка ҳолда, тўда ҳолда ва рақсга тушаётган ҳолатда, бирор-бир одатни ижро этаётган кишиларнинг тасвирлари ҳам учрайди.

Ўзбекистон тоғли ҳудудларида кенг тарқалган қоятош расмларини ўрганиш катта илмий аҳамиятга эга. Чунки улар ҳам бошқа моддий манбалар қатори қадимги аجدодларимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти, маданияти ва санъати, диний тасаввурлари ҳақидаги муҳим манба ҳисобланади.

Таянч сўзлар.

Инсоният, антропогенез, турли қарашлар ва ёндашувлар, архей, палеозой, мезозой, кайназой, илоҳиёт, коинот, Одам Ато ва Момо Ҳаво, Адам ва Ева, одамнинг ибтидоий аجدодлар, энг қадимги одамлар, ҳозирги қиёфадаги одамлар, “ишбилармон одам”, “ақл-идрокли одам”, неандертал, синантроп, зинжантроп, питекантроп, кроманьон, палеолит, Селенғур, Кўлбулок, Қизилолмасой, тош қурооллар, Тешик-тош, Омонқўтон, Обираҳмат, одамнинг суяк қолдиқлари, суяк қурооллар, матриархат, оловнинг кашф этилиши, мезолит, Мачай, ўқ ва ёй, улкан музлик, ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши, неолит, Жойтун, Қалтаминор, Ҳисор, деҳқончиликка ўтиш, энеолит, мис қурооллар, қулолчилик, сопол идишлар, тўқимачилик.

Савол ва топшириқлар.

1. Инсониятнинг дастлабки аждодлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Антропогенез жараёни ҳақида гапириб беринг.
3. Илк палеолит даври тўғрисида маълумот беринг.
4. Ўрта палеолит даврининг ўзига хос хусусиятлари нималарда эди?
5. Сўнги палеолит даври қайси жиҳатлари билан фарқланади?
6. Мезолит даврининг ютуқлари нималардан иборат?
7. Неолит даврининг ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг.
8. Энеолит даври ҳақида нималарни биласиз?
9. Ибтидоий эътиқодлар қандай бўлган?
10. Қадимги тасвирий санъат ҳақида маълумот беринг.

2–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Ташкентбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Заравшана. – Ташкент: Фан, 1980.
2. Сулейманов Р.Х. Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. – Ташкент: Фан, 1972.
3. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1973.
4. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
5. Исламов У., Тимофеев В. Культура каменного века Центральной Азии. – Ташкент, 1986.
6. Грот Оби-Рахмат. Сб.статей. – Новосибирск: РАН, 2004.
7. Сулейманов Р.Х. Археология как источник динамики экологии Центральной Азии // Марказий Осиё тарихи, археологияси ва этнологиясининг муаммолари. – Тошкент, 2015.
8. Эгамбердиева Н. Археология. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2012 (Лотин алифбосида).
9. Исмоилов У.И., Крахмаль К.А. Палеоэкология и следк древнейшего человека Центральной Азии. – Тошкент, 1995.
10. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
11. Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоя тошларидаги расмлар. – Тошкент: Фан, 1976.

12. Выдающиеся памятники археологии Узбекистана. / науч.ред.Э.В.Ртвеладзе. – Ташкент: San’at, 2013.
13. Кларк Дж.Д. Доисторическая Африка / Пер.с англ.Г.С.Киселева. – М.: Наука, 1977.
14. Молони Н. Археология. Оксфордская библиотека. – М.: Росмэн, 1996.
15. Массон В.М. Поселение Джейтун. – Л.: Наука, 1971.
16. Брей У., Трамп Д. Археологический словарь. / Пер. С англ. Г.А. Николаева. – М.: Прогресс, 1990.
17. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. I–жилд. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
18. Виноградов А. Древние охотники и рыболовы Средней Азии. – М., 1981.

3–мавзу. Бронза даври тарихи.

Режа:

- 3.1. Зироатчилик ва чорвадорлар маданиятлари доирасининг кенгайиб бориши.
- 3.2. Ижтимоий – иқтисодий муносабатлар.
- 3.3. Маданий алоқалар, аҳоли ва этник жараёнлар.

3.1. Зироатчилик ва чорвадорлар маданиятлари доирасининг кенгайиб бориши.

Ўзбекистонда бронза даври маданияти ёдгорликлари кўп йиллар тадқиқотлар натижасида турли вилоятларда кашф этилди ва муҳим археологик маълумотлар фанга татбиқ қилинди (Я.Ғ.Ғуломов, С.П.Толстов, М.А.Итина, А.А.Асқаров, Ю.А.Заднепровский, Н.А.Аванесова, Т.Ш.Ширинов, Б.Матбобоев, У.В.Рахмонов, Ш.Б.Шайдуллаев ва бошқ.).

Ўрта Осиё аҳолиси бронза даври босқичига ўтгач, маҳаллий ишлаб чиқариш тараққиётида янги давр бошланади. У давр мил.авв. III минг йилликнинг ўрталари, II минг йилликка мансуб бўлиб, бронза – бу мис билан қўرғошин ва қалай қотишмасидир. У ўз хусусиятлари билан мисдан устун туради. Бронза мисга қараганда қаттиқ ва пишиқдир.

Бронза металлчилигининг илк ватани Кичик Осиё ва Иккидарё оралиғи бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия (Иккидарё оралиғи), Кичик Осиё ва Эроннинг жануби–ғарбида бронза даврида давлатчилик жамияти кенг равақ топган. Ўрта Осиё ҳудудида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча тараққий топиб, жанубий вилоятларида ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг шакллари янги асосда ривожланган.

Мил.авв. III–II минг йилликларда деҳқончилик ва чорвачилик, Ўрта Осиёнинг дастлабки ўчоқларидан шарқ томонга, яъни ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларига кенг тарқала бошлайди. Бронза давридаги деҳқончилик аҳолисининг тарихини ўрганиш учун Ўзбекистоннинг турли вилоятларида бир неча қадимги ёдгорликлар топиб текширилган.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта муваффақиятларидан бири – бу қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилишидан ташқари, мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг деҳқончиликдан махсус хўжалик сифатида ажралиб чиқишидир. Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривожланиб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсир қилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида қадимги қабилаларнинг иқтисодий, ижтимоий тарихи ва моддий маданияти ҳам янги асосда тараққий этган.

Мил.авв. II минг йилликда деҳқончилик ва чорвачилик Ўрта Осиё аҳолиси хўжалигининг асосий соҳалари бўлган. Бронзадан ишланган қуроллар қадимги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни тезлаштиргани туфайли, Ўрта Осиё даштларида яшаган қабилалар асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши – бу дастлабки меҳнат тақсимотидир.

Бронзанинг кашф этилиши билан меҳнат қуролларининг хиллари ҳам кўпайди. Бронзадан ханжар, пичоқ, найза, ўроқ, жезойна, бигиз, мунчоқ, тамға, идиш ва бошқа буюмлар ишланган. Аммо тош бутун бронза даври давомида ҳам металл билан муваффақиятли равишда рақобат қилиб, қуроллар ишлаш манбаи сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш учун бронза камчил металл бўлиб қолаверган. Тошдан пичоқлар, ўроқлар, ўқ ва найза учлари ҳам ясалган. Ёрғучоқлар аввалгидек қумтошлардан ишланган, терини қайта ишлашда ҳам чакмоқтошдан кенг фойдаланганлар.

Бронза даврида махсус ҳунармандчилик ишлаб чиқариш вужудга келган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида мутахассис кулоллар пайдо бўлган. Мил.авв. II минг йилликда кулолчилик ҳунарига чарх кенг жорий этилади. Чархни ихтиро қилиниши кулолларнинг ишини тезлаштириш ва сопол идишларнинг сифатини яхшилаш заруратидан келиб чиққан. Кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши натижасида сопол идишларнинг шакллари кўпайган.

Сопол идишлар тайёрлаш бронза даврида такомиллашади. Катта ҳажмдага хум ва хумчасимон идишларда дон ва суюқ махсулотлар сақланган. Кўза, тувак, коса, товоқсимон идишлардан уй рўзғорида кенг фойдаланилган. Идишлар сифатли бўлиши учун лой тайёрлашга тоза соф тупроқ танланган. Сополларнинг сиртига кизил, сарик, жигаранг бўёқ – ангоб берилган. Идишлардан сув ташиш, овқат ва дон сақлаш учун кенг фойдаланилган. Овқат пишириш учун ишлатилган қозонлар қўлда ясалган.

Бу давр тарихий–маданий жараёнлари асосан моддий топилмалар ёрдамида ўрганилади. Қадимшуносларнинг кейинги йилларда ўтказган тадқиқотлари ўлкамизда яшаган қабилаларнинг маданий муносабатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Туркманистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида ривожланган ишлаб чиқарувчи хўжаликлар асосида муҳим маданий ютуқлар вужудга келган. Кулолчилик, заргарлик, тўқувчилик, иппиғириш ва тўқимачилик махсус ҳунар–касбларга айланган. Ўша даврда канал қазиб, дарёлардан сув чиқариш, канал ва ариқларни доимо тозалаб туриш, яъни сунъий суғориш ишлари кенг йўлга қўйилган. Дехқончиликда дон (арпа, буғдой, жавдар) экиш, чорва учун хашак бўладиган ўсимликлар ўстириш, сабзавот ва мевачилик ривожлантирилган.

Ўзбекистон тупроғида мил.авв. II минг йилликка оид маданият бир хилда тараққий топган эмас. Бу босқичда Сурхондарё, Зарафшон воҳаси ва Хоразмдан иборат уч ўлкада энг қадимги ёдгорлик топилган. Ҳар қайси ўлканинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлар бўлган. Бу маданиятлар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва чорвачилик–деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир–биридан ажралган ҳолда тараққий этган эмас, қабилалар ўртасида кенг маданий алоқалар ўрнатилган эди.

Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё) ўтроқ зироатчи аҳолининг дастлабки марказларидан бири ҳисобланади. Ушбу вилоятдаги бронза даврига оид Сополлитепада тўртбурчакли меъморчилик шаклдаги истехком қазиб очилди. Истехком ичида турар жойлар, рўзғор ва хўжалик хоналари, хунармандчилик устахоналарининг қолдиқлари топилди. Сополлитепада 8 та гузарга тегишли уй-жойлар текширилган. Уй-жой сатҳлари лой билан сувалган, дон сақлаш учун ишлатилган хоналарнинг сатҳи ганч билан ҳам сувалган ёки хўжалик хоналарининг сатҳига сопол синиқлари терилган.



Сополлитепа. Бронза ва сопол идишлар.

Моддий манбалар Сополлитепада кулолчилик ва металлчилик юксак даражада ривожланганидан далолат беради. кундалик ҳаётда хилма-хил кулолчилик буюмларидан фойдаланилган тувак, хумча ва хумлар чорвачилик ва деҳқончилик махсулотларини сақлаш учун ишлатилган. Бронзадан ханжарлар, ўқ учлари ва найза пайконлари, пичоқлар, жез игналар, тўғнағичлар ва идишлар ишланган.


Амударёнинг сўл соҳил худудлари (Шимолий Афғонистон) ва Бойсун-Кўҳитанг тоғ олди воҳаларида аниқланган бронза даври ёдгорликлари Даштли – Сополли маданияти деб аталади. Унинг вужудга келиши мил.авв. III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларида зироатчи аҳолисининг ташқи миграциялари билан боғланади. Шунингдек, бу маданият келиб чиқиши жиҳатдан Қуйи Мурғобдаги Гонур-Туғалоқ маданияти билан боғланган бўлиб, фанда бронза даври Бақтрия – Марғиёна цивилизацияси деб эътироф этилган. Гонурнинг марказида мудофаа деворлар ва

тўртбурчак буржлар билан мустаҳкамланган йирик сарой жойлашган. У тахт зали ва 120 дан зиёд катта – кичик хоналардан иборат бўлган. Сарой атрофида оташпарастилик, ҳосилдорлик, қурбонликка бағишланган ибодатхоналар ҳамда алоҳида халқа шаклда катта оташкадалар (диаметри 7-11 метр) бунёд этилган. Бу қисм ҳам муҳофаа деворлар билан ўралган. Учинчи муҳофаа девор сарой ва ибодатхоналар хизматчилари яшаган қисмни ҳимоя қилган.






Сополитепа ёдгорлигининг меъморчилик режаси.

Амударёнинг ўнг қирғоғи ераларида шаклланган Сополитепа – бронза давридаги дарё кечувидан бошланган алоқа йўлини ҳимоя қилувчи мустаҳкам истехком сифатида пайдо бўлган. Ўтроқ деҳқончилик жамоалари чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди. Асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги йирик марказ ҳозирги Шеробод яқинида жойлашган Жарқўтонга ўтади.



Жаркўтон ибодатхонаси

Жаркўтон бронза даври шаҳар кўринишига эга бўлиб, қалъа ва аҳоли турар жойи қисмидан иборат бўлган. Жаркўтонда жамоа сардорининг саройи ва оловга сиғиниш, оташпарастлик эътиқоди билан боғлиқ ибодатхона қолдиқлари топилган. Шеробод воҳаси тоғ олдида бронза даврига оид Ғозқалъа ўрганилган. Ёдгорлик туз қонлари атрофида жойлашган ва унинг аҳоли қадимда туз савдоси билан шуғулланишгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Ғозқалъада илк бор Ўрта Осиё бронза даврига оид тош меъморчилиги аниқланди. Шеробод воҳасида яна бир ёдгорлик – Бургуттепа доира шаклида бўлиб, тошдан қурилган мудофаа деворларига эга. Археологик маълумотлар бронза даври эътиқодлар ва диний қарашларнинг янги асосларда ўрганиш учун асос солди. Қадимги Бактрияда олов, сув, қуёш, ер ва ҳосилдорлик аҳоли ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.



Жарқўтон. Уй-жойлар қолдиклари, сопол идишлар ва маржонлар.

Ўзбекистон худудида бронза даврида деҳқончилик ва чорвадорлик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий маданият ёдгорликлари Хоразм ва Қўйи Зарафшон воҳасида ўрганилган. Бу ҳудудларда Сополли ва Жарқўтонга нисбатан паҳса ва ҳом ғиштдан бунёд этилган иншоотлар (ибодатхоналар, уй-жойлар, муҳофаа деворлар, хунармандчилик устахоналари) топилмаган. Қадимги Хоразм ҳудудларидаги Тозабағёб маданиятига ярим ертўла уй-жойлар хос бўлиб, атрофида ҳайвон суяклари, сопол идишлар, тошдан ва бронзадан ишланган қуроллар аниқланган. Тозабағёб сопол идишлари қўлда ишланган. Улар асосан, қозон, туваклар ва косасимон идишлардан иборат бўлиб, хилма-хил геометрик чизиқлар билан нақшланган.

Қўйи Зарафшон ерлари бронза даврида камсув бўлиб, улар асосан чорвачилик учун қулай бўлган эди. Деҳқончилик кўпроқ Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган заҳ ерларда ривожланган.

Замонбобо маконида ярим ертўла кулба–уй қолдиқлари очилган. Турар жойнинг узунлиги 23,5 м, эни 9 м. Макон майдонидан ўчоқ ўринлари, ҳайвон суяқлари, меҳнат қуроллари ва уй–рўзғор асбобларининг синиқлари топилди.



Замонбобо кулбаси (тикланган)

Мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсида Чўст маданияти ривожланади. У водийда деҳқончиликнинг вужудга келиши жараёнини акс эттирди. Чўст маданиятига оид 80 дан ортиқ ёдгорликлар аниқланган. Йирик манзилгоҳлар (Чўст, Ашқалтепа, Далварзин) воҳа–туман марказлари вазифасини бажарган. Дастлаб қадимги Фарғона зироатчилари ярим ертўла кулбаларда истиқомат қилишган. Мил.авв. I минг йилликнинг бошларига келиб гувала ва хом гиштдан қурилган уй–жойлар пайдо бўлган.

3.2. Ижтимоий–иқтисодий муносабатлар.

Бронза даврида Ўрта Осиё қадимги Шарқнинг муҳим маданий марказларидан бирига айланди. Тоғлар этакларидаги кичик ва катта воҳаларнинг қулай географик шароитида ривож топган

деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган. Қадимги манзилгоҳларнинг атрофларида суғориш ерлари кенг майдонларга эга бўлган. Дарёлардан канал чиқариш усуллари анча ривожланиб, бронза даври суғорилиш хўжалиги дастлабки деҳқончиликдан анча фарқ қилиб, ерни ҳайдаб деҳқончилик қилишга асосланган

Деҳқончилик билан бирга одамлар ҳаётида воҳа ўтлоқларида ҳамда тоғолди ва дашт яйловларида чорвани боқиш муҳим аҳамиятга эга эди. Маконлардан қўй, эчки ва сигир суяклари топилди. Уй чорвачилиги деҳқончиликнинг ёрдамчи ирмоғи бўлган. Мисол учун, Сополлитепада 16 мингтача ҳайвон суяклари топилди, уларнинг асосий қисми қўй ва эчки суяклари, бошқалари туя ва сигир суякларидир. Шу билан бирга одамлар ҳаётида ёввойи қушлар ва ҳайвонларни овлаш ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маконларда топилган буғу, жайрон, қулон, ёввойи чўчка, қуён, ўрдак, каптар ва бошқа кўпгина ҳайвон ва парранда суяклари қолдиқлари бу фикрни тасдиқлайди. Овчилик одамларнинг қўшимча машғулоти бўлган. Улар асосан ёввойи чўчка, буғу ва қулонни овлаганлар.

Археологик топилмалар бронза даври ҳайвонот дунёси ҳозирги фаунага нисбатан анча бой бўлганлигини кўрсатади. Дарё водийлари, тоғлар ва даштлар хилма-хил ҳайвонлар ва қушлар тарқалиши учун қулай табиий муҳит яратган.

Тоғолди ва даштларда яшовчи аҳолининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик эди. Айниқса, Орол денгизи соҳилларига яқин даштларда ва Қўйи Зарафшон даштларида яшовчи аҳолининг иқтисодий ҳаётида чорвачилик муҳим аҳамият касб этган. Бу қабилалар асосан майда чорва, қорамол ва отларни ҳам боққанлар.

Металлургия ривожлашши учун хомашё конлари зарур бўлган. Қизилқумда бронза даврига мансуб қадимги мис конлари ва маъдан эритиш хумдонлари топиб текширилган.

Бронза асрида металлчиликнинг кенг ёйилиши ва меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш услублари анча ўзгариши билан одамлар янги мис конларини қидиришга мажбур бўлганлар (айниқса, мисни қалай ва қўрғошин билан бирга эритиб қотириш услубини ўрганиб олгандан сўнг). Лекин дастлабки металл даврида мис қимматли ашё бўлиб, соф мис фақат айрим жойларда учраган. Қабилаларнинг узоқ вилоятларга тарқалиши, янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, мис, қалай ва қўрғошин конларини кашф этиш билан боғланган.

Бронза даврида манзилгоҳлар янги ерларда кўплаб қурилган. Хоразм воҳаси, Фарғона водийси ва Сурхандарё воҳасидаги маълум ёдгорликларнинг асосий қисми дарё ирмоқлари яқинида жойлашган. Улар қадимий айирбошлаш, савдо ва маданий алоқалар марказлари бўлган. Тоғ олди ва дашт чегараларидаги унумдор ералр ҳосилдор деҳқончилик туманларига айланган.

Бронза даврига оид буюмлар уй ҳунармандчилиги ҳам юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Одамлар лойдан, суякдан, тошдан, ёғочдан ва чармдан хилма-хил буюмлар ясаганлар. Ушбу даврда қийим жун ва зиғир толасидан тўқилган. Тўқимачилик соҳасида ишлатилган сопол ва тошдан ясалган урчуқлар топилган.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши асосида аҳолининг ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлган. Ер ҳайдаш деҳқончилиги ортиқча маҳсулот ва мол айирбошлашни тартибга солишда асосий вазифани бажарган эди.

Патриархал уруғнинг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан катта жамоа оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун замин яратилган. Бронза давр қабрларидан топилган буюмлар шу жараёндан далолат беради. Сополлитепадаги 39 та қабрдан сопол идишлардан ташқари, металл қуроқлар ва зеб-зийнат буюмлари, айрим қабрлардан эса фақат сопол идишлар топилди.

Катта патриархал оилаларга мансуб бронза муҳр-тамгалар бургут, илон, туя ва бошқа тасвирлар билан нақшланган. Улар айрим уруғларнинг рамзлари бўлган.

Замонбобо қадимги қабристониди эркаклар қабрларидан топилган буюмлар орасида кўпроқ сопол идишлар, чакмоқтошдан ишланган ўқ учлари ва найза пайконлари ҳамда пичоқсимон парракчалар учрайди. Аёллар қабрларидан қимматбаҳо тошлардан (ложувард, феруза, сардолик) ясалган турли шаклдаги мунчоқлар, маржонлар ва мис кўзгулар топилди.

Бронза даври манзилгоҳларидан ўрганилган кичик жамоа уй-жойлари билан бирга катта уруғ жамоаларининг уйлари олтиндан ишланган зеб-зийнатлар, бой қабрлардан топилган бронза идишлар ва яроғлар, қиммат тошлардан ясалган маржон ва уруғ бошлиқларининг шахсий тамгалари ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар беради. Баъзи оилаларнинг

бойликлари дон ва чорва молларидан иборат бўлган. Кулолчилик ва металлчилик буюмлари савдо–сотик маҳсулотига айланган.

Лекин, хусусий мулкчилик ва мол айирбошлаш қайси даражада ривожланганлиги ҳақида тарих фани аниқ маълумотларга эга эмас. Бронза даврида Ўрта Осиё жанубидага ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг тараққиёти дастлабки давлатларга хос хусусиятларни ҳар томонлама, етарли даражада ўрганишга имконият бермайди. Қабилалар ҳаётида қадимги уруғчилик хусусиятлари, шу жумладан, катта оила аъзолари томонидан хўжаликни биргаликда олиб бориш, ерга биргаликда эгалик қилиш, умумий турар жойда (катта жамоа уйларида) яшаш анъаналари сақланиб қолган. Бу уйларда якка кичик оилаларга 2–3 хонали турар жойлар тегишли бўлса–да, лекин уларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳаёти – “умумий том остида”, оила, уруғ бошлиғи раҳбарлигида ўтганлиги билан изоҳланади.

Мил.авв. IV мингйилликнинг охирига келиб, Қадимги Шарқда (Олд Осиё, Миср, Иккидарё оралиғи) илк давлатлар шаклланди. Мазкур жараён бу ҳудудларда жуда эрта ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, бинокорлик ва меъморчилик, ҳунармандчилик ва айирбошлашнинг жадал ривожланиши ҳамда ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви билан белгиланди.

Энеолит ва илк бронза даврида Шарқнинг турли ҳудудларида (жумладан, Ўрта Осиё жанубий вилоятларида ҳам) уруғчилик тузумида туб ўзгаришлар содир бўлди. Металл эритиш, мис ва бронзадан қуроллар ишлаб чиқариш, омоч билан ер ҳайдаб, зироатчилик қилиш, суғорма деҳқончилик, чорвачилик, бинокорлик ва ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланиши натижасида, жамиятда эркалар етакчилик қилиб, ижтимоий–иқтисодий тизимида уларнинг мавқеи ошиб борди (оила, уруғни етарли маҳсулотлар билан таъминлаш эркак қўлига ўтди, уй хўжалиги юмушлари аёллар зиммасида қолди). Шу тариқа, уруғчилик оиласида эркак муҳим ижтимоий ўринга эга бўлиб, патриархат даври бошланди (юнонча, *pater* – ота ва *arche'* – ҳокимият). Қариндошлик эркак номи билан белгиланадиган бўлди.

Катта патриархал оиласи ота томонидан яқин қариндошларни бирлаштириб, улар умумий уй–жой, ишлаб чиқариш воситалари. Рузғор буюмлари, ер ва чорвага эгалик қилиб, етиштирилган умумий озиқ–овқат маҳсулотларини биргаликда истеъмол

қилганлар. Патриархал оилаларнинг ўсиб бориши натижасида янги оилалар пайдо бўлган.

Юқоридаги таърифланган ижтимоий–иқтисодий муносабатлар бронза даврида Марғиёна – Бактрия жамоаларига ҳам хос бўлган. Мазкур тарихий–маданий вилоятлар каби ижтимоий гуруҳлар ажралиб чиққан ва илк давлатчилик тизимига доир жараёнлар ривож топган. Марғиёна – Бактрия цивилизацияси фанда “Окс цивилизацияси” деб эътироф этилган. Унинг келиб чиқиши Аккад – Сурия худудларидан Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё жанубига аҳоли миграциялари билан боғланади. Бошқа худудларда (Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Қуйи Зарафшон ва Хоразм воҳалари) ишлаб чиқарувчи кучларнинг суст тараққиёти ва ижтимоий–иқтисодий жиҳатдан нотекис ривожланиши туфайли, ибтидоий жамият муносабатларнинг анъаналари илк темир даврига қадар ўз аҳамиятини сақлаб келган.

3.3. Маданий алоқалар, аҳоли ва этник жараёнлар.

Ўрта Осиё тупроғидаги қабилалар бир хилда тараққий топган эмас. Ҳар қайси ўлканинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлар аниқланган. Бу маданиятлар деҳқончилик, уй чорвачилиги ва ярим кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир–биридан ажралган ҳолда ривожланмаганлар ва турли қабилалар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар доимий равишда кенг ривожланиб борган.

Замонбобо топилмаларида дашт чорвадор қабилалари маданиятига ва жанубий ўтроқ деҳқончилик маданиятларига мансуб айрим хусусиятлар сақланиб, улар бир–биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бу иккала маданий анъаналар қўйи Зарафшонда, биринчидан, иқтисодий ва маданий алоқалар асосида, иккинчидан, Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ ва шимоли–шарқий чорвадор қабилаларининг ёйилиши билан ҳам боғлиқ бўлган.

Бронза даврида яшаш ерлари тобора кенгайиб борган. Металлургия, деҳқончилик ва чорвачиликнинг юксак даражада ривожланиши билан бирга табиий бойликлар, мис, қалай ва кўрғошин конлари, суғориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлиб турган. Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида яйловларда боқиладиган чорвачилик ажралиб, махсус хўжалик турига айланган. Сирдарё, Амударё,

Зарафшон, Мурғоб, Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб бронза даврида янги ерларга кўчиш йўллари пайдо бўлди. Бу йўллар ёқасида қадимги маконлар, мазор–қўрғонлар ва қабрлар топиб текширилган.

Даштли–Сополли маданияти вакилларининг бир қисми Жанубий Тожикистон, Афғонистоннинг шимоли–шарқий ҳудудларини ўзлаштириб, Ҳинд водийсигача ёйилади, бошқа гуруҳлари эса Зарафшон воҳаси ва Шарқий Фарғона ерларида тарқалади. Мазкур ҳудудларда улар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетади.

Фарғона водийсида мил.авв. II минг йиллик бошларига оид бронзадан ишланган идиш, болта ва тўғноғичлардан иборат археологик ашёлар топилган. Ушбу буюмларга ўхшаган топилмалар Эрон, Жанубий Туркманистон, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар Фарғона водийсида савдо–айирбошлаш ва миграциялар асосида пайдо бўлган. Замонбобо қабристонидан топилган баъзи мунчоқлар Бадахшон ложувардидан ясалган. Шунингдек, Замонбобо маконида Ўрта Осиё жанубий зироатчилари маданиятига хос мис тўғноғичлар, ҳоч шаклдаги маржонлар, сопол ҳайкалчалар топилган.

Жанубий Тожикистон маконларидан ва қабристонларидан олинган сопол идишлар ичида Сурхондарё, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркманистонда ишланган идишларга ўхшаш сопол идишлар учрайди. Ўрта Осиё қабилаларини қадимги Шарқ давлатлари билан маданий алоқалар ва савло йўллари бирлаштирган. Бронза даврида узоқ масофадаги савдо кенг ривожланган. Бадахшон тоғларидан бошланган савдо йўллари Эрон ва Месопотамияга олиб борган. Бадахшонда қазиб чиқарилган қимматли тош–ложуварддан ясалган буюмлар Миср, Месопотамия ва Эрон ёдгорликларида аниқланган. Бундан ташқари, ўлкамизнинг баъзи вилоятларида Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистондан келтирилган сопол идишлар, денгиз чиғаноқлари, филсуяги ва металлдан ишланган буюмлар фил ва аждар тасвирларига эга муҳрлар ҳам учрайди. Шунингдек, Панж дарёсининг сўл соҳилида (Афғонистоннинг шимоли–шарқи) Ҳинд цивилизацияси, яъни Хараппа–Мокенжодаро маданиятига оид Шуртўқай савдо факториясининг кашф этилиши анча тасодиф бўлди. У Ҳинд цивилизацияси маркази Мокенжодародан 1100 км масофада ноёб

минераллар ва металлларга бой Шарқий Бақтриянинг тоғ–кончилик туманларининг яқинида жойлашган.

Ўрта Осиё бронза даври тадқиқотчилари ихтиёрида ёзувсиз манбалар мавжуд бўлиб, мазкур замоннинг аҳолиси, уларнинг қиёфаси антропологик манбалар асосида ўрганилади.

Бронза даврида Ўрта Осиё жанубида Ўртаер денгизи иркининг вакиллари ёйилган. Минтақанинг шимолий дашт қисмларида жануб аҳолисидан антропологик жиҳатдан фарқ қиладиган қабилалар яшаганлар.

Мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида Сурхон–Шеробод воҳасига ва Жанубий Тожикистоннинг ҳудудларига шимолдан чорвачилик билан машғул бўлган қабилалар келиб ўрнашган. Дашт қабилаларининг моддий маданияти ҳақида Жарқўтон ёдгорлиги ва Вахш маконида топилган сопол буюмлар ва бронза қуроллари ҳамда қадимги қабрлар ўрганилиши натижасида аниқланган дафн маросимлари далолат беради. Сопол идишлар қўлда ишланган ва уларнинг сирти мураккаб геометрик ўйма нақшлар билан қопланган. Бу идишлар мил. авв. II минг йилликда Ғарбий Сибир Жанубий Урал ва Қозоғистоннинг даштларида ёйилган Андроново маданиятига доир идишларга ўхшаб кетади.



Дашт чорвадор қабилаларининг сопол идишлари.

Жанубий Тожикистоннинг бронза даври аҳолиси таркибида янги гуруҳлар пайдо бўлганлиги археологик манбалар асосида исботланади. Тегузак ва Конгуртут маконларидан топиб текширилган уй–жой қолдиқлари, сопол идишлар, меҳнат қуроллари ва зеб–зийнат буюмлари Ўрта Осиёнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик ва шимолий чорвачилик қабилаларининг ёйилиши билан изоҳланади. Бу қабилалар Кофирнихон, Вахш ва Панж дарёлари воҳаларига, тоғ ёнбағирларига ёйилиб кетган. Чорвадор

қабилаларга мансуб бронза даври ёдгорлиги Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғида текширилган. Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё дашт ва тоғ олдиларига чорвадор қабилалар кенг миқёсда келиб ўрнаша бошлади. Уларнинг моддий маданияти Урал олди, Сибир ва Қозоғистоннинг даштларида ёйилган Андроново маданиятига мансубдир. Келгинди дашт қабилалари тарқалганидан, айниқса сопол идишлар, металл буюмлар ва чорвадор қабилаларга оид қадимги қабрлар ҳамда дафн этиш одатлари тузилиши далолат беради.

Андроново маданияти қабилалари Жанубий Хоразм воҳасидан ўтиб, Қуйи Зарафшон, Қуйи Мурғоб, Копет тоғ олди ва Шимолий Афғонистонда пайдо бўладилар. Уларнинг бошқа бир катта тўлқини Тошкент воҳаси, ўрта Зарафшон, Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ҳудудларида ёйилади. Бактрия ҳудудларидан чорвадор қабилалари Ҳинд водийсига йўл оладилар.


Чорвадорларнинг баъзи бир гуруҳлари деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг чегараларида жойлашиб, ўтроқ бўла бошлаган. Қадимги қабилалар дарё соҳиллари бўйлаб, тоғ ёнбағирларида ва воҳаларида тарқалган. Бу вазият аҳоли чорва боқиш ҳамда деҳқончилик билан шуғулланиш мақсадида қулай географик ерларни ўзлаштирганлигини кўрсатади.

Зарафшон, Ҳисор, Боботоғ ва Помир тоғлари ёнбағирларидаги яйловларда қабилалар асосан майда чорва боққанлар. Улар воҳаларда яшовчи зироатчи аҳоли билан кенг ижтимоий–иқтисодий муносабатларда бўлган. Ўрта Осиёдаги бронза даври туб жойли аҳоли ва келгинди чорвадор қабилаларнинг коришиб кетиши натижасида минтақада яшаб ўтган қадимга элатларга асос солинади. Ўзбекистон ҳудудида ҳам жойлашган шу элатларнинг вакиллари ўзбек халқининг қадимги аجدодларидан бўлиб, улар ҳақида маълумотлар илк ёзма манбаларда ифодаланган.

Мил. авв. I минг йиллик биринчи ярмида Ўрта Осиё тупроғида бир неча йирик тарихий–маданий вилоятлар – Хоразм, Сўғд, Бактрия, Марғиёна, Фарғона, Чоч пайдо бўлган.

Ибтидоий жамиятнинг асосий белгилари





Таянч сўзлар

Бронза даври, зироатчилик ва чорвадорлар маданиятлари, археологик маълумотлар, деҳқончиликнинг ёйилиши, ишлаб чиқариш муносабатлари, меҳнат қуролилари, бронза қуролилари, кулолчилик, маданий ютуқлар, Сополлитепа, Даштли–Сополли маданияти, Гонур–Тўғалок маданияти, Бактрия–Марғиёна цивилизацияси, Жарқўтон, моддий манбалар, Тозабөгёб. Замонбобо, Чуст маданияти, тоғ олди ва даштларда яшовчи аҳоли, металлургия ривожини, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, меҳнатнинг йирик тақсимоли, маданий алоқалар, аҳоли, этник муносабатлар, Андронов маданияти, хунармандчилик соҳалари, бинокорлик усуллари, меъморчилик, ибодатхоналар, миграциялар, қадимий эътиқодлар, патриархат, катта патриархал оила, ижтимоий гуруҳлар, илк давлатчилик тизими, цивилизация.

Савол ва топшириқлар

1. Бронза даврига оид умумий маълумот беринг.
2. Бронза даври маданиятлари доирасининг кенгайиб бориши жараёни сабабларини очиқ беринг?
3. Бронза даври хунармандчилигини таърифлаб беринг.
4. Сополлитепа ҳақида ҳикоя қилинг.
5. Жарқўтон тўғрисида нималарни биласиз?
6. Тозабөгёб маданиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

7. Бронза даврида ижтимоий–иқтисодий муносабатлар қандай бўлган эди?
8. Замонбобо ёдгорлиги ҳақида гапириб беринг.
9. Бронза даврида маданий алоқалар қай даражада ривож топган?
10. Бронза давридаги этник жараёнлар ҳақида гапириб беринг.
11. Ўрта Осиёда илк цивилизация қайси ҳудудда шаклланган?

3–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
2. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л.: Наука, 1976.
3. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент, 1964.
4. Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Фан, 2001.
5. Сарианиди В. Задолго до Заратустры. – М.: Старый сад, 2010.
6. Виноградов А. Древние охотники и рыболовы Средней Азии. – М., 1981.
7. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.
8. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Заравшана. – Ташкент: Фан, 1966.
9. Фуломов Я.Г. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1959.
10. Мелларт Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. / Пер. с англ. Е.В. Антоновой. – М.: Наука, 1982
11. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
12. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
13. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. // Тр. Хорезмской археолого–этнографической экспедиции. Т.10. – М., 1977.
14. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.
15. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. I–жилд. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

16. Сагдуллаев А.С. Средняя Азия и Индия: формирование и развитие ранних путей историко–культурных связей // Индия и Центральная Азия. – Ташкент, 2000.



4–мавзу. Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш асослари.

Режа:

- 4.1. Илк давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши.
- 4.2. Бошқарув тизими ва илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари.
- 4.3. Давлатчилик келиб чиқишига доир назариялар. Давлат шакллари ва бошқарув тизими.

4.1. Илк давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши.

Ўрта Осиё Иккидарё оралиғи ўзига хос тарихий–географик ва тарихий–маданий ҳудуд ҳисобланиб, иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё туфайли бу ҳудудларда кўп асрлар давомида цивилизация тараққий этиб борган. Бу ҳудудда пайдо бўлган давлатлар қадимги даврларда ва ўрта асрларда ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Қадимги даврларда Хоразм, Сўғд, Бактрия вилоятларидаги этник, моддий маданият, тил ва ёзув бир–бирига яқин бўлган. Бу ҳолат ҳар бир вилоятнинг тарихий–маданий шакллари ҳамда маданий тараққиёт даражаси билан изоҳланади.

Сўнгги йиллар тарихшунослигида Ўзбекистон тарихидаги қадимги давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши ишлаб чиқилди (Э.В.Ртвеладзе). Ушбу даврлаштириш тарихий ҳамда археологик тадқиқотлар натижаларига асосланган бўлиб, мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмидан милодий III–IV асрларгача бўлган куйидаги 6 та даврга ажратилади.

Биринчи давр–мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми. Бу даврда Шимолий Бактрия (Сурхон воҳаси)да давлатчиликнинг илк кўриниши шаклланиб, унинг тепасида балки оқсоқоллар кенгаши ва сайланадиган ҳукмдор турган бўлиши мумкин. Бундай кўринишдаги илк давлатлар бу даврда Бактрия ҳудудларида шаклланган нисбатан йирик уюшмалар таркибига кирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нисбатан тараққий этган иқтисод, жумладан, суғорма деҳқончилик, сопол ва металл ҳунармандчилиги, ички ва ташқи савдо муносабатлари бундай уюшмаларнинг давлатчилик хусусиятидан далолат беради. Аммо,

давлатчиликнинг муҳим белгиси ҳисобланган ёзувнинг бу ҳудудларда мавжудлиги ҳозирга тўла исботланмаган.

Иккинчи давр – мил.авв. I минг йиллик бошлари– мил.авв. 540 й. Бу борада Бактрия, Суғд ва Хоразм каби тарихий–маданий вилоятлар шаклланади. “Авесто” маълумотларига таяниб, тадқиқотчилар уларни ижтимоий тоифалар тизимига асосланган сиёсий ҳокимият кўринишидаги давлатларнинг илк шакли сифатида изоҳлайдилар. Бу даврда нисбатан ҳудудий йирик мулклар–қадимги Бактрия ва қадимги Суғд давлатлари, шунингдек, шимолда сак–массагетларнинг қабилалар конфедерациялари ташкил топган.

Учинчи давр – мил.авв.540–330 йиллар. Аҳамонийлар босқини туфайли Ўрта Осиё вилоятларининг улар қадимги Форс давлати таркибида кириши натижасида маҳаллий давлатчилик тараққиётидаги узилиш даври. Улкан Аҳомонийлар салтанати сатрапияларга бўлиниб бошқарилган ҳамда учта Ўрта Осиё сатрапиялари – Бактрия, Суғд, Хоразм тўлалигича ёки қисман ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган.

Сатрапиялар таркибига кирган вилоятларнинг ҳукмдорлари, Бактрия ва Суғд зодагонлари Оксиарт, Хориен, Сисимитр, Катан, Австан–Наутака, Ксениппа, Паретака каби ўзларининг меросий мулкларини маълум маънода мустақил бошқарганлар. Сак қабилаларининг аҳамонийларга қарши узоқ курашлари натижасида мил.авв.IV асрнинг бошларига келиб Хоразмда мустақил давлат ташкил топади.

Тўртинчи давр –мил.авв. IV асрнинг охири – II аср иккинчи ярмининг боши. Македониялик Александр юришларидан сўнг Салавкийлар давлати даври ва Юнон–Бактрия давлатининг инқирозигача бўлган, ўз хусусияти ва шаклига кўра икки хил– Шимолий Бактрия ва қисман Суғдда эллинистик, қолган ҳудудларда эса, хусусан Хоразмда маҳаллий давлатчилик анъаналари ривожланади, Ўрта Сирдарё ҳавзасида Қанғ ва Фарғона водийсида Даван давлати вужудга келади. Бу даврда пайдо бўлган Салавкийлар ва Юнон–Бактрия давлатларида давлатчиликнинг эллинистик сиёсий мезонлари ўрнатилган тарзда, айрим йирик шаҳарларда полис бошқаруви мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Ўрта Осиё Иккидарё оралиғининг шимолий ва шарқий қисмида – Хоразм, Суғд ва Фарғонада маҳаллий давлатчилик тизимининг

ривожланиши бўлиб, тадқиқотчилар бу жараён босқичини шартли равишда “хоразм–қанғ”, деб атайдилар.

Мил.авв. IV асрда Хоразм аҳамонийлардан мустақил бўлган бўлса, мил.авв. III–II аср бўсағасида Суғдда Антиох I ва Евтидем тангаларига тақлидан тангалар зарб этган алоҳида мулклар шаклланади. Шу даврда марказий ва шимолий ҳудудларда Қанғ давлати конфедерациясининг ҳам шаклланиш жараёни бўлиб ўтади.

Бешинчи давр – мил.авв. II асрнинг иккинчи ярми – милодий биринчи аср бошлари. Кўчманчи қабилалар ҳужуми натижасида Ўрта Осиё Иккидарё оралиғининг барча ҳудудларида давлатчилик мавжуд бўлиб, кўчманчи давлатчилик анъаналари маҳаллий давлатчилик анъаналари билан аралшиб кетади. Бу ҳудудларга кириб келган юечжи–тохарлар Суғд ва Шимолий Бактрияга ҳудудларига жойлашиб, бешта мулкдан иборат мустақил давлат конфедерациясини ташкил этадилар.

Бу даврда Қанғ давлати конфедерациясига Суғд ва Чоч мулклари ҳам киради. Бу мулклар аввал юнон–бактрия тангаларига тақлид қилиб танга зарб этган бўлсалар, кейинроқ, мустақил танганлар зарб этадилар.

Бу даврдаги барқарор давлатчиликнинг муҳим белгиларидан бири – оромий алифбоси асосидаги ёзувнинг кенг ёйилиши ҳисобланади.

Олтинчи давр – милодий I аср боши – III аср ўрталари. Бу даврдаги энг муҳим воқеалардан бири – қудратли Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жануби Кушон давлатнинг бир қисми эди. Айнан шу даврда Сурхон воҳасида шаҳарларнинг гуллаб–яшнаши, аҳоли манзилгоҳларининг кўпайиши, маданий ҳаёт, иқтисод, савдо–сотиқнинг тараққиёти кузатилади.

Шунингдек бу даврда Бухоро Суғднинг жануби–ғарбида (“Гиркод” сулоласи), Самарқанд Суғдида (“Қан” сулоласи), Жанубий Суғдда Кеш (“Артат” сулоласи), Фарғона ва Чочда мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб борувчи мулк–давлатлар ривожланади.

Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатчилик даври қуйидаги муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради:

- тангаларда давлат рамзи бўлган сулолавий белгиларнинг мавжудлиги;
- ёзувнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши;
- мустақил танга зарб этишнинг пайдо бўлиши, товар–пул муносабатларининг тараққий этиши;
- давлатчиликнинг барча функцияларига эга бўлган алоҳида мулкларнинг шаклланиши;
- бу мулклар ўртасида дипломатик муносабатларнинг кенгайиши;
- давлатлар ва халқларнинг маънавий бойиши, халқаро алоқалари, махсулот айирбошлашига кенг йўл очиб берган Буюк Ипак йўлининг шаклланиши.

Сўнгги илмий тадқиқотлар натижасида, юқорида кўриб чиқилган илк давлатлар ривожланишининг даврлаштиришига айрим қўшимчалар киритиш мумкин. Ўрта Осиё жанубида давлатчилик тизимига ўтиш даври мил.авв. II минг йилликнинг биринчи ярми, яъни бронза даври билан белгиланади. Бактрия ва Суғд мисолида ҳудудий жиҳатдан ўртаосиёна давлат мил.авв. VII асрда вужудга келади.

Бошқарувнинг илк шакли ижтимоий бошқарув сифатида сўнгги палеолит даврида вужудга келган. Жаҳон тарихи даврлаштирилишида бу босқич инсон ҳаётида қариндошларнинг алоҳида бирлашуви – уруғи жамоасига айлана бориши билан боғланиб, она уруғи даври – матриархат деб аталади. Мезолит ва неолит даврида Ўрта Осиёнинг тоғлар, даштлар, кўл ва денгиз бўйларида жойлашган, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган аҳолининг ижтимоий ҳаётида матриархат яъни ёши катта аёлларнинг (катта она) мавқеи эркаларникига нисбатан анча баланд эди. Бу давр уруғчилик жамият ижтимоий–иқтисодий ривожидида қон–қариндошлик тамойилининг муҳимлиги юқорида таъкидланди.


Матриархатнинг хусусияти шундан иборат эдики, қариндошлик она томонидан белгиланиб, биринчи галда уруғ, оила ичида намоён бўлган (болаларни тарбиялаш, озиқ–овқат махсулотларни тақсимлаш, овқат ва кийим–бош тайёрлаш, жамоадаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш, ички муносабатларни назорат қилиш). Аммо меҳнат қуролиларини яшаш, овчилик ва балиқчилик машғулотларини ташкиллаштириш ва амалга оширишда эркаларнинг аҳамияти катта бўлган. Шу тариқа

ташкилий–бошқарув фаолият вужудга келган. Бу борада эътиқод маросимларини амалга ошириш зарурияти ҳам эътиборга молик.

Хўжалик шаклларини ривожлантириш, билим ва кўникмаларни авлоддан–авлодга ўтказиш жараёни ўз тажриба ва амалий билимлари билан жамоада ажралиб турган моҳир қуролиз, балиқчи ва овчиларни сараланишига олиб келган. Уруғчилик тизимида урф–одатлар ва ахлоқий хислатлар устунлик қилиб, ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган.

4.2. Бошқарув тизими ва илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари.

Юзлаб мингйилликларни ўз ичига, олган инсоният тарихида дастлабки давлатлар ва шаҳарларнинг ташкил топиши, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, ёзувнинг келиб чиқиши – нисбатан кейинроқ юзага келган ҳодисалардир. Давлатчилик жаҳон тарихида миллоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларида Шарқда вужудга келган бўлиб, инсоният тамаддудининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади.



Илк жаҳон цивилизациялари

Бошқарувнинг илк босқичлари қадимги замонларга бориб тақалади. Ибтидоий жамият тарихида ижтимоий бошқарув тамойиллари ва вазифалари турли кўриниларда бўлиб, ташкил қилиш. Тартибга сарҳолиш. Назорат, жамоатнинг ички муносабатларини бошқариб туриш функциялари билан боғланган эди. Шу тарзда ижтимоий–иқтисодий талаблари, обрў–эътиборига эга, ўзларининг шахсий ахлоқий хислатлари, амалий билимлари ва тажрибаларини билан бошқалардан ажралиб турган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Уруғ оқсоқоли ва қабилалар йўлбошчилари жамоалар вакиллари йиғинида (“Халқ йиғини”) сайланган. Ибтидоий жамият тарихида йўлбошчи раҳбар ижтимоий фойдали фаолияти билан банд бўлиб, уруғ–қабила одатларида асосланган ижтимоий ҳокимият дастлаб сиёсий давлат мақоми даражасига етмаган ижтимоий ташкилот шаклини ўзида ифода этган.


Қадимги давлатлар ўз ривожланиш босқичларида, турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга эга бўлган. Даставвал, илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик ва чорвачилик қаерда олдин ривож топган бўлса, ўша ерда вужудга келди.

Ибтидоий тарихда (уруғчилик жамоаси даврида) аҳолининг жойлашуви қон–қариндошлик алоқалари билан белгиланади. У ёки бу ҳудудда фақат битта уруғ аъзоларигина яшаган. Хўжалик ишлаб чиқарувчи шаклларининг тараққиёти аҳоли жойлашуви ҳудудларнинг кенгайишига, ташқи алоқаларнинг узлуксиз ривожланишига олиб келган. Ишлаб чиқариш зарурати ва бошқа иқтисодий омиллар шуни тақозо этган. Шу тарика аҳолининг аралаш жойлашуви жараёни бошланган. Бунда бир ҳудудда турли уруғ намояндлари яшайдиган бўлган. Ана шундай қилиб, жамиятнинг янги ҳудудий ташкилоти вужудга келган. Қариндош–уруғчилик жамоаси ўрнига ҳудудий кўшничилик жамоаси пайдо бўлиб, ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган катта оилалар пайдо бўлган.

Бу жамоалар вакиллари алоҳида уй–жойлар, экинзорлар ва суғориш тармоқлари билан чегараланган, яъни, тўла ўзлаштирилган ва муттасил хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиб келинган воҳа–тумандарда ҳаёт кечириб, ўз ички ва ташқи муносабатларида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда бирлашишга ҳаракат қилганлар.


Ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ташқи харбий босқинлардан ҳимояланиш, жамоадаги диний урф-одатларни бажариш каби масалалар ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг янги ривожланиш босқичига асосланган.


Ўзлаштиручи хўжаликларга асосланган ибтидоий (уруғчилик) жамият белиглари



Ўзбек халқи, Ўрта Осиё халқлари ва уларнинг аجدодлари тарихида илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганиш долзарб вазифадир. Ўрта Осиёда илк давлатчилик тузумига бронза давридаги суғорма деҳқончилик ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик замин яратган эди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёда давлатчилик тизимига ўтиш жараёни фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Бактрия ҳудудидан топилган юқори сифатли олтин, кумуш ва бронза буюмлари ташқи савдо ва ўзаро алоқаларнинг ривожланганлигидан далолат беради. Қадимги Шарқ давлат марказлари билан маданий муносабатлар муаммоси долзарб мавзу бўлиб, археология маълумотлар ўзаро алоқалардаги мавжуд технология ва иқтисодий таъсирни кўрсатади.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий жамиятнинг белигалари





Илк давлатларнинг ҳудудий асосини бир–бирига яқин жойлашган кўшни деҳқончилик туманлари ташкил этган. Хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли зич жойлашган бўлиб, улар қадимги деҳқончилик туман–воҳалари деб аталган. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдор ерлар ва суғориш тизимидан ташқари уй– кўрғонлар ва манзилгоҳлар, экин экилмаган ерлар ва яйловлар мавжуд бўлган. Қадимги деҳқончилик туманларининг тузилиши табиий–географик, ижтимоий–иқтисодий ва маданий муҳит билан боғлиқ эди. Бир неча туманлар вилоятни ташкил этган.

Юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлиқ ҳолда бошқарувнинг ҳудудий функциялари ҳам вужудга келган. Ушбу функциялар туман, вилоят ҳудудларида жойлашган қишлоқ жамоалари, туман аҳолиси (бир неча қишлоқ жамоалари) ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ва бошқариб туриш заруриятидан келиб чиққан.

Шу тариқа илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланган. Иккинчи босқич жамоанинг ўзини–ўзи бошқарув муассасаларининг йўлбошчи ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда жамоа аъзолари ўртасидаги ички ва ташқи алоқаларнинг ҳуқуқий тартиби янада такомиллашиб боради. Бу ҳолат эса давлат тизимидаги турли вазифаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига олиб келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қадимги Шарқнинг илк давлатлари тарихи дастлаб жамиятнинг қуллар ва қулдорларга бўлинишидан бошланмаган экан. Ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири мулкий табақаланиш бўлмасдан, синфий

карама–қаршиликка алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий–амалий вазифалар жиҳатидан бўлинишидир. Бу ҳол, энг аввало, ижтимоий–иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган. Давлатчиликнинг асослари, сиёсий институтлар шакллангандан кейинги чуқур ижтимоий табақаланиш жараёнининг бошланиши билан изоҳланади.

Илк давлатларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида дастлаб озод жамоа аъзоларининг меҳнати муҳим ўрин тутди. Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги аҳоли жойлаша оладиган ҳудудларга, бўз ерлар ва чорва учун яйлов, маъданларга бой манбаларга эга бўлиш эҳтиёжи катта ё кичик урушларга сабаб бўлган. Доимий ҳарбий тўқнашувлар шароитида баъзи бир давлатлар тор–мор этилиб, баъзи бирлари эса кучайиб борган. Саноксиз асирлар ва хонавайрон бўлган жамоа аъзолари қулликка маҳкум бўлганлар. Уларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариш мақсадларида кенг фойдаланилган. Шу тарзда тарихда Қадимги Миср, Оссуриядек ўртамиёна ҳудудга эга давлатлардан (ўрта подшоликлар) кейинчалик йирик, дунёвий миқёсдаги аҳамонийлар салтанатидек давлатлар вужудга келган.

Археологик ва ёзма манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, илк темир даври Бактрия ва Сўғд жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оилалардан иборат уй жамоалари (катта оила вакиллари) ташкил этган. Уй–қўрғонлар жойлашувининг ташқи белгилариёқ, уй–жамоалари афтидан анча йирик ҳудудий қўшни жамоаларни ташкил қилганидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар (уй жамоаси) бошлиқлари ёки уй эгалари, шунингдек, алоҳида қишлоқ қўрғонларини бошқарувчи жамоалар катта аҳамиятга эга бўлган.

Алоҳида уйлар ўртасидаги қариндошчилик муносабатлари каби белгилар афтидан, иккинчи даражали бўлиб борган. Бу шунда кўринадики, ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошчилик алоқаларига қарамасдан, алоҳида хусусий мулкка, ўз уй–жойига, ишлаб чиқариш қуролларига, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорваларига эга бўлишган, бир сўз билан айтганда, улар ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирганлар. Катта оилали жамоалар шакли жамоадаги ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳаракертига боғлиқ бўлиб, улар жамоатнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига олиб келди.

Уй–қўрғон эгаларининг ҳуқуқлари анча юқори бўлиб, улар оила ва жамоадаги иш юритувчилар сифатида анъанавий қишлоқ хўжалик шакллари ривожлантириш, озиқ–овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида турли муносабатларни бошқариб турган. Бу ижтимоий тузумда айрим гуруҳлар деҳқончилик хужалиги билан машғул бўлган. Шунингдек, тузумда уй чорвачилиги, ихтисослашган хунармандчилик, қурилиш ишлари билан шуғулланувчилар, умуман, ишлаб чиқарувчилар бор эди. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлмаган ёки хўжалик ишлари билан камдан–кам шуғулланадиган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, бу тоифа кишиларига - уй–қўрғон эгалари, жамоа оқсоқоллари, диний арбоблар, туман ва вилоят ҳокимлари кирган. Уларнинг барчаси жамият ҳаёти ва ишлаб чиқариш тартибида тутган ўрни билан бошқалардан фарқ қилган.

Ўзбекистонда илк давлатлар деҳқончиликдан иқтисодий ихтисослашган хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши туфайли шаклланган шаҳар марказлари асосида пайдо бўлган. Шаҳар марказларининг аҳамияти, айниқса ҳарбий тўқнашувлар пайтида янада ошиб, улардан туман аҳолиси учун бошпана, ижтимоий мулкнинг асосини ташкил этувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилган.

Тарихий маълумотларга кўра, илк темир даврида Ўзбекистон жанубидаги жамоаларда “уй эгаси”, “қишлоқ оқсоқоли”, “оқсоқоллар кенгаши”, “туман ҳокими” каби мансаблар мавжуд эди. Ижтимоий тузумнинг бу поғонаси илк давлатчиликнинг юқори даражаси бўлиб, у жамоаларнинг ижтимоий ҳаётида ўз обрў–эътибори ва аҳамитини сақлаб қолди. Жамоа учун ташкилий бошқарув кенг қўламдаги қурилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш пайтида зарур эди. Йўлбошчи ҳокимларнинг бошқалардан ажралиб туришига қадимги шаҳарларнинг ички қалъасида уларнинг алоҳида жойлашган сарой қўрғонлари мавдужлиги ҳам гувоҳлик беради. Бу ҳокимият жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб турган.

Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик тизимига ўтиш бронза даврида бошланади. Сурхондарёдаги Ўлонбулоқсой – Шеробод қадимий зироатчилик воҳаси ёдгорликларнинг ўрганилиши (Сополли, Жарқўтон) деҳқончилик, меъморчилик ва хунармандчиликнинг юксак тараққий даражасини очиқ берди. Жарқўтонда алоҳида жойлашган ибодатхона Қадимги Шарқдаги

саждагоҳлар сингари, эътиқодга оид вазифасидан ташқари, ибодат–хўжалик мажмуаси моҳиятига эга бўлган. Бронза даврида ибодат меросимларини ташкиллаштирувчи ва ижро этувчи маҳсус ижтимоий гуруҳлар – коҳинлар пайдо бўлади.

Мил.авв. IX–VIII асрларда дашт чорвадор қабилалари кўчиб юрадиган чорвачилик шаклига ўтадилар. Кўчманчилар қурол–яроғни ривожлантириш, ўқ отиш ва суворий жанг қилиш соҳасида катта ютуқларга эришиб, ўтроқ деҳқончилик аҳоли учун жуда хавфли кучга айланадилар. Бу даврда суворий–жангчи ва ҳарбий йўлбошловчиларнинг мавқеи ошади. Шу тариқа “ҳарбий демократия” тамойилларига асосланган кўчманчи қабилаларнинг уюшмалари вужудга келади. Бунга ўхшаш уюшманинг маркази Қуйи ва Ўрта Сирдарё ҳавзаси даштларида жойлашган. Мил.авв. VII–VI асрларда Шарқий Каспий бўйи, Жанубий ва Шарқий Оролбўйи оралиғи ҳудудларида жойлашган сак–массагет қабилаларнинг ҳарбий уюшмаси пайдо бўлади.

Мил.авв. VII–VI аср ўрталарида деҳқончилик воҳа–туманлари асосида давлатчилик Бактрия, Сўғд, Хоразм ва Фарғона водийсида ривожланади. Мил.авв. IX–VII асрлар тарихига оид “Авесто”да йўлбошчилар ва ҳукмдорларнинг унвонлари белгилаб берилган – “кави” (ҳукмдор, подшо), “састар” (ҳарбий йўлбошчи), “зантупати” (қабила йўлбошчиси). Бактрия ва Сўғд давлатчилиги шакли “дахиюсасти” (барча вилоятлар ҳудудий бирлашуви)га анча яқин бўлган.

Қадимги Шарқдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпгина умумий жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Айнан мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихи билан узвий боғлиқдир.

Бронза давридаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва чорвачилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этган. Суғорма деҳқончиликнинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ва чорвачилик ривожини натижасида кўшимча маҳсулот ва хусусий мулк кўринишлари пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қулай бўлган Амударё (юқори, ўрта, қуйи) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки

давлатлар – Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Дастанлар шаҳар марказларининг пайдо бўлиш муаммолари давлатчилик пайдо бўлиши масалалари билан узвий боғлиқ мавзу ҳисобланади. Илк ёзма манбалар Ўрта Осиё ҳудудларида давлатлар вужудга келиши ҳақида нисбатан аниқ маълумотлар бермайди. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти бекиёсдир.


Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши – дастанлар шаҳарлар ва давлатчиликнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб кўплаб бронза ва илк темир даври ёдгорликларидан (Сополли, Жарқўтон, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратепа, Чуст, Далварзин ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган темир қуроллар топиб ўрганилган. Меҳнат қуролларининг металлдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратди.

Бронза даврида ҳунармандчиликнинг ихтисослашуви ва алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосини илк шаҳарлар ташкил этган давлатчиликнинг пайдо бўлиши учун муҳим бўлган кўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлди. Илк давлатларнинг пайдо бўлишида илк шаҳарлардаги ўзаро айирбошлаш, савдо–сотик ва маданий–иқтисодий алоқаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ дехқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашади. Жанубий ва шимолий ҳудудларидан аниқланган топилмалардаги жуда кўпгина ўхшашликлар бу ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалардан, қадимги йўлларнинг тараққий этганлигидан далолат беради.


Ўзбекистонда энг қадимги давлатларнинг шаклланиш жараёни дехқон–чорвачилик иқтисодиёти, ихтисослашган ҳунармандчилик ва шаҳар марказларининг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг ривожланиши асослари





Мил. авв. VII–VI асрлар бошқарув тартиби



Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, ҳосилдор ер майдонларининг ўзлаштирилиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ривожланиши аҳоли жойлашувининг ҳаётий зарур ҳудудларга бўлинишига олиб келади. Бундай шароитда чорвадор аҳолининг маълум бир қисми хўжаликнинг ярим ўтроқ ва чорвачилик шаклига ўтишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги мил.авв.VII–VI асрларга оид кўчманчилар ёдгорликлари ўтроқ аҳоли ҳудудлари чегараларида (Оролбўйи, шимолий Туркменистон, Зарафшоннинг қуйи оқими, Помир ва бошқ.) жойлашганлиги тасодифий ҳол эмас.

4.3. Давлатчилик келиб чиқишига доир назариялар. Давлат шакллари ва бошқарув тизими.

Давлатчиликни ўрганиш тарихнинг турли даврларида тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келган ҳамда бу йўналишда турли ёндашувлар ва қарашлар пайдо бўлиб, улар асосида кўплаб назариялар ишлаб чиқилган. Турли назариялар тарафдорлари ўзларининг мафкуралари, ёндашувлари ва дунёқарашларига асосланиб ўз назарияларини исботлашга ҳаракат қилганлар. Ушбу назарияларда хусусий тадқиқот, абстракция (мавҳум тасаввур), умумий фалсафий усуллар устунлик қилиб, муаммонинг тарихий–ҳуқуқий жиҳатларига кам эътибор қаратилади. Сўнгги йилларда мазкур масалани кўриб чиққан олимлар (Р.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, А.В.Абдуллаев) қуйидаги назарияларга таъриф бердилар:

Теология назарияси тарафдорлари: XIII аср, Фома Аквинский, XIX аср Жозеф Местр, ислом мафкураси ва католик черкови.

Бу назария давлатлар келиб чиқишини илоҳийлик билан боғлайди. Қадимги даврдаёқ пайдо бўлган бу назария илк давлатларнинг диний бошқарув шакллари (теократик) қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Патриархал назария дастлаб Арасту асарларида асосланиб, XIII аср Р.Фильмер томонидан ривожлантирилди.

Унинг тарафдорлари дастлабки давлат бевосита оиладан ўсиб чиққан деб ҳисоблайди. Унга кўра давлат ҳокимияти отанинг оила аъзолари устидан ҳокимлигини белгилаб беради.

Патрёмониал назария XIX асрда яшаган француз олими А.Галлер томонидан ишлаб чиқилган.

Назария тарафдорлари давлат ерга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиққан (патримомум) деб ҳисоблашади. Яъни, ҳокимият, ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан бевосита у ерда яшовчи одамларга ёйилади.

Шартномавий назария. XVII–XVIII асрлада кенг ёйилган бу назария тарафдорлари А.Горций, Ж.Локк, Т.Гобс, Ж.Руссо, Д.Дидро, Ш.Монтескье кабилар эди.

Бу назарияга кўра давлат – одамлар ўртасида тузилган шартнома асосида одамларнинг онгли равишда бирлашишидир. Одамлар шартноманинг кучи билан ўз эркинлиги, ўз

хокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

Зўравонлик назарияси. Унинг тарафдорлари: Е.Дюринг, Л.Гумилович, К.Каутский ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз қабилаларнинг кучли ва уюшган қабилалар томонидан босиб олинishi туфайли зўравонлик ёки куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Ирригация назарияси. Немис олими К.Виттфогель томонидан ишлаб чиқилган. Бу назарияга кўра, давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг бирламчи деспотик шакллари шарқий аграр вилоятларда улкан иншоотлар қурилиши билан боғланади.

Психология назарияси тарафдорлари: Л.Петражетский, З.Фрейд, Г.Тард давлатнинг пайдо бўлиниши инсон психологияси, шахснинг жамоада яшашга эҳтиёжи, обрўли кишиларни излаш, буйруқ бериш ва итоат истаги билан изоҳлайдилар.

Синфий назария. Тарафдорлари: К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, Г.Плеханов. Бу назарияга кўра, синфлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида синфий кураш кескинлашувининг якунидир. Давлат бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлик қуролидир.

Давлатчилик келиб чиқиши масалаларига оид марксча назарияси жамиятда ижтимоий ўрни баланд бўлган бой–бадаввалт кишилар ва аксинча қашшоқ синфларнинг пайдо бўлиши ғояси билан боғланган.

Ибтидоий жамиятнинг емирилиши ва илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганишда совет даври тадқиқотларида синфий назария услубий пойдевор бўлган. Шу сабабли ҳам давлат халқдан ажралган ҳолда синфий эзувчи куч сифатида таърифланган. Эксплуатациянинг илк шакллари куйидаги уч асосий шаклларига ажралиб ўрганилган: 1. Қулчилик; 2. Жамоадаги ички эксплуатация; 3. Ўлпон йиғиб олиш ва ижтимоий–иқтисодий қарамлик.

Совет даврида устунлик қилган назарияга кўра давлатчиликнинг келиб чиқиши омиллари куйидагича тасвирланган:

XX аср назарияларига оид Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши сабаблари ва омиллари



Давлат турлари ва шакллари, бошқарув тизими.

Ўзбекистон қадимги сиёсий тарихининг долзарб масалаларидан бири илк давлатчиликнинг, шакллари ва бошқарув масалалари ҳисобланади. Бизга қадар етиб келган ёзма манбалар ушбу муаммоларга мумкин даражада аниқлик киритсада, тўлиқ очиқ бера олмайди. Археологик манбалар ҳам ушбу масалалар юзасидан тўлалилича тасаввурга эга эмас. Айнан шунинг учун ҳам давлатчилик тарихи йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб борган ва олиб бораётган олимлар ёзма ва археологик манбаларни ўзаро қиёсий таҳлил қилиб, дунё тарихидаги давлатчилик жараёнлари тарихи билан солиштирган ҳолда давлатнинг шакллари ва бошқарув масалалари бўйича илмий хулосалар беришга ҳаракат қиладилар.

Бугунги кунга қадар олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидан маълумки, Ўзбекистоннинг бутун қадимги даври тарихи мобайнида давлат уюшмаларининг турли шакллари мавжуд бўлган. Улар орасида пайдо бўлиш нуқтаи назаридан маҳаллий ва хорижий давлат турлари ажратилади. Маҳаллий шарт–шароитлар

ва асосларда шаклланиб аста–секин тараққий этган давлатларга Хоразм, Қанғ, Даван давлатлари киритилса, ҳарбий–сиёсий таъсир ва босқинчилик туфайли пайдо бўлган давлатларга Аҳамонийлар, Салавкийлар, Юнон–Бақтрия қабила киритилади.

Э.В.Ртвеладзе қадимги Ўзбекистон ҳудудларидаги илк ўрта асрларга қадар бўлган давлатларнинг турлари ва шакллари куйидагиларга ажратади:

Давлатнинг биринчи тури – подшолик, бошқарув шакли – мутлақ монархия. Ўзбекистоннинг қадимги тарихида давлатларнинг бундай тури ва шакли устувор бўлган бир неча даврини кузатиш мумкин. Авваламбор, мил.авв. 539–330 йилга қадар қадимги Ўзбекистоннинг Фарғона ва Чочдан ташқари деярли барча ҳудудлари Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган. Хоразм, Суғд, Бақтрия ва саклар ўлкаси аҳомонийлар подшолари томонидан тайинланиб қўйилган сатраплар томонидан бошқарилиб, уларга маълум миқдорда бож тўлаб турганлар.

Ноиблар бошқаруви тизимида маълум мустақилликка эга бўлган мутлақ монархия Салавкийлар ва Юнон–Бақтрия давлатларида ҳам мавжуд бўлган. Мил.авв. IV аср охиридан III аср ўрталарига қадар Шимолий Бақтрия ва Суғд эллинистик подшолик ҳисобланган Салавкийлар давлати таркибида эди. Мил.авв. III асрнинг ўрталаридан II асрнинг иккинчи ярмига қадар Шимолий Бақтрия ва маълум даврда Суғд Юнон–Бақтрия подшолиги таркибига кирган. Бу давлатдаги подшолар ҳокимияти доимо ҳам авлоддан авлодга ўтмаган.

Милодий I–III аср ўрталарида мавжуд бўлган Кушон подшолиги ҳам аниқ кўзга ташланувчи теократик¹ мутлақ монархия давлати эди. Давлатнинг биринчи подшоси Кужула Кадфиз даврдан сўнг юртимизнинг жанубий ҳудудлари бу давлат таркибига кирган. Бу давлат ҳам сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг бошқаруви тўлалигича кушон подшолари қўлида эди. Ундан ташқари Кушон подшолигида махсус чегара вилоятлари бўлиб, уларни ҳарбий бошлиқлар бошқарганлар. Ўзбекистоннинг жанубидаги Сурхон воҳаси ана шундай вилоятлардан бири бўлган бўлиши мумкин.

Тадқиқотчилар Аҳамонийлар инқирозига қадар, яъни, мил.авв. IV асрнинг бошларида пайдо бўлган Хоразм подшолиги ҳам мутлақ

¹ Теократик - диний йўлбошчи, руҳоний қўлида бўлган сиёсий ҳокимият ҳамда шу усулда идора қилинган давлат.

монархия давлати бўлганлигини тахмин қиладилар. Милодий I асрдан бошлаб Хоразм подшолигида ўз тангаларини зарб этишни йўлга қўйган янги сулола ҳокимиятни қўлга олади.

Давлатнинг иккинчи тури – конфедератив подшолик, бошқарув шакли–чекланган монархия. Давлатнинг бундай турига Қанғ ва Юечжи (Катта Юечжи) давлатлари киритилади. Бу конфедератив подшоликлар бир нечта мустақил мулклардан иборат бўлиб, ўз тангаларини зарб этган қабила йўлбошчилари ёки уруғ бошлиқлари томонидан бошқарилган.

Қанғ давлати худудларига Бухоро ва унинг атрофлари мулки, Бухоро Суғдининг жануби–шарқи ва Самарқанд Суғдининг шимоли–ғарби мулклари, Жанубий Суғд мулки кирган. Катта Юечжи подшолиги ҳам Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Думи, Хитун каби бешта мулкдан бўлиб, уларни турли юечжи уруғлари вакиллари бошқарган.

Давлатларнинг учинчи тури – мулк, бошқарув шакли – қабила йўлбошчилари ва уруғ бошлиқларининг меросий ҳокимияти. Давлат уюшмаларининг қадимги тури бўлган мулклар тарихий–маданий вилоятлар асосида шаклланади. Бу турдаги вилоят–мулклар “Авесто”да, юнон–рим маълумотларида (Геродот, Арриан ва бошқ.), қадимги Хитой ёзма манбаларида эслатиб ўтилади.

Тадқиқотларга кўра, Юнон–Бақтрия подшолиги инқирозидан кейин мил.авв.128 ёки 126 йилда Бақтрияга келган Хитой сайёҳи Чжан Цзянь, Бақтрия кўплаб кичик мустақил мулкларидан иборатлигини таъкидлаб, “бу ердаги деярли ҳар бир шаҳар ўз ҳукмдорига эга”лиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Хитой манбалари Ғарбий ўлка (Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон) худудларида ўзининг маълум мустақиллигига эга бўлиб, ташқи сиёсат олиб борган 55 та мулк ҳақида маълумотлар беради.

Давлат уюшмасининг бу анъанавий тури афтидан мил.авв. II минг йиллик охири – I минг йиллик бошларида шакллана бошлайди. Бу тур сайланадиган йўлбошчилар ва оқсоқоллар кенгаши бошқарган шунга ўхшаш мулклар ривожига, Аҳамонийлар даврида ҳам сақланиб қолган. Антик даври ёзма манбалардаги Сисимитр, Хориен ва Оксиарт кабиларнинг мулклари шунга урғу беради. Қадимги давлатчиликнинг “ўтиш” давларида (мил.авв. II–I, милодий III–IV асрлар) “давлат”нинг бу тури алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, тарихий –маданий вилоятлар асосида йирик

мулклар (Бухоро, Кеш, Чоч) ажралиб туради.

Илк ўрта асрлар даврида мулк–давлатлар нисбатан тараққиётнинг юқори даражасига кўтарилиб, бу анъаналар ўрта асрларда ҳам давом этади.

Таянч сўзлар

Ўрта Осиё Иккидарё оралиғи, маданий тараққиёт даражаси, қадимги давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши, бошқарувнинг илк шакли, бошқарув тизими, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослар, ҳудудий белгилар, меҳнат тақсимооти, уруғчилик жамияти, умумий мулк, йўлбошчи, ҳоким, металлнинг кенг ёйилиши, ижтимоий мансаблар ва бошқарув, оқсоқоллар, ҳарбий йўлбошчилар, диний арбоблар, оқсоқоллар кенгаши, назариялар, давлат шакллари, подшолик, конфедератив давлат.

Савол ва топшириқлар

1. Илк давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Қадимги давлатчилик тараққиётининг муҳим жиҳатларини очиб беринг.
3. Давлатчиликнинг пайдо бўлишида илк шаҳарларнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Давлатчиликнинг келиб чиқиши масаласига оид қандай назариялар мавжуд?
5. Давлатнинг қайси шаклларини биласиз?
6. Ўрта Осиёда давлатчилик келиб чиқишининг омиллари ҳақида нималарни биласиз?
7. Ижтимоий бошқарувнинг хусусиятлари нимадан иборат?
8. Ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган идтидоий (уруғчилик) жамият белгиларини таърифлаб беринг.
9. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий жамиятнинг ҳақида сўзлаб беринг.
10. Ижтимоий мансабалар ва бошқарувнинг асослари мавзусига доир қисқа реферат тузинг.

4–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.
2. Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура в эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарқанд, 1993.
3. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарқандского Согда. – Ташкент, 2002.
4. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
5. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
6. История государственности Узбекистана. Ответ.ред. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Т.1. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
7. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Адолат, 2001.
8. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.
9. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т., 2000.
10. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Ўзбекистана VII в до н.э. – VII в н.э. – Т., 2000.
11. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2003.
12. Эшов Б. Суғдиёна тарихидан лавҳалар. – Т., 2002.
13. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
14. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
15. Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.
16. Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар) / Масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010.

5–мавзу. “Авесто” ва зардуштийлик.

Режа:

- 5.1. “Авесто” тарихий манба сифатида.
- 5.2. Географик - ҳудудий номлар. Ижтимоий–иқтисодий маълумотлар ва сиёсий тарих.
- 5.3. Диний фалсафа ва дафн этиш маросимлари.
- 5.4. Ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар. Жиноят ва жазо турлари.

5.1. “Авесто” тарихий манба сифатида.

“Авесто” тили. “Авесто”—зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, шу диндаги халқларнинг қонунлари мажмуидир. Замонамизгача етиб келган “Авесто” қисмлари милоднинг III–VII асрларида таҳрир қилинган. “Авесто” боблари “пахлавий”– ўрта форс алифбоси асосида 48 та белгили ёзувдан иборатдир. “Авесто” ўрта форс тилидан “Апастак” ёки “Асос” деб таржима қилинади.

Сосонийлар даврига келиб, “Авесто” тили “мавҳум”, тушунарсиз бўлиб қолган, аммо тўпламда эски сўзлар тушунчаларнинг ҳаммаси сақланган. “Авесто” тили шарқий эроний тилларнинг энг қадимги шеваларидан бири бўлган ва олимлар фикрига кўра, қадимги форс тилига нисбатан анча олдинги босқичда, мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган. Бу тил фақат “Авесто”дан маълум бўлганлиги сабабли, у “Авесто” тили деб аталади.

“Авесто”нинг қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, ёзувсиз замонларга оид тасаввурларни ўзида сақлаган ва булар қадимги қабилаларнинг оғзаки ижодидир (қўшиқлар, афсоналар, достонлар). “Авесто” мадҳиялари илоҳларга, табиий кучларга, Қуёш, юлдузларга ва афсонавий қахрамонларга бағишланган. Асрлар давомида бу қўшиқлар оғзаки ижод намунаси бўлиб, диний маросимларда, байрамларда ижро этилган.

“Авесто” биринчи бўлиб XVIII асрда француз олими Анкетил Дюперрон томонидан таржима қилинган. Унинг қўлидаги “Авесто” қўлёзмалари XIII асрга оид бўлган. К. Гельднер, Х. Бартоломэ, В. В. Струве, Х. Хумбах, Е.Э. Бертельс, В. И. Абаев, С.Н.Соколов, В.А.Лившиц, И.М.Оранский. И.С.Брагинский, И.М.Стеблин– Каменский ва бошқа бир қанча олимлар “Авесто” тилини ўрганиш билан шуғулланганлар. Бу олимларнинг “Авесто”

матнлари таржималарига асосланган мазкур манбанинг ўзбек тилига таржималари вужудга келди (А.Маҳкам, М.Исҳоқов).

“Авесто” ва Заратуштра. 1755–1761 йилларда француз олими Анкетил Дюперрон Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятида эрон зардуштийларининг авлодлари – парсларнинг урф-одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиққан. Энг муҳими шундан иборатки, Дюперрон парсларнинг диний ёзувларини ўқишга муяссар бўлган. “Апастак” ёки “Авесто”нинг энг қадимги, 1288 йилда кўчирилган кўлёзма нусхаси бизгача сақланган.

Дюперрон юртига қайтгандан сўнг, 1771 йилда “Авесто”ни таржима қилган. XIX ва XX асрнинг бошларида эса “Авесто”нинг янги таржималари пайдо бўлади.

Дастлабки “Авесто” 21 та китобдан иборат бўлган. Ҳозирги вақтгача унинг айрим қисмлари сақланиб қолган: Ясна – “қурбонлик келтириш”, Виспрат – “барча ҳукмронлар”, Яшт – “кадрлаш”, “улуғлаш”, Видевдат – “девларга қарши қонун”. Буларнинг ҳаммаси сосонийлар даврида таҳрир қилинган.

Ясна китоби 72 бобни ўз ичига олиб, улардан 17 таси “Готалар”, яъни зардуштийлар пайғамбари Заратуштранинг “Муққаддас кўшиқлари”, унинг диний насиҳатларидан иборат.

Готаларни Заратуштра сосонийлар даври (III–VII асрлар)дан бир неча асрлар олдинги даврларда яратган. Ажабланарли томони шундаки, илк ўрта асрларда “Авесто” кўпчиликка тушунарсиз “ўлик” тилга айланган бўлса ҳам Заратуштранинг номаълум сўзлари ва тушунчалари Ясна китобига сўзма–сўз киритишган. Албатта, “Авесто” таҳрирчиларини Заратуштра сўзлари маъносини айрим жойларда бузиб, нотўғри кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар Готалар сўзларини аниқ ўрганиш жуда ҳам қийин жараён деб ҳисоблайдилар.

Виспрат 24 бобдан иборат бўлиб, зардуштийларнинг айрим худоларига бағишланган мадҳиялардир. Улар байрам ва диний маросимларда ижро этилган.

Яштнинг 21 бобида ёзувсиз замонларга оид қадимий қабилаларнинг тасаввурлари сақланган. Яшт китобида афсонавий қаҳрамонларга ва улуғ худоларга бағишланган мадҳиялар тўпланган. Қадимги қабилалар оғзаки ижоди асосида Яшт боблари пайдо бўлган.

Видевдат тўлиқ сақланган китобдир, унинг тарихий санаси Ясна ёки Яшт қисмларига нисбатан бирмунча ёш ҳисобланади. Видевдат 22 та бобдан иборат.

“Авесто” маълумотларини ўрганишга оид турли хил илмий адабиётлар мавжуд. “Авесто”нинг тарихий тўғрилиги ва тарихий саналари, Заратуштра фаолияти ва зардуштийлик динининг вужудга келиши муаммоси билан узвий боғлиқдир. Бу муаммо кўп йиллардан бери олимлар орасида илмий тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Заратуштра (юнонча – Зороастр, ўрта форс тилида – Зардушт) қадимги дунё муаллифлари маълумотларига кўра афсонавий шахс ҳисобланган. Аммо “Авесто”нинг Готалари ва Яшт боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади.

Заратуштранинг исми қадимги “Зарауштра” сўзидан келиб чиққан, “Зар” – бу олтин, “уштра” – туя ёки уч хил маънода – “Олтин туяли”, “Олтин туя эгаси”, “Туялар етаклаган одам” деб таржима қилинади.

“Авесто”да Заратуштра уруғининг номи, ота ва онасининг исмлари, оиласи ва фарзандлари ҳақида маълумотлар бор. Заратуштра чорвадорлар жамиятида таваллуд топиб, унинг эътиқодлари ва урф-одатлари доирасида вояга етган. У Спитама авлодидан келиб чиққан. Заратуштра отаси ва онасининг исмлари – Поурушасп ва Дугдова эди. Заратуштра уйланган бўлиб, иккита қиз фарзанд кўрган.

Заратуштранинг туғилган жойи ва ватани ҳақида “Авесто”да ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шу манбага кўра, Заратуштранинг диний насиҳатлари ўз ватанида тарафдорларини топмаган ва маҳаллий қоҳинлар унга қарши чиққан. Шунинг учун ҳам янги диннинг асосчиси ўз юртидан қочишга мажбур бўлган.

Готаларда Заратуштра бундай хабар қилади: “Қай томонга, қайси юртга қочиб қутулсам, мени жангчилардан ва қоҳинлардан ажратиб қўйдилар, жамоа мени қувнатмайди, мамлакатларнинг ёвуз сардорлари мени қабул қилмайдилар”. Беруний асарида ўз аксини топган тарихий ривоятларга кўра Заратуштрани Балх подшоси яъни, Бақтрия ҳукмдори Виштасп ўз юртида қабул қилган. Виштасп, унинг хотини малика Хутаоса ва подшо оиласининг бошқа вакиллари–узоқ ва яқин қариндошлари Заратуштра таълимотига жуда ҳам қизиққанлар ва унинг эътиқодини қабул

қилган биринчи тарафдорлари деб ҳисобланадилар. “Авесто”да Виштасп “кави” – подшо деб аталади.

Сосонийлар даври анъаналарига кўра Заратуштранинг туғилган йили Македониялик Александргача бўлган 258 йил. Бу сана ҳақида биринчи бўлиб Беруний эълон қилган. Унинг маълумотларига кўра, Заратуштра Александрнинг Шарқ худудига юришларидан (бошланиш санаси – мил. авв. 334 йил) 258 йил аввал таваллуд топган. Демак, Заратуштранинг туғилган йили мил. авв. 592 йил бўлиб чиқади. Маълумки, Заратуштра, 77 ёшда вафот этган ва унинг ҳаёт санаси мил. авв. 592–515 йилларга тўғри келади деб фараз қилинади.

Шу йил саналарга асосланиб баъзи олимлар Заратуштра ахамонийлар подшолари Кир II (мил. авв. 558–530 й.), Камбиз (мил. авв. 530–522 й.) ва Доро I (мил. авв. 522–480 й.) даврларига замондош бўлган деб ҳисоблашадилар. Мазкур фикрни тасдиқлаш учун Доро I отасининг исми Виштасп (Заратуштранинг биринчи ҳомийси ва тарафдорининг исми бўлганлиги) ҳам келтирилади.

Аммо ахамонийлар ёзувларида, расмий давлат буйруқларида ва эълонларида Заратуштра исми тилга олинмаган. Бундан ташқари, “Авесто”нинг Яштлари ёки Готаларида ахамонийларнинг подшолари, ҳарбий юришлари, йирик давлати ва шаҳарлари ҳақида ҳеч қандай маълумотлар сақланмаган. Шунингдек, “Авесто”да Ғарбий Эрон вилоятларининг номлари, Иккидарё оралиғи, Миср ва Кичик Осиё худуди умуман тилга олинмаган.

“Авесто” маълумотларига асосланиб олимлар Заратуштра яшаб ўтган даврни кенг тарихий саналар билан боғлайдилар. Шу жумладан, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталари ва охирлари (1500–1200, 1100–1000 йиллар), мил. авв. I минг йилликнинг бошлари ва биринчи ярми (1000–900, 800–700–600 йиллар) ва бошқа турли хил саналар келтирилади.

Олимлар орасидаги илмий баҳслар бу масалани аниқ ўрганиш мураккаб муаммога айланганлигидан далолат беради. “Авесто”да Заратуштрадан олдинги даврларда кенг худудда жойлашган, қадимги замонларга оид жамиятни тасвирлаш вазиятини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун Заратуштра мил. авв. II минг йилликда яшаган деб фараз қилиш бироз қийин. Юқорида кўрсатилган фикрлардан, Заратуштра яшаб ўтган вақт – бу мил. авв. VII—VI асрлар деган фикрни илгари суриш мумкин. Заратуштра мил. авв. 553—541 йиллар атрофида вафот этган.

Аҳамонийларнинг Ўрта Осиё халқларига қарши дастлабки ҳарбий юришлари мил. авв. 545/540– 520 йилларда бошланган. Демак. Заратуштра аҳамонийлар босқини давридан олдин (77 ёш ҳаёти ҳисобидан) 630–553 йиллар ёки 618–541 йиллар давомида яшаган бўлиши мумкин.

“Авесто”га асос солинган юртнинг географик жойлашувини аниқлаш ҳам қизиқ муаммодир. “Авесто” тили, “Авесто” вилоятларининг тарихий географияси бу манбанинг ватани Ғарбий Эрон ёки Олд Осиё бўлмаганлигидан далолат беради. Олимлар фикрига кўра, “Авесто” Хоразм, Марғиёна, Бактрия, Суғд тупроғида пайдо бўлган (В.В.Струве, И.М.Дьяконов, В.И.Абаев, И.Алиев, Б.Ғ.Ғофуров ва бошқ.). Шунингдек, “Авесто”нинг қисмлари турли асрларда вужудга келганлигига эътибор бериш лозим.

“Авесто” китоблари қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: қадимги географик тушунчалар – дарёлар, тоғлар, қўллар номлари, ҳудудий – этник, қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум – қадимий қабилалар ўртасидаги ҳарбий курашлар, қадимги жангчиларнинг қаҳрамонлиги ва фаолияти ҳамда қадимий подшоларнинг рўйхати, диний насихатлар, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақида маълумотлар ва бошқалар.

“Авесто”да жуда ҳам олис замонларга оид сўзлар ва тушунчалар сақланган. Уларнинг кўпчилигини замонавий географик сўзлар, айрим жойлар номлари ёки исмлар билан боғлаб бўлмайди. Мисол учун “Авесто”да кўрсатилган дарёлар, тоғлар, денгиз ва қўлларнинг номлари ёки қаҳрамон ва жангчиларнинг номлари (Вара, Кара, Вистураш, Нару ва бошқалар) ҳозирги замонда учрамайди.

“Авесто”нинг айрим сўзларидан Нэремон, Сэрвар, Хумая – ҳозирги Наримон, Сарвар, Хумайё исмларининг келиб чиқишини кўриш мумкин. “Авесто”да келтирилган шахсий исмлар кўп ҳолларда “от”, “туя” сўзлари билан боғланади.

5.2 Географик – ҳудудий номлар. Ижтимоий–иқтисодий маълумотлар ва сиёсий тарих.

“Авесто”да энг қадимги вилоятларнинг номлари Яшт китобининг учинчи ва Видевдатнинг биринчи бобида санаб ўтилган. Яшт рўйхатидаги биринчи мамлакат эроний қабилаларнинг ватани – “Арёнам Вайжо” ёки “орийларнинг сайхон ерларидир”. У юртда кўп яйловларга эга баланд тоғлар, кенг дарёлар ва чуқур қўллар бўлган: кейинги мамлакатлар – Поруту, Иската, Моуру, Гава Суғда, Бахди, Хваризам.

Яшт куйидагича хабар беради: «У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан–кўп ҳарбий юришлар қилади, унинг кенг яйловларга эга, сувга сероб тоғларида чорва тинч ўтлов ва емиш билан таъминланган, бу ердаги серсув –чуқур қўллар тўлқинланиб туради, кема қатнайдиган кенг дарёларнинг оқими Порутадаги Иската, Харайвадаги Моуру, Суғдадаги Гава ва Хваризам томонига тошиб интилади”.

Видевдат китобига кўра, зардуштийларнинг улуғ ва донишманд худоси Ахурамазда пайғамбар Заратуштрага бундай хабар қилади: “О Спитама Заратуштра, яшайдиган жойларга, бу ерларда бахтлиқ қанча кам бўлса–да, тинчлик тортиқ қилдим. Биринчидан, одамлар яшаши учун энг яхши мамлакатни, Ванхви Датъё дарёсидаги Арёнам Вайжога асос солдим.

Иккинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган Гава Суғда маконига асос солдим.

Учинчидан мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган кудратли Моуруга асос солдим.

Тўртинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқли гўзал Бахдига асос солдим”.

Видевдатнинг биринчи бобида санаб ўтилган мамлакатлар Яшт вилоятлари рўйхатидан анча фарқ қилади: Арёнам Вайжо, Гава, Моуру, Бахди, Нисайё, Аръё, Ваэкерета, Урва, Хнанта, Рага, Чахро, Варна, номсиз етти Ҳинд вилоятлари ва Ранха дарёси бошларидаги мамлакат.

“Авесто”да энг қадимги мамлакатлар – Ўрта Осиё ва Афғонистон, Эроннинг шимоли–шарқий худуди билан боғланади. Арёнам Вайжо мамлакатини – бу кенг худудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин. У ердаги бепоён даштлар, биланд тоғлар – Помир, Ҳиндикуш, Ҳисор, Танғритоғ, чуқур қўллар – Каспий, Орол, кенг дарёлар – Амударё ва Сирдарё деб фараз қилинади.

Видевдатнинг махсус бобида Арёнам Вайжо Ванхви Датъё (Датия) дарёси ҳавзасида жойлашган деб эълон этилган. «Қиш у

ерда ун ой давом этади, ёз – икки ой. Қиш ойларининг сувлари совук, ерлари совук, қишнинг охирида у ерда катта тошқин сув пайдо бўлади».

Арёнам Вайжонинг географик чегаралари тўғрисида “Авесто”да аниқ маълумотлар йўқ. Арёнам Вайжо иклими шимолий дашт, дашт-ўрмон худудлари ҳамда баланд тоғли вилоятлар табиатига яқин бўлиб кўринади. Ванхви Датъё (Датия, Даити) дарёси бизга номаълум бўлиб, у ҳақида – бу йирик серсув дарё деб фараз қилиш мумкин (баъзи олимлар фикрига кўра Амударё, бошқаларнинг тахминича – Волга).

“Авесто”да тилга олинган яна бир кенг серсув дарё— Ранха, олимлар тахминига кўра Сирдарё бўлиши мумкин. Қадимги юнон тарихчилари маълумотларига қараганда, Ра дарёси скиф тилида – бу Волга дарёсидир.

“Авесто”нинг бошқа дарёлари Зарнумат, Витанхухат, Фраздан бизга номаълум бўлиб қолган. Зарнумат дарёси “олтинли” деб таржима қилинади. Бу тушунча Зарафшон номида ҳам сақланган. Ёзма манбада тилга олинган кўлларнинг (Чайчаст, Ворукаш, Кансава, Пишин) худудий жойлашуви ҳақида аниқ хабар бериш жуда ҳам оғирдир. Чайчаст номи – Чоч, Ворукаш – Балхаш, Кансава – Эрондаги Хамун кўли бўлиши мумкин.

Тоғлар ҳақида “Авесто” бундай хабар қилади: “Дунёда, о Спитама Заратуштра, икки минг икки юз қирқ тўрт тоғ бор”. Шулар жумласидан Хара (Харати), Зардаз, Ушида, Ушидарна, Эрзиф, Эрзур, Раодита, Мазишва, Антар Дахиё, Эрзиш, Ватигайса, Адарана, Хамонкун, Вашан, Видван ва бошқалар Яштнинг ун тўққизинчи бобида тилга олинган.

Энг баланд, орийларнинг муқаддас тоғи – Хара ҳисобланган. Унинг тизмасида ва яна бир гуруҳ бошқа тоғларда (Адарана, Баёна, Иската) қор кам эриган. Уларнинг баланд чўққилари қор ва музга айланиб совук бўлган. Уларга ўхшаган тоғлар Тангритоғ, Помир Ҳиндикуш тизмаларида жойлашиш мумкин эди.

“Авесто”даги мамлакатлар номлари қадимги тилида ёритилган ахамонийлар даври миҳхатларида қадимги юнон тарихчилари асарларида такрор этилган.

Ижтимоий–иқтисодий маълумотлар ва сиёсий тарих. Авесто–жамияти тўрт асосий қисмга бўлинади. Уй, оила жамоаси–«нмана», «дмана», уруғ жамоаси – «вис», қабила – «занту», қабилалар иттифоқи – «дахию» деб аталган.

Яштнийг учинчи бобида бундай хабар қилинади: «Худо Митрани биз улуғлаймиз. Унга ҳеч ким ёлғон гапиролмайди: уйда – оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат сардори. Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади».

Оила, уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун «пати» сўзи ишлатилган – «нманопати», «виспати», «дахиюпати». «Дахию» тушунчаси «вилоят» маъносини ҳам англатган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб аталган. «Састар» сўзи орқали қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси ҳам тушунилган.

Оқсоқоллар кенгаши – «варзанопати», «ханжамана», халқ йиғилиши (мажлиси) – «въяха» деб аталган. «Авесто» шаҳар ҳаёти ва тузуми ҳақида маълумотлар бермайди. Манбада «шаҳар» сўзи ёки «шаҳар жамоаси» тушунчаси йўқ.

«Авесто» қадимги жамиятнинг тўрт тоифасини ажратиб беради – қоҳинлар, жангчилар, чорвадорлар ва ҳунармандлар (Ясна, 19–боб). «Авесто»да тилга олинган «баланд уйлар», «устунлар» махсус бинокорлар бўлганлигидан далолат беради. Манбанинг турли маълумотларига кўра, қадимги қишлоқларда заргарлик, кулолчилик, тўқувчилик ва темирчилик ривожланган. Ҳарбийларнинг яроғ–аслаҳалари найза, ўқ–ёй, ханжар ва ҳарбий болталардан иборат бўлган.

“Авесто”нинг энг қадимги қабилалари чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар. Китобда чорвачилик ҳаётига оид маълумотлар жуда кўп сақланиб қолган: «Ахурамаздага мурожаат қилиб, пайғамбар айтурки: «Сен ўша, ким бизга ҳаёт манбаи бўлган чорвани дунёга келтириб, яратгансан».

«Ахурамазда яратган ҳамма нарсанинг ичида биринчи ўринда чорва туради. Биз чорвага «тинч ўтлов ва емиш таъминлашга чақирамиз».

“Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва эгалларига мен эркин юришни ва эркин ҳаётни таъмин қиламан” (Ясна, 24. Готалар).

Яшт ва Ясна бобларида деҳқончилик ҳақида маълумотлар учрамайди. Видевдат китобида деҳқончилик савоб иш деб ҳисоблаган: “Ким ерга ишлов берса, о Спитама Заратуштра, чап ва

ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан, у ерга манфаат келтиради” (Видевдат, 3–боб).

“Авесто”да келтирилган маълумотлар Ўрта Осиёда қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси ташкил топган даврларга (мил. авв. IX–VIII аср.) мансуб бўлиши мумкин. Бу бирлашма – Арёшайёна ёки Арёнам Вайжо, жуда катта ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шу давр аҳолисининг бир қисми ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган, бошқа бир гуруҳи эса кўчиб юрадиган чорвачилик шаклига ўтган. Ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган вилоятлар («Шохнома»да – Эрон) ва кўчманчи чорвадорлар («Шохнома»да – Турон) ўртасида сиёсий қарама–қаршилиқлар пайдо бўлган.

«Авесто»га кўра, қадимги подшоларнинг рўйхати қўйидагича: «Хаошъёнх – “Авесто” халқларнинг биринчи афсонавий подшоси («Шохнома»да – Хушанг), кейин Йима (Жамшид) – подшо–подачи, Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (Кай–Хисров), Кави Виштасп.

Кавийлар («Шохнома»да – кайёнийлар) – подшолар сулоласидир. Бу сулола вакиллари– Кави Кават (Кай– Кубот), Кави Усан (Кай–Қовус), Кави Пишин (Кай–Пишин), Кави Аршан (Кай– Ареш) Заратуштра таълимотининг тарафдорлари бўлганлар. Туронликлар эса Заратуштра таълимотини қабул қилмаганлар, шунинг учун ҳам улар «Авесто»да «сохта», «ёвузлар» сифатида ёритилган.

Кави Хаосров орийлар мамлакатларини бирлаштирувчи подшо бўлиб ҳисобланади. Унга қарши «тура» чорвадор қабилаларнинг йўлбошчиси Франграсён («Шохнома»да – Афросиёб) кураш олиб борган. Франграсён – Афросиёб, Кай Хисровнинг отаси Съёваршон Сиёвушни ўлдирган. Кай Хисров Франграсён биланг жанг қилиб, уни Чайчаст қўли ёнида мағлубиятга учратиб ҳалок этган. Шундай қилиб, Кай Хисров отаси Сиёвуш ва Аграэрат, Наравид исмли баҳодирлар учун қасос олган.

Кави Виштаспнинг асосий душманлари туроний «дану» ва «хьяона» қабилаларнинг вакиллари – Аштарвант, Аржатасп, Вандарманиш ва Даршин бўлган. Тақдир ва бахт худоси Ашига мурожаат қилиб, Кави Виштасп айтурки: «Бахт–саодатли Аши, ғалабали жангда, хьяона ёвузи, етти юз туя эгаси сержаҳл Аштарвант, сохта Аржатасп, девларни қадрлаган Даршин устидан ғолиб чиқишга, хьяона жангчиларини юзлаб қиришга омад сўрайман». («Яшт, 17– боб).

5.3 Диний фалсафа ва дафн этиш маросимлари

Зардуштийларнинг диний фалсафаси қарама–қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб (эзгулик худоси Ахурамазда билан ёвузлик худоси Анхро Манё –Ахриман ўртасида), табиатда ва инсоният ҳаётида ҳам давом этади. Тура, дану, хъяона қабилаларининг вакиллари девларни улуғлаганлар ва Ахурамаздани кадрламаганлар. Шунинг учун ҳам «Авесто»да улар Заратуштра тарафдорларининг ашадий душманлари сифатида ёритилган.

Аммо, зардуштийлика сиғинган ва сиғинмаган қабилалар бир–бирига қариндош аҳолининг вакиллари бўлганлар.

Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи худо бўлиб ҳисобланган. Заратуштра бундай хабар қилади: «Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни ва ўсимликларни, ёруғликни ва ерни яратган». Ахурамазда ҳаётни ва дастлабки оламни яратувчи худо деб фараз қилинган. Анхро Манё ёвузлик, касаллик, ўлим ва зулмат келтирувчи худо бўлиб ҳисобланган.

Аҳоли жойлашган дунёни зардуштийлар 7 та табиий қисмларга (қаршвар)ларга бўлганлар. Бу дунёнинг тарихи 12 минг йил давомида ривожланади деб фараз қилинган. Зардуштийлар таълимотига кўра, дунё ривожланиши тўрт босқичга бўлиниб, ҳар бир давр 3 минг йилдан иборат бўлган.

Биринчи босқич – бу кўринмас маънавий дунё; иккинчиси – ҳаёт ва дастлабки Ягона Гавмард буқа–одам пайдо бўлиши даври; учинчиси – “олтин давр”, орийлар афсонавий қахрамонларнинг иш–ҳаракатлари даври; тўртинчи босқич пайғамбар Заратуштра вафотидан сўнг бошланган.

Дунё тарихининг иккинчи даврида Анхро Манёнинг ёвузлик фаолияти бошланган. У дастлаб Ягона Гавмардга ўлим келтирган. Аммо, унинг одам танасидан эркак ва аёл пайдо бўлади ва улар инсоният уруғини вужудга келтирадilar. «Авесто» маълумотларига кўра, орийлар ҳам Гавмард фарзандларидан ташкил топган. Шунингдек, Гавмарднинг буқа танасидан сигир, буқа, қонидан эса – ўсимликлар вужудга келган деб фараз қилинган.

Учинчи босқичда – Йима (Жамшид) подшолик қилган бу «олтин» даврда дунёда бахтли ҳаётнинг ривожланиши юқори

даражасига етган. Дунё аҳолиси бир неча маротаба кўпайгани ва кенг ёйилганидан инсон, кушлар ва ҳайвонлар яшаши учун сайхон ерлар қолмаган. Ахурамазда маслахатига биноан, Ёйима ҳар 300, 600 ва 900 йил давомида ер чегараларини ва инсонлар жойлашуви ҳудудини кенгайтириб борган. Ер юзида қиш, совуқлик ва тошқин сувлар хавфи бўлишига қарши, Ёйима “вара” – тўртбурчакли қалъа–маконга асос солган. Бу маконда турли ўсимликларнинг ўсиши, ҳар бир кичик ва катта шохли мол, парранда, ит ва одамларнинг яшаши учун олов ҳамда озиқ–овқат сақлаш имкониятлари яратилган.

Тўртинчи босқичнинг сўнгги йилларида “охирги замон” бошланиши лозим. Зардуштийлар фикрига кўра, худди шу замонда, дунё ва инсоният тақдирини хал қилувчи, дунё ҳаётини қутқарувчи Саошъянт номли шахс пайдо бўлади. У ерни «эритилган темир оқимида» тозалаб бериши лозим бўлади. Ёвуз кучлар томонида бўлиб, ҳақиқатга қарши бўлган, гуноҳ ишлар қилган одамлар бутунлай йўқ қилинади.

«Авесто»да турли хил маълумотлар бор: жангчи–қаҳрамонлар ҳақида афсоналар, баходирлар ўртасидаги жанглар, ҳаёт ва ўлим фалсафаси, халқ оғзаки ижодидан келиб чиққан эртақлар ва бошқалар. Масалан, сержаҳл жодугар Ахтёе ва ёш туронлик Ёйишта ҳақидаги афсона жуда ҳам қизиқарлидир.

Зардуштийларнинг қурбонлик урф–одатлари ҳақида Яшт мадҳиялари хабар қилади. Китобнинг 5–бобида “Ардвисур – яшт” муқаддас Хара тоғи этагида орийларнинг подшоси Хаошъёнх, Хукаръе тоғида Ёйима, Пишин кўли ёнида жангчи–қаҳрамон Карасп, Эрзиф тоғида подшо Кави Усан, Чайчаст кўли қирғоқида Кави Хаосров, Фраздан дарёси соҳилида Кави Виштасп илоҳа Ардвисура–Анахитага юз отни, мингта қорамолни ва саноксиз кўйларни қурбон қилиб, ўз душманлари устидан, зулм ва қора кучлар тарафдорлари устидан ғалаба қозонган. Дарёлар илоҳаси Ардвисура ҳамда тақдир ва бахт худоси Ашининг ёрдами билан уларнинг жанглари, курашлари ғалаба билан яқунланган.

Зардуштийларнинг қонунларига кўра, инсон ўзининг ишлари, фикрлари ва сўзлари билан Анхро Манёга қарши бўлиши лозим эди. Ким бу дунёда ҳалол, камтар ва меҳнатсевар бўлиб яшаб ўтса, у нариги дунёнинг жаннатида бахтли ҳаётни кечирishiга муяссар бўлади. Ёвуз ишлари билан машҳур бўлган одамларни дўзахдаги зулмат ва азоб кутиб олади, деб фараз қилинган.

Ўлим – бу ёмонлик ифодаси, касаллик ва ўлимни келтирувчи сержаҳл худо Анхро Манёдир. Қазо қилган одамнинг бадани ҳаром ҳисобланиб, уни махсус хонага қўйиб, ўттиз қадам оловдан, ўттиз қадам сувдан ва муқаддас ўсимликлардан узоқлаштириш ҳамда яқин қариндошлардан четлаштириш лозим эди. Дафн этиш маросими билан «насса» деб аталувчи махсус одамлар шуғулланганлар (“насу” – бу ўлим ифодаси, ўлимни шимолдан учиб келган пашша олиб келади, деб фараз қилинган).

Уч кун ва уч тун давомида қоҳинлар ҳамда вафот этган одамнинг қариндошлари зардуштийларнинг махсус насиҳатларини ўқиб турганлар. Маросимлар давомида май ичиш ва овқатланиш ман этилган. Тўртинчи кун бошланиши билан, марҳумнинг руҳи нариги дунёга етиб боргандан сўнг, жасадни уйдан олиб чиқиш мумкин бўлган. Зардуштийларнинг қонунларига кўра, жасадни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам марҳумни зардуштийлар уйдан, қишлоқдан, шаҳардан, муқаддас оловдан, сувдан четлаштириб уни тошли ва қумли тепаликларга ёки бошқа махсус жойларга олиб бориб қолдирганлар.

Уйдан, оловдан ва сувдан узоқ жойларда ташлаб қолдирилган мурдаларни йиртқич ҳайвонлар ва қушлар йўқ қилганлар. Йил давомида қор ва ёмғир сувлари жасад суякларини ювиб, уларни қуёшинг муқаддас нури яна тозалангандан сўнг, “насса”лар зардуштийларнинг осмон остидаги очиқ қабристонларига келиб, тозаланган суякларни қишлоқ ва шаҳарларга олиб кетганлар.

Фақат шундагина, мураккаб дафн маросимидан кейин, суякларни ерга кўмиш ёки махсус хоналарда (сопол идишларда, тобутчаларда) сақлаш мумкин эди.

Мил. авв. IX–V асрларга оид Сурхондарё ва Қашқадарё (Шимолий Бактрия ва Жанубий Сўғдиёна) воҳаларидаги ўтроқ аҳолига оид қадимги қабрлар топилмаган. Бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида зардуштийлар урф–одатларига оид дафн этиш маросими тарқалган. Қашқадарёдаги Сангиртепа, Сурхондарёдаги Қизилтепа ва Бандихонтепа атрофларида қадимги одамларнинг айрим суяклари топиб текширилган. Сангиртепа ва Қизилтепадан одамларнинг тарқоқ суяклари уйларнинг сатҳлари тагидан топилган. Шунингдек, бронза даврига оид Шеробод воҳасидаги Жарқўтон ва Бўстон ёдгорликларида одам скелет парчаларининг сопол идишларда ва ён

томонлари тош, сопол синиқлари билан ўраб олинган ўраларда дафн этилиши аниқланган. Демак, археологик маълумотлар ҳам юқорида ёритилган дафн маросими ҳақида далолат беради.

Зардуштийлар таълимотига кўра, инсоннинг баданидан ажралган жон–руҳи Чинвот кўпригига етиб бориши керак. Чинвот кўприги Хара тоғининг баланд чўққисидан бошланиб осмонга қаратилган. Бу кўприкнинг ёнида руҳни худо Митра ва унинг ёрдамчилари Сраоша билан Рашну кутиб оладилар. Худо Митранинг қўлида адолат билан судлаш тарозиси бўлади. Тарозида жоннинг яхши ва ёмон ишлари тортилади. Эзгулик жонлар учун Чинвот кўприги кенгайиб бориб, осмонга йўлни очиб беради (жаннатга уларни гўзал пари қиз кузатиб боради). Агар тарозининг ёвуз ишлар томони оғир бўлса, Чинват йўли торайиб қолади, ўткир қилич дамига айланади. Ёвуз руҳни жирканч ажина–камбир ер тагига олиб кетади. Бу жойда у Анхро Манё зулматига узоқ азоб умрни кўради.

Заратуштра таълимотига кўра, «охирги замондан» сўнг ўлим ва «марҳумлар подшолиги» бутунлай йўқ бўлади. Олов худоси Атар тоғларидаги темирларни эритиб, оловсимон суюқликни ёки алангали дарёни ер юзига қаратади. «Қатта Будахшин» номли китобдаги маълумотларга кўра, ҳар бир инсон бу дарёдан кечиб ўтиши лозим бўлади. Ҳақиқатгўйлар учун олов янги соғилган сут дарёсига ўхшаб қолади, гуноҳкорларнинг ичи эритилган темир билан тўлдирилиб ёнғинга айланади. Гуноҳкорлар ер юзидан тамоман ғойиб бўладилар. Алангали суюқ темир дарёси ер тагига оқиб, дўзахни, худо Анхро Манёни ва зулматни йўқ қилади. Бундан кейин ерда бахту саодат, адолат ва яхшилик устунлик қилиб, инсоният касалликни, қарилликни ва ўлимни умуман билмайди. Жаннат ва ердаги яшовчилар бирлашадилар, ер жаннатга айланади. Одамларнинг муносабатлари, сўзлари ва ишлари тинчлик ва бахтлиқ мақсади билан боғланади.

Заратуштра насихатларига кўра, доимий фароғатли ҳаёт инсон учун узоқ нотаниш ҳаёлий жаннатда эмас, балки инсон учун яқин, унга таниш жонли дунёда бўлиши лозим. Бу маррага етиш учун одамлар жуда кўп мураккаб ва жиддий синовлардан ўтишлари керак.

Заратуштра биринчи бўлиб адолатли суд қилиш, жаннат ва дўзах ҳақида, инсоният учун умумий охирги синов ҳақида, доимий

тинчлик ва соғ–саломатлик, ҳаёт олами тўғрисидаги расмий таълимотга асос солган.

Асрлар давомида турли халқлар дунёда тўқинчилик, бахт–саодат, фаровонлик устунлик қилган давр бошланади, деб умид қилганлар. Бу мавзу ўз аҳамиятини ҳозир ҳам йўқотмади. Аммо келажакдаги ўлмас дунё, бахтли ҳаёт, доимий адолатлилик ҳақида қадимги манбалар ичида “Авесто” биринчи бор эълон қилади.

5.4. Ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар. Жиноят ва жазо турлари.

Ривоятга кўра, Заратуштра 30 ёшга тўлганда ҳақиқий дин таълимоти унинг қалбидан ўрин олган. Шу давр мураккаб, нотинч бир давр эди. Босқинлар ва урушлар инсон зотига чексиз жудоликлар, ўлим келтирди. Қабилалар бир–бири билан ёвлашарди. Йўлбошчилар ва жангчилар ҳарбий юришларга чиқиб, кучсиз ва ҳимояга муҳтожларни талар ва қулга айлантлар эдилар.

Заратуштра бир неча бор бедодлик ва зўравонликлар гувоҳи бўлганлиги учун, унинг дастлабки тарғиботлари ёвузлик, зўравонлик ва ўлимга қарши қаратилган. Шу туфайли тартибга чақириш, адолатга интилиш, хулқ, одоб тантанаси, тинч ҳаёт, эзгуликка даъват Заратуштра тарғиботининг асосини ташкил этган. «Куч ва имконим борича мен одамларни ҳақиқат «аша»га чорлайман», – дея Заратуштра улўф ва донишманд тангри Ахурамаздага қасамёд этади.

«Аша» – тартиб, имон ва адолат тимсоли. Унга яхши ният, яхши сўз ва савобли ишлар билангина эришиш мумкин. Бироқ, ўз мувоқабаларининг барида Заратуштрага эзгулик ва адолатга қарши бўлган, олий тангри Ахурамазда душмани Анхра Манё бошлиқ, қора кучлар мавжудлиги аён бўлади.

Заратуштра таълимоти инсонпарварлик ғоялари билан узвий боғланган бўлиб, унда инсон учун алоҳида муҳим ўрин ажратилган. Яхшилик ва ёвузликнинг курашида унга хоҳлаган томонини ёқлаш имконияти яратилади. Шунингдек, ҳар бир инсон ёвузликни йўқотиш ва эзгуликни ўрнатиш ишида интирок этиши мумкин. Бу ишда ҳамма тенг ҳуқуқлидир. Қабилалар ўртасидаги кураш ва тинимсиз босқинлар («Улар хонадонларга, қишлоқ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ва вайроналик келтирадилар») шароитида Заратуштра марказлашган қудратли ҳукмдори бўлган сиёсий

уюшма яратишга чақиради. «Марҳаматли ҳукмдор шодлик кезган кишлоқлар учун тинчлик ўрнатади», – дейди Заратуштра.

Зардуштийлик фалсафасига кўра, одамларнинг ёвузлик кучларига қарши курашига фақат дин эмас, ибодат, самимий фикр, яхши сўз ва тадбиркорлик, шунингдек, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларга оғишмай амал қилишлари ҳам асос бўла олади.

Одамларнинг ижтимоий–иқтисодий муносабатлари маълум қонун–қоидаларга асослангани ҳақида Яшт ва Видевдат боблари маълумот беради. Оила ва жамоадаги берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: «О, Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатта завол келтиради, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказади. О, Спитама, аҳдингни бузма...»

«Авесто»нинг гувоҳлик беришича, эру–хотин ўртасидаги шартнома эллик баробар, ота ва ўғил ўртасидаги шартнома юз баробар, куёв билан қайнота ўртасидаги шартнома саксон баробар, ака–укалар ўртасидаги шартнома эса тўксон баробар ҳисобланган. Ёши улуғ кишилар сўзини қайтариш танбеҳга лойиқ, деб топилган. Қолган ҳолатларда, масалан фарзанд отага қўл кўтарса, бу оғир жиноят ҳисобланиб, тан жазоси берилган.

«Авесто» куйидаги жиноят турлари ҳақида маълумот беради: динга ва шахсга қарши, мулкӣ, ахлоқӣ, оилага қарши, табиатга қарши, муқаддас ҳайвонларга, итга қарши.

Зардуштийларнинг қонунларига кўра, жасадни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда куйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам гуноҳлар ичида энг оғири одам ва итлар жасадини «тупроққа топшириш», «дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди, – дея «Авесто» таъкидлайди.

Шахсга қарши ҳаракатлар ичида қуролни қўлга олиб таҳдид солиш, бировни калтаклаб, уни ҳушидан кетказиш, ўнта жароҳат етказиш, суягини синдириш, бошини ёриш каби ҳаракатлар каттик жазоланган.

Мулкӣ жиноятлардан ўғрилик, фирибгарлик, талон–тарож, босқин, қарздорликни «Авесто» гуноҳ деб ҳисоблайди. «Кимда–ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади». Олинган қарзни ўзлаштириш ҳам жиноят ҳисобланган.

«Авесто» оилани, фарзандларни, уй–жойни асраб–авайлашга чақиради: «Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан

яхшироқдир». Одамлар бир–бирларига мадаккор бўлиши керак, масалан, бой қамбағалга. Зардуштийлар жамоа аъзоларининг кундалик ҳаётидаги хулқи учун жавобгарлигини ҳис қилганлар. Уларни мақсадли, умумий ҳаётий муаммолар ва вазифалар оғир дақиқаларда бирлаштирган, эртанги куннинг фаровон бўлишига умид бағишлаган.

Оила ва жамиятдаги ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар, жумладан хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнота, қўшнилар ўртасида кенг қамровли бўлиб, улар ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган.

Инсон олов, сув ва заминнинг поклигини таъминлаши, табиатни асраб–авайлаши лозим эди. Сув ва олов қошида қасамни бузган одам оғир гуноҳкор ҳисобланиб, кимда–ким қасамни бузса, у маълум миқдорда қамчин билан саваланган. «Авесто» саноғи олтита аҳднома (қасам, кафолат)га риоя қилишга чақиради (сўз, қўл, қўй, сигир, одам, вилоят қасами).


«Авесто»да меҳнатга юксак эҳтиром билан муносабат билдирилади. Инсон меҳнат қилиши лозим, бирор ҳунар, қурилиш, зироат ва чорвачилик билан шуғулланиш дейилади: «Ким дон сочиб, ғалла етиштирса, у такводорлик, ҳаққиқийлик ўрнатган бўлади».

Ноҳақлик ва жиноятга тўсиқ қўйиш уларнинг олдини олиш мақсадида «Авесто» қонунлари инсон ва жамоанинг ҳар кунги ҳаётини, ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий назорат қилишга қаратилган. «Авесто» юксак ахлоқ, покиза виждон, марҳаматлилиқ, инсонга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрликни тарғиб этади. Бугунги кунда ҳам «Авесто» фалсафаси долзарбдир. У инсониятнинг ёруғ келажагига, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига ва адолат тантанасига ишонч ва умид бағишлайди.

“Авесто”даги қадимги жамият ва бошқарув тартиби

“Авесто” тушунчалари	◆	Бошқарув тартиби
“дмана”, “нмана” – уй, оила	◆	Уй эгаси, оила бошлиғи
“вис” – уруғ, қишлоқ	◆	Қишлоқ оксоколи
“варзана” – қўшни қишлоқлар	◆	Оксоқоллар йиғини
“занту” - қабила	◆	Қабила йўлбошчиси
“дахию” - вилоят	◆	Вилоят ҳокими
“дахиюсасти” - мамлакат	◆	Мамлакат ҳукмдори
“ханжамана”	◆	Оқсоқоллар кенгаши
“въяха”	◆	Халқ (аҳоли) йиғини

“Авесто”даги сиёсий маълумотлар



Таянч сўзлар

“Авесто”, зардуштийлик, “Авесто” тили, Дюпперон, Заратуштра, Ясна, Яшт, Виспрат, Видевдат, Поурушасп, Дугдова, Кави Виштасп, Моуру, Гава Суғда, Хваризам, Харайва, Баҳди, Арёнам Вайжо, Ванхви Датъё, Ранха, Хара, Ушида, нмана, вис, занту, дахию, Ахурамазда, Митра, кавийлар, Кави Кават, Кави Усан, Кави Хаосров, Ахриман, каршарвар, Йима, эзгулик, ёвузлик, нманопати, виспати, дахиюпати, састар, ханжамана, дафн маросими, зардуштийлик таълимоти, Чинвот, Митра, Сраоша,

Рашну, адолат судлаш, “мархумлар подшолиги”, Атар, “аша”, самимий фикр, яхши сўз, ахлоқ, ҳуқуқий қоидалар, аҳднома, “Авесто” фалсафаси.

Савол ва топшириқлар

1. “Авесто” ҳақида умумий маълумот беринг.
2. А.Дюпперон ким ва унинг хизмати нимадан иборат?
3. “Авесто” ва Заратуштра деганда нима назарда тутилади?
4. “Авесто” қисмлари ҳақида нималарни биласиз?
5. “Авесто” қандай маълумотларни ўз ичига олади?
6. Арёнам Вайжо, Гава Суғда, Моуру, Бахди – бу...
7. “Авесто”да географик, худудий номлар, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий тарихга оид қандай маълумотлар мавжуд?
8. Зардуштийлар таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
9. Авестонинг маданий мерос сифатидаги ахамиятини таърифлаб беринг.

5–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Абаев В.И. Миф и история в Гатах Зороастра. Историко–филологические исследования. – М.: Наука, 1974.
2. Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И.М.Стеблин–Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990.
3. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. / Пер. с английского И.М. Стеблин–Каменского. – Душанбе: Адиб, 1979.
4. Дорошенко О.А. Зороастрийцы в Иране. – М.: Наука, 1982.
5. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001.
6. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
7. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
8. Хрестоматия по истории Древнего Востока. Часть вторая. – М.: Высшая школа, 1980.
9. Ртвеладзе Э. Историческое прошлое Узбекистана. – Ташкент: Санъат, 2009.
10. Абдуллаев Ў.М. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Akademiya, 2009.

6–мавзу. Қадимги давлатлар тарихи.

Режа:

6.1. Қадимги форс битиклари ва илк юнон манбалари.

6.2. Тарихий–маданий вилоятлар ва қадимги давлатлар. Қадимги Бактрия. Суғдиёна. Қадимги Хоразм. Сак–массагетлар.

6.1. Қадимги форс битиклари ва илк юнон манбалари

Қадимги форс битиклари. Мил.авв. 545–540 йилларда ахамонийлар Ўрта Осиёнинг Парфия, Марғиёна, Бактрия ва Суғдиёна вилоятларини бўйсундирганлар. Сак–массагетларга қарши Кир II нинг юришлари мил.авв. 530 йилда муваффақиятсиз якунланган. Сакларни Доро I мил.авв. 518 йилда истило қилган.

Доро I даврида (мил.авв. 522-486 йиллар) ахамонийлар сулоласи Ҳинд водийсидан Ўрта ер денгизига қадар бўлган кенг ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Ахамонийлар давлати жаҳон тарихида биринчи йirik дунё давлати деб ҳисобланади. Бу давлат илк бор кўп сонли вилоятлар, шаҳарлар ва халқларни бирлаштирган. Ўрта Осиёда ахамонийлар икки юз йилдан зиёд ҳукмронлик қилганлар (мил.авв.330 йилгача).

Ахамонийлар даври миҳсимон ёзувларида Ўрта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида турли хил маълумотлар бор. Бу ёзувлар мил.авв. VI-IV асрларга оид бўлиб, Беҳистун ва Накши Рустам қоятошларида, Суза, Персепол ва Ҳамадон шаҳарларида топиб текширилган. Улар қадимги форс тилида турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подшо буйруқларидан ва нутқларидан иборат.

Шулар жумласидан энг муҳими Беҳистун ёзувлари бўлиб, Доро I даврида Карманшоҳ ва Ҳамадон шаҳри ўртасидаги йўлда баланд қоятошда ёзилган (Мидия ўлкаси). Беҳистун ёзувлари қадимги форс, элам ва аккад тилларида битилган. Доро I бундай хабар қилади: «Мен – Доро, улуғ подшо, шаханшоҳ, мамлакатлат подшоси, Виштасп ўғли, Аршан невараси, Ахамоний шоҳ Доро айтурки: «Ахурамазда иродаси билан кўйидаги давлатларни кўлимга киритиб, уларнинг подшоси бўлдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Лидия, Иония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дранғиёна, Арьё, Хоразм, Бактрия, Суғдиёна,

Гандхара, Сака, Саттагадия, Арахозия, Мака: ҳаммаси бўлиб 23 давлат”.

Ҳамадон ёзувлари Доро I шундай хабар қилади: “Мен – Доро, улуғ шоҳ, шаҳаншоҳ давлатлар подшоси – Виштасп ўғли, Аҳамоний.

Шоҳ Доро айтурки: «Мана ҳузуримда бўлган подшолик: Сўғдиёнанинг нариги ёғидаги саклар юртидан Эфиопиягача. Ҳиндистондан Мидиягача – бу подшоликни менга Ахурамазда – худолар ўртасидаги улуғ худо, тортиқ қилган”.

Беҳистун ёзувларида Доро I биринчи бўлиб Аҳамонийлар давлатининг ғарбий вилоятларини кўрсатиб берган бўлса, Нақши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхати Мидия ва Эламдан сўнг шарқий вилоятлардан бошланади: «Мен – Доро, улуғ подшоҳ кўп қабилали мамлакатларнинг подшоси, кенг сайхон ерларнинг подшоси, Виштасп ўғли, Аҳамоний форс, форснинг ўғли, орийлар уруғидан келиб чиққан орий.

Шоҳ Доро айтурки: “Форс вилоятидан ташқари қуйидаги мамлакатларни мен бўйсиндирганман, менга ўлпон тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунимга асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Парфия Аръё, Бактрия, Сўғдиёна Хоразм...Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда....денгиздан нариги ердаги саклар”.

Эрондаги қадимги Персепол шаҳридан бактрияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва сакларнинг ўйиб ишлаган расмлари топилган (Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларидаги бўртма расмларда турли халқларнинг ўлпон келтириш манзараси тасвирланган). Персепол саройидаги расмлар Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги тасвирларидир (уларнинг қиёфаси, кийим–бошлари, қуроллари маъносида).

Турли халқлар «қаторида сўғдийлар 8–гуруҳда кўрсатилган. Улар етти кишидан иборат бўлиб, шоҳга идишлар, газмоллар, номаълум ҳайвон териси ва икки қўйни етаклаб келаётгани тасвирланган.

Ўн биринчи гуруҳда узун чўққили қалпоқдаги саклар кўрсатилган. Улар кийим–кечакларни кўтариб ва отни етаклаб бормокдалар.

Ўн бешинчи гуруҳда бактрияликларнинг беш вакили идишларни ва туяни олиб бераётганлиги тасвирланган.

Ўн еттинчи гуруҳ хоразмликлар бўлиб, уларнинг дудама ханжар, ҳарбий болта, билагузук ва отни олиб келаётгани кўрсатилган.

Бу тасвирларда Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм ва саклар вилоятидан бўлган солиқ тўловчиларининг аҳамонийларга турли хил буюмлар (хунармандчилик, тўқимавчилик, заргарлик, ҳарбий қурооллар), Қадимги Шарқда машҳур бўлган отлар ва туяларни олиб келаётган манзараси ўз аксини топган. Шунингдек, Суза ёзувларига кўра, Ўрта Осиё вилоятларидан Эронга олтин ҳамда ложувард, фируза, сардолик каби қимматбаҳо тошлар олиб келинган.

Аҳамонийлар даври ёзуваларида юртимиз халқаларининг ўтмиш тарихига тегишли қуйидаги маълумотлар бор: вилоятлар ва элатларнинг номлари, сиёсий жараёнлар – Бактриянинг бир қисми бўлган Марғиёнада Фрада бошчилигида кўзғолонни тор–мор этилиши, саклар юртига юришлар, иқтисодий тузум ва моддий маданият тўғрисида маълумотлар.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг қадимги форс ёзувларига бағишланган асарлар мавжуд (И.Маркварт, Э.Херцфельд, Р.Кент, А.А.Фрейман, А.В.Струве, В.И.Абаев, М.А.Дандамаев ва бошқ.).

Илк юнон манбалари. Юнон–форс урушлари бошланиши билан мил.авв. VI–IV асрлар сиёсий воқеаларида иштирок этган Ўрта Осиё халқларининг тарихи қадимги юнон тарихчиларининг асарларида ёртилган.

Бу борада Ўрта Осиё халқлари тўғрисида қисқа бўлса–да, аниқ маълумотлар берувчи Геродотнинг «Тарих» китоби айниқса қимматлидир. Қадимги даврлардан бошлаб бу китоб дунёда энг машҳур тарихий асарлардан бири бўлиб ҳисобланган. Унинг муаллифи Геродот «тарихнинг отаси» деб ном олган.

Геродотни Олд Осиё, Миср, Бобил, Эрон ва “дунё чегараларида” жойлашган халқлар ва давлатлар тарихи ҳам анча қизиқтирган. Қадимги юнонларнинг фикрларига кўра, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўлкалари инсон яшаган дунёнинг шарқий чегаралари бўлган. Геродот Ўрта Осиёда ҳеч қачон бўлмаган ва бу ҳудуд ҳақида ўз эшитган ҳиқоялари, суриштириб билганлари асосида ёзган.

Геродот “Тарих” китобини мил.авв.455–445 йиллар давомида яратгани бизга маълум. Бу муҳим асарида Геродот, Бактрия, Бактра, бактрияликларни 13 марта, сўғдларни 2 марта,

хоразмликларни (хорасмийлар шаклда) 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф–одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий – фикрлари форсларнинг сак–массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тумарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳамонийлар ҳарбий қўшинлари сафида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг яроғ–аслаҳалари, йўлбошчилари, форс–юнон урушларида уларнинг кўрсатган жасорати, халқларнинг аҳамонийлар давлатига бўйсунуши ва махсус ўлпон тўлаши, сак–массагетларнинг урф–одатлари, турмуш тарзи ва диний эътиқоди, Ўрта Осиёдаги Акес дарёсининг сувларидан фойдаланиши ҳақида ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.

Геродот Ўрта Осиёда аҳоли жойлашуви умумий ҳудудий чегараларидан беҳабар бўлган.

Геродот маълумотларида берилган «Бактрия халқи» тушунчаси маълум бир этник бирликни бирлаштирган бўлиши мумкин. «Халқ» маъносини берувчи «этнос» сузи Геродот «Тарих»ида жуда кўп учрайди (тадқиқотчилар ҳисобига кўра, тарихчи бу сўзни 145 марта тилга олган) ва фақат икки жойдагина бу сўз Бактрияга нисбатан ишлатилган. Қуйидаги келтирилган маълумотлар Г.А.Стратановский томонидан рус тилига таржима қилинган Геродотнинг «Тарих» асаридан олинган.

Геродотнинг айтишича, Доро I Аҳамонийлар давлатини 20 та ўлкага бўлган. Тарихчи Ўрта Осиё халқлари ҳақида бундай хабар қилади:

Тарих, III китоб, 92. «Бактрияликлардан эгларгача бўлган халқлар 300 талант солиқ тўлаганлар. Бу – ўн иккинчи ўлка».

III, 93. «Саклар ва каспийлар 200 талант тўлаганлар. Бу – ўн бешинчи ўлка. Парфияликлар, хорасмийлар, сўғдийлар ва арийлар 300 талант тўлаганлар. Бу – ўн олтинчи ўлка» (Бир талант 25,92 кг. кумушдир).

Геродот мунтазам равишда аҳамонийлар ҳарбий қўшинларидаги юртимиз халқларининг жангчи вакиллари ҳақида ёритади:

Тарих, VII, 64. «Бактрияликларнинг уст–боши мидияликларнинг уст–бошига ўхшаган, улар ўқ–ёй ва калта найзалар билан қуролланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун чўққили қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан

куролланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар—сагарислар бўлган. Ушбу қабила (айнан скиф қибиласи) амиргий саклар деб номланган. Форслар скифларнинг ҳаммасини саклар деб атаганлар. Бактрияликлар ва сакларнинг сардори Гистасп — Доро ва Кирнинг қизи Атоссанинг ўғли бўлган».

VII, 66. «Парфияликлар, хорасмийлар, сўғдлар, гандарийлар ва дадиклар бактрияликларнинг куролларига ўхшаган яроғ—аслахалари билан ҳарбий юришни бошладилар. Уларнинг йўлбошчилари: парфияликлар ва хорасмийларнинг — Фарнак ўғли Артабоз; сўғдларники — Артей ўғли Азан бўлган.

VII, 88. «Бактрия чавандозларининг куроллари пиёда аскарлари куролларига ўхшаган».

Тарих. 1. 201. «Шу халқларга эга бўлгандан сўнг, Кир массагетларни истило қилиш мақсадини ўз олдига қўйган. Бу массагетлар жасур ва беҳисоб қабиладир. Улар шарқда, қуёш чикиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида исседонларга рўпара бўлиб жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф қибиласи деб ҳисоблашганлар».

I, 202. «Ҳикоячиларнинг хабарларига кўра, Аракс Истр дарёсидан йирикроқ бўлган, аксинча, бошқа бирлари эса уни кичикроқ дарё деб ҳисоблайдилар. Аракс дарёсида ороллар кўп... Аракснинг бир ўзани кенг очик жойда оқиб, Каспий денгизига қўйилади: Каспий денгизи—бу бошқа денгизлар билан боғланмаган денгиздир».

I, 215. «Массагетларнинг кийим—кечакларн ва турмуш тарзи скифларникидан унча фарқ қилмайди. Уларнинг отлик ва пиёда қўшинлари бўлиб, одатда улар камон, найза ва ҳарбий чўқмоқлар билан жанг қиладилар. Уларнинг ҳамма нарсалари олтин ва мисдан ишланган. Чўқмор, ўқ ва найзалар учлари мисдан ишланган, уларнинг уст—бошлари олтин билан нақшланган. Улар отларининг эгар—жабдуқларини ҳам уст—бошлари каби олтин билан безатадилар. Темир ва кумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металллар массагетларнинг ерларида умуман учрамайди, аммо олтин ва мис уларда жуда кўп».

I, 216. «Бўғдойни массагетлар экмайдилар, чорвачилик ва балиқчилик (Аракс дарёсида балиқ сероб) билан шуғулланадилар ҳамда сут ичадилар. Массагетлар ичида улуғланган ягона худо — бу Қуёшдир, Қуёшга улар отларни қурбон қиладилар, чунки дунёдаги

энг чакқон худога тез чопар жонликни қурбон қилиш лозим деб ўйлайдилар”.

Мил.авв. 530 йилнинг июль - август ойларида Кир II массагетларга қарши юриш бошлаган. Бу воқеалар «Тарих»нинг биринчи китобида тасвирланган: Тўмариснинг юртига подшо Кир томонидан совчилариинг етиб келиши; подшога турмушга чиққиш Кир таклифининг Тўмарис томонидан рад қилиниши; форсларнинг Аракс дарёсидан кечиб ўтиши ва массагетлар ерларининг ичкарасига кириб бориши; Тўмарис бошчилигидаги массагетларнинг ҳаракатлари натижасида форсларнинг бутунлай кириб ташланиши.

Бу хабарларнинг охирида Геродот бундай хулоса чиқаради: «Кирнинг ўлими ҳақидаги кўпдан-кўп хикоялар орасида менимча, бу хикоя энг ишончлидир». Геродотнинг Акес дарёси сувларидан фойдаланиш ҳақидаги маълумотларига асосланиб, бир гуруҳ олимлар (Ф.Альтхайм, В.Б.Хеннинг, И.Гершевич) аҳамонийлар давридан олдин Ўрта Осиёда маркази Марв ва Хирот бўлган “Катта Хоразм” давлати ривожланган деган муаммони илгари сурдилар.

Тарих, III, 117. «Осиёда бир водий бор. Унинг ҳамма томони тоғ билан ўралган, тоғни эса бешта дара кесиб, ўтади. Бир вақтлар бу водий хорасмийларга қарашли бўлиб, хорасмийлар, парфияликлар, саранглар ва таманейларнинг чегарадош ерларида жойлашган. Форсларнинг ҳукмронлиги бошлангач, водий форс подшоси ҳукмронлигига ўтган. Водийни ўраб олган тоғдан Акес номли йирик дарё бошланади. Бешта ўзанларга бўлинган бу дарё санаб ўтилган халқларнинг ерларини даралар орқали сув билан таъминлаган. Аммо форсларнинг ҳукмронлиги даврида ушбу халқлар қуйидаги ҳолатни бошдан кечирдилар: Подшо дараларни тўсиб сув йўлларида тўғон дарвозалари қуришга буйруқ берган. Даралардан чиқаётган сув оқимининг йўли беркитилгани учун тоғ билан ўралган водий ўрнида қўл пайдо бўлган. Илгари шу сувдан фойдаланиб келган қабилалар бу имкониятдан маҳрум бўлиб, даҳшатли ҳолатга тушганлар... подшо тўғон дарвозаларини очиш учун катта пул (солиқлардан ташқари) талаб қилган».

Муҳим савдо йўлларида жойлашган Ўрта Осиё вилоятлари Аҳамонийлар давлатида катта иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Бақтрияни идора қилган сатраплар – ҳокимлар аҳамонийларнинг оиласи вакиллари бўлган (тўрт марта Бақтрия ҳокимлари улуғ подшо ўғиллари ёки ака-укалари бўлган).

Бақтрия сатраплари ахамонийлар тахтини қўлларига олишни доимо ўз олдиларига муҳим мақсад қилиб қўйганлар. Бақтрия ҳокими Масист ахамонийлар подшоси Ксерксга қарши (Масистнинг акаси) Бақтрия вилоятида қўзғолон кўтаришга ҳаракат қилган.

Тарих, IX, 113. «У ўғиллари билан маслаҳатлашиб, улар ва ўзининг тарафдорлари билан бирга Бақтрага йўл олади. Подшони тахтдан ағдариш учун у Бақтрия вилоятида қўзғолон кўтармоқчи бўлган. Агар у бақтрияликлар ва саклар олдига ўз вақтида етиб борганда, ўз олдига қўйган мақсадни аниқ бажариши мумкин эди. Ҳақиқатдан ҳам бу халқлар Масистни ҳурмат қиларди, у Бақтрия сатрапи бўлган. Аммо Ксеркс Масистнинг ниятидан хабардор бўлиб, унинг кетидан ҳарбийларни юборади, йўлда қувиб тутилган Масист, ўғиллари ва тарафдорлари билан биргаликда ўлдирилади».

Геродотнинг «Тарих» асарида Ўрта Осиё ҳудуди билан боғланган географик тушунчалар кам учрайди. Шулар жумласидан, дарёларнинг номлари—Аракс, Акес ва Каспий денгизидир. Геродот Бақтрия маркази Бақтра шаҳрини ва шу вилоятлардаги Барка номли қишлоқни икки марта тилга олган (Геродот, IV, 204; VI, 9; IX, 113). Бошқа дарёлар, тоғлар, қўллар ёки шаҳарлар ва жойлар ҳақида тарихчи хабар қилмаган. Баъзи халқларнинг ҳудудий жойлашуви (саранглар, таманейлар) бизга номаълум бўлиб қолган.

Геродотнинг асарида Ўрта Осиё халқларининг Ксеркс қўшинлари ичида қадимги дунё тарихида машҳур бўлган Марафон ва Саламин жанглирида юнон—форс урушлари қатнашганлари ҳақида маълумотлар бор. Марафон жангида сакларнинг отлик қўшинлари ниҳоятда катта жасурлик кўрсатганлар (Тарих, IX.71.).

Саклар ва Бақтрия чавандозлари ахамонийлар қўшинларидаги энг жасур қисмлардан бири бўлиб ҳисобланган. Геродот хабарига кўра, Ксеркснинг отлик қўшинларида фақат айрим халқларгина махсус хизмат қилганлар — форслар, мидияликлар, саклар, бақтрияликлар, ҳиндлар, ливияликлар, каспийлар, париканийлар ва араблар (Тарих, VII, 88).

Геродотнинг тарихий анъаналарини давом эттирган бошқа бир юнон тарихчиси Ктесий Кичик Осиёдаги Книд шаҳридан бўлган. У мил.авв.404 йилдан бошлаб ахамонийлар подшоси Артаксеркс II (мил.авв. 404—359 й.) саройида табиб вазифасини бажарган. Подшо саройида у Шарқ чегараларида жойлашган узоқ шаҳарлар, давлатлар ва халқлар ҳақида кўпдан-кўп ҳикоялар эшитган.

Қадимги юнон афсоналари таъсирида тарбияланган Ктесий Шарқ дostonлари ва тарихига ҳам жуда қизиқиб, форс подшолиги таркибидаги халқларнинг тарихи ва маданиятига оид анча маълумотлар йиғиб олган.

Айниқса тарихчини Ҳиндистон ва Бактрия қизиқтирган. Унинг Ҳиндистонга нисбатан катта эътиборини тушуниш мумкин, чунки қадимги юнонларнинг тасаввурларида, бу ўлка қуёш чиқишида биринчи ва дунёнинг шарқий чегараларида охириги давлат бўлиб ҳисобланган. Ҳиндистонга чегарадош Бактриянинг олтини, қимматбаҳо ярқироқ тошлари, камон ва найзалар билан қуролланган чавандозлари Эронда машҳур эди. Шу боис Ктесий «Персика» асарининг катта бир қисмини бактрияликлар тарихига бағишлаган.

Эрондан юртига қайтганидан сўнг Ктесий қадимги форслар тарихини ёритишни режалаштирган. Бироқ тўпланган маълумотлар айнан форслар тарихи мундарижаси доирасидан чиқиб бактрияликлар тарихини ёритишга ҳам хизмат қилган. «Персика» – “Форс тарихи” деб номланган асар мил.авв. 398 йилдан сўнг ёзилган.

Ктесий Оссурия ҳукмдори Нин ва Бактрия подшоси Оксиарт (бошқа манбаларда Зороастр, Зардушт) урушлари ҳақида ҳамда Кир II нинг бактрияликлар билан уруши тўғрисида ҳикоя қилади. Одатда бир гуруҳ олимлар Ктесийни Геродотга нисбатан ишончсизроқ муаллиф деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Оссурия подшолари ҳеч қачон Шарқнинг узок чегараларига юришлар қилмаганлар, бундан ташқари, Бактриянинг ҳарбий қисмлари унча қудратли бўлмаган ва Оссурияга қарши чиқолмаган деб фараз қилинади.

Ктесий Бактриянинг кўп сонли истехкомлари ва шаҳарлари ҳамда мустаҳкамланган пойтахти ҳақида, бу шаҳарни камал қилган Оссурия подшоси Нин тўғрисидаги шундай ёзади: “...Нин бактрияликларга қарши юришни бошлаган. У Бактриянинг қалъалари, аҳолисининг кўплиги ва жасурлиги ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсиндирган халқлардан кўп сонли қўшинларни йиғиб олган. Шу қўшинларга сардор бўлиб, Нин Бактрия юртига бостириб кирган, аммо вилоятдаги хилма–хил тоғ даралари унинг қўшинларни алоҳида қисмларга бўлишга мажбур қилган.

Бактриядаги кўпдан–кўп йирик шаҳарлар орасида бир машҳур Бактра номли шаҳар бўлган. Бу шаҳар мамлакатнинг маркази

бўлиб, кўп шаҳарлар ичида, баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшо қалъаси алоҳида жойлашган”.

Ҳатто XX асрнинг ўрталарига қадар қадимшунослар Ктесийнинг Бактрияда қудратли қалъалар ва шаҳарлари ҳақидаги ҳикояларга нисбатан ишончсизлик билан қарашган. Бироқ, кейинги археологик кашфиётлари натижасида Бактрия ҳудудида кўп сонли истехкомлар, мудофаа деворлар ва буржлар билан мустаҳкамланган мил. авв. VII-VI асрларга оид кўхна шаҳарлар аниқланди.

Гекатей ва Геродот асарларидан келиб чиққан “Катта Хоразм” давлати масаласи, шунингдек Ктесийнинг Бактрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши илмий муаммосига асос бўлиб хизмат қилди.

Қадимги юнон тарихчиларидан яна бошқа бири –Гекатей ҳақида қисқа бўлса ҳам айтиб ўтиш лозим. Гекатей Милет шаҳридан бўлиб (мил.авв. VI-V асрлар), қадим тарихчилар орасида биринчи бўлиб аҳамонийлар сатрапияларининг рўйхатини келтирган ва Қадимги Шарқ халқлари тарихига оид маълумот берган (жумладан, парфянлар, хорасмийлар, бактрияликлар ва арияликлар ҳақида ҳам ёзган). Унинг маълумотларидан Геродот ва Ктесийлар фойдаланганлар (Ктесий ўз асарида аҳамонийларнинг подшо саройи ҳужжатларидан фойдаланганлиги ҳақида эълон қилади). Геродотдан олдин Ҳиндистон ҳақида Скилак хабар қилган. У подшо Доро I нинг буйруғини бажариб, Ҳинд дарёси орқали кемаларда сузиб Арабистон денгизига чиққан ва Қизил денгизни бўйлаб Миср қирғоқларига эсон–омон етиб борган.

Бошқа бир юнон муаллифи Ксенофонт «Киропедия» номли асарида, Ктесий хабарларига ўхшаш, Бактра шаҳрининг оссурияликлар томонидан қамал қилиниши тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, Ксенофонт Кир II ва Бактрия урушлари ҳақида ҳам ёзади.

5.2. Тарихий – маданий вилоятлар ва қадимги давлатлар.

Фарғона ва Чоч. Мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўзбекистон тупроғида Фарғона, Чоч, Суғдиёна, Хоразм ва Бактрия (шимолий бир қисми) каби тарихий вилоятлар мавжуд бўлган. Уларнинг тараққиёти Ўзбекистон давлатчилиги тарихи билан бевосита боғланган. Шулар жумласидан Фарғона ва Чоч

ахамонийлар ёзувларида ва дастлабки юнон тарихчиларининг асарларида тилга олинмаган. Ўрта Осиёдаги Ахамонийлар давлатининг шарқий чегаралари ҳозирги Ўратепа шаҳри атрофида ўтган деб фараз қилинади. Македониялик Александр даврида ҳам Чоч ва Фарғона водийсининг аҳолиси мустақил қолган.

Олимлар фикрига кўра, Ўратепа шаҳри атрофида жойлашган Нуртепа шаҳар харобаси ўрнида мил.авв.VI–IV асрларда Курушката номли (юнонча Кирополис), яъни «Кир шаҳри» жойлашган. Бу шаҳар муҳофаа деворлари билан ўралган, аммо унинг уй–жойлари ертўлалардан иборатдир. Суғд хунармандчилиги таъсири асосида Нуртепада кулолчилик чарҳида ясалган сопол идишлар ҳам тарқалган. Бу шаҳарга қадимги суғдлар асос солган бўлишлари мумкин.

Тошкент вилоятида (Чоч) илк темир даврида Бурғулик (Бурганли) маданияти ривожланган. Қадимги қабилалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Муҳофаа деворлари билан ўралган йирик шаҳарлар аниқланмаган, турар жойлар ярим ертўлалардан иборатдир. Қадимги маконлардан қўлда ишланган сопол идишлар, бронза ўроқлар ва тош қуроқлар топилган. Чоч вилояти аҳолисининг бир қисмини ахамонийлар ёзувларида тилга олинган «Суғдиёна нариги ёғидаги саклар» билан қиёслаш мумкин.

Мил.авв. I минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти ривожланади. Бу маданиятни яратган деҳқонлар ертўла, пахса ёки хом ғиштдан қурилган уйларда яшаганлар. Баъзи масканлар муҳофаа деворлар билан ўралган (Чуст, Далварзин). Далварзинда қазиб очилган деворнинг қалинлиги 4,6 м келади.

Чуст моддий маданияти юксак даражада ривожланган. Қадимги ёдгорликларда топилган тош ва жез ўроқлар, пичоқлар ҳамда арпа, буғдой, тарик донлари ва улар учун қовланган ўралар чуствликларнинг асосан деҳқончилик билан машғул бўлганликларидан дарак беради.

Қадимги аҳолининг турмушида темирчилик ва кулолчилик катта аҳамият касб этган. Чуствликлар ясаган бронза ўроқ, камон ўқларининг пойконлари, тош ўроқ, пичоқ ва рангли сопол идишлар Марғиёна ва Бактрия буюмларига анча ўхшайди. Далварзинда мил.авв. VIII–VII асрларга оид темир қуроқлар ҳам топилган. Бу маълумотлар Фарғонада темирдан ишланган буюмлар тарқалганлигидан далолат беради.

Археологик манбалар асосида Фарғонада мил.авв.VII–VI асрларда мулкий табақаланиш жараёни, ҳунармандчилик, айирбошлаш ва савдо алоқаларининг кенг тарқалиши натижасида уруғчилик жамоаси ўрнида дастлабки давлатчилик вужудга келади деб тахмин қилинади.


Шу даврдаги Фарғона аҳолиси ҳаётида катта ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлган. Бироқ қадимги ёзма маълумотлар бўлмаганлиги туфайли ўлкада дастлабки давлатларга ўтиш жараёни бизга анча номаълум бўлиб келмоқда.

Қадимги Бактрия. Турли қадимги тиллар ёзма манбаларидаги Баҳди, Бақтриш, Бақтриёна, Бактрия, Баҳди, Бахлика (ҳинд манбаларида) йирик ўлка ва давлатнинг номидир. Бактрия – бу Баҳди, Бақтра дарёси (ҳозирги Балхоб) номи билан боғлиқ бўлган тушунчадир. Рим тарихчиси Курций Руф бундай хабар қилади: «Бақтра дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан».

Дастлабки босқичда бу сўз ягона воҳанинг номи бўлиб, кейинги даврларда кенг ҳудудга тарқалган Бактрия тарихий–маданий вилояти, Бактрия давлати (бир неча дарё воҳалари ва вилоятлари) маъноларида ишлатилган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, халқ ва марказий шаҳарлар номлари асос солган. Ўрта Осиё халқларининг тарихида дарёлар муҳим ҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг вилоятлари, асосан, дарё ва шаҳарлар номлари билан белгиланган. Демак, Бақтра, Бактрия сўзлари – бу географик тушунчалардир.

«Бактрияликлар», «Бактрия халқи» сўзлари қадимги манбаларда тилга олиниб, битта халқни ёки бир неча қариндош қабилаларни бирлаштирган тушунчани беради. Одатга кўра, бактрияликлар ёзма манбаларда босқинчиларга (Оссурия подшоси Нин, Кир II, Македониялик Александрга қарши) турган халқ сифатида назарда тутилган.

Тарихий маълумотларга кўра, Бактрия ерлари — бу Афғонистоннинг шимоли–шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон, Сурхондарё вилоятини ўз ичига олган. Бактрия ҳудудида энг қадимги одамлар тош даврдан бошлаб ёйилган. Ўзбекистон ҳудудига қарашли Бактрия қисмида – Тешиктош, Мачай ва Зараутсой тош асри ёдгорликлари узок ўтмиш ҳаёти ҳақида далолат беради.



Қадимги Бактрия худуди.

Ўзбекистонда энг қадимги паҳса ва хом ғиштдан қурилган (аҳоли ўтроқ деҳқончилик хўжалигига эга) ёдгорликлар Сурхондарё воҳасидан топиб текширилган. Улар бронза даврига оиддир. Бронза даврида Бактрия худудида давлатчилик тизимига ўтиш жараёни бошланган. Мазкур даврга оид сарой, ибодатхоналар топилган ҳамда юксак бинокорлик, хунармандчилик ва зироатчилик маданияти излари аниқланган.

Мил.авв. IX–VIII асрларга келиб, Бактрия тупроғида ҳарбий аҳамиятга эга сиёсий бирлашмалар ташкил топган. Бу Ўрта Осиё аҳолисининг бир қисми кўчманчи чорвачиликка ўтган даврга тўғри келади. Сиёсий қарама–қаршиликлар авж олиб турган бу жараёнларда қуролланган отликларнинг хужумлари катта аҳамиятга эга бўлган. Бу босқичнинг тарихи ва ҳарбий йўлбошчиларнинг сиёсий курашлари “Авесто”да тасвирланган.



Сурхон воҳаси. Мил.авв. X-VIII асрлар ҳайкалтарошлик наъмунаси.

Мил.авв. 700–540 йиллари қадимги Бақтрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, унинг ҳудудий чегаралари: Ҳиндукуш тизмаси, Бадахшон ва Ҳисор тизмасига бориб тақалган (дарё воҳалари – Балхоб, Қундуз, Панж, Вахш, Кофирнихон, Сурхон). Бу илмий хулосани исботлаш тарихий географияга оид учун махсус мақолалар чоп этилган.

Юқорида кўрсатилган ҳудудий чегаралари бўйича Бақтрия давлати Ўрта Осиёда ривожланган дастлабки давлатлар ичида энг йириги бўлган. Қадимги Бақтрия ҳудудларига Ўрта Амударёда Хоразм ва сак–массагетларнинг ҳарбий–сиёсий уюшмасига тегишли ўлкалар чегарадош эди.

Марғиёна қадимги Бақтрия давлатининг таркибига кирган. Бундан ёзма манбалар далолат беради. Подшо Доро I нинг Марғиёнадаги кўзғолонни тор–мор қилиши ҳақида Беҳистун ёзувларидаги куйидаги хулоса мавжуд: “Мана нималарни мен Бақтрияда қилдим”. Доро III даврида Бақтрия ва Суғдиёна бирлаштирилган ўлка бўлиб, унда Бесс исмли сатрап ҳокимлик қилган. Марғиёна ва Бақтрия аҳолисининг урф–одатлари ҳамда маданияти бир–бирига анча ўхшаб ривож топган.

Видевдат китобида Бақтрия «энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири баланд байрокли, “гўзал ўлка” сифатида ёритилган. Сўнгги юнон манбаларида Бақтрия – «минг шаҳарлар давлати» деб аталган. Бу тарихий анъаналарга нималар асос солган? Ахамонийлар давлатида Бақтрия энг қудратли ўлкалардан бири ҳисобланганлигими ёки унинг табиий бойликларими, жасур жанговар отлик ва пиёда қўшинлари, йирик шаҳарлари ва қадимги замонларга оид тарихи, халқи ва давлатими? Балки шу сабабларнинг ҳаммаси

биргаликда ва шубҳасиз жуда қадимги замонларга оид Бақтрия халқининг тарихий анъаналаридир.

Геродотдан аввал «Бақтрия халқи» тушунчасини буюк Эсхил «Форслар» деган фожиасида ишлатган (саҳнада мил.авв.472 йилда ижро этилган). «Форслар»да ёш бақтриялик жангчилардан Тенагон ва Аритомларнинг исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангида ҳалок бўлиб (мил.авв. 480 йил) шу оролда дафн қилинган. «Бақтрия халқи ҳалок бўлди» – деб Эсхил ўз асарида хулоса қилган. Айнан қадимги форс ёзувларида «Бақтрия» ва бақтрияликларнинг тилга олиниши мил.авв. 522 йилдан сўнгги даврларга оиддир. Бу расмий даражада, аммо олдинги замонларда ҳам Бақтрия ҳақида турли хабарлар Ўрта Шарқда кенг маълум эди. Шунинг учун ҳам Геродотнинг айтишича, Миср ва Бобил билан бир қаторда Бақтрия Кир II нинг ҳарбий юришларига тўсиқ бўлиб турган.

Шубҳасиз, бу Бақтриянинг муҳим ҳарбий ва иқтисодий аҳамияти ҳақида далолат беради (аҳоли, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий ашёларнинг бойлиги, муҳим марказий савдо йўлларининг чорраҳаси, хунармандчиликнинг ривожланиши, пиёда ва отлик қўшинларнинг юрти ва бошқалар). Бундан ташқари, Бақтрия Аҳамонийлар давлатининг узоқ шарқий чегараларида жойлашган подшо тахтини эгаллаш мақсадини ўз олдига қўйилган аҳамонийлар сулоласи вакиллари учун норасмий сургун жойи ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас (аҳамонийлар саройидан четлаштириш ва подшо тахтидан узоқлаштириш жараёнида). Маълумки, Смердис – Бардия подшо Камбизнинг буйруғига биноан ўлдирилган, Масист ўз акаси подшо Ксеркс билан тахт учун курашиб ҳалок бўлган. Артабон подшо Артаксерксга қарши чиқиб, Бақтрия қудратига таянган, мил.авв.330 йилда Бақтрия сатрапи Бесс Доро III ни ўлдириб, ўзини «Осиёнинг улуғ подшоси» Артаксеркс IV деб эълон қилган. Бу вазиятда ҳам тарих яна қайта такрорланган. Бесс Македониялик Александрга қарши курашни муваффақиятли давом эттириш учун Бақтрия ва Суғдиёнанинг ҳарбий қудратига ишонган.

Олимларнинг фикрига кўра, қадимги Бақтриянинг бир қисми бўлган Афғонистоннинг шимоли–шарқида (Кундуз, Кўкча дарёларининг воҳалари) Арёнам Вайжо мамлакати жойлашиши мумкин эди. У «Авесто»да Арёшайёна номи билан

хам машҳурдир. Арёшайёна Кави Виштасп подшолиги бўлиб, Дрангиана, Саттагадия, Ария, Марғиёна ва Амударё ўрта оқимидаги вилоятларни бирлаштирган. Олимлар Кави Виштасп подшолигини Марв ва Ҳирот атрофида жойлашган “Катта Хоразм” деб ҳисоблашганлар (В.Б.Хеннинг ва И.Гершевич).

Бошқа тадқиқотчилар Заратуштра таълимотининг биринчи тарафдори – Кави Виштасп давлатини Бактрия ҳудудига жойлаштириб, тарихий анъаналар Бактрия тупроғида давлат вужудга келиши жараёни жуда қадимги даврларга оид деган фикрни олға сурадилар.

Археология манбалар қадимги Бактрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини аниқлаш имконини беради. Бактриянинг шаҳар марказлари (улар асосан айрим вилоятларда ҳарбий–маъмурий ҳунармандчилик ва савдо–сотик аҳамиятга эга бўлган) асрлар давомида ҳаробаларга айланиб, ер остида қолиб кетган. Шундай марказлардан Боло Ҳисор (Бақтра), Олтиндилёр, Қизилтепа ва Бойтудашт ёдгорликларида археологик тадқиқотлар ўтказилган.


Бу шаҳарлар кенг майдонларда жойлашиб, қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Ёдгорликларда ҳом ғишт ва пахсадан қурилган уй–жойлар қазиб очилган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган. Шаҳарларнинг бир қисмида ҳукмдорлар қароргоҳлари қалъа–кўрғонлар жойлашган.

Бактрия айрим дарё воҳаларидаги бешта вилоятни бирлаштирган. Сурхон, Балхоб, Кофирнихон–Вахш, Панж, Кўкча–Қундуз воҳалари шулар жумласидандир. Сурхон вилоятининг маркази Қизилтепа бўлган, Шимолий Афғонистонда йирик шаҳарлар қолдиқлари – Боло Ҳисор ва Олтиндилёрлар топиб текширилган. Боло Ҳисор ўрнида қадимги Бақтра жойлашган. Бу шаҳар Геродот ва Ктесийларнинг таъкидлашича, Бактриянинг маркази эди.

Ктесийнинг «Персика» асарида Бактриянинг жуда кўп ҳарбий истехкомлари ва қалъалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда Бактрия тупроғидан мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ уй–кўрғонлар, қалъалар ва шаҳарлар ҳаробалари топиб текширилган. Жумладан, Сурхон воҳасида жойлашган

Кучуктепа, Талашқон, Жондавлат, Бандихон, Қизилча ва Шўртепа ёдгорликларини айтиб ўтиш лозим. Улар деворлар ва мудофаа буржлар билан мустаҳкамланган қалъалар ёки тўртбурчак шаклида қурилган уй-қўрғонлардир. Қадимги аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Ёдгорликларда сопол идишлар, бронзадан ва темирдан ясалган пичоқлар, ўроқлар, бронза идиш парчалари ҳамда ўқ учлари, жез игна ва бигизлар, сопол урчуқлар, тошдан ишланган қуроллар топилган.

Қурилиш, хунармандчилик – темирчилик, кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик, чармгарлик ва суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши Бактрияда қадимий маданият юксак даражадага тараққиётини кўрсатади.



Талашқон қалъаси

Қизилтепа. Мудофаа буржи

Суғдиёна. Турли манбалардаги Суғда, Суғуда, Суғдиёна номларининг келиб, чиқиши ва уларнинг маъноси ҳозирча номаълум. «Авесто»нинг Яшт китобида тилган олинган “Суғд макони Гава”—Суғдиёнанинг энг қадимги вилояти бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, Гава (Гау) – «буқа», «пода», Қашқадарё воҳаси билан боғланади. Бу сўз вилоятнинг жуда кўп географик номларидан такрорланиб сақланган (Гавдара, Гавхона, тоғлар Гау, чўкки Гау ва бошқалар). Эҳтимол, “Гава Суғда” атамасида “қудратли Суғд” тушунчаси ўз аксини топган.


Қашқадарёда энг қадимги деҳқончилик билан шуғулланган йирик марказлар ва уй–қўрғонлари қолдиқлари мил.авв. X—VIII асрлар билан белгиланади. Шулар жумласидан Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа, Ерқўрғондир. Мазкур даврга оид Яшт маълумотлари Гава Суғда ҳақида эълон қилади.

Қадимги юнон тарихчилари Суғдиёна Бактрия ёки сак–массагетларга нисбатан камроқ тилга олганлар. Македониялик Александр юришларидан сўнг Суғдиёна ҳақида маълумотлар анча тўлиқ бўлиб, кенгайиб боради.

Суғдиёна – бу Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида жойлашиб, жануби–шарқда Бактрия ва шимоли–ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган. Қадимги замонларда Суғдиёна муҳим савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Суғдиёна ҳақида «Авесто», Геродот ва аҳамонийлар даври ёзувлари хабар қилади.

Суғдиёнанинг маркази Мароқанда шаҳри (сўғд тилида — Смароканса, «учрашув, анжуманлар жойи» деб таржима қилинади). Мароқанданинг ҳаробалари – бу ҳозирги Афросиёб шаҳар ҳаробаларидир. Аҳамонийлар даврида унинг майдони 219 гектардан иборат бўлиб, шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган эди. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Мароқанданинг узунлиги 11 км га яқин ташқи девори ва қўрғони бўлган.

Суғдиёнанинг бошқа шаҳар марказлари – Қарши воҳасида Ерқўрғон, Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги Узунқир (майдони 70 га) ва Самарқандан 30 км шимолда жойлашган Кўктепа (майдони 100 га) ёдгорликларидир. Бу ёдгорликларда ўтказилган археология тадқиқотлар қадимги Суғдиёна аҳолисининг хўжалиги ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш имконини берди.



Марғиёна, Бактрия ва Сўғдиёна илк темир даври ёдгорликлари

Топилган археология манбалар Сўғдиёна ва Бактриянинг бинокорлиги, моддий маданиятининг бир–бирига анча ўхшаш ва яқин эканлигидан далолат беради. Бу ўхшаш кенг маданий муносабатлар таракқий этиши асосида пайдо бўлган. Бундан ташқари, сўнги ахамонийлар даврида уларни бир ўлка – сатраплик бирлаштирган. Ахамонийлар ёзувлари Сўғдиёнадан Персепол саройига ложувард олиб борилганлигидан хабар беради, аммо ложувард конлари фақат Бактриянинг Бадахшон тоғларида борлиги маълум.

Сўғдиёна ҳудудига одамлар қадимги тош асридаёқ кириб келиб, ундан кейинги даврларда тоғ, дарё воҳалари бўйлаб кенг тарқала бошлаганлар. Қулай табиий–географик шароитда ибтидоий хўжаликлар ва моддий маданият ривожланган. Тош даврга оид археологик Омонқўтон, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ ва Самарқанд маконларида топиб текширилган.

Мил.авв. IV–III минг йилликларга келиб Зарафшон қўйи оқимида Калтаминор маданияти шаклидаги тош қуроллар ва сопол идишлар тарқалади. Бронза даврида Қўйи Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган зах ерларда деҳқончилик ривожланган.

Бронза даврида яшаш ҳудудлари тобора кенгайиб борганлиги, табиий бойликлар, янги қонлар, суғориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлганлиги ҳақида Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган Саразм маданияти далолат беради. Саразм топилмалари – кўп хонали уйлар, сопол буюмлар, қуроллар, зеб–зийнат буюмлари ва бошқалар мил.авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йиликка оиддир.

Чорвадор қабилаларга мансуб Самарқанд яқинидаги Мўминобод, Зарафшон тоғлари ёнбағридаги Сазағон, Қўйи Қашқадарёдаги Гужайли ёдгорликлари топиб текширилди.

Мил.авв. VII асрга келиб, Суғд зироатчи аҳоли Шарқий Қашқадарё, Қўйи Қашқадарё, Ўрта ва Қўйи Зарафшон воҳаларида жойлашган. Суғдиёна ҳудуди Нурота ва Ҳисор тизмалари ҳамда ғарбда даштлар билан чегаралланган. Ўтроқ вилоятлар марказлари Узунқир, Ерқўрғон ва Кўктепа ўрнида жойлашган. Мил.авв. VIII–VI асрларда Суғд ҳудудида давлатчилик тизими ривожланган.

Видевдат китобида Гава Суғда “энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган” иккинчи юрт сифатида кўрсатилган. Яшт рўйхатида Бактрия тилга олинмаган, аммо Суғд Хоразмдан олдин ва Марғиёнадан кейин айтиб ўтилган.

Қадимги Хоразм. Хваризам (“Авесто” тилида), Хуаразмиш (қадимги форс тилиди), Хорасмие (қадимги юнон тилида) тушунчалари Қўйи Амударё ҳудудларидаги Хоразм воҳасига тегишли бўлган.

Қадимги Хоразм тарихи ва ёдгорликлари С.П.Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедициянинг тадқиқотлари натижасида кенг ёритилган. Хоразмнинг суғориш иншоотлари ва суғорилиши тарихини ўрганишда таниқли олим археолог Я.Ғ.Ғуломов катта ҳисса қўшган. Хоразм тупроғида турли хил кўҳна қишлоқ ва шаҳар харобалари қазиб очилган. Ҳозир ҳам Қадимги Хоразм тарихини ўрганиш ва унинг археологик ёдгорликларини қидириб топиш ва тадқиқ қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

«Авесто»нинг дастлабки маълумотларига (Яшт мадҳиялари) замондош Хоразм ёдгорликлари мил.авв. IX–VIII асрларга оид Амиробод маданияти номи билан аталган. Бу давр ёдгорликлари маҳаллий бронза даври маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла турар жой, кичик суғориш иншоотлар излари ва қўлда ясалган идишлар билан машҳур бўлган. Бронза буюмларидан ўроқлар, жез игналар ҳамда ўк учлар қўйилган тош қолиплар топилган.

Хоразмдаги шу давр аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик ва деҳқончилик бўлган. Табиий шароит ариқ қазиб, сув чиқаришга имкон берган туманларда суғорма деҳқончилик ривожланган. Ўлканинг йирик суғориш иншоотлари мил.авв. V–IV асрларга оиддир. Тадқиқотчилар бу иншоотлар ахамонийлардан ҳам олдинги даврларда катта бир давлат ҳудудида қурилган бўлиши мумкин ва бу давлатга Хоразм, Сўғдиёна, Парфия, Ария ва Марғиёна ерлари кирган, деб фараз қилганлар.

Гекатейнинг хорасмийлар элатига оид маълумотлари ва Геродотнинг Акес дарёси сувлари билан фойдаланувчи халқларнинг ерлари ҳақидаги хабарларига таянган ҳолда “Катта Хоразм” давлати тўғрисидаги илмий назария пайдо бўлган. Бу давлатга Геродот санаб ўтган халқлар – хорасмийлар, гирканлар, парфияликлар, саранглар ва таманейлар ерлари ҳам кирган деб тахмин қилинди. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича (В.Тарн, Ф.Альтхайм), ахамонийлар давридан олдин хорасмийлар Парфия чегараларидан шарқий йўналишда Копетдоғ ёнбағирларида жойлашганлар. “Катта Хоразм” давлатининг маркази Марв ва Ҳирот атрофида бўлиб, бу давлатни Кир II бўйсундирган сўнг хорасмийлар Қуйи Амударё – Хоразм воҳасига кўчиб борганлар деб фараз қилинди (В.Б.Хеннинг, И.Гершевич, И.В.Пьянков). Демак, бу назарияга кўра, хоразмликларни Қуйи Амударё ерларига жанубдан қадимги форслар сиқиб чиқарганлар.

Бошқа олимлар бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар Ўрта Осиё жанубидан кўчиб келмаганлар. Хоразм давлати Қуйи Амударёда қадимги замонлардаёқ вужудга келган деб хулоса қилганлар (С.П.Толстов, М.Г.Воробьёва). Аммо бу давлатнинг чегаралари ҳозирги Хоразм воҳаси ҳудудидан анча

кенг бўлиб, Ўрта Амударё воҳасидан бошлаб Орол денгизигача бўлган ерларни ўз ичига олган.

Бу ҳудудда мил.авв. VI–V асрларга оид 310 та уй–кўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари маълумдир. Шулар жумласидан энг йириги Қўзалиқир мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Қўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бактриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилишида анча ўхшаш аниқланди. Бактрия ва Хоразм шаҳар марказлари мудофаа деворларининг ўртасида жангчилар юриши учун махсус йўлак бўлган. Шаҳар деворларининг ён томонларида ўқ отиш учун мудофаа буржи қурилган. Деворларда ҳар 2 метрда шинаклар қолдирилган.

Археология манбаларга кўра, Хоразм воҳасида мил.авв. IX–VIII асрларга оид паҳса ёки хом ғиштдан қурилган уй–жойлар, мудофаа деворлари ва турли меъморчилик иншоотлар аниқланмаган. Турар жойлар ярим ертўлалардан иборат, сопол идишлар эса қўлда ясалган ва кулолчилик чарҳи бу давр маҳаллий ҳунармандчилигида номаълум эди.

Хоразм моддий маданияти ҳамда бинокорлигидаги туб ўзгаришлар ва воҳада олдинги даврларда номаълум маданий анъаналарнинг пайдо бўлиши мил.авв. VII–VI асрлар билан белгиланади. Мазкур даврга оид Хоразмда хом ғишт ва паҳсадан қурилган уй–жойларнинг қолдиқлари қазиб очилган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган (Қўзалиқир, Хумбузтепа, Хазорасп). Воҳа кулолчилигида чархдан фойдаланиш бошланади, темирдан меҳнат ҳамда ҳарбий қурооллар ишлаб чиқарилади, сарой шаклидаги иншоотлар, саждагоҳлар ва оташкадалар пайдо бўлади.

Бу ерда бронза ва темирдан ясалган меҳнат ҳамда ҳарбий қурооллар, сопол урчуқлар, жез игна, бигизлар, тош қурооллар, сопол идишлар топилган.

Хоразм воҳаси сопол идишлари Марғиёна, Бактрия ва Суғдиёна кулолчилик буюмларига ўхшаб, улардан унча фарқ қилмайди. Сопол идишлар ва бошқа моддий манбалар асосий хусусияти билан умумий маданиятга мансубдир. Бундан бинокорлик усуллари уй–жойларнинг тузилиши ва мудофаа тизими ҳам далолат беради. Илк темир даврда Ўрта Осиё жанубий вилоятларида жуда қадимги замонлардаёқ

ривожланган маданий анъаналар Хоразм воҳаси аҳолисининг моддий маданиятига татбиқ қилинади.

Ўрта Осиё жанубий вилоятларини маданий умумийлик зироатчи аҳолининг қўшни–қариндошлиги, яқин урф–одатлари, тили, диний қарашлари ва маданий алоқалари бирлаштирган. Шунингдек, Марғиёна–Бақтрия аҳоли гуруҳларнинг (бинокорлар, ҳунармандлар, зироатчилар) Хоразм чегараларида ва айнан воҳа ҳудудига ёйилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Зироатчи аҳолисининг миграциялари форс подшоси Кир II нинг юришларидан анча олдинги даврларда бошланган. Миграциялар туфайли Жанубий вилоятлар жамоаларининг вакиллари ва Хоразм маҳаллий аҳолиси қўшилиб қоришиши сабабли янги маданий ва этник жараёнларга замин яратилган.

Бу даврга қадар Хоразм воҳасида Қуйисой маданиятига оид чорвадорлар ҳамда илк саклар истиқомат қилганлар (мил.авв. VII аср). Хусусан хоразмликлар – саклар ва бақтрияликлар этномаданий анъаналарининг қоришиши натижасида Хоразм воҳасида Қўзалиқир маданияти ҳамда хорасмийлар элати вужудга келган. Шундай қилиб, мазкур маданият Марғиёна–Бақтрияда бошлаб юқори даражада ривож топган цивилизация таъсирининг маҳсули эканлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мил.авв. X–VIII асрларда Жанубий Сўғдиёнада (Қашқадарё воҳаси) кулолчилик чарҳда ишланган сопол идишларнинг пайдо бўлиши, қурилишда ҳом ғишт ва пахсанинг ишлатилиши, уй–қўрғонлар ва айрим қалъаларнинг бино қилиниши Бақтриянинг Сўғдиёнага маданий таъсирини ва бақтрияликлар томонидан баъзи воҳаларнинг ўзлаштиришини тасдиқлайди.

Бугунги кунга келиб, “Катта Хоразм” давлатига доир назария олимлар томонидан рад этилди. Хоразм воҳасида илк давлатчилик алоҳида воҳа – туманларда мил.авв. VII–VI аср чегарасида вужудга келган деган фикр ўртага ташланди.

Алоҳида деҳқончилик – чорвачилик воҳа–туманлардан иборат қадимги Хоразм давлати мил.авв. VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Жанубий Оролбўйи ерларида вужудга келган, деган хулосанинг тўғрилиги тасдиқланди. “Катта Хоразм” маркази Ҳирот ва Марв атрофида

жойлашмаган, чунки ёзма манбаларга кўра, Марғиёна қадимги Бақтрия давлатининг таркибий қисми бўлиб, унинг йирик вилоятини ташкил этган.

Бақтрия ва Хоразм давлатининг худудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Шу заминда бир–бирига яқин ҳолатда иккита қадимги истехком – Одойтепа ва Қушқала қурилган. Хоразмликлар эгалик қилган ерлар Сўғдиёна, Марғиёна ва Бақтрияга тегишли ўлкаларга бориб тақалган. Балки шунинг учун ҳам Гекатей хорасмийлар – хоразмликлар вилоятини парфияликлардан шарқий томонда жойлаштирган. Геродот эса парфияликлар ва хорасмийларнинг ерлари чегарадош бўлган деб кўрсатган.

Кир II Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларини (Марғиёна, Бақтрия) истило қилиб, шу худудлар бир қисм аҳолисини юртимизнинг шимолий вилоятларига сиқиб чиқариш мумкин эди. Аммо, қадимги Хоразмда давлатчилик тизимининг вужудга келиши турли мураккаб маданий, этник ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ахамонийлар давридан олдинги замонларда бошланган. Бундан минтақадаги цивилизациянинг бирламчи марказларининг маданий таъсири ва аҳоли миграциялари катта аҳамиятга эга бўлган.

Сак–массагетлар. Саклар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг тоғлари ва даштларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилалардир. Мил.авв.VII – VI асрларда уларга қариндош чорвадор қабилалар Қора денгизнинг шимолий соҳилларидан Хитой чегараларигача бўлган Евросиёнинг кенг худудларида жойлашган.

Қадимги форс ёзувлари кўчманчиларни «шак» деб ёритади, юнон муаллифлари эса уларни «скифлар», «сарматлар», «саклар», «массагетлар», «дахлар», «олонлар» деб атаганлар. Сакларнинг номлари Эрондаги Сакастон, Сеистон вилояти тушунчасида сақланган.

Ахамонийлар ёзувларида саклар қуйидаги гуруҳларга бўлинганлар: сака тиграхауда («тигра» – «ўткир», «хауда» – «бош кийим»), сака хаумаварка – «хаомани улуғлаган саклар», хаома – «муқаддас ичимлик», «сўғдларнинг нариги ёғидаги саклар» – сака–тиай–пара сўғдам ва сака–тиай–дарайё – «дарё, денгиз нариги ёғидаги саклар». Суза шаҳрида топилган Доро I нинг

хайкалидаги ёзувларда «балчиқ ва тупроқ ўлкаси саклари» тилга олинган. Геродот «амиргий» саклар ҳақида хабар беради.

Олимлар фикрига кўра, «сак» сўзи – бу «қудратли, идрокли, эпчил бўлиш», ёки «кучли, азамат, мард» деб таржима қилинади. Бехистун ёзувларида кўчманчиларнинг юрти умумий ягона бир сўз билан «шак» деб кўрсатилган.

Сакларнинг яшаган ҳудудлари ва жойлашуви чегаралари ҳақида жуда кўп илмий адабиётлар мавжуд (В.В.Струве, С.П.Толстов, А.Н.Бернштам, Б.А.Литвинский ва бошқ.). Сакларнинг ёдгорликлари – қадимги қабристонлар ва мозор–қўрғонлар жуда кенг ҳудудда топиб текширилган (Каспий, Орол денгизи атрофидан Балхаш қўлигача, Помир ва Тангритоғ ўлкаларида, Қуйи Зарафшон, Амударё, Сирдарё ерларида). Саклар хўжалигида чорвачилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Бу қабилалар қорамол, майда чорва ҳамда отни кўплаб урчитганлар. Сакларнинг ёдгорликларида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қурооллар, зеб–зийнат буюмлари, меҳнат қурооллари ва сопол идишлар учрайди.

Геродот саклар–массагетларнинг яроғ–аслаҳа ва от–анжомлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирган. Кўчманчиларнинг мозор–қўрғонларида шу қурооллар жумласидан ҳарбий болталар, ханжарлар ва бронза ўқлари жуда кўп учрайди. Сакларнинг ўқлари баргсимон, икки ёки уч қиррали бўлган, ханжар ва қилич дастасининг боши ёйсимон қайириб қўйилган.

Сак–массагетларни, Геродотнинг айтишича, «баъзилар скиф қабиласи деб ҳисоблайдилар». Сакларнинг от–анжомлари, ўқлари ва ханжарлари скиф яроғ–аслаҳарига ўхшайди. Бронзадан ишланган санъат буюмларида ҳам яқин хусусиятлар ва катта ўхшашликлар бор. Кўчманчиларни мустаҳкам маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар бир–бирлари билан боғлаб турган.

Геродотнинг фикрига кўра, массагетлар ва скифларнинг турмуш тарзи ҳам бир–бирига ўхшайди ёки «улар отлиқ ва пиёда жанг қиладилар». Кўчманчиларнинг маданий анъаналари ва урф–одатлари уларнинг хўжалиги ва яшаш шароитидан келиб чиқиб, бир–биридан унча фарқ қилмаган.

Фақат бир жойда “тарихнинг отаси” Геродот хатога йўл қўйган. Бу унинг “Темир ва кумушдан ясалган буюмлар

уларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металл массагетларнинг ерларида умуман учрамайди...” – деган сўзларидир. Кўчманчиларнинг мозор–қўрғонларида (Помир, Қуйи Сирдарё, Қуйи Амударё, Зарафшон воҳаси) темирдан ишланган ханжарлар ва ўқлар топилган.

Массагетлар бу айнан сак қабилаларининг йирик ҳарбий–сиёсий уюшмасидир. Массагет сўзини икки хил – «улуғ гетлар» ёки «йирик сак ўрдаси» деб таржима қилиш мумкин. Охирги тушунча «массагет» сўзи маъносига кўпроқ тўғри келади.

Маълумки, «Авесто»да Ўрта Осиёнинг энг қадимги чорвадор ва кўчманчи қабилалари “тура”, “дану”, “хьяона” номлари билан тилга олинган. Улар кўчманчилар орасида ҳарбий–сиёсий қабила уюшмалари вужудга келган даврларда яшаганлар. Дастлабки кўчманчиларнинг тарихини ўрганишда Қуйи Сирдарёдаги мил.авв. IX–VII асрларга оид Шимолий Тагискен мақбараларига эътибор бериш лозим. Улар хом ғиштдан бино қилинган, тўртбурчак, халқасимон мақбаралардир. Тагискен қабрларида кўчманчиларнинг сардорлари ва жамоа оқсоқоллари дафн этилган. Айрим мақбараларда жуда кўп буюмлар бўлган.

Шу давр «Авесто»да тилга олинган баҳодирлар ва подшоларнинг сай–ҳаракатлари, ҳарбий юришлари даврига тўғри келади (Кави Хисров ва Франграсён – Афросиёб ўртасидаги Чайчаст кўли ёнида жанг, Кави Виштаспнинг ғолибона жангида «хьяона ёвузи, сержахл» Аштарвант «сохта» Аржатасп, «девларни қадрлаган» Даршин устидан ғолиб чиқиши, баҳодирлар Вистураш, Кэрсасп ва бошқаларнинг ўз душманларига қарши фаолиятлари).

Демак, бронза давридан бошлаб Евросиёнинг кенг худудида чорвадор қабилалар тарқалади. Илк темир даврида улар Ўрта Осиёнинг ўтроқ хўжаликларига эга вилоятлари (Фарғона, Сўғдиёна, Хоразм, Бактрия, Марғиёна ва Парфия) чегараларида ҳам жойлашадилар. Сакларнинг мозор–қўрғонлари Бактрия ерларида яқин бўлган Помир тоғларида, Сўғдиёна чегараларида – Қуйи Амударё сўл ерларида, Қуйи Сирдарё ва бошқа жойларда топиб текширилган.

Кейниги даврларда сак–массагетларнинг ерларига бошқа кўчманчилар келиб ўрнашганлар. Бу жараён Ўрта Осиёда

сўнгги даврларда ҳам давом этган. Мил.авв. II минг йилликдан бошлаб то ўрта асрларгача чорвадор кўчманчи қабилалар деҳқончилик воҳалари чегараларида ва кишлоқ – шаҳар атрофларида жойлашиб, янги этник, маданий, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий жараёнларга асос солганлар. Чорвадор қабилаларнинг ва деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг тарихи узвий боғлиқ бўлиб, Ўрта Осиё халқарининг тарихи ва маданияти янги асосда ривожланиб борган.



Таянч сўзлар

Форс битиклари, Аҳамонийлар сулоласи, Беҳистун, Нақши Рустам, Персепол шахри, Геродот, “Тарих” китоби, Гекатей, Ктесий, Ксенофонт, “Киропедия”, Фарғона, Чоч, Суғдиёна, Хоразм, Бактрия, Курушката, “минг шаҳарлар давлати”, Миср, Бобил, бактрияликлар, Гава Суғда, Мароқанда, тарихий–маданий вилоятлар, давлатчилик тизими, Хоразм маданияти, “Катта Хоразм”, маданий бирлик, саклар, массагетлар, кўчманчи чорвачилик, мозор–кўрғонлар, Тагискен мақбаралари, Афросиёб, Чайчаст кўли, ҳарбий уюшма.

Савол ва топшириқлар

1. Қадимги форс битиклари қаерда топилган?
2. Аҳамонийлар даври миҳсимон ёзувларига таъриф беринг.
3. Беҳистун ёзувларида нима ҳақида хабар қилинади?
4. Персепол шахридаги бўртма расмларида қандай тасвирлар мавжуд? Уларга тавсиф беринг.
5. Нима учун юнон тарихчиси Геродот “тарихнинг отаси” деб ном олган?
6. Геродотнинг “Тарих” китоби ҳақида нималарни биласиз? Шу китобдан Ўрта Осиё тарихига тегишли ҳикояларни сўзлаб беринг.
7. Ўрта Осиё тарихий–маданий вилоятлари ва қадимги давлатлари тарихига оид қисқа маълумотлар рефератини тузинг.
8. Мавзуга доир маълумотларни ўрганиб қандай тарихий билимларга эга бўлдингиз?
9. Мавзу бўйича тест саволларини тузинг.

6–мавзу бўйича фойдаланган адабиётлар

1. Геродот. История. В девяти книгах / Пер. Г.А.Стратановского. – М.: Наука, 1972.
2. Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира // История иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971.
3. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Ташкент, 2002.
4. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980.
5. Шахрисабз. Мингйилликлар мерос / Илмий муҳаррирлар Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев. – Тошкент: Шарқ, 2002.

6. Самарқанд. 2750 / Масъул муҳаррирлар Т.Ширинов, Ш.Пидаев, М.Қаршибоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
7. История государственности Узбекистана. Т.1 / Отв.ред.Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
8. Сагдуллаев А., Аминов Б. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.
9. Хорезм в истории государственности Узбекистана. / Отв.ред.Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Ташкент, 2013.
10. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001.
11. Абдуллаев Ў.М. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Akademiya, 2009.
12. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000.
13. Хрестоматия по истории Древнего Востока. Ч.2. – М.: Высшая школа, 1980.
14. Ябловский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М., 1991.
15. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998.

7–мавзу. Мил. авв. VI–IV асрлар тарихи. Ўрта Осиё Аҳамонийлар давлати таркибида.

Режа:

- 7.1. Сиёсий тарих.
- 7.2. Иқтисод ва ижтимоий тузум.
- 7.3. Маданият ва дин.

7.1. Сиёсий тарих.

Мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё вилоятлари аҳамонийлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган.

Эрондаги аҳамонийлар давлатига мил.авв.558 йилда подшо Кир II асос солган (форсча Куруш – «подачи» деб таржима қилинади). Кир II Эроннинг «Парсуа» (Форс) вилоятининг подшоси бўлиб, Мидия давлати подшоси Астиагга қарши уруш бошлаган. Бу курашда Астиаг енгилган.

Бундан кейин, Кир II қадимги Шарқдаги жуда кўп мамлакатлар устидан ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирган. Тарихан қисқа муддат ичида, мил.авв.547–546 йиллар давомида, Кир II Кичик Осиё давлатларини истило қилди. Геродотнинг хабарларига кўра, Кир II нинг ҳарбий юришларига «Бобил, Бақтрия халқи саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар».

Кичик ва Олд Осиёда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун иқтисодий бойликларни ва ҳарбий кучларни қўлга киритиш доим зарур бўлган. Қурол кучи билан янги мамлакатларни ва турли халқларни бўйсундириш Кир учун асосий мақсадга айланган.


Кир II Ўрта Осиёни қай тарзда босиб олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Айрим қисқа маълумотлар Ктесийнинг «Персика» асарида бор. Қадимги юнон тарихчиси айтишича: «Кир ва бақтрияликлар урушида ҳеч қайси томон вакиллари ғалаба қозонмаган». Бироқ, бақтрияликлар, ахамонийлар давлатининг ҳарбий қудрати Шарқда устунлик қилганидан хабардор бўлиб, Кир II га ихтиёрий бўйсундилар. Кир II ва Бақтрия урушлари ҳақида Ксенофонт ҳам ўзининг «Киропедия» асарида қисқа маълумот берган.

Геродот, Кир II нинг истилочилик режаларини кўрсатиб айтганда, Бақтрияни истило қилиш Бобилдан кейин иккинчи ўринда турганлиги ҳақида хабар беради. Кир II Бобилни мил.авв. 539 йилда ўзига бўйсундирган. Демак, 539 йилдан кейин Кир II Бақтрияга хужум қилиши керак эди. Аммо Кир II Ўрта Осиё вилоятларининг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучларига аниқ даражада баҳо бериб, мил.авв. 545–540 йиллар давомида Ўрта Осиёнинг жанубий қисмига ҳарбий диққатини қаратган. Шунинг учун Геродотнинг маълумотлари тарихий жиҳатдан бирмунча нотўғри деб ҳисобланади.

Бобил подшолиги ва Миср ўша замоннинг қудратли давлатлари бўлиб, уларни истило қилиш учун махсус ҳарбий тайёргарлик кўриш керак эди. Мисрга қарши юришдан Кир II воз кечган ва мазкур давлатни унинг ўғли (Камбиз) истило қилган.

Эроннинг шимоли–шарқи ва Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳволнинг ўзгариши туфайли Кир II Бобилни забт этиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган. Ўрта Осиё кўчманчи қабилалари томонидан ахамонийлар давлатига қарши хужум уюштириш хавфи пайдо бўлиб, сакларга қарши қадимги форс давлати чегараларидаги мустаҳкам қалъаларидан ўз вақтда форс кўшинлари томонидан

фойдаланиш режалаштирилган. Шунинг учун ҳам Бобилдан олдин, Кир II Парфия, Ария, Марғиёна, Бактрия ва Сўғдиёна ўзига бўйсундирган. Сирдарёга яқин, ҳозирги Ўратепа атрофида, Кир II янги мустақам қалъага асос солган деб фараз қилинади. Бу Курушкат (Кир шаҳри) номли қудратли қалъа кўчманчиларга қарши истехком сифатида қурилган. Курушкатни (юнонча Кирополис) Македониялик Александр мил.авв.329 йилда вайрон қилган.



Ахамонийлар давлати

Мил.авв. 530 йилга келиб, ахамонийлар Ҳинд водийсидан Ўртаер денгизигача бўлган ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлса—да, Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилалар мустақил бўлиб яшаган. Мил.авв. 530 йилнинг август ойида Кир II массагетларга қарши юриш қилган. Бу ҳарбий юриш ҳақидага қадимги давр муаллифлари — Геродот ва Трог—Юстин маълумотлари сақланган бўлиб, улар бу воқеаларни турлича тасвирлаганлар.

Географик жиҳатдан Кир II нинг массагетларга қарши юришлари йўналишини аниқ ўрганиш муаммоси жуда ҳам

мураккабдир. Ўрта Осиё кўчманчилари Каспий денгизи билан Сирдарё ўртасидаги кенг ўлкада жойлашганлар. Кир II нинг кўшинлари Парфия чегараларидан ўтиб, Амударё – Ўзбой бўйларида яшовчи массагет қабилаларининг юртига кириб борганлар.

Кир II Аракс (Амударё) ўзанидан кечиб ўтиб, массагетлар ерларининг ичкарасига кириб борган. Юришларининг бир кунлик йўлидан сўнг, форс подшоси ортга қайтган. Аммо шу жойда, Геродотнинг хабарига кўра, Кир II ўз кўшинларининг заиф бир қисмини ҳамда улар билан бирга озиқ–овқатлар захираларини ва ичимликларни махсус қолдирган. Массагетларнинг бир гуруҳи форсларга ҳужум қилиб, уларни қириб ташлаганлар. Ғалабадан сўнг массагетлар шароб ичиб ўхлаб қолганлар. Бундан сўнг собиқ жанг майдонига форсларнинг асосий кўшинлари қайтиб келиб, массагетларнинг бир қисмини жойида ўлдирганлар бошқа бирларини асирликка олганлар. Уларнинг орасида Тўмариснинг ўғли Спаргапис ҳам бўлган.

Геродотнинг хабарларига кўра, Тўмарис бошчилигидаги массагетлар форс кўшинларини бутунлай мағлубиятга учратиб, барчасини йўқ қилганлар. Геродот асарида айтилишича, массагетлар йўлбошчиси Тўмарис, уруш майдонидан Кирнинг жасадини топиб келишни буюрган ва унинг бошини кесиб, қон билан тўлғазилган мешга солган.

Бу ҳикояда ватанпарварлик, чет эл босқинчиларига қарши, мустақиллик учун кураш, она ер мудофааси ва халқнинг жасурлиги мавзуси ёритилган. Ўрта Осиё халқлари тарихи учун юқорида келтирилган маълумотлар ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Кир II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Қамбиз ўтирди. Унинг ҳукмронлик даври, яъни мил.авв. 530–522 йиллар Ўрта Осиё халқлари сиёсий тарихи ҳақида ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Камбиз Мисрни истило қилган қадимги форс подшосидир. Қамбиз вафотидан сўнг мамлакатда катта кўзғолонлар бошланган. Бу ҳақида Доро I (мил.авв.522–486 йиллар) Беҳистун ёзувида шундай хабар қилади: «Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Парфия, Марғиёна, Сатгагадия, Саклар мендан ажралиб чиқиб кетдилар». Аҳамонийларга қарши, айниқса халқнинг катта кўзғолони Марғиёнада аланга олган.

Беҳистун ёзувларида Доро I хабар қилади: «Марғиёна давлати мендан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир киши

вилоятнинг ҳокими деб эълон қилинди. Кейин мен Бактрия сатрапи ва менга бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни ҳузуримга чақириб унга гапирдим: «Менга бўйсунмаганларни тор–мор қилиш керак». Ахурамазда иродаси билан менинг қўшинларим қўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди. Бу жанг асиядий ойининг 23 нчи кунида содир бўлди. Шундан сўнг давлат мени қўлимга кирди. Мана мен Бактрияда нималарни қилдим».

Мил.авв. 522 йилнинг 10 декабрида (қадимги форс асиядий ойининг 23 нчи куни) Дадаршиш марғиёналикларни тор–мор қилган. Қўзғолонни бостириш пайтда 55 минг одам ўлдирилган ва 7 минг киши асирликка олинган. Асосий воқеалар Қуйи Мурғобда бўлиб ўтган, бу ерда Марғиёнанинг кўҳна Марв шаҳар ҳаробалари сақланган. Улар жумласидан Эрқалъа мил.авв.VII–VI асрларда вужудга келган. Эрқалъа – бу Марғиёнанинг пойтахти ва шунингдек ахамонийларга қарши қўзғолоннинг маркази деб ҳисобланади.

Беҳистун ёзувларидаги охириги сўзлар «Мана мен Бактрияда нималарни қилдим» тушунарли эмас, чунки қўзғолон Марғиёнада кўтарилган. Бундан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин – Марғиёна ахамонийлар давридан олдин қадимга Бактрия подшолигининг таркибий қисми бўлган ёки қўзғолондан сўнг Доро I Марғиёнани Бактрия давлатига қўшиб олган.

Доро I бирлашган давлатни қайтадан тиклайди. Кир II давридан дунёнинг барча мамлакатлари устидан ҳокимлик ўрнатишга интилган ахамонийлар йиллар давомида жуда йирик давлатга асос солганлар. Доро I ўзидан олдин ўтган подшолар сиёсатини давом эттирган. Доро I қабрига қўйилган қабртошдаги битикларда: «Сен Эрон жангчисининг найзаси узоқ–узоқ мамлакатларгача бориб етганини билиб оласан» – деб ёзилган.

Қадимга форсларнинг Ўрта Осиё шимолига юришлари шафқатсиз яқунланганлигини ва Кирнинг массагетлар қабилалари билан қаттиқ жанг пайтида халоқ бўлганлиги Доро I нинг ташқи сиёсатида инобатга олиниб, мил. авв. 519 (518) йилда Доро I саклар (сака–тиграхауда)га қарши махсус юриш қилган.

Доро I хабар қилади: «Сакларга қарши мен Сак юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўққи қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарё кемаларидан кўприк қилиб, саклар юртига хужум қилдим. Уларнинг сардори – Сқунха исмли одамни тутиб, менинг ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан

саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг кўл остимга ўтди».

Доро I сак қабилалари устидан ғалабага эришган бўлса ҳам, Ўрта Осиё халқлари ахамонийларга қарши озодлик курашларини давом эттирганлар. Қадимги дунё тарихи муаллифи Полиен, ўзигача етиб келган ҳикояларга асосланиб, жасур Широқ тарихи орқали сакларнинг ахамонийларга қарши қаҳрамонона курашини ҳикоя қилади. Широқ ўз жонидан кечиб, қадимги форс кўшинларини сувсиз чўл ва саҳронинг ичкарасига олиб кириб, сакларнинг маконларини душман ҳужумидан сақлаб қолди, бундан ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Ўрта Осиёнинг бўйсундирилган ҳудудлари ва умуман, забт этилган қадимги Шарқ вилоятлари Доро I даврида алоҳида маъмурий ўлкаларга бирлаштирилган. Бу маъмурий–ҳарбий ўлкаларни идора қилган ҳокимларни қадимги форслар «хшатрапаван», юнонлар эса «сатрап» деб атаганлар (қадимги форс тилидаги “хшатра” – “вилоят” атамасидан “сатрапия”, “сатрапликлар” тушунчаси келиб чиққан).

Беҳистун ёзувлари, Геродот ва Ктесий маълумотлари асосида, олимлар Бактрия сатраплири рўйхатини аниқлаганлар. Мил.авв. 530–522 йилларда Бактрия сатрапи вазифасини Кир II нинг ўғли Смердис (Бардия) бажарган (Қамбиз подшонинг укаси), 522–486 й. Дадаршиш, 486–480 ва 480–465 й. Ариамен билан Масист – Доро I ўғиллари, 465–423 й. Артабон Гистасп, мил.авв.335 йилгача маълумотлар йўқ, 335–329 йилларда Бесс – Бактриянинг охириги сатрапи бўлган.

Юқорида кўрсатилган рўйхатдаги Бактрия вилоятини идора қилган ҳокимлар тўрт вазиятда подшо ўғиллари ёки унинг ака–укаларидир. Муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Бактрия ахамонийлар давлатида катта иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам уни идора қилган сатраплар ахамонийлар сулоласи вакиллари эди.

Геродотнинг айтишича, Доро I давлатни 20 та ўлка–сатрапияларга бўлган. Беҳистун, Нақши Рустам ва Суза ёзувларида форс подшолиги 24 сатрапликка ажратилиб кўрсатилган. Беҳистун ёзувлари рўйхатида Бактрия–16, Сўғдиёна–17 ўринда кўрсатилган. Геродотнинг маълумотларига кўра, Бактрия–12, саклар–15, Парфия, Сўғд ва Хоразм–16 маъмурий ўлка бўлган. Геродотнинг «Тарих»

асарида сатрапликларнинг подшога тўлайдиган солиқлар миқдори келтирилган.

Доро I нинг вафотидан сўнг унинг ўғли Ксеркс тахтга ўтирган (мил.авв.486 йил). Ксеркснинг ташқи ҳарбий сиёсати Эронни қурол кучи билан энг қудратли давлатга айлантириш жараёни давом этади. Ксеркс қадимги Юнонистон ва Европа мамлакатлари устидан ҳукмронлик қилиши ўз олдига муҳим мақсад қилиб қўйган. Ўрта Осиё халқлари – бактрияликлар, хоразмликлар, сўғдийлар ва саклар Ксеркс қўшинлари таркибида юнон – форс урушларида иштирок этганлар.


Марафон жангида сакларнинг отлик қўшинлари ниҳоят катта жасурлик кўрсатиб, юнонларнинг жанговар марказий қисмини чекинишга мажбур қилганлар. Бактрия ва сакларнинг чавандозлари ахамонийлар қўшинларидаги энг жасур қисмларидан бири бўлиб ҳисобланган. Юнон–форс урушлари даврида Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий қудрати катта аҳамиятга эга бўлган.

Кир II дан сўнг Қамбиз ҳам, Доро I ва Ксеркс ҳам давлатни қайтадан тиклаш ва бирлаштиришга кўпдан–кўп ҳаракат қилганлар. Мил.авв. IV асрда сўнги ахамонийлар подшолари Артаксеркс II, Артаксеркс III ва Доро III тўхтовсиз урушларни давом эттиришга мажбур бўлиб, давлатни жуда ҳам заифлаштирганлар. Бундан ташқари, барча бўйсундирилган халқлар ўз мустақилликларини тиклаш учун форсларга қарши кураш бошлайдилар. Мил.авв. 334 йилда Македониялик Александр, қадимги Шарқдаги иқтисодий ва сиёсий инқирозлардан фойдаланиб, Ахамонийлар давлатига қарши уруш бошлайди. Мил.авв. 334– 330 йиллар давомида Македониялик Александр Форс подшоси Доро III ни тор–мор қилиб, Ўрта Осиё чегараларига етиб келади. Шу тариқа ахамонийларнинг Ўрта Осиёдаги икки юз йиллик ҳукмронлиги тарихи тугайди.

7.2. Иқтисод ва ижтимоий тузум.

Ўрта Осиёнинг қадимий вилоятлари жамияти тўғрисида ёзма манбалардан ташқари археологик манбалар далолат беради. Ўрта Осиё мил.авв.VI–IV асрларга оид моддий маданий ёдгорликларга бойдир. Марғиёнадаги Ёзтепа, Ерқалъа, Шимолий Бактриядаги Кучуктепа, Қизилтепа, Қалаимир, Бойтудашт, Хоразм, Суғд ва Фарғона воҳаларидага Кўзалиқир, Дингилжа, Ерқўрғон, Узунқир,

Даратепа, Афросиёб, Эйлатонтепа харобалари шу даврга мансуб ёдгорликлардир. Хом ғишдан ва пахсадан қурилган бинолар, металл қуруллар, ҳунармадчилик буюмлари ўтроқ деҳқончилик вилоятларида қадимий маданият юксак даражада бўлганлигини кўрсатади.



Қизилча уй-қўрғони (тикланган)

Хоразмда мил.авв.V–IV асрларга мансуб суғориш иншоотларининг излари топиб текширилган. Марғиёна, Сўғдиёна ва Бактрия тупроғида ҳам қадимги суғориш каналлари аниқланган. Ушбу маълумотлар қадимги жамоатчилик томонидан ғоят катта ер ишлари бажарилганлигидан далолат беради.

Хоразмдаги Кўзалиқир шаҳар харобаси қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли алоҳида жойлашган айрим оилаларга тегишли уйларда яшаган. Шулар жумласидан бўлган Дингилжа турар–жой ва хўжалик хоналаридан иборатдир. Мил.авв. VI–IV асрда оила жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлиб, у хўжаликни биргаликда бошқарган. Уй жамоасининг аъзолари катта патриархал оила бўлиб, улар умумий турар жойда яшаганлар ва мол–мулкка биргаликда эгалик қилганлар.

Мил.авв. VI–IV асрларга мансуб моддий манбалар бинокорлик ва хунармандчилик, (темирчилик, кулолчилик, заргарлик, тўқимачилик) тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна ва Марғиёна тупроғида кулолчилик ва темирчилик устахоналарнинг қолдиқлари қазиб очилган. Бу ёдгорликлардан сопол идишлар, бронза ва темирдан ишланган буюмлар топилди. Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ижтимоий, хўжалик ва маданий ўзгаришлар содир бўлган. Катта ва ўрта ҳажмдаги шаҳарлар вилоят ва туманлар марказларига айланган. Ўрта Осиё шаҳарларида қурилиш, хунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган.

Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиёда деҳқончилик турли шаклларда ривожланган. Тоғ ёнбағрларда қадимги деҳқонлар сойларнинг сувларидан фойдаланганлар. Маҳалий суғориш тажрибасида сойлардан канал ва ариқ чиқариш катта аҳамиятга эга бўлган. Йирик ва ўрта дарёларнинг водийларида узун каналлар қазилган бўлиб, сув омборлари қурилган.

Қадимга замонлардан бошлаб зироатчилик билан шуғулланиш, дон экиш Ўрта Осиё ҳақлари учун савобли иш бўлиб, «Авесто»да арпа ва буғдой муқаддас бошоқли экин ҳисобланган. Бошоқли экинлардан буғдой, тарик, арпа айниқса кенг етиштирилган. Боғларда турли мевали дарахтлар ўстирилган, чорва учун хашак бўладиган ўсимликлар ривожлантирилган. Ўрта Осиё тоғлари ва даштларида чорвачилик ҳатто бир неча асрлар давомида

устунлик қилган. Қабилалар асосан майда чорва, қорамол ҳамда отни кўплаб урчитганлар.

Персепол саройи деворига солинган бўртма расмда Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна ва саклар вилоятидан ўлпон тўловчилар шоҳга от, туя ҳамда кўй олиб келаётгани тасвирланган. Айниқса, қадимги Шарқда Бактрия туялари, Хоразм ва сак юрти йилқилари машҳур бўлган.

Ўрта Осиё табиий қазилма бойликлари қадимдан кенг маълум эди. Геродотнинг айтишича, саклар вилоятида «олтин ва мис жуда ҳам кўп» бўлган. Тарихчининг маълумотлари ҳақиқий эканлигини ҳозирги даврда Қизилқумда қазиб чиқарилаётган олтин исботлаб бериши мумкин.

Ўрта Осиёнинг табиий бойликлари Аҳамонийлар давлатида кенг ишлатилган. Суза шаҳрида топилган ёзувларда Доро I бундай эълон қилади: «Сузадаги саройни мен бунёд қилганимда, унинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинган. Уака ёғочи – Гандхарадан, олтин – Сард ва Бактриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард – Сўғдиёнадан, фируза – Хоразмдан етказиб берилган».

Ўрта Осиё халқлари аҳамонийларга жуда катта миқдорда солиқлар тўлаганлар. Молия–солиқ ишлари сатрап–ҳоким қўлида бўлган. Вилоятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини сатраплар кузатиб борган. Бўйсундирилган ўлкалардаги бутун идора ишларини сатраплар назорат қилганлар.

Сатрап ўз ўлкасида вилоят, туман ҳокимлари ва қишлоқ оқсоқолларига таянган ҳолда бошқарувни амалга оширган. Унинг вазифалари сатрапликнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳарбий юришлар пайтида ўлкадан марказга кўшинлар юбориш, йиллик солиқларни белгиланган турларда ва миқдорла йиғиб, марказий давлат ғазнасига етказиб беришидан иборат бўлган.

Сатрапликларнинг бошқарув ташкилотида турли мансаб ва лавозимлар мавжуд эди. Девонхона бошлиғи, хазинабон, солиқ йиғувчи, суд ишларини юритувчи, хаттот-котиб, хўжалик ишлари бошлиғи шулар жумласидандир. Ўрта Осиё сатрапликлари муайян миқдорда белгиланган кумуш солиқлардан ташқари қишлоқ хўжалик, чорва ва ҳунармандчилик маҳсулотлари шаклида ҳам солиқ тўлашга мажбур эдилар.

Солиқ йиғилиши қишлоқ оқсоқоллари, туман ва вилоят ҳокимлари зиммасига тушган. Солиқлар сатраплар саройи ғазна омборхоналарида Бақтра ва Мороқанда каби марказий шаҳарларда

тўпланган. Сатрап ўлка миқёсидаги солиқларнинг йиғиб олиниши жараёнини назорат қилган. Сарой хазиначиси ва ҳисобчилари туман ва вилоятлардан етказиб берилган солиқлар турлари ва миқдори асосида иқтисодий-молиявий ҳисоботлар тайёрлаганлар. Ушбу маълумотлар марказий давлат солиқ ташкилоти томонидан режалаштирилган муддатда, махсус алоқа тизими хизматчилари – чопарлар орқали форс подшоси қароргоҳида жўнатилган.

Сатрапликлар хазинасидан маълум миқдорда айнан сатрапнинг хонадонлари мансабдорлар ва ҳарбийлар маош сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган (ун, чорва, ёғ, сабзавот, вино, пиво ва бошқалар).

Забт этилган ҳудудларни идора қилиш мақсадида, подшо буйруқларини жойларга ўз вақтида етказиш ва сатраплардан турли маълумотларни тезкор олиш учун, ахамонийлар давлатида махсус алоқа хизмати ташкил қилинган эди.

Ўрта ер денгизи бўйидаги Кичик Осиёда Эфес шаҳридан бошланган “Шоҳ йўли” қадимги Форс давлати пойтахтларидан бири – Суза билан боғланган (масофаси 2470 км). Ушбу йўлнинг шарқий тармоқлари Бактрия орқали Сугдиёна ва Ҳиндистонгача давом этган.

“Шоҳ йўлида” хавфсизликни таъминлаш учун ҳарбий истехкомлар ва махсус масканлар қошида озиқ-овқат омборхоналари барпо этилган эди. Ҳар бир 30 км масофада чопарлар учун дам олиш ва отларни алмаштиришга имкон яратилган. Хизмат сафарида давлат ишларини амалга оширувчи мансабдорлар (ҳисобчилар, ҳарбийлар, текшириш ва назорат хизмати вакиллари) ушбу йўлда жойлашган омборхоналардан озуқа билан таъминланган.

Қадимги юнон тарихчиси Ктесийнинг хабарига кўра, Бактра шаҳридан давлат пойтахти Сузага отланган амалдор ўз хизмат сафари давомида ҳар куни 1 – 1,5 кг ун, 1 литр вино ёки пиво ҳамда маълум миқдорда гўшт билан таъминланган.

Давлат миқёсида иқтисодий, сиёсий ва маъмурий ишларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида оромий алифбосига асосланган ёзувдан фойдаланилган. Жойларда турли ҳужжатлар маҳаллий тилларда таржима қилинган. Хоразм воҳасидаги Катта Ойбўирқалъада мил. авв. V – IV асрларга оид хум сиртида тиғ билан битилган оромий алифбосига асосланган хоразм ёзуви намунаси топилган. У хажм ўлчови бирлиги – “мари” деб ўқилган

(1 мари 16,5 – 17 литрга тўғри келган). Бу ёзув Хоразм ёзувининг энг қадимги нусхаси ҳисобланади. Оромий ёзувини маҳаллий хоразм тилига (шунингдек, бактрия ва суғд тилларига) мослаштириш аҳамонийлар даврига тўғри келади.

Йирик ўлкаларнинг сатраплари аҳамонийлар сулоласидан бўлиб, форс подшоси номидан ўз ўлкаларини идора қилганлар. Бактрия ва Хоразм ҳокимлари ҳузурида махсус қалъалар ва йирик саройлар бўлган. Бактрия ўлкасининг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучлари, сатрапларнинг ҳаддан ошиқ мустақиллиги аҳамонийлар подшосига қарши кўзғолонлар кўтаришга олиб келган.

Амударё хазинаси таркибида Эронда ва Юнонистонда (Афина шаҳрида) зарб этилган танга пуллар бор. Дастлабки танга пуллар эса мил.авв. VII асрда Кичик Осиё ва Афинада пайдо бўлган. Ўрта Осиё орқали қадимга алоқа ва савдо йўллари турли вилоятларни бирлаштирган. Бадахшонда бошланган «ложувард йўли», Ғарбий Сибир (Олтой)дан – «олтин йўл» Ўрта Осиё худудидан ўтиб, Ўрта ер денгизигача етиб борган. Қадимга йўллар савдони ривожлантириш ва алоқа хизматини кенг даражада йўлга қўйиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тоғ даралари ёнида, дарёлардан кечиб ўтилган жойларда истехкомлар қурилган. Амударёнинг ўрта оқимида Одойтепа, Сурхондарёда Талашқонтепа, Зарафшон тизмаси ёнбағридаги Узунқир ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ҳарбий аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиёда қулчилик муносабатлари қадимги Шарқ мамлакатлари ва қадимги Юнонистонга нисбатан анча фарқ қилиб, деярли ривожланмаган. Ўрта Осиёда қадимги қулчилик шакллари билан бири «уй қулчилиги» бўлган. Элам ва қадимги форс ёзувларидаги «курташ» билан «гарда» сўзлари «уй кули» тушунчасини билдиради. Улар турли иқтисодий вазифаларни бажарган (мисол учун, «гарда–хунарманд», «гарда–бинокор»лар).

«Уй, хонадон кули» «Авесто»да «вайса» деб аталади. «Вайса» ва «гарда»лар катта оила жамоаси эркин аъзолари билан умумий уйда яшаганлар. «Уй қулларининг» меҳнат фаолияти хунар касби, деҳқончилик, уй чорвачилига ва бошқа ишлаб чиқариш вазифалари билан боғланган. Уларнинг сони жамоанинг эркин аъзоларига нисбатан анча кам бўлган. Қишлоқ жамоаларнинг иқтисодий ҳаётида жамият мустақил вакилларининг меҳнати – ишлаб чиқаришни асосий ривожланаётган кучи эди.

«Уй қуллари» камбағаллашиб қолган, хонавайрон, иш қидириб юрган мардикорлар ва қарздор жамоа аъзолари бўлишлари мумкин эди. Бу кишиларнинг барчаси жамоанинг эркин аҳолисидан келиб чиққан ва уларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзгариши билан узвий боғланган.

Ёзма манбаларнинг хабарига кўра, Кичик ва Олд Осиё шаҳарларида Сўғдиёна ва Бактриядан олиб келинган «курташ»–«уй қуллари»дан бинокорлик, тоштарошлик ва қуролсозлик ишларида кенг фойдаланганлар.

Қуллар аҳволига тушиб қолган одамлар подшо ва сатраплар устахоналарида, саройларида ва ерларида ҳам меҳнат қилганлар. Эрон ва Олд Осиёда «курташ» ва «гарда»лар хусусий мулкка эга бўлмаганлар. Ўрта Осиёнинг ижтимоий вазиятига кўра, улар эркин аҳолининг «мулки» бўлганлиги ҳақида ҳам ёзма манбаларда аниқ маълумотлар йўқ.

7.3. Маданият ва дин.

Аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё халқларининг маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берган. Ўлка вилоятлари қадимги Шарқ давлатлари билан кенг маданий алоқаларда бўлган. Ўрта Осиёда кулолчилик, заргарлик, тўқимачилик ва бошқа ҳунармандчилик касблари юксак даражада ривож топган, муҳим санъат ва маданият ёдгорликлари кўзга кўринарли ўринни эгаллайди.

Мил.авв. VI–IV асрлар Ўрта Осиёда бинокорлик ғоятда таракқий қилган. Хоразм, Марғиёна, Бактрия ва Сўғдиёна тупроғидаги қадимги шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўралган. Марказий шаҳарларда вилоят ҳокимларининг кўп хонали саройлари бунёд этилган. Уларнинг баланд пойдевори бўлиб, қалин деворлар билан мустаҳкамланган. Шаҳарлар кенг жойларни эгаллаган. Жамоа уй–жойлари 6–8 хоналардан иборат бўлиб, пахса ва хом ғиштдан қурилган. Хоналарнинг девори ичига ва хоналарнинг марказий қисмида ўрнатилган сандал шаклдаги учоқлар мавжуд.

Қурилишда ганч, ёғоч ва лой кенг даражада ишлатилган. Уйларда супа ва айвонлар бўлган. Мудофаа деворлари қурилишида йирик, узунлиги 64–66 см.лик ғиштлар ишлатилган. Уй–жой сатхлари лой билан сувалган, озиқ–овқат сақлаш учун ишлатилган хўжалик хоналарининг сатхларида тошлар ва сопол синиқлари терилган.

Персепол саройининг тош деворларидаги сўғдлар, бактрияликлар, хоразмликлар ва сакларнинг бўртма тасвирлари бу халқларнинг этник

киёфаси, куруллари ва кийим – бошлари қандай бўлганлигини тасвирлаб туради. Ўрта Осиё халқларининг куруллари ва курул яшаш услублари қадимги Шарқда машҳур ҳунар касби деб ҳисобланган. Бақтрия ўқ–ёйлари, Хоразм дудама–ханжарлари, сакларнинг ҳарбий болталари бронзадан ясалган.

Милавв. I минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб Ўрта Осиё ривоятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шулар жумласидан Тўмарис ва Кир II уруши тўғрисида ҳикоя, ҳамда жасур Широқ ҳақида дostonдир. Шу даврга оид Ўрта Осиё халқлари ҳеч қандай ёзма маълумотларни қолдирмаганлар ва бу ҳикоялар қадимги тарихчилар Геродот ва Полиен асарларида сақланган.

Аҳамонийлар даврига оид Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида худоларга бағишланган йирик ибодатхоналар топилмаган. Доро I Беҳистун ёзувларида сакларни Аҳурамаздага қурбонлик қилмаганлари ҳақида эълон қилиб, уларни гуноҳкор деб ҳисоблайди.


Ўрта Осиёнинг кўчманчи халқлари қуёшни ва оловни худо деб билганлар. Оловни иззат–ҳурмат қилиш одати қадимги замонлардан сақланиб келган. Кўчманчилар оловга очик жойларда қурбонлик қилганлар.

Дехқонларнинг уйларида махсус оловхоналар бўлган. Бу хоналарнинг учоқларида оловни доимо ёниб туришига ҳаракат қилинган (ўтти ишлаб чиқариш ғоят мураккаб масала эмас эди, аммо шубҳасиз оғир меҳнат бўлган). Оловни ошхоналарга, ўчоқларга, тандирларга ва сандлаларга доимо кўчириш зарур бўлган. Олов – ҳаёт манбаси, унинг худоси Атар – марҳаматли худо деб ҳисобланган.

Оташкадалар Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳаларида топиб текширилган. Даратепада (Қашқадарё) оловга ва хосилдорликка сиғиниш анъанаси билан боғлиқ бўлган катта вазасимон гулдон идиш ва сопол чироғдон топилган. Улар милавв. VII–IV асрлар билан белгиланади.

Муқаддас сувга ҳам очик жойларда қурбонлик қилинган. Геродот ўзининг «Тарих» китобида бу ҳақда қайта–қайта такрорлайди. Қурбонлик маросими пайтида одам учун юзини шимол томонга қаратиш ман этилган. Шимол бу девлар макони, касаллик, ўлим ва ёвузлик юрти деб фараз қилинган. Мазкур даврда Бақтрия. Суғд ва Хоразмда оташпарастилик ва зардуштийлик таълимоти кенг ёилган.

Ўрта Осиё вилоятлари аҳамонийлар давлати таркибида



Саклар, каспийлар

Отлар,
кийим-
кечаклар

Ахамонийлар даврида Ахурамазда йирик давлатнинг турли халқлари учун олий ягона худо деб эълон қилинган. Ахурамазданинг ибодатхонаси бутун осмон ва дунё сайхон ерлари деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Ахурамаздани «махсус ибодатхоналарнинг деворлари билан ўраб ёки қамаб олиш» – бу ғоят катта гуноҳ деб фараз қилинган. Подшо Ксеркс қадимги юнонлар ибодатхоналарини – бу худолар учун зулм қамоғи деб шундай фикрга келган: «Девларни иззат–ҳурмат қилиш гуноҳдир. Девларни қадрланган жойларда, мен Ахурамаздага ва ҳаққонийликка таъзим қилдим».

Эрон катта давлатга айланиши билан сиёсий жихатдан турли халқларни бирлаштириш мақсадида давлат дини ва олий Ахурамазда худонинг ягона эътиқодини қабул қилиш талаб қилинган. Ўрта Осиё ва бошқа қадимги Шарқ вилоятларида бу сиёсат қадимги диний қарашларни сақлашга ҳалақит бермаган. Марғиёнада, Бактрия, Суғд ва Хоразмда зардуштийлик одатларига оид дафн маросимлари ёйилган.

Қадимда форслар бўйсундирилган халқларнинг дини ва худоларини ҳам иззат–ҳурмат қилганлар. Геродотнинг айтишича, юнон–форс урушлари даврида, қадимги форс лашкарбошиси Мардоний Платея жангидан олдин, юнон худоларидан ёрдам сўраб, уларга қурбонлик қилган. Олимлар фикрига кўра, Ксеркс томонидан баъзи бир ибодатхоналарнинг вайрон қилиниши сабаблари, подшога қарши кўзғолон кўтарган ёки ҳарбий қаршилик

кўрсатганларини, маҳаллий худоларнинг ёрдамидан ажратиш мақсадидан келиб чиққан.

Узоқ ўтмишда халқлар ўртасида маданий муносабатларнинг ривож топишида, уларнинг дини, тили ва миллий тафовутлари ўзаро алоқаларга тўсқинлик қилмаган. Турли халқлар бир-бирининг ғоялари, дини ва дунёқарашларига хурмат билан қараганлар. Масалан, ер ва сув, олов ва бошқа табиат кучлари худоларининг номлари турли давлатларда хилма-хил бўлса-да, уларнинг эътиқоди, худудий ва сиёсий чегараларга қарамасдан, баравар сажда қилинган.

Геродот қадимги Шарқ худолари ва ибодатхоналари ҳақида хурмат билан ҳикоя қилади. Тарихчи ўзга халқларнинг маданияти, эътиқоди, урф-одатлари тўғрисида ёзиб қолдирар экан, уларнинг маданий-маънавий кадриятларига заррача нописанд, беҳурматлик билан қарамайди ёки уларга нисбатан қадимги буюк юнон маданиятини устун қўймайди. Геродотнинг айтишича, қадимги халқларнинг катта байрамларидан бири – бу инсонни туғилган куни ҳисобланган. Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида тирилувчи табиат байрами муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу байрам аҳолининг анъанавий хўжалиги ва ўтроқ қабилаларнинг дунёқарашларига асосланган.

Аҳамонийлар давлатида ҳар йил 12 ой ва 365 кундан ҳисобланган бўлиб, уларнинг номлари Ахурамазда, Митра, Анахита, куёш ва бошқалар билан боғланган. Дастлаб бу йилнома Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, кейин Эронда жорий этилган. Доро I даврида Ўрта Осиёда кенг ёйилган зардуштийлар ғояларидан аҳамонийлар давлатини мустаҳкамлаш ва бирлаштириш мақсадида кенг фойдалана бошланиши жараёни ушбу фикрни асослаш мумкин.

Мил.авв. VI–IV асрларда Наврўз байрамини ўтроқ деҳқончилик аҳоли томонидан нишонлаш кенг даражада амалга оширилган. Қадимги замонларда ҳам Наврўз март ойининг охирига ҳафтасига тўғри келарди.

Наврўзнинг келиб чиқиши инсонларнинг дунёқарашлари билан анча боғлиқ бўлган. Ўрта Осиёда табиат тирилишига бағишланган маросимлар деҳқончилик хўжалиги кенг ёйилиши билан бошланган. Шунинг учун ҳам Наврўзнинг дастлабки тарихи жуда ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Аҳамонийлар давридан олдин Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна ва бошқа

вилоятларда Наврўз катта умумхалқ маросими, табиатга ва инсон ҳаётига бахт–саодат, ҳосилдорлик, соғ–саломатлик ва кўпдан–кўп яхшиликлар келтирувчи байрам бўлиб ҳисобланган.

Табиатнинг эзгулик кучлари туғилган кунда кўча ва хонадонларда озодалик ўрнатилган. Уй томонларининг тўрт бурчагида олов ёқилган, тоза ва тиниқ сув тўлдирилган сопол идишларга дастлабки яшил барглари ташланган. Одамлар «Авесто»дан мадҳиялар куйлаб, қадимги дуолардан ўқиганлар. Улар эзгулик ва ёруғлик тангрисини барча ёвузликларни йўқотишга, олов, сув, дала ва боғларга янги ҳаёт бағишлашга даъват қилганлар.

Бизнинг замонамизгача турли хил археологик манбалар сақланиб келди. Аждодларимизнинг моддий ва маънавий мероси халқимизнинг маънавий бойлиги бўлиб, узок ўтмиши ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўзлар.

Сиёсий тарих, Куруш, Кир II, Курушкат, ташқи босқинлар, ҳарбий юриш, Форс подшолиги, Аракс, Тўмарис, кўзғолонлар, Фрада, Дададаршиш, Доро I, сак юрти, Сқунха, Широқ, маъмурий–ҳарбий шаҳарлар, уй–қўрғонлар, мудофаа деворлар, меъморчилик, моддий манбалар, хунармандчилик, зироатчилик, “Амударё хазинаси”, “уй қуллари”, “вайса”, “гарда”, “курташ”, маданият, дин, Персепол саройи, ҳосилдорлик, оловга сиғиниш, ибодатхоналар, Навруз, маросимлар, оромий алифбоси, ёзув.

Савол ва топшириқлар.

1. Сиёсий тарих деганда нимани тушунасиз?
2. Кир II нинг Ўрта Осиёга юришлари қачон бошланган?
3. Форслар ва Тўмарис бошчилигидаги массагетлар жанги ҳақида гапириб беринг.
4. Доро I нинг Марғиёнада Фрада кўзғолонини тор–мор этиши ва сакларга қарши юришини таърифланг.
5. Аҳамонийлар давридаги сатраплар нима?
6. Мил.авв. VI–IV асрларга оид Ўрта Осиёнинг иқтисоди ва ижтимоий тузуми масаласига доир қисқа реферат тузинг.
7. Аҳамонийлар даври маданияти ва дини тўғрисида нималарни биласиз?
8. Мавзу бўйича тестлар тузинг.

7–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Дандамаев М.А. Политическая история ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985.
2. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980.
3. Фрай Р. Наследие Ирана. – М.: Востлит, 1972.
4. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
5. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
6. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М., 1962.
7. Уилбер Д. Персеполь / Пер.с англ.Е.Л.Власовой. – М.: Наука, 1977.
8. Сагдуллаев А. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987.
9. Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Академия, 2004.
10. История государственности Узбекистана. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
11. Массон В.М. Культурогенез Древней Центральной Азии. – Спб.: Изд-во Спб.Ун-та, 2006.
12. Выдающиеся памятники археологии Узбекистана / Науч.ред. Э.В.Ртвеладзе. – Ташкент, 2013.

8–мавзу. Македониялик Александрнинг Бактрия ва Сўғдиёнага юришлари.

Режа:

- 8.1. Ёзма манбалар маълумотлари.
- 8.2. Сиёсий воқеалар. Александр ва Спитаман. Юнон–македонларга қарши кураш.
- 8.3. Тарихий география.

8.1. Ёзма манбалар маълумотлари.

Арриан, Курций Руф хикоялари. Страбон «Географияси».
Мил.авв. 329 йилда Македониялик Александрнинг Бактрия ва

Сўғдиёна ерларига ҳарбий юришлари бошланган. Бу юришлар Ўрта Осиё тарихида энг яхши ўрганилган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Александрнинг кўшинида аскар–жангчилар билан бирга бўлажак тарихчилар Птолемей, Аристовул, Онесикрит, Каллисфен ва Хареслар хизмат қилиб, турли хил сиёсий ва маданий воқеаларни ёзиб борганлар. Уларнинг маълумотлари бизгача етиб келмаган, лекин дастлабки манбалардан сўнгги юнон тарихчилари ва географлари фойдаланганлар.

Жумладан, Диодор (мил.авв. 90 – 21 йиллар) «Тарихий кутубхона», Страбон (мил.авв. 61 – мил. 24 йиллар) «География», Помпей Трог (мил.авв. I–мил. I аср) «Филипп тарихи» асарларини, Плутарх (мил. 46–127 йиллар), Клавдий Птолемейлар (II аср) ўз ҳикояларини, Плиний (I аср) «Табиий тарих» номли китобини яратдилар. Аммо Александр юришлари ҳақида кенг ва тўлиқ маълумотлар римлик Квинт Курций Руф ва юнон Арриан асарларида сақланган.

Арриан (мил.90/95–175 йиллар) “Александр анабасиси” деган асарнинг муаллифидир. Анабасис – бу “давлат ичкарасига денгиздан узоқлашган ҳарбий юриш» ёки “Александр юришлари” деб таржима қилинади. Курций Руф (мил.авв. I асрнинг охири – мил. I асрнинг ўрталари) «Македониялик Александр тарихи» номли китобни яратган. Аммо Аррианга нисбатан унинг ҳикояларида бадиий тўқималар кўп учрайди.

Қуйида Арриан ва Курций Руф асарларидан олинган айрим маълумотларнинг таржимаси келтирилади (улар рус тилига М.Е.Сергеенко ва В.С.Соколовлар томонидан таржима қилинган).

Арриан, III китоб, 27–боб, 9. “Александр яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб, Бесс Окс дарёсидан кечиб ўтади ва кемаларини ёндириб, Наутака – сўғдийлар ерига йўл олади”. 10. «Спитаман ва Оксиарт билан бирга сўғдийлар суворилари ҳамда Танаис дайлари унга эргашадилар. Бактрия чавандозлари Бесснинг қочишидан хабар топиб, ҳар томонларга қараб ўз уйларига йўл оладилар.

Александр Драпсакга етиб келади, кўшинларига дам бериб, уларни Бактриядаги энг йирик шаҳарлар – Аорн ва Бактра томонга юргизади. Бу шаҳарларни ҳужум қилиб забт этади ва Аорн қалъасида Андроколнинг ўғли Архелай бошчилигидаги кўриқчи кўшин қолдиради. Ҳимоясиз таслим бўлган бошқа бактрийларга ҳоким бўлиб форс Артабоз тайинланади».

2. «У ўзи Окс дарёсига қараб йўл олади. Окс Кавказ тоғларидан бошлаб оқди ҳинд дарёларидан ташқари Александр Осиёда қурган дарёлар ичида бу энг йирик дарёдир: умуман энг йирик дарёлар Ҳиндистонда жойлашган. Окс Гирканидаги катта бир денгизга қўшилади».

III, 30,6. «Александр чавандоз қўшинларини маҳаллий отлар билан таъминлаб Сўғдиёна пойтахти Мароқандага йўл олади». 7. «Шу жойдан Танаис дарёсига қараб юради. Танаис ҳам Кавказ тоғларидан бошланади, Аристовул сўзларига кўра, варварлар¹ уни Орксант дарёси дейдилар: бу дарё ҳам Гиркан денгизига қўшилади».

10. «Шу ерда озиқ–овқатлар ғамлашга чиққан македонлар маҳаллий аҳоли томонидан қириб ташланади, кейин уларнинг ўзлари тик ва чиқиб бўлмайдиган қояга қочиб бекинадилар. Улар 30 мингга яқин бўлган».

11. «Македонлар қояга чиқиш учун бир неча марта ҳаракат қиладилар; дастлаб улар варварлар ўқлари остида ортга чекинадилар; кўп аскарлар ярадор бўлади; Александрнинг сонига ўқ тегиб, суягининг бир қисмини ушатиб қўяди. Шунга қарамасдан тоғ ҳужум билан олинади. Македонлар варварларнинг бир қисмини жойида қириб ташлайдилар, уларнинг кўплари ўзларини қоялардан ташлаб ҳалок бўладилар, шунинг учун ҳам 30000 дан 8000 киши тирик қолади».

IV, 5, 2. «Спитаман ўз жангчилар билан Мароқанда қалъасини кўриқлаётган македонларга ҳужум қилади Александр Мароқандага ёрдамчи қўшин юборганидан хабар топиб, Спитаман қалъа камалини тўхтатиб, Сўғдиёнадаги басилейа – подшо шахрига отланади. Фарнух ва унинг лашқарбошлари Спитаманни давлатдан бутунлай чиқариб юборишга ҳаракат қиладилар ва Сўғдиёна чегараларига етиб келиб, кўчманчи скифларга ҳужум қиладилар». 4. «Спитаман яна 600 та скиф отлиқларини ўз қўшинига қўшиб олади ва скиф иттифоқдошлигидан кўнгли кўтарилиб, ҳужум қиладиган македонларга қарши жанг қилишга қарор қилади. Скиф даштларининг текислигида туриб у душманнинг ҳужумини ҳам кутмади, душманга ҳужум ҳам қилмади; фақат унинг чавандозлари пиёда македонларнинг атрофида от қўйиб чопиб юрдилар ва уларга ўқ отдилар». 5. «Фарнухнинг аскарларидан улар осонлик билан

¹ Юнон тилида сўзлашмаган ажнабийлар

кутулдилар, чунки уларнинг отлари чакқонроқ бўлиб, ўша пайтда ҳали чарчамаган эди, Андромах кўшинларидаги отлар эса олис йўлларда чарчаб, емиш камлигидан заифлашганди. Скифлар жанг майдонида турган ва чекинаётган македонларга ғайрат билан ҳужум қиладилар». 6. Кўпдан– кўп македонлар яраланади ва ҳалок бўлади; хуллас аскарлар тўртбурчак бир қатор сафланиб, Политимет¹ дарёси томонга чекинадилар; бу ерда ўрмон бўлиб, ўрмонга чангалзорлар варварларнинг ўқларига тўсиқ бўлади ва пиёда аскарларнинг ҳаракатларига кўпроқ фойда келтиради».

7. «Каран – гиппарх² Андромахга хабар қилмасдан отлиқларни бекинтириш учун дарёдан кечиб ўта бошлайди; пиёда кўшин ҳам суворийлар ортидан буйруксиз йўл олади; умуман тартибсиз ва кўрқув ҳолатида бўлган аскарлар дарёга жарлик қирғоқларидан тушадилар». 8. «Македонларнинг хатоларини сезиб қолган отлиқ варварлар ҳар иккала қирғоқдан отлари билан дарёга ташланадилар... Уларнинг баъзилари дарёдан кечиб ўтганлар ва узоқлашганларнинг ортидан қувадилар, бошқа бирлари дарёни кечиб ўтаётганларга рўпара бўлиб, уларни ортга, сувга улоқтирадилар ёки ўқ отадилар ҳамда дарёга келаётганлар ортидан ҳужум қиладилар. Оғир аҳволга учраган македонлар дарё ўртасидаги кичик оролга ташланадилар. Спитаман аскарлари уларни ўраб олиб, ҳаммасини қириб ташлайдилар; бошқа бир кичик қисмини асирликка олиб, барчасини ўлдирадилар».

IV, 6, 1. «Аристовулнинг айтишича, кўпдан–кўп жангчилар чангалзорда яшириниб турган скифларнинг пистирмасига қамалиб ҳалок бўлган, улар ўз панагоҳларидан жанг қизиган пайтида македонларга ҳужум қилганлар. Варварлар ховлиқиш ва тартибсизлик вазиятидан фойдаланиб, уларининг ҳаммасини қириб ташлаганлар. 40 та отлиқ ва 300 та пиёдалардан ташқари ҳеч ким қутулиб қолмаган».

6, 3. «Шу мағлубият ҳақида Александрга хабар етиб келганда у аскарларнинг аччиқ тақдирларидан қайғуга тушади ва Спитаманга қарши шиддатли ҳужум қилишга қарор қилади. У ўзи отлиқлар кўшинининг ярмига, қалқончиларнинг ҳаммасига, ўқчиларга, агрианларга ва тез юрар пиёда аскарларга йўлбошчи бўлиб Мароқандага йўл олади, унинг билишича, Спитаман шаҳарга қайтиб қалъани яна камал қилган». 4. «Уч кун давомида Александр

¹ Зарафшон

² Отлиқ кўшиннинг йўлбошчиси

1500 стадий масофадан ўтиб, тўртинчи куннинг тонгида шаҳарга етиб келади. Спитаман Александр шаҳарга яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб, уни кутмасдан қочиб кетди. 5. Александр унинг изидан қувади. Жанг майдонига етиб, у ҳалок бўлган аскарларни дафн қилади ва чекинганлар ортидан саҳрогача қувиб боради. Шу ердан ортга қайтиш йўлида у давлатни хароб қилади ва унга хабар беришларича, македонларга ҳужум қилишда иштирок этиб, сўнг қалъаларига яширинган варварларни қириб ташлади. У Политимет дарёси сувларидан фойдаланувчи бутун мамлакат ерларидан ўтди».

IV, 7, 1. «Бу ердаги ишларни тугатиб, Александр Зариаспага етиб келади. Бу жойда у қишни ўтказишга қолади...».

15, 4. «Шу пайтда Александрнинг олдида бир ярим минг чавандозларга йўлбошчи бўлиб хорасмийларнинг подшоси Фарасман етиб келади. У колхлар ва амазонка қабилаларига қўшни бўлиб яшаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, Александрнинг амазонкалар, колхлар ва Эвиксин денгизидаги қабилаларни истило қилиш истаги бўлса, йўл кўрсатувчи бўлишга ва қўшинларининг юриши учун барча шарт–шароитлар яратиб беришга хайрихоҳ эканлигини билдиради».

15, 5. «Александр Фарасманга миннатдорлик билдиради ва дўстлик иттифоқчилиги ҳақида шартнома тузиб, Понт денгизи томонга юришга ҳозир вақт йўқ, деб жавоб беради. У Фарасмонни Бактрия сатрапи форс Артабоз ҳузурига юбориб, ватанига жўнатади».

15, 7. «У ўзи Окс дарёсига йўл олади. Жуда кўп суғдийлар истехкомларида тўпланишиб, уларга тайинланган ҳокимга қарши бўлиб чиқадилар, бундан хабардор бўлган Александр Сўғдиёна томонга юришни мақсад қилади».

1. “Александр аскарларининг маълум бир қисми билан Сўғдиёнага етиб келади, Полиперхонт, Аттал, Горгий ва Мелеагрлар Бактрияда қолади, уларга шу давлатни назорат қилиш билан бирга варварларнинг ғалаёнлар кўтаришига йўл қўймаслик ва бошлаган кўзғолонларни бостириш ҳақида буйруқ берилади». 2. «Ўз қўшинларини у бешта айрим қисмга бўлиб олади. Биринчиси – Гефестион бошчилигида, иккинчиси – Птолемей Лаг бошчилигида, учинчиси– Пердикка бошчилигида, тўртинчиси – Кен ва Артабоз бошчилигида, бешинчи қисм билан у ўзи Мароқандага отланади».

4. “Александр шу ишлар билан банд бўлган пайтда, Спитаман скиф–массагет ерларидан 600 та отлик массагетлар

билан бир қалъага етиб келади. Қалъа кўриқчиларининг бошлиғи ва унинг аскарлари ҳам душман томонидан ҳужум хавфни кутмаганлар, аскарлар қирилади. Йўлбошчи асирликка олинади. Шу қалъани қўлга киритишгандан кўнгиллари кўтарилиб, улар бир неча кундан сўнг Зариаспга етиб келадилар, аммо шаҳарга ҳужум қилмадилар ва катта ўлжани қўлга олиб ортга қайтишга қарор қилдилар”.

6. «Зариаспда касал бўлиб қолган бир неча отлик — «дўстлар» скифларнинг ҳужуми ҳақида эшитиб, улар Зариаспни кўриқлаш учун ёлланган 80 та чавандозга ва баъзи бир «подшо йигитлари»га бошлиқ бўлиб массагетлар ортидан қувадилар. Ҳеч нарсани кутмаган скифларга ҳужум қилиб, биринчи жангда улардан ўлжасини тортиб олиб, жуда кўп қароқчиларни кириб ташлайдилар. Тартибсиз ҳолда ортга қайтган вақтда улар Спитаман ва скифларнинг қўлига тушиб, 7та «дўстлар» ва 60 та ёлланган чавандозлардан ажраладилар».

17, 1. «Кратер бу ҳақда хабар олиб, массагетларга қарши шиддатли юриш бошлади. Улар бундан хабардор бўлиб, чўлга қочадилар. Кратер Спитаманнинг изидан қувиб, унга сахро чегараларида етиб олади, унинг бошчилигида яна мингта отлик массагетлар бор эди. 2. Македонлар ва скифлар ўртасидаги кучли жангда македонлар ғалаба қозонадилар. Скифларнинг бир юз элликта чавандозлари ҳалок бўлади. Бошқалари осонлик билан чўлга бекинадилар; уларнинг кетидан қувиш македонлар учун оғир бўлади».

4. «Спитаман ва унинг тарафдорлари македонларнинг кўриқчилари барча жойларни тўсиб–олганликларини кўриб аниқ бир жойга қочишга йўл топмадилар, Кен қўшинларига ҳужум қилиш ва айнан шу жангда ғалаба қозонишга қарор қиладилар. Улар Бага¹ номли сўғдийлар ва скиф–массагетлар чегараларидаги жойга етиб келадилар ва 3000 кўчманчи чавандозларни Сўғдиёна томонга юришга рози қиладилар».

5. Бу скифлар жуда ҳам қашшоқ аҳволда яшаганлар; уларнинг шаҳарлари ва ўтроқ маконлари йўқ эди; бойлик мулкларидан ажраб қолиш учун кўрқинч сезгилари ҳам йўқ эди ва шунга кўра уларни ҳар қандай урушларга рози қилиш ҳеч нарса эмасди. Кен Спитаман яқинлашиб келишини сезиб унга қарши

¹ Тахминан Бухоро воҳаси

чиқади». 6. Шиддатли жанг бошланиб, у македонлар учун ғалабали яқунланади; бу жангда душманларининг 800 та отличлари, Кен қўшнидан эса 25 та чавандоз ва 12 та пиёда аскар ҳалок бўлади. Кўпчилик бактрияликлар Спитамандан қочиб, уни яқка қолдирадилар ва Кен олдиға етиб келиб, асирға тушадилар. 7. Мағлубиятға учраган скифлар ва массагетлар яқинда улар билан бирға жанг қилган бактрийлар ва сўғдийларнинг от–араваларидаги юқларини талаб, Спитаман билан дашт ичига қочадилар. Александр ўзи сахроға ҳужум қилишға тайёргарлик кўраётганини эшитиб ва шу мақсадда уни қайтариб олиш учун улар Спитаманнинг бошини кесиб Александрға юборадилар».

Курций Руф. VII китоб, IV боб, 26: «Бактриянинг табиати бой ва турли–тумандир. Баъзи жойларда кўпдан– кўп дарахтзорлар ва ток новдаси, ширин мева сероб ҳосил қилади; унумдор ерларни кўп санокли булоқ–дарёлар суғорадилар; ҳосилдор тупроғида буғдой экилади; бошқа ерлар ўтлоқлар учун қолдирилади». 27. «Давлатнинг катта бир қисминн ҳосилсиз даштлар эгаллайди; сувсизлик туфайли ташлаб қўйилган вилоятларда на одамлар, на мевалар бор. Понддан¹ эсаётган шамоллар текисликларға қумларни суриб, келтиради; олис масофадан қум уюмлари катта тепаликларға ўхшаб кетади; шу ерда бурунги йўлларнинг излари йўқолиб қолади». 28. «Шунинг учун ҳам бу текисликлардан ўтиб юрганлар, худди денгизчиларға ўхшаб, ўз йўлларини тундаги юлдузлар орқали топадилар».

V. «Александр бактрийлар вилоятини Артабоз идорасига топшириб, бу жойдаги қўриқчилар қўшини билан бирға от–арава юқларини қолдиради. Ўзи эса ҳаракатдаги қўшинларға йўлбошчи бўлиб, Сўғдиёна саҳросига йўл олади...».

V. 13. «Хуллас, кечки пайт у Окс дарёсига етиб келади. Аммо унинг изидан келаётган кўпдан–кўп аскарлар унга етолмайдилар ва орқада қоладилар, шунинг учун ҳам у баланд тоғ Устида ўт ёндиришға буйруқ беради, ортда қолганлар учун аланға нури лагерға яқинлашиб келишларини билдиради».

V. 16, 17, 18. «Ушбу тунни Александр катта руҳий ҳаяжон билан уйқусиз тугатди. Кейинги кун ҳам осон бўлмади; кемалар

¹ Қораденгиз

йўқ эди ва дарёнинг очик қирғоқларида кўприк қуриш учун дарахтзорлар йўқ эди. Шу вазиятдан у ягона хулоса чиқаради. У аскарларга сомон билан тўлдирилган мешларни тарқатишга қарор қилади; улар мешлар устида дарёдан сузиб ўтишни бошлайдилар: дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтганлари кўриқчилар хизматини бажариб, бошқаларни кутиб оладилар. Шу тарзда кўшинлар олтинчи куни дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олишга муваффақ бўладилар».

VII. 6, 17. «Александр Мароқандага етиб келади. Унинг мудофаа деворларининг узунлиги 70 стадий; шаҳар кўрғони иккинчи девор билан ўралган».

VII. 1, 2. «Танаис ортидаги скиф давлатининг подшоси македонлар томонидан дарё бўйида асос солинган шаҳарни қуллик бўйинтуруғи бўлишини сезиб, уни вайрон қилиш ва македонларни дарё қирғоғидан узоқ масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлик кўшин билан бирга ўз акаси Каратазис номли йўлбошчини юборади. Танаис бактрийларни европалик скифлардан ажратади».

4. «Улар Истр дарёсининг нариги ёғидаги бошқа бир вилоятни эгаллаб, Осиёнинг чегара ерларида жойлашган Бактрияга ҳам кўшни бўладилар. Улар жойлашган шимол ерларидан нарироқда қалин ўрмонзорлар ва аҳоли йўқ жимжит сайхон ерлар бошланади; Танаис ва Бактрия бўйлаб жойлашган ерлар, умумий маданий изларга эга». 5. «Александр тайёргарлик кўрмасдан биринчи бўлиб жанг қилишга эришади, унинг кўз ўнгида душман чавандозлари отда чопадилар, у эса ярадорликдан бутунлай тузалмаган... Хуллас, у дўстларини маслаҳатта чақиради». 6. «У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан кўрқан эди. Бактрийлар исён кўтардилар, скифлар безовта қилардилар; унинг ўзи зўрга оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади...».

30. «Етиб келаётган хабарлар унинг тўхтовсиз ғалабалари шаънига мос келмас эди».

31. «Юқоридаги ҳикояга кўра, у бактрийлар кўзғолонига айбдор Спитаманга қарши Менедемни юборади. У македонлар яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб ва шаҳар атрофида қамалиб қолиш вазиятидан сақланиш учун панагоҳга бекинади, шу ердан ўтиши мумкин бўлган душманга ҳужум қилишга қарор қилди».

32. «Йўл пистирма учун қулай жойни кесиб ўтади, шу ерда у дахларни яшинтиради. Ҳар бир отларида иккита қуролланган

чавандозлар бўлади, кутилмаганда улар навбат билан ерга тушиб отликлар жангидаги душманларга тўсқинлик қиладилар». 33. «Аскарларнинг эпчиллиги отларнинг чакқонлигига ўхшаб кетади. Спитаман чангалзорни ўраб олишга буйруқ бериб; душманларга қарши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужум қилади».

34. «Менедем ҳамма томондан ўраб олинади, у нотаниш жойда пистирмага тушган ва бошқа ҳеч иложи йўқлигини кўриб, ўз аскарларига сон жиҳатдан устун бўлган душманларни қириб ташлашга ва мағрур ҳалок бўлишга чақиради». 35. «Унинг остида кучли от бўлган; кўп холларда варварлар сафига ташланиб, уларга дахшатли зарар келтиради. 36. «Душманлар унга кўпдан–кўп ўқ отадилар. Саноксиз яралардан заифланиб... у жонидан жудо бўлди ва от устидан ерга тушиб қолади».

39. «Бу жангда 2000 та пиёда аскарлар ва 300 та чавандозлар ҳалок бўлади. Жанг майдонидан келган аскарларни ўлим жазоси билан кўрқитиб, Александр мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиётлик билан сир сақлади».

IX. 20. «Кратер билан кўшинларининг катта бир қисмига ортидан юришга буйруқ бериб, Александр Мароқандага етиб келади, унинг келишидан Спитаман хабар топиб, бу ердан Бақтра томонга қочишга мажбур бўлади».

X. I. «Сўғдиёна – кенг ҳудудий масофадаги даштли давлатдан иборат, чўлларнинг кенглиги 80 стадийга яқинлашади. Тўғри йўналишда – бу йирик давлатдир, маҳаллий аҳоли томонидан Политимет деган дарё мамлакат бўйлаб шиддатли оқади. Қирғоқлар сув йўли ўзанини торайтиргандан сўнг дарё ғор ичига оқади ва ерга сингиб кетади». 4. «Сўғдийлар асирларидан подшога 30 та кучли эрларни олиб келадилар, улар подшо буйруғига биноан ўлим жазосига берилишларини эшитиб, мағрур ҳолатда ғоят хурсанд бўлиб куйлайдилар....». 4. “Подшо уларнинг мардлигидан ажабланиб, ортга қайтаришга буйруқ беради ва ўлим олдидан уларнинг шодланиш сабабларини суриштиради. Улар айтадиларки, агар ўзларига бошқа биров ўлим жазосини берганда, қайғуланиб ўлардилар, аммо ўз аждодларининг ёнига уларга ҳамма қабилалар устидан ғолиб чиққан улуғ подшо юборганлигидан хурсанд бўлиб, ўз жонажон кўшиқларини айтдилар ва бутун жасурлар орзуси бўлган фахрли ўлимни байрам қилдилар”.

VIII. 10 “Подшо Базаира номли вилоятга йўл олади. 11. Бу вилоятнинг энг катта бойлиги – кенг дарахтзорларда ва кўриқхоналарда сақланиб яшаётган ҳамда махсус урчитилган турли ҳайвон зотлари бўлганлигидир. Бунга кўп булоқларга эга ўрмонзорлар атайлаб ажратилган: шу дарахтзорлар истехкомлар билан ўралган ва овчилар учун буржлар ва маконлар қурилган». 13. «Маълум бўлишича кўриқхоналаридан бирида тўрт авлодлар ҳаёти давомида ҳеч ким ов қилмаган. Александр аскарлари билан кўриқхонанинг ичига кириб ҳайвонларни ов қилишга буюради».

14. «Камдан–кам учрайдиган катталиқдаги шер Александрнинг рўпарасига югуриб чиқади, унинг ёнида тасодифан турган ва кейинчалик подшо бўладиган Лисимах ҳайвонни шохдор таёқ билан кутиб олишга тайёр бўлди. Аммо подшо ўзни четлаштириб ва овга ҳалақит бермасликка буюриб ягона ўзим ҳам Лисимшахга ўхшаб шерни ўлдиришим мумкин деб гапирди». 15. «Ахир бир пайтлар Сурияда ов қилиб Лисимах ягона ўзи камёб катталиқдаги ҳайвонни ўлдирган. Бироқ ҳайвон Лисимахнинг чап елкасини суягигача талаб уни ўлим ҳолатига келтирган. Шу ҳақида Лисимахга маломат билан эслатиб, подшо ўз жасоратини сўзларида эмас, амалда исботлади: у шерни яқинлаштириб бир зарба билан ўлдиради...».

19. «Шу жойдан у Мароқандага қайтади. У Артабозни фахрли ёшига кўра ҳокимлигидан озод қилиб, вилоятни Клит идорасига ўтказди. Худди шу Клит Граник дарёси ёнида Александрни ўз қалқони билан бекитиб, подшо боши устида Резак томонидан кўтарилган қиличли қўлни кесиб ташлайди».

Страбон, «География». XI – китоб, XI боб, 3: «Олдинги замонларда бактрийлар, сўғдийларнинг турмуш тарзи ва урф–одатлари кўчманчиларнинг турмуши тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бактрийларнинг аъаналари анча юқори маданиятга эга бўлган; лекин улар ҳақидаги Онесикритнинг фикри мақтовга сазовор бўлмайди. Унинг сўзларига кўра, қарилик ва касалликдан қаттиқ толиққан одамларни улар махсус боқилган ва ўзларининг маҳаллий тилларида «гўрковлар» деган итларга ташлаганлар, Бактрийлар пойтахти деворларидан ташқари жойлар тоза бўлган, лекин давлат ичкарасидаги ҳудуднинг катта бир қисми одамлар суяклари

билан тўлдирилган. Александр бу урф–одатни йўқ қилди. Шунга ўхшаган ҳикояларни каспийлар ҳақида ҳам айтиб берадилар: улар 70 ёшдан ошган ўз ота–оналарини қамаб кўядилар ва оч қолдирадилар”.

XI. 4. «Айтишларича, Александр Бактрия ва Сўғдиёнада 8та шаҳарга асос солган ва кўпларини вайрон қилган. Вайрон қилганлари жумласидан Бактриядаги Кариата (бу ерда Каллисфен кўлга тушиб камокқа олинган), Сўғдиёнадаги Мароқанда ва Кира – Яксарт дарёсидаги Кир томонидан қурилган охирги шаҳар; бу форс, давлатининг чеккаси бўлган. Александр Кирни ҳурмат–иззат қилган бўлса ҳам, бу шаҳар аҳолисининг кўпдан–кўп кўзғолонлари сабабларига кўра, уни вайрон қилишга буйруқ берган...».

XI. 5. «Сўғдиёна ичидан оқаётган дарёни, Аристовулнинг айтишича, македонлар Политимет деб аташган (худди шундай улар бошқа кўп номларни алмаштирганлар ва қисман ўзгартирганлар). Арийлар еридан оқаётган Арий дарёсига ўхшаб бу дарё давлат ерларини суғориб дашт ва сахро вилоятига интилади ва қумлар ичида йўқолиб кетади».


8.2 Сиёсий воқеалар. Александр ва Спитаман. Юнон–македонларга қарши кураш

Мил.авв. 329 йилда Александр 15 кун давомида муз–қорли Ҳиндуқуш тоғидан ўтиб Бактриянинг маркази Бактра, Аорн ва Драпсак шаҳарларини жангсиз истило қилади. Бактрия ва Сўғдиёнанинг сатрапи – ҳокими Бесс охирги ахамоний подшо Доро III ни ўлдиришда қатнашиб, ўзини Артаксеркс номида «улуғ подшо» деб эълон қилади ва Сўғдиёнанинг Наутака вилоятига қочишга мажбур бўлади.

Бақтрадан Мароқанда шахригача етиб бориш вақти тўғри йўналишда 12 кунга тенг бўлган. Ахамонийлар давридан бошлаб бир кунлик йўл ўлчови, Геродотнинг айтишича 50 стадий ёки 5 фарсах (28 км). Сўғдиёнага юришлар Бактра шаҳридан бошланган. Александр озиқ–овқат маҳсулотларини етарли ғамлаб олиб, Окс – Амударёга йўл олади.

Рим тарихчиси Курций Руфнинг фикрига кўра, Бақтрадан Окс дарёсигача бўлган масофа 400 стадий (75 км) бўлган. Бу масофани Александр аскарлари икки ярим кун давомида босиб

ўтиб, Амударёни Термиз ва Калиф ўртасида кечиб ўтадилар. Амударёдан кечиб ўтишнинг энг қадимги жойи Термиздан ғарбдаги Шўроб ва Чўчка Гузар бўлган. Шўроб ўрнида мил. авв. VI—IV асрларга оид қишлоқ харобалари топилган.



Македониялик Александр

Бу вақтда Бесс – Артаксеркс Сўғдиёна ичкарасига қараб кетади, аммо янги подшони сўғдийлар Спитаман, Аримаз, Австан (Гавстан) ва Датафернлар асирликка олиб Александрга топширишга тайёр бўладилар. Александр бундан хабардор бўлиб, шошилич равишда лашкарбоши Птолемей Лагни Наутакага юборади. Аррианинг айтишича, Оксдан Наутакагача ўн кунлик йўл бўлган, аммо бу масофани Птолемей қўшинлари тўрт кун ичида босиб ўтганлар. Соқчилар ўзлари қўриқлаб турган Бессни махсус жойда қолдириб, Спитаман тарафдорлари билан бирга македонияликлар учун номаълум бўлган томонга қараб кетадилар.

Йўлбошчилар ва жангчиларсиз қолдирилган Наутака ҳамда Мароқанда шаҳарларини Александр осонлик билан қўлга киритади. Фақат Мароқанда атрофида жойлашган босқинчиларга қаршилик кўрсатган сўғдийлар уй–қўрғонлари подшо буйруғига биноан вайрон қилинади.

Александр Мароқанда шахрида ўз ҳарбийларинг бир қисмини қолдириб, Сирдарё –Яксарт томонга йўл олади. Мароқанда ва ҳозирги Хўжанд ўртасидаги Уструшона

тоғларида македониялик кўшинларга маҳаллий аҳоли – мамакенлар хужум қиладилар. Александр яраланади. Кучли жанг Александрнинг ғалабаси билан якунланиб, унда 22 минг уструсоналиклар ҳалок бўлади.

Сирдарё этагидан узоқ бўлмаган Кирополис шаҳри камал қилинади. Шу даврда Яксартнинг шимолий қирғоғида саклар тўпланиб македонларга хужум уюштириш ҳозирланадилар. Александр ҳозирги Бекобод ва Хўжанд оралиғида Сирдарёдан кечиб ўтади ва каттиқ жангдан сўнг саклар чекинадилар.

Александр ортга қаайтиб Яксарт бўйида Александрия Эсхата (узоқ, чекка Александрия) шаҳрига асос солади. Шу даврда кутилмаганда Сўғдиёнадан хавотирли хабар келади – Спитаман бошчилигида юнон-македонларга қарши кўзғолон бошланади ва Мароқандадаги Александрнинг ҳарбий қисмлари камал қилинади.

Кўзғолончиларни тор–мор қилиш учун Александр Фарнух ва Каран бошчилигидаги пиёда ҳамда отлик аскарларни Мароқандага шошилишч жўнатади. Политимет – Зарафшон бўйидаги жангда Спитаман юнонлар устидан ғалаба қозонади, икки мингдан ортиқ юнон–македонлар ҳалок бўладилар. Александр учун бу ҳам катта мағлубият бўлиб, Спитаманга қарши жиддий тайёргаллик кўришни талаб қиладди.

Александр асосий кучлари билан Мароқандага етиб келади, аммо, Спитаман Мароқандадан шимолга ва кейинчалик Бухоро воҳасига чекинади. Ғазабланган Александр (у ҳали бирор марта енгилмаган эди) Мароқанда ва Қуйи Зарафшон даштлари оралиғидаги тинч аҳолини қириб ташлайди.


Мил. авв 328 йилда Спитаман Бактрияда ва Қуйи Зарафшонда юнон-македонларга қарши хужум уюштиради. Аммо, бу жанглар кўзғолончилар учун муваффақиятсиз якунланади ва Спитаман саклар билан чўлга қочишга мажбур бўлади. Саклар Александрнинг кўчманчилар ерларига хужумга тайёргарлик кўраётганида хабардор бўлиб, Спитаманни ўлдирадилар.

Сўғдиёна харобага айланиб қолади, жуда кўп сўғдийлар тоғларга қочиб яширинадилар. Мил. авв. 327 йилда Александр Ҳисор тизмасида жойлашган Оксарт эгаллаб турган «Сўғд қалъаси»ни қўлга киритиб, унинг гўзал қизи Равшана–Рухшанакка (Роксана) уйланади.

Яна бир қудратли қалъа (Хориен ёки Сизимитр) Суғдиёна ва Бақтрия чегараларидаги тоғларда жойлашган. Бу ерда Хориеннинг оила аъзолари ҳамда яқин қариндошлари, тарафдорлари ва хизматкорлари яширинган эди. Хориен ўз ихтиёри билан Александрга бўйсунушга рози бўлган. Албатта, Оксиарт ва Хориенга ўхшаган шахслар ўз ҳаётини, тинчлигини ва мол–мулкларини ҳимоя қилганлар. Жасур Спитаман ҳам ўзини сақлаши мумкин эди, аммо у чет эл босқинчиларига қарши ватаннинг мустақиллиги учун курашди. Спитаман учун ватанпарварлик ва она ер мудофааси муқаддас бурч бўлган.

Рус олими В.В.Григорьев ватанпарвар сўғдийларга ва уларнинг бошлиғи Спитаманга хурмат–иззат билан жуда юксак баҳо берган: “Агар Доро Александрдан ўз подшолигини ҳимоя қилолмаган бўлса, Бесс разил номард чиққан бўлса ҳам, аммо бу ерда, Туронда, шундай юраклар топилдики, улар чет элликларга бўйсунуш сезгисига итоат этмадилар, шундай кўллар топилдики улар чақирилмаган бегоналарга қарши халқ қасосини намоён этдилар”. Шунини таъкидлаш жоизки, Спитаман Зардушт сингари қадимий Спитаман уруғидан келиб чиққан. Шу боис унинг номини “Спитаман” деб аташ тарихий ҳақиқатга жавоб беради. Бироқ, адабиётларда бу исм анъанавий “Спитамен” шаклида нотўғри ёритилади.

Александр Бақтрия, Суғдиёна ва Уструшонанинг бир қисмини истило қилиб, мил.авв. 327 йилда Ҳиндистонга ҳужум бошлайди. Ўрта Осиёда Хоразм, Чоч, Фарғона ва саклар юрти мустақил бўлиб қолади. Сўғдиёна, Бақтрия, Марғиёна ва Парфия янги давлатга қўшилиб, кейинчалик уларнинг тупроғида айрим юнон–македон давлатлари вужудга келади.



Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари

Александрнинг тарихи жаҳон адабиётларида жуда ҳам машҳурдир. Унинг фаолияти ва юришлари ҳақида юнонлар, румийлар, форслар ва араблар қадимги замонларда ҳамда ўрта асрларда кўп асарлар ёзганлар. Бу асарларнинг муаллифлари Александрни тарихий шахс сифатида турлича баҳолаганлар (жаҳон халқларини ва давлатларни бирлаштирувчи подшо, адолатли дунё давлатига асос солишни мақсад қилган шахс ёки босқинчи, халқларни забт этувчи, ўлим ва зулм келтирувчи подшо каби фикр – хулосалар). Плутархнинг айтишича, “Александр Осиёга қароқчи бўлиб ўтмади, унинг орзуси кутилмаган омад берган ўлжа–бойликларни қўлга киритиш мақсадидан ташқари бу дунёда ҳаммани бир қонунга тобе қилиш ва бир давлатга тўплаб, инсонларни бир халққа бирлаштириш эди”.

Шарқдаги ўрта асрларга оид адабиётларда македониялик Александр жасур подшо ва баҳодир жангчи сифатида ҳам ёритилиб, унинг босқинчилик урушлари, маҳаллий аҳолини

кириб ташлаш, шаҳарларни вайрон қилишига эътибор берилмаган. Александр Шарқ халқларини ахамонийлар зулмидан озод қилиб, уларининг устига юнон-македонлар зулмини ўрнатди. Подшолар ва ҳокимлар алмашиб, сиёсат ўзгарди, аммо халқлар мустақил бўлмади. Бу зулмдан қутулиш учун Ўрта Осиё халқларига кўп вақт керак бўлди.

Македониялик Александр ўз даврининг фарзанди эди. Шу замоннинг сиёсий жараёнлари шундай подшо шахсни талаб этди ва сўнгги даврларда ҳам босқинчилик урушларининг ўчоқлари икки томонлама — Фарбда ва Шарқда пайдо бўлиб, юзлаб мамлакатларга, шаҳарларга, халқларга азоб ва ўлим келтирди. Бу воқеаларга вақт ўзи тўғри баҳо берган.

Александрнинг ҳарбий юришлари Шарқ ва Фарб ўртасидаги кенг савдо–сотик ҳамда маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Александр ва унинг яқин лашкарбошилариининг вафотидан сўнг маҳаллий ҳамда юнон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бу жараённинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчиликда, кулолчилик ва тасвирий санъатда, янги алифбо ва ёзувларнинг тарқалишида, тангашуносликда ҳамда диний эътиқодларда кўриш мумкин. Юнонлар Қадимги Шарқнинг жуда кўп маданий ютуқларини қабул қиладилар ва ўзларининг маданий таъсирларини ҳам маҳаллий аҳолининг маданиятига жорий этадилар.

Македониялик Александрнинг юришлари ёзма манбаларда Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиёдаги тарихий–географик маълумотларнинг кўпайишига асос солган. Ҳарбий юришлардан олдин Александр Қадимги Шарқ аҳолисининг жойлашуви ва мамлакатларнинг ҳудудий чегаралари билан танишиб олишда Скилак, Гекатей, Геродот ва Ктесийларнинг хабарларига асосланиши мумкин эди. Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга етиб келгандан сўнг юнон–македонларнинг тарихий–географик маълумотлари анча кенгайди. Даставвал, дунё чегаралари («ойкумена») Яксарт ва Ҳинд дарёсидан ўтмаганлиги маълум бўлади. Яксартнинг нариги ёғидаги бепоён чўллар, Ҳинд дарёсининг нариги ёғида яна бир серсув дарё Ганг даҳшатли ўрмонзорлар ва баланд чўққили тоғлар Александрни ажаблантириб, дунё чегараларининг бу ерда бошланмаганлиги подшони аччиқ афсуслантиради. Бутун дунё халқларини

умумий давлатга бирлаштириш, Александр учун ҳеч қачон ечилмайдиган муаммо ҳаёлий орзу бўлиб қолади.

Александрнинг Ҳиндистонга юришлари пайтида Сўғдиёна, Эрон, Олд Осиёдан то Афина шахригача бўлган ҳудудларда унинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги қайғули хабар тарқалади. Кўпчилик учун, айниқса давлат тахтини қўлга олиб подшо бўлиш мақсадини қўйган шуҳратпараст ҳокимлар учун бу хушxabар эди. Улар Александрга нисбатан кўркувни йўқотиб жуда хурсанд бўладилар, бошқалар эса қайғуланадилар. Афина шахрида мотамга тайёргарлик бошланганда бир сўзловчи пайдо бўлиб, бундай дейди: «Афиналиклар, Александр ҳалок бўлмади, бўлмаса унинг жасадини бутун дунё бирданига ҳис қилар эди». Александрнинг улуғворлиги ва шон–шарафлиги эътироф қилинди.

Шу даврда узоқ Ҳиндистонда юнон–македониялик аскарлар ҳарбий юришларни давом эттиришга рози бўлмайдилар. Тўхтовсиз жанглар ва шаҳарларни қамал қилиш, нотаниш хавfli юртлар, янги ва янги тоғлар билан бепоён кетма-кет чўллар, кенг чуқур дарёлар уларнинг жонига тегиб, энди бошқа қизиқтирмасди. Бегона ўлкаларнинг йўлларида македонияликларни ҳар бир қадамда ўлим ёки ярадорлик кутиб оларди. Найза ва ханжарларни занг босиб, уларни яроқсиз ҳолга келтириб қўйди. Босқинчиларнинг чидамлигида ҳам аниқ бир чегара бор. Юнон–македонлар Шарқдаги урушлардан ва қон тўкилишидан чарчаган эдилар.

Ҳиндистонда Александр ойкумена чегараларида жойлашган аҳолини забт этиш мақсадига эришмайди ва ўз орзулари билан якка бўлиб қолади. Узоқ Ҳинд дарёси чегараларида Александр ҳарбийларига улуғ подшо, ватан туйғуси ва урушлар худоси бўлган бўлса ҳам унинг жанговар аскарлари олдинга бир қадам ҳам юришни орзу қилмайдилар. Улар юришларни тўхтатишни илтимос қиладилар. Агар подшо бунга рози бўлмаса, у барча содда жангчиларни кириб ташлаб, Ганг дарёсига шарқий отаси – мисрлик худо Амон билан биргаликда юриш мумкин, деб ўйлайдилар македонлар.


Александр шарқий юришлар тўхтатилишини эълон қилиб, яна бир юксак ғалабани қўлга киритади – жангчилар беҳад хурсандчиликка сазовор бўладилар. Мил.авв. 325 йилда македонларлар кемалардан фойдаланиб, Ҳинд дарёси орқали океанга етиб борадилар. Шундан сўнг Неарх бошчилигида ҳарбийларнинг бир қисми кемаларда Форс қўлтиғига қараб

сузадилар. Александр ва македонларнинг бошқа бир қисми Гедросиё саҳролар икчкарасига кириб, Эронга йўл оладилар. Мил.авв. 324 йилда уларнинг ҳаммаси денгиз ва саҳро йўлларида жуда қаттиқ азоб тортиб, Эрондаги Суза шаҳрида учрашадилар.

Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган сайхон ерларда йирик давлатга асос солинади. Бу давлатнинг пойтахти қилиб Александр Бобил шаҳрини эълон қилади. Аммо унинг асосчиси вафотидан сўнг (мил.авв.323 йил) тахт учун кураш бошланиб, бу давлат айрим қисмларга бўлиниб, парчаланadi. Жаҳон тарихида янги жараёнлар бошланади.



Македониялик Александр давлатининг кулаши ва Ўрта Осиёда янги давлатларнинг ташкил топиши.



Осиёда Александрнинг бошқарув фаолияти асослари



8.3. Тарихий география.

“Авесто”нинг географик тушунчалари қадимги форс тилида ёритилган ахамонийлар ёзма манбаларида ва юнон тарихчилари асарларида тақрор этилган. Мил.авв. II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда яшаб ўтган қабилалар янги этномаданий жараёнларга асос солиб, шу хуудда сўғдлар, бактрияликлар, хоразмликлар, марғиёналиклар ва сак–массагетлар пайдо бўлади. Ушбу элатларнинг тарихи ўзаро кенг маданий таъсирлар ва алоқалар асосида ривожланиб, бир–бирига яқин бўлган.

Қадимги юнон ва рим муаллифлари Ўрта Осиё вилоятлари (Бактрия, Сўғдиёна) чегаралари тўғрисида ёзиб кўрсатганда, антик давр тарихчилари маҳаллий элатларнинг аралаш жойлашуви вазиятини ҳисобга олмаганлари каби, турли вилоятларнинг ўзига хос географик хусусиятлари ҳамда халқларнинг хуудий жойлашини чегараларини аниқ белгилаб беролмаганлар. Геродот

асарида “Бақтрия халқи” тушунчаси тилга олиниб, Бақтриянинг худудий чегаралари ҳақида маълумотлар йўқ.

Ўрта Осиёда энг қадимги халқларнинг алоҳида шаклланиши ва этник худудларнинг ажрала бошлаш масаласи жуда мураккаб илмий муаммо ҳисобланади. Бунинг сабаби, ёзма манбаларда қадимги халқларнинг худудий ажрала бориши ва маълум чегараларга эга ералрда жойлашиш жараёни аниқ кўсатилмаган.

Бақтрия, бақтрияликлар (ёки Сўғдиёна, суғдийлар ҳамда саклар) номлари ёзма манбаларда босқинчиларга қарши турган элатлар ёки давлатнинг бир қисми бўлиб назарда тутилган.

Ўрта Осиёда аҳоли жойлашган вилоятларнинг номлари турли даврларга оид ёзма манбаларда сақланиб қолган. Биз кўриб чиқаётган худудлар юнон–рим муаллифлари асарларида Марғиёна, Бақтриёна, Хорасмие, Сўғдиёна бўлса, шунга мос равишда қадимги форс ёзувларида Марғуш, Бақтриш, Хуаразми, Сўғда “Авесто”нинг энг қадимги қисмларида тилга олинган Моуру, Баҳди, Хваризам ва Сўғдадир.

Қадимги форс ёзувларини ўрганиш асосида Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихи тўлароқ тадқиқ қилинди. Қадимги форс ёзувларида Ўрта Осиё ўлкалари сатрапликларининг санаб ўтилиши, уларни ахамонийлар томонидан босиб олиниши аниқ кўрсатиб берилади, лекин ушбу ўлкаларнинг чегаралари ва тарихий географияси тўғрисида етарли даражада маълумотлар йўқ.

Ёзма манбаларда Ўрта Осиё вилоятларининг номларини келтирилиши маълум изчилликка эга бўлсада, уларнинг тартиб саналари турличадир:

Мамлакатлар	Яшт	Видевдат	Ахамонийлар ёзувлари		
			Бехистун	Суза	Нақши Рустам
Марғиёна	3	3	йўқ	йўқ	йўқ
Бақтрия	йўқ	4	16	6	5
Сўғдиёна	5	2	17	7	6
Хоразм	6	йўқ	15	11	7

Ахамонийлар ёзувларида (Геродотнинг «Тарих» асарида) Марғиёна мустақил вилоят сифатида ажратилмаган. Сўғд эса шу манбаларда чекка вилоят сифатида кўрсатилади. “Авесто”нинг

Видевдат китобидаги рўйхатда Бактриянинг Сўғддан кейини тилга олиниши қадимги форс ёзувларида Сўғднинг ҳар доим Бактриядан сўнг санаб ўтилиши, улар орасида ҳудудий чегара бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Гекатей, Геродот ва Ктесийнинг асарларида Ўрта Осиё аҳолининг ҳудудий жойлашуви, алоҳида дарёлар, тоғлар, воҳа ва даштлар билан боғланган ҳолда ёритилган.

Македониялик Александрнинг юришлари тарихий географиянинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда асос бўлди. Манбалар шу нуқтаи назардан ҳозирги тарихий адабиётларда етарли даражада ёритилган.

Юнон даври ёзма манбаларида, Мароқандага юриш қилаётган Александр қўшинлари йўлида Амударё Бактрия ва Сўғд ўртасида чегара сифатида кўрсатилган. Окс–Амударёдан шимолроқда сўғдийлар ерларининг жойлашганлиги тўғрисида далиллар учрамайди. Страбон «Окс дарёси Бактрия ерларини Сўғдиёнадан ажратади» деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, Бактрия Арея чегараси бўйлаб, шимол йўналишда Марғиёна ва Сўғдиёна оралиғида бўлиб, Окс–Амударёдан жануб томонида жойлашган.

Бу манбалар ахамонийлар даври маълумотлари билан тўғри келади. Чунки бу ёзувларда Бактрия, Сўғд билан Арея ёки Сўғд билан Парфия оралиғида жойлашган деб таъкидланади. Аммо қадимги форс манбаларида Ўрта Осиё вилоятларининг чегаралари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Юнон тарихчиси Аррианнинг ёзишига кўра, Окс дарёсидан ўтиш билан Сўғдиёна ерлари бошланган. Страбон маълумотларида Сўғдиёна чегаралари анча кенг бўлиб, муаллиф Сўғдиёнани «Бактриядан юқорида, шарқий йўналишда» Окс ва Яксарт оралиғига жойлаштиради. У ҳолда Сўғд таркибига Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган, манбаларда тилга олинмаган ва номсиз қолаётган Вахш, Кофирниҳон ва Сурхон воҳаларини киритиш мумкин. Аммо ушбу дарёлар воҳалари тарихий ва географик жиҳатдан Бактриянинг таркибида бўлиб, унинг шимолий қисмида жойлашганлар.

Қадимги муаллифларнинг Ўрта Осиё жанубидаги халқларнинг жойлашуви ҳамда тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги тасаввурлари бир мунча умумий бўлган. Римлик тарихчи Курций Руфнинг битта гапи бунга мисол бўлади: «Танаис (Сирдарё) бактрияликларни скифлардан ажратиб туради», ёки

тарихчи яна шу нарсани таъкидлайдики, бактрияликлар «урушқоқ скиф қабилалардан анча узоқ бўлмаган жойларда яшайди».

«Авесто»нинг энг қадимги қисмлари Сўғдиёнага таъриф бериб, мамлакатни иккита номда ажратиб кўрсатади – Сўғда ва Гава Сўғда. Бу далил Сўғда «мамлақати» яна Гава сингари алоҳида вилоятларга бўлинишидан далолат бермасмикан, ёки Гава, Сўғданинг энг қадимги номи бўлганми?

«Авесто»нинг мамлакатлар рўйхатида биринчи навбатда тилга олинаётган Арёшайёна, Арёнам Вайжони – бу кенг ҳудудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин.

Ванхви Даити дарёси “Авесто” таърифида йирик серсув дарёга ўхшайди. Арёнам Вайжо иқлими совуқ вилоятлар табиатига яқин бўлиб кўринади. Бироқ, мазкур географик белгилар Арёнам Вайжонинг ҳудудий жойлашувини аниқлаш учун етарлича эмас.

Худди шундай вазият Ўрта Осиё кўчманчи элатларининг тарихий географиясини ўрганишда такрорланади. Геродот массагетларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: «Бу массагетлар жасур ва беҳисоб қабилалар. Улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида жойлашганлар... Аракс дарёси Матиёна тоғларидан бошлаб оқади». Аракс – бу Амударё, шунингдек, бу таърифда Геродот Кавказ тоғларидан бошланган ва Каспий денгизига қўйилган Аракс дарёсини тушунган. У пайтларда Амударё Узбой ўзани орқали Каспийга қўйилган. Массагетлар Узбой ҳавзасида жойлашган.

Аҳамонийлар ёзувлари сакларнинг яшаш жойларини денгиз ва дарёлар билан боғлайди. Катта серсув дарё ёнида (Амударё) «чўкки қалпоқ кийиб юрган» кўчманчилар, «денгиздан нариги ёғдаги саклар» тўғрисида ҳам манбаларда маълумот бор.

Сўнгги йиллар илмий адабиётларида Ўрта Осиё қадимги вилоятларининг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги баҳс–мунозаралар яна жонланиб кетди. Айниқса, Бактрия ва Сўғдиёна чегаралари тўғрисидаги мавзу, энг долзарб масала бўлиб, бу муаммони ҳал қилиш учун олимлар махсус тадқиқотлар олиб боришган.

Юнон–рим тарихчилари ҳудудий чегараларни Ўрта Осиёдаги йирик дарёлар бўйича кўрсатиб беришлари анъанасига аниқ фикр билдириш мумкин. Бундай анъана маҳаллий аҳолининг яшаш ерлари ва вилоятларнинг чегаралари тўғрисида қадимги тарихчилар аниқ ва тўла тасаввурга эга бўлмаганлари ҳақида далолат беради.

Шунинг учун ҳам юнон–рим тарихчилари ҳудудий чегараларни дарёлар бўйича ажратганлар.

Аракс, Окс ёки Амударёни чегара сифатида кўрсатганда, «дарё маданий чегара» ва «дарё маъмурий ёки сиёсий чегара» сифатида таъкидлаш мумкин. Баъзи бир олимлар фикрича, Амударё кўп ҳолларда ҳудудий–сиёсий чегара вазифасини бажарган бўлсада, вилоятлар ўртасида ҳеч қачон маданий чегара бўлмаган. Бу фикр билан тўла қўшилиб бўлмайди, чунки турли даврларда, ахамонийлар даври ёки антик даврда Амударё давлатлар ўртасидаги чегара вазифасини бажармаган.

Қадимги замонларда Амударё бўйидаги замонавий Карки шаҳри атрофидан бошлаб ҳеч ким яшамайдиган ёки жуда кам аҳоли яшайдиган «ҳеч кимга қарашли» бўлмаган бепоён даштлар ва чўллар бошланган. Бундай «чегаралар» – ҳудудлар юзлаб километрларга чўзилган. Шунинг учун ҳам бу ерлар ёзма манбаларда бевосита сўғдийларга қарашли деб кўрсатилган.

Сўғдиёна ҳудуди ахамонийлар даврида ва ундан қадимроқ замонларда Амударёдан ўтиш билан бошланмаган, чунки Қашқадарё воҳасида топиб текширилган ўтроқ сўғдий аҳолининг қишлоқ харобалари Амударёдан анча олис масофада жойлашган. Шунинг учун ҳам Сўғдиёна билан Бактрия ўртасидаги ҳудудий чегаралар Амударёдан (айниқса, ҳозирги Термиздан Каркигача бўлган ерларда) ўтмаган бўлиши керак.

Ўтроқ аҳоли яшовчи вилоятлар ўртасида чегара вазифасини табиий географик омил сифатида чўллар ва тоғлар бажарган. Кўп ҳолларда чўл ва тоғлар этник чегараларда аралаш жойлашув ерларга айланиб қолганлиги тасодиф бўлмаса керак. Ҳисор, Бойсун ва Кўҳитоғ тизмалари Бактрия ва Сўғд ўртасидаги табиий чегара бўлган.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимги Хоразм ҳудуди ўрта Амударё оқимидан бошлаб Орол денгазигача ерларни ўз ичига олган, Бактрия ерлари – бу Афғонистоннинг шимоли–шарқи (Балхоб, Кундуз, Панж, Бадахшон воҳалари), Жанубий Тожикистон (Кофирниҳон, Вахш, Панж воҳалари), Сурхондарё воҳаси.

Бактриянинг ҳудудий чегаралари: жанубда – Ҳиндукуш тизмаси, шимолда – Ҳисор тоғлари, шарқда – Помир, ғарбда – Амударёнинг ўрта оқими ҳисобланади. «Бактрия» номи Бактра дарёсидан олинган (ҳозирга Балхоб).

Сўғдиёна – ҳозирги Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларидир. Сўғдиёнанинг географик чегаралари: ғарбда Бухоро воҳасидан шарқда Ҳисор тоғлари бўйлаб, жанубда Қашқадарё ва Кўхитоғ оралиғида, шимолда эса Нурота тизмаларига бориб тақалган.

Марғиёна – Туркменистан жанубидаги Мурғоб воҳаси, Парфия –Туркменистоннинг жануби–ғарби, Эронинг шимоли–шарқи. Ўрта Осиё ўтроқ вилоятларининг кўшни ерларида кўчманчи сак–массагетлар қабилалари яшаган (Помир, Тангритоғ, Жанубий Қозоғистон, Тошкент, Сирдарё вилояти, Қуйи Зарафшон, Қуйи Амударё ва Сирдарё, Шарқий Каспийбўйи, Орол денгизи атрофлари).

Сўнги юнон муаллифлари асарларида биз кўриб чиқаётган ўлка тўғрисидаги тарихий ва этнографик маълумотлар Геродот ёки Ктесийларнинг маълумотларига нисбатан анча тўлароқ ва кенгроқдир. Бу манбалар Ўзбекистонинг тарихий географияси долзарб муаммоларини ҳал қилишда асос бўлади.

Ёзма манбаларни археология маълумотлар билан солиштириб замонавий географик хариталарда халқларнинг ҳудудий жойлашиш чегараларини, қадимги шаҳарларни, дарёлардан кечиб ўтиш жойларини, қадимги йўللарни, вилоятларни ва тарихий туманларни топиш мумкин. Бу муаммо жуда ҳам қизиқарлидир. Юнон–рим тарихий ва географик адабиётларда Ўрта Осиё халқларининг ҳудудий жойлашуви ва вилоятларнинг чегаралари аниқ кўрсатилмаган.

Александр даврида Яксарт– Сирдарё бу Танаис – Дон дарёсининг бошланиши деб фараз қилинган, худди шундай Нил – бу Ҳинд дарёсининг оқими деб хулоса чиқарилган.

Ёзма манбаларда Бактриянинг жанубий чегаралари Парнас, Паропамис– Ҳиндуқуш тоғлари билан бошланган. Қадимги дунё муаллифлари бактрийлар жойлашган ҳудудни жуда тор қилиб кўрсатганлар. Баъзиларининг айтишича, Ҳинд дарёси бошланган Паропамис тоғларига Бактрия рўпара бўлиб турган (Плиний). Страбон ҳам Эратосфенниг маълумотларига асосланиб, «бактрийларнинг асосий қисми Паропамис ёнбағрида жойлашиб, унинг бир кичик ери Ҳиндистонга рўпара бўлган»,–деган.

Страбон ва Плинийлар Бактриянинг жанубий қисми ҳақида ёзганлар ва Ҳиндиқуш тизмасини улар жанубий чегара

сифатида тўғри кўрсатиб берганлар. Аракс, Окс – Амударё Страбоннинг хабарига кўра, «бактрияликлар ерини Сўғдиёнадан ажратади». Бошқа ёзма манбаларда ҳам Наутака ва Мароқандага юриш қилаётган Александрнинг қўшинлари йўлида Окс дарёси Бактрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегара сифатида кўрсатилган.

Страбон Аракс ҳақида бундай хабар қилади: “У матиёнлар вилоятидан бошланади ва қирқ дарёга бўлиниб, скифлар билан бактрияликларни ажратади” (Страбон, XI, 14, 13). Тадқиқотчилар фикрига кўра, Страбон бунини тарихчи Каллисфен маълумотларига асосланиб айтган. Аракс – Амударё; Бактрия ерларини Помир тоғларида ёки дарёнинг ўрта оқими атрофида яшовчи саклардан ажратиш олиши мумкин эди. Ҳарбий юришларда қатнашган Каллисфен бу вазиятни аниқ кузатган.

Қадимги тарихчилар халқларнинг жойлашиш чегараларини дарёлар бўйича ажратганлар. Бундай анъана Ўрта Осиё халқларининг жойлашган ерлари, чегаралари тўғрисида аниқ ва тўла тасаввурга эга бўлмаган муаллифларнинг маълумотларидан келиб чиққан (уларнинг тасаввурлари бирмунча умумий бўлган).

Квинт Курций Руфнинг битта гапи бунга мисол бўлади: «Танаис бактрияликларни скифлардан ажратиш туради... Унинг оқими Осиё ва Европа, ўртасидаги чегара бўлган». Бу тарихий анъана Танаис (Дон) ва Яксарт (Сирдарё) бир умумий дарё бўлганлиги фикри билан узвий боғланади.

Скифлардан (саклардан) ажратувчи чегара – бу Александр Сирдарёдан ўтиб олган жой бўлгандир, чунки македонияликлар Сирдарёни бошқа жойларда кўрмаганлар. Аммо ўша жойда Уструшона ёки ҳеч бўлмаса Сўғднинг шимолий чегаралари бўлиб ўтгандир. Сўнгги ахамонийлар даврида Бактрия ўлкаси (сатраплиги) Сўғдиёнани ўз ичига олган. Шу вазиятга кўра, Сирдарё ҳам Бактрия чегараси сифатида кўрсатилган.

Страбон, Птолемей ва Аррианлар Амударёни Бактрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегара сифатида кўрсатадилар. Баъзи бир хабарларда айнан Сўғдиёна фақат Политимет – Зарафшон воҳаси ерлари билан боғланади. Каллисфен ва Клитархларнинг таъкидлашича, Сўғдиёна тўғри йўналишда – бу Политимет

узунлиги, унинг эни 80 стадий» (15 км.). 15 км – бу Политимет ўзани – воҳанинг энидир. Каллисфен шу дарё воҳасидаги сўғдларга жазо бериш юришларида қатнашиб, Политимет воҳаси – бу Сўғдиёнанинг асосий ҳудуди деб фараз қилган.

Қадимги муаллифларнинг ҳикоялари асосан юришлар, жанглар ҳақида бўлиб, шаҳарлар ва қалъалар қамал қилинган жойлар билан боғланади. Шу жумладан тоғлар – Парнас, Паропамис, «номсиз тоғ ўлкаси», дарёлар – Аракс, Окс, Политимет, Танаис–Яксарт; шаҳарлар – Бақтра, Аорн, Драпсак, Мароқанда, Кирополис, Бранхийлар шаҳарчаси, Басилейа–«подшо шаҳри», вилоятлар – Наутака, Мамакена, Ксениппа, Габаза (Газаба), Паритака, Бубакена; қалъалар –Баги, «Сўғд қалъаси», Хориен –Сизимитр қалъаси; ўлкалар–Бақтрия, Сўғдиёна, Скифия (сак–массагетлар юрти), Хоразм.

Арриан ва Курций Руфларнинг айтишича, мил.авв. 329 йилда Александрнинг Сўғдиёнага томон юриши қуйидаги йўналишда бўлган: Бақтра – Окс – Бранхийлар шаҳарчаси – Наутака – Мароқанда – Кирополис – Яксарт.

Ҳозирги кунга келиб, юнон–рим манбаларида тилга олинган қадимий вилоятлар, шаҳарлар ва қалъаларнинг ҳудудий жойлашуви қадимшунослар томонидан аниқланган. Наутака – Сўғдиёна вилоятларидан бири, Шарқий Қашқадарёда жойлашган, маркази Узунқир. Ксениппа (шунингдек, бошқа манбаларда – Никшапа, Никшапайя) – Қарши воҳаси, маркази Ерқўрғон. Баги (Бага) – Бухоро воҳаси, Басилейа – Сўғдиёнанинг иккинчи пойтахти (Кўктепа).

Габаза (Газаба) – бу Наутака вилоятига қўшни тоғ ўлкаси бўлиб, у ҳозирги Дехқонобод, Оқработ ва ёзма манбаларда машҳур бўлган “Темир дарвоза” деб номланган тор дара – тоғ йўли атрофидаги ерларни ўз ичига олган. Яқинда ҳам Дехқонобод ва Оқработ оралиғи ерлари “Габзан” деб аталган, Қуҳитангдаги “Газак” топоними “Газаба” тушунчасининг акс–садоси бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Юнон тилидаги “Парейтакена” вилояти (эҳтимол, унинг номи маҳаллий “Паритака” – “парилар макони”, “жаннат макони” номидан келиб чиққан) Сурхон воҳаси билан боғланади. “Сўғд қалъаси” ва “Хориен қояси”нинг жойлари ханузгача аниқланмаган.

Таянч сўзлар

Македониялик Александр, Бактрия, Суғдиёна, Арриан, Курций Руф, Страбон, “География” асари, “Александр анабасиси”, Окс, кечув, кўриқчи кўшин, Мароқанда, пистирма, чангалзор, панагоҳ, суғдийлар, Спитаман, юнон–македонлар, хорасмийлар, Фарасмон, Гефестион, Птолемей Лаг, бактрийлар, Артабоз, Базаира, кўриқхона, Наутака, Кирополис, Яксарт, Александрия Эсхата, тарихий география, қадимги халқлар, этник худудлар, этник чегаралар, худудий жойлашиш, Аракс, Окс, ёзма манбалар, этнографик маълумотлар, Никшапа, Габаза, Паритака.

Савол ва топшириқлар

1. Македониялик Александрнинг юришлари қайси юнон–рим муаллифларнинг асарларида ўз аксини топган?
2. “Александр анабасиси” нимани англатади?
3. Антик даври тарихчиларнинг асарларидан фойдаланиб, Александрнинг Бактрия ва Суғдиёнага юришлари ҳақида хикоя тузинг.
4. Политимет – Заравшон бўйидаги Спитаман бошчилигидаги суғдийлар ва юнон–македонлар жанги тўғрисида гапириб беринг.
5. Спитаман жасоратини таърифланг.
6. Ватанпарварлик ва она ер мудофааси – муқаддас бурч, деганда...
7. Қайси тарихий – маданий вилоятлар юнон–македонлар истилосидан мустақил бўлиб қолди?
8. Ўрта Осиё антик даври тарихий географияси ҳақида гапириб беринг.

8–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Арриан. Поход Александра / Пер. М.Е.Сергеенко. – М.–Л., 1962.
2. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского / Пер.и примеч.под ред. В.С.Соколова.– М.: МГУ, 1963.
3. Страбон. География. В 17 книгах / Пер. Г.А.Стратановского. – М.–Л.: Наука, 1964.
4. Пьяков И.В. Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: названия и территория). – Душанбе: Дониш, 1982.

5. Ртвеладзе Э. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент, 2002.

6. Сагдуллаев А. Поход Александра Македонского в Согдиану. – Ташкент: Узбекистан, 2009.

7. Фор П. Повседневная жизнь армии Александра Македонского. – М., 2008

8. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

9. Шахермайр Ф. Александр Македонский. – М.: Наука, 1986.

10. Пичикян И.Р. культура Бактрии. – М., 1991.

11. Термиз буюк йўллар чоррахасидаги кўҳна ва янги шаҳар. / Илмий муҳаррир Э.В.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001.

12. Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000.

13. Ртвеладзе Э. Историческое прошлое Узбекистана. – Ташкент, 2009.

14. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар / Масъул муҳаррир А.С.Сагдуллаев. – Тошкент: Шарқ, 1998.

15. Самарқанд. 2750 / Масъул муҳаррирлар Т.Ширинов, Ш.Пидаев, М.Қаршибоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

9–мавзу. Ўзбекистоннинг антик давр давлатчилиги.

Салавкийлар ва Юнон–Бактрия давлатлари.

Режа:

9.1. Салавкийлар давлати.

9.2. Юнон–Бактрия давлати.

9.3. Антик давр шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналари.

9.1. Салавкийлар давлати

Ўтган асрнинг 50 – йиллари тарихшунослигида Ўрта Осиё тарихига доир «антик», «антик давр» тушунчалари муомалага кирган эди. Қадимги давр билан шуғулланувчи тадқиқотчи олимлар – археологлар ва тарихчиларнинг кўпчилиги «антик», «қадимги» атамани Ўрта Осиё тарихига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин деган нуқтаи назар тарафдори бўлдилар.

Мил. авв. IV асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг асосий деҳқончилик воҳалари ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг батамом янги, фаол йўлига ўтдики, бу ривожланиш милодий III–IV

асрларда инқирозга учрай бошлайди. Шаҳарсозлик маданияти ва суғориш тартиби, ёзув ва пул муомаласи, моддий ва бадий маданиятга оид кўп сонли ва турли–туман ёдгорликлар айнан мана шу ривожланиш жараёнидан далолат беради. Бу давр – қадимги дунё кўпгина давлатлари жамияти тараққиётининг ижтимоий–иқтисодий ва умуммаданий жабҳаларида намоён бўлган янги босқичи билан изоҳланади. У турли давлатларда ўзига хослиги билан ажралиб туриб, бутун қадимги дунё давлатларини қамраб олган жаҳон тарихидаги ҳодисаларнинг баъзи белги ва хусусиятлари жиҳатдан бир–бирига ўхшашлиги жараёнларидан бири эди. «Антик» атамаси “antiquite”, “antigutiy, antique” қабилида ишлатилиб, «узок ўтмиш», «ўтмиш қадимият», «қадимги» деб таржима қилинади.

Мил. авв. 323 йилда Александр Бобилда тўсатдан вафот этганидан сўнг у барпо этган давлатдаги марказий ҳокимиятига қарши кучларнинг ҳаракатлари фаоллашуви оқибатида юнон–македонлар юришлари натижасида вужудга келган давлат парчаланиб унинг ўрнига нисбатан барқарорроқ бўлган юнон–эллинистик давлат уюшмалари пайдо бўлади. Александр давлатининг парчаланиши ва унинг харобаларида янги давлатлар тизимининг пайдо бўлиши тинчлик йўли билан эмас балки, Македониялик Александрнинг яқин саркардалари – диадохлар ўртасидаги тинимсиз урушлар туфайли бўлиб ўтди. Уларнинг ўртасида жангу–жадаллар натижасида Александр мулклари бўлиб олинади.

Бу пайтда юнонлар ва македонлар Ўрта Осиёда ҳокимиятни бошқарувчи қатламларини ташкил этар эдилар. Александр вафотидан кейин Бактрия ва Сўғдиёна Кипр оролидан бўлган юнон Стасанор қўл остига ўтади. Бу пайтда икки диадох – Евмен ва Антигон Александр давлатининг асосий ерларини қўлга киритиш учун ўзаро курашаётган эдилар. Антигон Александр давлатининг катта қисмига ҳукмронлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Аммо, унинг бу ҳукмронлиги узоққа чўзилмади.

Македониялик Александр мулкларига эгаллик қилиш шу билан якунландики, мил.авв. 306 йилда нисбатан кучли бўлган диадохлар – Антигон, Деметрий Полиоркет, Птоломей Лаг, Лазимах, Салавка, Кассандрлар ўзларини подшо деб эълон қилдилар ҳамда бу билан Александр давлати харобаларида ўз давлатларини барпо этишни маълум қилдилар. Шу тариқа тарих саҳнасида Ғарб ва Шарқ

анъаналарини уйғунлаштирган эллинистик давлатлар пайдо бўлди. Ана шундай йирик давлатлардан бири – Салавкийлар давлати эди.



Салавка

Ўзининг энг гуллаб – яшнаган даврида бу давлат илгари Александр салтанатига кирган катта худудларни эгаллаб, ғарбда Эгей денгизидан Шарқда Ҳинд водийсигача чўзилган ҳамда Кичик Осиёнинг жанубий қисмини, Сурия, Шимолий Месопотамия, Бобил, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ва Афғонистоннинг катта қисмини ўз ичига олган эди. Бу улкан давлатнинг асосчиси –Александрнинг йирик саркардаси Салавка эди.

Антик даври тарихчиси Помпей Трогнинг ёзишича, «Салавка баъзи бир ўлкаларни музокаралар йўли билан эгаллади, аммо Бактрия, Парфия, Суғд ерларида у қаттиқ қаршиликка учради ва оғир жанглар олиб боришига тўғри келди». Бу маълумотни юнон тарихчиси Арриан ҳам тасдиқлаб, у шундай хабар беради: «Салавка бактрияликлар, суғдийлар, парфияликлар ва гирканияликлар билан кўп урушлар олиб боргач, улар ерларига хукмронлик қила бошлади». Ўрта Осиё ерларининг Салавка томонидан босиб олиниши мил. авв. 306–301 йилларга тўғри келади.

Бирок, Ҳиндистондаги ҳарбий–сиёсий вазият туфайли бу худудлардаги юришлар Салавкийлар фойдасига ҳал бўлмади. Мил. авв. IV асрнинг охирларида бу ердаги Чандрагупта асос солган

кучли Мауря давлати Салавкага қаттиқ қаршилик кўрсатиганлиги сабабли Салавка сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Унинг Ҳиндистондаги мағлубияти салавкийларнинг Ўрта Осиёдаги ноиблари аҳволига сезиларни даражада салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат бу ерда салавкийларга қарши кураш кучайишига сабаб бўлди. Маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг кўп сонли кўзғолонлари бу курашлардан далолат берди. Улар салавкийларнинг таянч нуқталари бўлган Марғиёнадаги Александрия (Кўҳна Марв) ва Александр Эсхата (Чеккадаги Александрия, Хўжанд атрофлари)ни вайрон этадилар. Бу курашлар натижасида йирик этник кўчишлар бўлиб ўтган бўлиши мумкин. Хуллас, салавкийлар ҳокимиятни эгаллаган пайтдаёқ уларнинг Ўрта Осиёдаги аҳволи таҳликали эди. Айнан шу сабабли, Ўрта Осиё вилоятлари ерларидан маҳрум бўлишидан кўрқиб кетган Салавка I ўз вориси Антиох I бошчилигидаги Шарқий ноиблик (сатраплик)ларни таъсис этган эди.

Мил. авв. 293 йилда Салавка ўғли Антиохни Шарқий сатрапликларга, яъни Ўрта Осиё вилоятларига ўзининг ноиби этиб тайинлайди. Антиох вайрон этилган қалъаларни тиклади, Қуйи Мурғоб воҳасини ўраб олган йирик ва қалин мудофаа девор (Марғиёна девори) бунёд этди, кўзғолонларни бостирди. У салавкийлар қудратини намойиш этиш мақсадида атроф ўтроқ ва кўчманчи аҳоли устига ҳарбий юришлар уюштирди. Антиох томонидан ўтказилган бир қанча ҳарбий–сиёсий ва дипломатик тадбирлар туфайли Ўрта Осиёдаги салавкийларга қарши ҳаракатлар бостирилди.

Ўрта Осиё вилоятлари салавкийлар давлати сиёсий тарихида етакчи ўринлардан биринчи эгаллайди. Ўзининг узоқ йиллик ҳукмронлиги даврида (мил. авв. 293–261 йй.) Антиох Фарбга қилган кўпгина юришлари билан шуҳрат қозонди. У ўз давлатининг шарқига, жумладан Ўрта Осиё ерларига кам эътибор қаратди. Бу пайтда Ўрта Осиёда иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Тинч ҳаёт бошланиб қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо–сотик анчагина ривожланади. Салавкийлар давлати марказидан четда бўлишига қарамай, Ўрта Осиё вилоятлари улар давлатининг энг муҳим қисми эди. Ўрта Осиё ҳарбий–стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, салавкийлар бу ҳудуд бўйлаб ўтган савдо йўллари бўйида шаҳарлар ва таянч ҳарбий истехкомлар қурдириб

уларда хунармандчилик, ўзаро алмашинув ва савдо–сотиқни ривожлантирганлари бежиз эмас эди.

Салавка ва Антиох (мил. авв. 281–261 йиллар) мустақил ҳукмронлиги даврида Салавкийлар давлати сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланади. Салавкийлар учта минтақада – Жанубий Сурия, Кичик Осиё ва Шарқда фаол ташқи сиёсат олиб боришга мажбур бўлган эдилар. Жанубий Сурия ва Кичик Осиё учун Птолемейлар (Птоломей Лаг асос солган Миср ва Ўрта ер денгизининг шарқидаги давлат сулоласи) билан тинимсиз урушлар бўлиб турган. Чунки бу ҳудудларда муҳим савдо йўллари тугаб, гуллаб–яшнаган порт–шаҳарлар мавжуд эди. Кичик Осиёнинг юнон шаҳарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Шарқий вилоятларда, хусусан, Ўрта Осиёдаги аҳвол бирмунча мураккаброқ вазиятда бўлиб, бу ҳудуд бошқарув марказларидан анча узоқда жойлашган эди. Иккинчидан, Салавкийлар давлатининг чегараларида жойлашган кўчманчиларнинг доимий хавфи мавжуд эди. Мил.авв. III асрдан бошлаб кўчманчиларнинг кўчишлари бошланиши натижасида чегаралардаги бу хавф янада кучаяди.

Салавкийлар давлатида ички сиёсий бошқарув масалалари ҳам анча мураккаб эди. Катта ҳудудларни қамраб олган бу давлатда ижтимоий–иқтисодий ривожланиш даражаси ва жамият сиёсий ташкилоти турлича бўлган. Кўплаб вилоятларни ягона давлатга бирлаштириш анча мураккаб вазифа эди. Салавкийлар давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири у фақат ҳарбий юришлар натижасида, куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган эди. Шунинг учун ҳам давлатнинг асосий вазифаларидан бири қарам этилган халқларни зўравонлик билан ушлаб туриш ёки бирлаштириб туриш эди. Шарқ халқлари, маҳаллий зодагонларидан бир қисми ёки айримлари бошқарув тизимига жалб этилган бўлса–да, асосий бошқарувчилар македонлар ва юнонлардан иборат бўлган.

Салавкийлар сулоласида давлат бошлиғи подшо бўлиб, унинг ҳокимияти мутлақ эди. Подшо бир вақтнинг ўзида фуқаролар маъмурияти олий бошлиғи, қўшинларнинг бош қўмондони, олий судья ва ҳатто, бош қонун чиқарувчи вазифаларини бажарган. Манбаларнинг маълумот беришича, сулола асосчиси Салавка «Подшо томонидан буюрилган барча нарсалар доимо адолатлидир», деган тамойилга қатъий амал қилган. Салавкийлар сулоласи подшолари қўйидаги иккита ҳуқуқий асосга эга эдилар: 1. Босиб олиш ҳуқуқи. 2. Ҳокимиятни отадан болага мерос қолдириш

хуқуқи. Кўп ҳолларда салавкийлар подшолари илоҳийлаштирилган. Масалан, тангашунослик маълумотлари Сотер–қутқарувчи, Дикайос–адолатпарвар, Эвергет–эзгулик ҳомийси каби подшолар бўлганлигини тасдиқлайди.

Давлатнинг ниҳоятда катта ҳудудларни қамраб олганлиги айрим ҳолларда маъмурий назоратнинг сусайиб кетишига олиб келган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир нечта маҳаллий сиёсий уюшмалар (алоҳида қабилалар, юнон полислари, ибодатхона жамоалари, маҳаллий сулолалар) ички ишларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилганлар.

Ўз даврида салавкийлар ҳукмдорлари шаҳарсозлик билан фаол шуғулланганлар ва кейинчалик “Салавкия” деб аталган шаҳар марказларига асос солганлар. Марказ сулола вакиллари билан бирининг номи билан аталган ҳолларда унга полис ҳуқуқи (тўлиқ мустақил бўлмаган) берилган. Бундай шаҳарлар маъмурий назорат остига олинган. Шунингдек, бу шаҳарларда юнон аҳолиси жамланиши лозим эди. Салавкийларнинг шаҳарсозлик фаолияти ҳақида Плиний, Страбон, Аммиан Марцеллин каби антик давр муаллифлари маълумотлар берадилар. Бу маълумотларга кўра, Марғиёна Антиохияси, Скифиядаги Антиохия, Гармат Антиохияси (Термиз бўлиши мумкин), Ойхоним қабилар полис ҳуқуқига эга бўлган. Салавкийлар давлатида шаҳарларга тобе қишлоқлар ўзининг жамоа тузилишини сақлаб қолган бўлиб, уларнинг тобелиги жамоавий хусусиятга эга бўлган ва улар полис – шаҳар ҳудудига киритилмаган.

Манбаларнинг маълумот беришича, Салавка I Птоломейлар билан ҳокимият таллашиб, шарқий ҳудудлар ва Кичик Осиё учун кураш олиб бориш жараёнидаёқ ўз ҳокимиятида бошқарув тартибини жорий эта бошлаган эди. У Александр анъаналарига содиқ қолганлигини кўрсатиш мақсадида сатрапияларни йирик вилоят уюшмалари сифатида сақлаб қолди. Тангашунослик маълумотларига қараганда, Салавка I давлати Аҳамонийлар ва Александр давлатига нисбатан анча кичик бўлиб, ҳокимият 27–28 та сатрапияга бўлинган.

Ҳар қайси сатрапияни подшо томонидан тайинланиб қўйилган сатрап ёки стратег – саркарда мансабидаги шахс бошқарган. Форс сатрапларидан фарқ қилган ҳолда улар ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий бошқарувни қўлга олганлар. Сатрап–стратег маъмурий бошқарувда энг яқин одамларидан ўзига ёрдамчи танлаган. Бу ёрдамчи солиқ

йиғувчилар фаолияти, ички ва ташқи савдо, хўжалик ҳаётини назорат қилиб борган.

Тарихий манбаларда салавкийлар сатрап–стратеглари юнонча номда (Стратоник, Александр, Гиеракс, Антиох ва бошқалар) тилга олинади. Демак, салавкийлар ҳукмдорлари асосан юнонлардан ва айрим ҳолларда эллинлашган маҳаллий зодагонлардан тайинланган. Ўрта Осиёда юнон ҳокимлари ва улар атрофида тўпланган юнон зодагонлари билан бирга маҳаллий зодагонлар ҳам ҳокимлик қилар эдилар. Салавкийлар ҳокимияти Ўрта Осиёдаги ҳарбий пунктларда (катокиялар) жойлашган ҳарбий кучларга таянган эди.

Салавкийлар даври Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Парфия худудларида кўп аҳолили шаҳарлар кўп эди. Мароқанд, Бақтра, Нисо каби кўплаб қадимги шаҳар харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган манбалар бу худудларда хунармандчилик, савдо–сотик ва хўжалик ишлари ривожланганлигидан далолат беради.

Салавкийлар давлати маълум бир халқ ёки элатлардан иборат бўлмай, кўпдан кўп этник гуруҳларни ҳарбий йўл билан бирлаштиришдан ташкил топган уюшма эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга бўлган. Аҳамонийлар давлати сингари салавкийлар давлатида ҳам кўпгина давлат ишларини олиб борувчи девонхона мавжуд бўлган. Айрим манбалар салавкийлар саройидаги хат–ҳужжат ишларининг бошлиғи лавозими ҳақида маълумотлар беради.

Салавкийлар даврида анчагина мураккаб солиқ тартиби жорий қилинган бўлиб, салавкийлар ҳукмдорлари ўзларигача мавжуд бўлган солиқ тартибини ўзлаштирган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиб, мукаммаллаштирганлар. Деҳқонлардан ер солиғини йиғиб олиш сатрап–стратегларнинг вазифаси бўлган. Бундай солиқларнинг миқдори аниқ белгиланган бўлиб, вилоятлардан келадиган солиқларнинг умумий миқдори қишлоқ жамоаларидан тушадиган солиқларга боғлиқ бўлган.

Ўрта Осиёдаги юнонлар билан алоқалар маҳаллий халқлар маданиятининг баъзи томонларини Ғарбга тарқатувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Эллин маданиятида соф юнон маданий ижоди эмас, балки юнон ва Шарқ мамлакатларининг ўзига

хос кўшилиши ўз аксини топган. Эллин маданиятининг ривожланишида Ўрта Осиё халқлари ҳам муҳим рол ўйнадилар. Ўрта Осиёнинг катта қисми салавкийлар давлатига ҳарбий йўл билан кўшиб олиниси маълум даражада Ғарб ва Шарқ ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига туртки берди. Шу билан бирга маҳаллий маданият, савдо–сотиқ, шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик ва суғориш ишлари изчил ривожланиб борди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг салавкийлар давлати таркибига кирган даври юнон–македон истилоси туфайли вайрон этилган иқтисодий ҳаётни тиклаш, бактрияликлар, суғдийлар, парфияликлар ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг салавкийларга қарши курашда бирлашув даври бўлди.

Мил.авв. III асрнинг 60–50–йилларига келиб Кичик Осиё ва Болкон ярим оролида Салавкий ҳукмдорлари ўртасида ҳокимият учун курашлар авж олди. Натижада салавкийлар давлатининг шарқий вилоятларида сиёсий вазият ўзгариб марказдан қочувчи кучларнинг ҳаракатлари фаоллашади. Мил.авв. 250 йилда келиб дастлаб Парфия, кейин эса Юнон–Бактрия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиб ўзларини мустақил деб эълон қиладилар.

Салавкийлар давлат бошқаруви



9.2. Юнон–Бақтрия давлати

Юнон–Бақтрия давлатининг салавкийлардан ажралиб чиқиши юнон зодагонларининг кўзғолони хусусиятига эга бўлиб, унга Бақтрия аҳолиси томонидан қўллаб–қувватланган Диодот бошчилик қилади. Тадқиқотчилар Юнон–Бақтрия давлати пайдо бўлган турли саналарни белгилайдилар (мил. авв. 250–248 йй). Бу давлатнинг асоси Бақтрия бўлиб, баъзи ҳукмдорлар даврида (Евтидем, Деметрий, Евкратид) Ҳиндистоннинг шимоли–ғарбий қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта ерлар қўшиб олинади.

Бақтриянинг салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши хусусида римлик тарихчилар Помпей Трог ва Юстинда узук–юлуқ маълумотлар сақланган бўлса–да бу ҳақда батафсил маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан мавжуд тангашунослик, айрим хўжалик ҳужжатлари, санъат ёдгорликлари, суғориш иншоотлари ва иморатлар қолдиқлари берган маълумотлар асосида бу

давлатдаги ижтимоий–иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Аммо, Юнон–Бақтрия давлатининг сиёсий тарихи кўп ҳолларда қиёсий солиштириш ва тахминларга асосланади.



Юнон–Бақтрия подшолиги

Юнон–Бақтрияда давлат подшо томонидан бошқарилган бўлиб, тангашунослик маълумотлари Диодот I,II,III, Евтидем I,II,

Деметрий, Гелиокл, Платон каби подшолари ҳақида хабар беради. Салавкийлар каби Юнон–Бақтрия подшолари ҳам давлатни сатрапликларга бўлиб идора этганлар.



Диадохлар тангалари

Юнон–Бақтрия мулкларининг чегаралар доимий мустаҳкам бўлмасдан, ҳарбий–сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Мил.авв. III асрнинг охирлари Ўрта Осиё жанубидаги ҳарбий–сиёсий вазият ҳақида Полибий маълумотлар беради. Унинг ёзишича, салавкийлар томонидан Бақтрада камал қилинган Евтидем уларнинг ҳукмдори Антиох III га «чегарада кўчманчи қабилалар турганлиги ва улар чегарадан ўтадиган бўлса ҳар иккала томоннинг ҳам аҳволи оғир бўлиши мумкинлигини» билдиради. Полибий маълумот берган ушбу кўчманчилар мил.авв. III асрнинг охирларида Зарафшон дарёсига қадар деярли бутун Суғдни эгаллаган бўлиб, бу ҳудудлар Юнон–Бақтрия давлатининг вақтинчалик шимолий чегараси бўлиб қолади. Шунингдек, Ҳисор тоғлари ҳам шимолий чегаралар бўлган бўлиши мумкин.



Антиох тетрадрахмаси

Юнон–Бақтрия давлатининг гуллаб яшнаган даври мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Жанубий ҳудудлардаги бу даврга оид Жондавлаттепа, Ойхоним, Қорабоғтепа каби ёдгорликлардан ҳокимлар саройлари, ибодатхоналар, турар–жойлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли ҳунармандчилик буюмлари ҳамда кўплаб танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги ижтимоий–иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Юнон–Бақтрия марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат бир нечта вилоят (сатрапия) ларга бўлинган бўлиб, бу вилоятлар бошқарувчилари ёки ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Аммо, бу даврда давлатда нечта сатрапиялар бўлганлиги ва улар қандай номланганлиги маълум эмас. Страбон маълумотларига кўра, сатрапияларга ноиб сатрапларни тайинлашда қариндошчилик анъаналарига амал қилинган бўлиши мумкин.

Юнон–Бақтрия подшолиги давлат тузилишининг муҳим томони – қўшин ва уни ташкил этиш эди. Аввало, таъкидлаш лозимки, юнон–бақтрия қўшинларининг катта қисмини бақтрияликлар ва бошқа маҳаллий аҳоли ташкил этган. Қўшиннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари отлик–суворийлардан иборат бўлган. Қўшинлар таркибида ҳарбий филлар ҳам бўлган.

Ўз вақтида В.В.Григорьев Бақтриядаги юнон ҳокимияти ягона монархия томонидан амалга оширилмай давлатлар уюшмаси (иттифоқи) томонидан амалга оширилгани, даставвал, нисбатан кучлилар, улар орасидан «бақтрияликлар», кейин эса «уларга тобе

бўлганлар» ҳақидаги концепцияни илгари сурган эди. Ҳозирги вақтда кўпчилик тадқиқотчилар Юнон–Бақтрия подшоларининг бошқарган ҳудудлари Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Ҳиндиқушдан жанубдаги айрим вилоятлар бўлганлигини эътироф этадилар. Бу ҳудудлардаги марказлашган давлатда Диодот I, кейин эса Евтидем I (яъни, мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми) даврларида кучли подшо ҳокимияти мавжуд эди. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Юнон–Бақтрия подшолигининг инқирозига қадар давлатда мутлақ бирлик ва барқарорлик бўлмаган.



**Бақтриядаги Хванида илоҳаси. Мил.авв.
II аср биринчи ярми.**

Сўнгги йилларда олиб борилган қазишмалар натижасида топилган жуда кўплаб археологик топилмалар Амударё ўрта оқимининг ўнг ва чап қирғоғи аҳолисининг мил.авв. III–II асрлардаги ўзаро алоқаларидан дарак берибгина қолмай, бу ерларни Юнон–Бақтрия давлати таркибига кирганлигидан далолат беради. Мил. авв. 250–140/130 йиллар давомида Юнон–Бақтрия давлати мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, бу даврда Диодот, Евтидем, Евкратид, Гелиокл каби подшолар ҳокимиятни бошқарганлар. Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмига келиб кўчманчилар зарбалари ва ўзаро тахт учун курашлар натижасида Юнон–Бақтрия давлати инқирозга учради.

9.3. Антик давр шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналари.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли давлатлари, жумладан Ўрта Осиё ҳудудларида катта хронологик давр юнон–македон сулолалари сиёсий ҳукмронлиги даври сифатида изоҳланиб фанда бу давр – эллинизм даври деб аталади. Эллинизм – (Болқон ярим оролидаги Эллада–Юнонистон номи билан боғлиқ) бу аниқ тарихий мавжудлик бўлиб, иқтисодий ҳаётда, ижтимоий ва сиёсий тузумда, мафкура ва маданиятда эллин (юнон) ҳамда Шарқ анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви ифодасидир.

Қадимги (антик) даврда эллин дунёси Юнонистондан Ҳинд дарёси водийсигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Тадқиқотчилар, эллинлашув даражасига қараб бу ҳудудни учта минтақага бўладилар. 1. Эллада; 2. Кичик Осиё, Сурия ва Миср; 3. Фрот дарёсининг шарқидаги вилоятлар. Бу ҳудудлар тарихий адабиётларда «эллинлашган Шарқ» тушунчасида акс этган бўлиб, унинг таркибига Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг Александр босиб олган ҳудудлари кирган.

Македониялик Александр юришлари натижасида кенг миқёсда бошланган эллинизм маданиятининг кириб келиши Бактрия, Парфия ва Сугдиёна шаҳарлари, ҳунармандчилиги ва бадий–амалий санъатига катта таъсир кўрсатди. Ёзма манбалар Александр номи билан боғлиқ учта шаҳар: Александрия Оксиана (Окс бўйидаги Александрия), Александрия Марғиёна (Марғиёна Александрияси), Александрия Эсхата (Чеккадаги Александрия) ҳақида маълумотлар беради. Улардан ташқари ”катойкиялар” деб номланган юнон ҳарбий истеҳкомлари манзилгоҳлари ҳам мавжуд эди.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидан эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган турар–жойлар, моддий–маънавий маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадий–амалий санъат, алифбо ва бошқ.) кучли таъсир этганидан далолат беради. Шу билан биргаликда бу топилмалар маҳаллий маданиятдаги ривожланиш қадимги (антик) давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви натижасида ўзига хос маданият даражасига кўтарилишининг ҳам гувоҳидир.

Македониялик Александр даврида асос солинган шаҳарлар. Александрнинг шаҳарсозлик фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Плутарх берган маълумотларга кўра у 70 дан зиёд шаҳарларга асос солган. Археологик тадқиқотлар натижалари эса бошқачароқ хулосалар беради. Шунинг учун ҳам Александрнинг шаҳарсозлик фаолияти хусусидаги илмий баҳслар ҳанузгача давом этмоқда.

Олимлар бу рақамга шубҳа билан қарайдилар ва у анча ошириб кўрсатилган деган фикрни илгари сурадилар. Александр тахминан ўнтадан ортиқ, аниқроғи, 13 та шаҳарга асос солган (В.Тарн). Бу жараёнда Месопотамияда шаҳарлар бунёд этилишича алоҳида эътибор берилган.

Археологлар ҳали юнон–македон шаҳарларининг ҳаммасини кашф этмаганликлари, кўпгина ҳудудлар археологик жиҳатдан яхши ўрганилмаганини эътиборга олсак, келгусида антик анъаналарни тасдиқловчи қўшимча маълумотлар олиш мумкин. Умуман олганда, юнон–македон истилосининг кўламига нисбатан антик анъанани қабул қилиш мумкин. У анча катта бўлган ва бу ерда асос солинган шаҳарлар сони бир неча ўнтага етган.

Страбоннинг маълумотларига кўра, Александр Бактрия ва Суғдиёнада 8 та шаҳарга, Юстиннинг ёзилишича, 12 та шаҳарга асос солган. Аммо, мазкур маълумотлар археологик тадқиқотлар маълумотлари билан тасдиқланмаган ва кўпгина илмий мунозараларга сабаб бўлганки, бу алоҳида мавзу ҳисобланади.

Биз Ўрта Осиё ҳудудларида Александр Македонский учта: Окс Александрияси, Александрия Эсхата (Чеккадаги Александрия) ва Марғиёнадаги Александрия шаҳарларига асос солганлиги ҳақида маълум маълумотларга эгамиз.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Окс (Амударё) бўйидаги Александрия турли шароитларни ҳисобга олиб бунёд этилган. Ушбу кўҳна шаҳар Шарқий Бактриянинг муҳим марказларидан бири бўлиши лозим эди. Шаҳар бир томондан, бу ҳудудлардаги юнон–македон ҳокимиятининг таянч нуқтаси бўлиб, серҳосил Бактрия текислигини Бадахшондаги тоғликлардан (шарқий йўналишда) ҳимоя қилса, иккинчидан, тоғли воҳалар орқали шимоли–шарқдан келувчи кўчманчилардан ҳимоя қилган. Оксдаги Александрия фойдали қазилмаларга ниҳоятда бой бўлган (мис, олтин, ложувард ва бошқ.) Бадахшонга кетувчи йўлни ҳам назорат қилиб турган.

Шаҳарга асос солиниши учун иккита дарёнинг қўшилиш (Амударё ва Кўкча) қўлай жой танланган. Бу жойда баланд табиий тепаликнинг борлиги ҳам муҳим бўлиб, унинг устига шаҳар қалъаси – акрополини қуриш имконияти бор эди. Шунингдек, шаҳарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турувчи жуда катта серҳосил текислик (10.000 гектарга яқин)ка туташиб кетганлиги ҳам иқтисодий тараққиётни таъминлар эди.

Кўхна шаҳар текисликда ҳам, дарё бўйлаб ҳам мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Акропол (юқори шаҳарда)да турар–жойлар йўқ. Бу ерда афтидан ўлчамлари жихатдан унча катта бўлмаган 2 та қалъа, гарнизон ҳарбийлари учун кичик ва оддий бинолар ва оташқада жойлашган. Барча турар–жойлар ва жамоат иншоотлари пастки шаҳар ҳудудида жойлашган. Тадқиқотчилар шаҳар қиёфасини белгилаб берувчи қуйидаги омилларни ажратадилар: шаҳар пайдо бўлишининг «мустамлакачилик» хусусияти, чунки шаҳар юнон–македонлар Бактрияни босиб олиши натижасида пайдо бўлган эди; унда подшо қароргоҳининг мавжудлиги; шаҳарнинг йирик вилоят маркази сифатидаги ўрни. Умуман олганда, кўхна шаҳар тузилиши ва сарой меъморчилиги юнон услубларини эслатсада, аслида унинг тузилишида қадимги Шарқ анъаналари устунлик қилади.

Қадимги Фарғона ва Уструшона чегараларида, Сирдарё бўйида, ҳозирги Хўжанд ҳудудларида мил. авв. VI–V асрларда манзилгоҳ пайдо бўлади. Бу ердан ҳимоя деворлари ва шаҳар қурилишининг қолдиқлари очиб ўрганилган. Кейинчалик бу шаҳар Александр томонидан босиб олинади ва унинг ўрнига Чеккадаги Александрия бунёд этилади.

Кўхна шаҳарнинг қалъаси пахсадан қад кўтарган алоҳида девор билан ўраб олинган. Кўхна шаҳар антик давр анъаналари асосида қад кўтарган. Шаҳарнинг пастки қатламларида қурилиш излари яхши сақланмаган. Мил. авв. IV–III асрлар қатламларида турар–жойлар, хўжалик хоналари, ҳарбийлар бошпаналари очиб ўрганилган. Бу шаҳар Александрнинг Сирдарё бўйларидаги таянч нуқтаси бўлган бўлиши мумкин.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Аҳамонийлар давридаёқ «Марғиёна шаҳри» мавжуд эди. Бу даврда Марв воҳасидаги Эркқалъа майдони 20 гектардан иборат бўлган шаҳар бўлган. Унинг теварагида Говурқалъа ҳудудлари ҳам айнан мана шу даврда ўзлаштирилади.

Бу ёдгорлик ўша даврдаёқ шаҳар хусусиятига эга бўлиб, бутун воҳанинг маркази эди. Давр охирларига келиб кўҳна шаҳардаги ҳаётнинг фаоллиги кучаяди. Говурқалъа кўҳна шаҳри ҳудудининг шимоли–шарқий ва марказий қисмларидаги маданий қатламлар жадаллик билан тўлиб боради. Айнан мана шу аҳоли пункти Македониялик Александр юришлари даврида юнон–македон кўшинлари томонидан эгалланади. Курций Руфнинг Александр, «Ох ва Окс дарёсидан ўтиб Марғиёна шаҳрига келди», деган хабари айнан мана шу аҳоли масканига таълуқли деб ҳисобланади. Археологик маълумотлар натижаларига кўра, ушбу шаҳарнинг бўйсундирилиши тинчлик хусусиятига эга бўлиб, урбанизация жараёнларига таъсир этмаган. Айнан мана шу шаҳар қайта номланиб Александрия номини олган.

Александр томонидан асос солинган – шаҳарлар ёки мустаҳкамланган қалъалар бўлган. Александр шаҳар манзилгоҳларида аҳолини аралаштириш сиёсатини изчил амалга оширган. Улар айрим ҳолларда полис тузилишига эга бўлсада – шаҳарни гиппарх яккабошчилик асосида бошқарган. Уни подшонинг ўзи тайинлаган ва амалдан туширган. Умуман олганда бу кўҳна шаҳарлар Ўрта Осиё урбанизация жараёнининг ривожланишига катта туртки берганлигини эътироф этган ҳолда, Александр юришларига қадар ҳам бу ҳудудларда юксак шаҳарсозлик маданияти мавжуд бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Салавкийлар даври шаҳарсозлиги. Ўз даврида Салавкий ҳукмдорлари кенг истилочилик сиёсатини амалга ошириш мақсадида шаҳарсозлик билан ҳам фаол шуғулланганлар. Улар кейинчалик «Салавкия» деб номланган шаҳар марказларига асос солганлар. Бунёд этилган манзилгоҳ сулола вакилларида бирининг номи билан номланган ҳолларда унга полис – шаҳар ҳукуқи берилган. Салавкийлар даврида ўзи асос солган шаҳарларда турли этник гуруҳлар (юнонлар, македонлар, маҳаллий аҳоли)нинг чатишишини қўллаган ҳукмдорларнинг Александрнинг шаҳарсозлик сиёсатидан тўлиқ четлашиши содир бўлади. Салавкийлар даврида янги шаҳарлар – полислар кўринишида ташкил этилиб, илгари ташкил этилган шаҳарларга ҳам полис мақоми берилган. Бунда полисларда фуқаролар жамоаси фақат юнонлар ва македонияликлардан таркиб топди.

Бу шаҳарларда юнон аҳолиси жамланиши лозим эди. Чунончи, Марғиёнага оид маълумотларга қараганда, мазкур шаҳарнинг юнон аҳолиси орасида суриялик юнонлар катта ўрин тутиши лозим бўлган. Плиний Марғиёна ҳақида шундай маълумот беради: «Унда Александр Александрияга асос солди, аммо варварлар бу шаҳарни вайрон қилдилар. Салавканинг ўғли Антиох бу шаҳарни худди шу жойда қайта тиклади. ... У шаҳарга ўз номини беришни лозим топди». Бундай хабар Страбонда ҳам учрайди. Ушбу ёзма манбалар маълумотларини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, Салавкийлар подшолигида шаҳарга тобе қишлоқлар, ўзининг жамоа тузилишини сақлаб қолган, уларнинг тобелиги жамоавий хусусиятга эга бўлган ва улар полис ҳудудига киритилмаган.

Салавкийлар даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг ҳолати ва ички тузилиши ҳақида маълумотлар етарли эмас. Салавкийлар давлатининг шарқида кўпгина маҳаллий шаҳарлар маълум даражада мустақилликка эга бўлганлар. Одатда Салавкийлар подшоси босиб олган шаҳарга унинг мақоми белгиланган картия берган. Баъзан бундай картия шаҳарнинг мавжуд мақомини тасдиқлаган. Шунингдек мустақил шаҳарлар ҳам бўлган. Аммо, бундай сиёсат Ўрта Осиёда ҳам маълум даражада олиб борилган, деган фикрни тасдиқловчи маълумотлар ҳозирча йўқ.

Афтидан, Ўрта Осиёда юнон ҳарбий манзилгоҳлари – катойкиялар ҳам қурилган. Кўчириб келтирилган юнонлар Салавкийлар ҳокимиятининг асосий таянчини ташкил этган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Салавкийлар ўз шаҳарсозлик фаолиятини шарқда ҳам, ғарбда ҳам амалга оширганлар. Шунингдек, бу даврда Ўрта Осиёга жуда кўп юнонлар кўчириб келтирилган, деган қарашлар ҳам мавжуд. Юнон–Бактриянинг ҳарбий қудрати манбалари ҳақида фикр юритилар экан, бунинг сабабларини Салавкийлар Бактрияда асос солган ҳарбий колонияларда кўриш мумкин. Мазкур масалани ҳал қилишда Ўрта Осиёда юнон–македонлар истилосидан анча олдин ҳам жуда кўп маҳаллий шаҳарлар ва ривожланган шаҳар ҳаёти мавжуд бўлганини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юнон–Бактрия шаҳарлари. Ўтган асрнинг ўрталарида айрим тадқиқотчилар Бактрияда илк шаҳарларга айнан Македониялик Александр асос солган, деган фикрни илгари сурган эдилар. Александр мил. авв. 330–327 йилларда Бактрия ва

Суғдиёнани босиб олганда нималарга дуч келган эди, деган саволга жавоб топиш юқоридаги фикрни инкор этишга асос бўлди.

Қадимги муаллифлар Бактриянинг пойтахти Бактра – Зариаспани бир неча марта тилга олганлар. Бактра Мозори Шариф шахридан 21 км ғарбда, дарё (Бактр, Зариаспа) бўйидаги воҳада жойлашган. Француз археологлари бу ердаги Боло Хисор тепаликларидан деворлар билан ўралган, миноралар кўтарилган, хандақлар қазилиб, сув билан тўлдирилган айланасимон қалъани топдилар. Шаҳарнинг бир қисми шаҳар деворларидан ташқарида, Боло Хисорнинг жануби–шарқда, Тепаи Заргаронда жойлашган. Умумий майдони 120–150 метр бўлган бу шаҳарнинг олдинги давр қатламларидаги ер ости сизот сувлари Аҳамонийлар ва Салавийлар давридаги ҳаётнинг маданий даражасини тўлиқ ўрганиш имконини бермади.

Шаҳар марказидан атрофга тарқалган кўчалар девор ташқарисида магистрал йўллarga: шимоли–ғарбда Калиф, шарқда Мозори Шариф, жануби–ғарбда Оксу, жанубда Ҳожи Пийад йўлларига туташган. Ўрта ер денгизидаги йирик Эфес портидан Балхга томон Аҳамоний подшоларининг хизмат кўрсатувчи бўлган йўли чўзилиб кетган. Ўз даврининг маданий ва иқтисодий маркази, савдо йўллари кесишган жойда жойлашганлиги сабабли антик давр муаллифлари Бактрани «энг катта шаҳар» деб атаганлар.

Бу даврдаги йирик шаҳарлардан яна бири Мароқанда (Самарқанд) бўлиб унинг мустаҳкам қалъасига Аҳамонийлар давридан (Афросиёб) олдинроқ асос солинган. Аҳамонийлар ва эллин даврида Афросиёб мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб олинади. Бу деворлар Александр камалига ҳам дош берган эди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра Афросиёбнинг умумий майдони 219 гектар бўлиб, Курций Руф Мароқанданинг мудофаа деворлари ўзунлигини 70 стадий (тахм. 12 км.) деб маълумот беради. Бу Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз қирғоқларидаги оддий юнон шаҳарларининг ўртача катталигидан икки–тўрт баравар каттадир. Мустаҳкам қалъага эга ва мудофаа деворлари билан ўралган шаҳар ҳудудларидаги мил. авв. IV–III асрларга оид маданий қатламлардан кўплаб топилмалар, жумладан, эллин сопол идишлари топиб ўрганилган.

Юнон – Бактрия даврида гуллаб–яшнаган шаҳарлардан яна бири Кир асос солган ва манбаларда Кирэсхата, Куру[ш]када, Киропол деб эслатилувчи шаҳардир. Кўпчилик тадқиқотчилар бу

шаҳарни Ўратепа ўрнида десалар, айримлари Нуртепа ўрнида жойлашган бўлиши ҳам мумкин деган фикрни илгари сурадилар.

Антик даврга келиб Ўрта Осиё қўхна шаҳарларида маданий ҳаёт нисбатан ривожланган эди. Таъкидлаш жоизки юнон–бактрия даврига келиб бадий маданиятнинг турли жабҳаларида эллинизмнинг таъсирини кўзатишимиз мумкин. Мисол учун, эллинлаштириш давридан бошлаб Бактрияда коропластика ҳунармандчилиги пайдо бўлади. Бу санъат намуналари доираси юнон оламига нисбатан кенгроқ бўлиб, ҳунармандлар эллин мифологияси билан боғлиқ бўлган терракоталардан ташқари маҳаллий анъаналар билан боғлиқ бўлган санъат намуналарини ҳам яратадилар.

Умуман олганда, антик давр Ўрта Осиё қўхна шаҳарларининг маданияти ва санъати турли омиллар таъсирида тараққий қилади. Бу жараёнга ўлкадаги сиёсий ҳаёт, ўлканинг турли уюшма ва давлатлар таъсирида бўлиши, диний эътиқодлар, иқтисодий аҳвол, халқаро савдонинг ривожини, турли халқлар маданиятининг ўлка халқлари маданияти билан уйғунлашуви, бой қадимий анъаналар, маҳаллий ўзига хослик ва бошқа кўплаб омиллар узлуксиз таъсир қилиб турган. Ана шу омиллар таъсирида Ўрта Осиё антик давр маданияти ва санъатининг ривожини шаҳарсозликда, ҳайкалтарошликда, бадий тасвирда, мусиқа санъатида, зеб–зийнат буюмларида, аҳолининг ҳўжалиги билан боғлиқ ашёларда ва бошқаларда кузатишимиз мумкин.

Антик давр Ўрта Осиё шаҳар маданияти ривожланишнинг энг ёрқин хусусиятлари – тасвирий санъат билан пул зарб этилиши натижасида маданият ва молия–иқтисод ишларининг тараққий этишидир. Таъкидлаш жоизки, ўлкамиз ҳудудларида товар–пул муносабатларининг қандайдир кўриниши Салавкийлар давридаёқ пайдо бўлади. Мисол учун, Э.Ртвеладзе тадқиқотларига кўра, Тахти Сангиндан 4 та, Термиздан 3 та, Кампиртепадан 2 та, Марвдан 6 та, Самарқанд атрофларидан 5 та Атиох I даврига оид (мил. авв. 280–268 йй.) тангалар топилган. Нисбатан кўпроқ топилма тангалар юнон–бактрия даврига оид бўлиб, улар Диодот, Евтидем, Деметрий, Антимах, Гелиокл даврларида зарб этилган.

Умуман олганда антик даврга келиб Ўрта Осиёда танга пулларга асосланган товар–пул муносабатлари ривожландики, бу ҳолат антик давр давлатчилиги ва шаҳарлари тараққиётини белгиловчи асосий белги ҳисобланади. Юнон–македон даврида

йирик шаҳарлар товар–пул муносабатларига тортилган бўлса, кушонлар даврига келиб бу жараёнга қишлоқлар ҳам иштирок эта бошлайди. Бу ҳолат эса ўз навбатида, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксалиб бораётганидан далолат беради.

Хуллас, антик давр Ўзбекистон давлатчилиги тараққиётида шаҳарларнинг аҳамияти улкан бўлди. Тадқиқотларнинг қиёсий таҳлилидан хулоса чиқарадиган бўлсак, элдин дунёсида шаҳар маълум вазифаларни (маъмурий, сиёсий ва диний марказ, савдогарлар ва ҳунармандлар фаолият кўрсатадиган жой, маданий ва ҳарбий марказ ва бошқ.) бажарувчи мустақамланган пунктгина эмас, балки жамоа ўзини ўзи бошқариш органлари, замонавий мулкдорларнинг алоҳида шаклини ўзида жамлаган, эркин фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини назарда тутувчи ижтимоий тузилманинг муҳим бўғини ҳам бўлган дейиш мумкин. Бундай шаҳарлар (балки шаҳар–полислар ёки шаҳар –давлатлар) элдин маданияти таъсирида бўлган Шарқда ҳам кенг тарқалган.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳудудларда кучли подшо ҳокимиятига эга (Салавкилар ёки Юнон–Бактрия каби) катта давлатларда бундай шаҳарлар ҳукм суриши учун Юнонистон ёки Римдагидан батамом ўзгача шарт–шароитлар мавжуд эди. Антик давр Ўрта Осиё шаҳарларининг мустақиллиги тўлиқ бўлмасдан, уни подшонинг олий ҳокимияти чеклаб турган. Ҳарқалай, археологик маълумотлар (агар бу мустақиллик ҳуқуқини бериш тўғридан тўғри айтилган битиклар ёки бошқа ёзувлар бўлмаса) шаҳарлар бундай алоҳида мақомга эга эканлиги ҳақида далиллар бера олмайди. Бу ўринда хитойлик сайёҳ Цжан Цяннинг Юнон–Бактрия шаҳарларининг маълум даражада мустақиллиги ҳақидаги хабарни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. У Дахя–Бактрия ҳақида шундай маълумот беради: «улар (яъни, Бактрия шаҳарлари) олий подшо ёки ҳокимга эга эмас, аммо ўзларининг девор билан ўралган барча шаҳарлари ва манзилгоҳларида улар кичик ҳокимларни тайинлайдилар».

Антик давр ҳар қандай Ўрта Осиё шаҳарининг бир муҳим таркибий қисми–шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг мавжудлиги эди. Ўрта Осиёда шаҳарларнинг умумий муаммоларига ва шаҳарларнинг мақомига жиддий эътибор берилиши натижасида шаҳар билан унинг атрофидаги қишлоқларнинг ўзаро муносабатлари масаласи тадқиқотчилар эътиборидан бирмунча четда қолди. Тадқиқотчилар олдида турган шаҳарлар тарихи билан

боғлиқ долзарб масалалардан бири ҳам айнан шу муаммо ҳисобланади.

Таянч сўзлар

Салавкийлар, Юнон–Бактрия давлати, шаҳарсозлик, меъморчилик анъаналари, моддий маданият, Марғиёна девори, сатрап, подшо, Антиох, ахамонийлар давлати, олий суд, иш бошқарувчи, подшо девонхонаси, молия бошқарувчиси, солиқлар йиғимини бошқарувчиси, хат–хужжатлар ишларининг бошқаруви, бош қонун бошқаруви, қўшинлар бош қўмондони, епархлар, гепархлар, стратеглар, полислар, катойкиялар.

Савол ва топшириқлар

1. Антик давр ҳақида умумий маълумот беринг.
2. Салавкийларнинг ҳокимият тепасига келиши тўғрисида нима биласиз?
3. Салавкийларда давлат бошқаруви қандай кечган?
4. Юнон–Бактрия давлати қандай пайдо бўлди?
5. Юнон–Бактриянинг давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
6. “Эллинлашган Шарқ” тушунчасига изох беринг.
7. Македониялик Александр асос солган қайси шаҳарларни биласиз?
8. Салавкийлар даври шаҳарсозлиги тўғрисида гапириб беринг.
9. Юнон–Бактрия шаҳарлари ҳақида нима биласиз?

9–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Бикерман Э. Государство Селевкидов. – М., 1985.
2. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии / Отв.ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
3. Пичикян И.Р. Культура Бактрии. – М., 1991.
4. История Древнего Востока / Под. ред. В.И. Кузищина. – М., 1988.
5. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия–Тохаристан. Древность и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990.
6. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.

7. История государственности Узбекистана / Ответ.ред. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Т.1. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
8. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Адолат, 2001.
9. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.
10. Самарқанд. 2750. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
11. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Ўзбекистана VII в до н.э. – VII в н.э. – Тошкент, 2000.
12. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
13. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
14. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. I – жилд. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

10–мавзу. Хоразм, Қанғ, Даван, Юечжи–Кушон ва Кушон давлатлари.

Режа

- 10.1. Хоразм давлати.
- 10.2. Қанғ давлати.
- 10.3. Даван давлати.
- 10.4. Юечжи–Кушон ва Кушон давлатлари.

10.1. Хоразм давлати.

Хоразм воҳасини ўраб олган даштларда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилалари истиқомат қилган. Улар Шарқий Каспийбўйи ва Оролбўйи оралиғидаги Қуйи Амударёнинг Каспий денгизига қўйилган Узбой ўзани соҳилларида ва Қуйи Сирдарёнинг эски ўзанлари (Инкардарё, Қувандарё) атрофларида жойлашган.

Чорвадорлар бу ҳудудларда жуда эрта пайдо бўлган. Адабиётларда мил. авв. IX–VIII асрларга оид чорвадорлар сардорлари ва оқсоқоллари дафн этилган Тагискен мақбалари “Авесто”да тилга олинган “тура” – турлар маданияти билан

киёсланиб, Инкардарё хавзасида Қанғха вилоятининг маркази жойлашган деган фикр ўртага ташланди. Мил. авв. VIII – VII аср чегарасида Қуйи Сирдарё ҳудудидан келиб чиққан илк саклар Қуйи Амударёнинг сўл соҳил ерларида жойлашади, шунингдек, уларга кўшни даштларда массагетлар ёйилган. Кейинги даврларда Шарқий Оролбўйи ҳудудларида турли сак қабилалари: апасиак, сакаварка, аугасий ва тохарлар яшаган. Улар ва Хоразм воҳаси аҳоли ўртасида иқтисодий – маданий алоқалар ривожланган.

Ушбу мавзунинг тарихий жиҳатларини ўрганиш жараёнида талабалар қуйидаги ҳолатларга эътибор беришлари лозим:


- Хоразм мил. авв. V– IV аср чегараси ёки мил. авв. IV аср бошларида Аҳамонийлар давлати таркибидан чиқиб, мустақил давлат сифатида ривож топди;

- Хоразм Салавкийлар ва Юнон–Бақтрия давлатлари ҳамда Кушон салтанати таркибига кирмади;

- Хоразм Қанғ давлатининг таркибий қисми ва унинг маркази бўлмаган;

- Хоразм тарихида Қанғ, Қангуй маданияти, даври ҳукм сурган деган қарашлар эскириб, илмий адабиётларда рад этилди.

Антик даври Хоразм давлатининг бошқарув шакли подшо ҳокимиятидан иборат эди. Аррианнинг асарида Александр хузурига етиб келган Фарасман “хоразмликларнинг подшоси” деб аталган. Фарасман келиб чиққан сулоланинг номи фанда маълум эмас. Мил. авв. IV–III асрларга оид Хоразм тангалари топилмаган. Бу даврда Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари ва таъсир доираси Жанубий Оролбўйи, Ўрта Амударё ва Шарқий Каспийбўйи ерлари билан белгиланган. Эҳтимол, бу даврда Узбой орқали Каспий денгизига сув йўли хоразмликлар назоратида бўлган.



Қадимги Хоразм даврига оид деворий сурат намунаси (Оқшахонқалъа).

Мил. авв. II аср охирларидан Хоразм подшолари Юнон–Бақтрия подшоси Евкратиднинг тангаларига ўхшатиб, ўз кумуш тангаларини зарб эта бошлаганлар. Бу тангаларда подшо–чавандоз тасвирланган. У кўчманчи қабилаларнинг рамзи бўлиб, мил. авв. II асрда Хоразмга кириб келган юечжи – тохарлар сардорларининг ҳукмронлигини акс этади. Аммо, мазкур ҳукмронларнинг исмлари номаълум.

Милодий I асрда давлатда янги сулоланинг ҳукмронлиги бошланади. I–III аср бошларига оид мис тангаларидаги ёзувларида ҳозирча бу сулоланинг икки вакили – Артав ва Артамуш исмлари ўқилган.

Афригийлар сулоласи тахтни қўлга киритиши ҳақида Беруний маълумот келтирган. Мазкур воқеа 304–305 йилларга тўғри келади деб анъанавий ҳисобланиб келган. Бироқ, бу йил санасига нисбатан нумизматика (тангашунослик) материаллари асосида янги ёндашув вужудга келди (Э.В.Ртвеладзе). Унга кўра, сулоланинг биринчи подшоси Вазамар (Африг) эди. Вазамар – бу подшо исми, Африг эса – оила, уруғнинг номидир. Шу боисдан, сулолани Вазамарийлар (Афригийлар) деб аташ таклиф қилинди. Агар подшо Вазамарнинг ҳукмронлиги бошланғич йил санаси инобатга олинса, Вазамарийлар (Афригийлар) хоразмшоҳ Маъмунга қадар Хоразмда 600 йилдан зиёд ҳукмронлик қилганлари аниқланади.

Хоразм воҳаси антик даври тарихини ўрганишда Хоразм археологик экспедицияси ходимлари улкан хисса қўшганлар (С.П.Толстов, А.В.Андрианов, М.Г.Воробьева, Ю.А.Рапопорт, Б.И.Вайнберг). Уларнинг изланишлари ва кашфиётлари туфайли, Хоразм цивилизацияси, қадимий шаҳарлари, моддий ва маънавий маданият обидалари бутун жаҳонда машҳур бўлди. XX асрнинг 90–йиллари ва XXI аср бошларида ўзбекистонлик қадимшуносларининг Хоразмдаги янги археологик тадқиқотларини қайд этиб ўтиш лозим (М.Мамбетуллаев, В.Н.Ягодин, Ғ.Ходжаниязов, Қ.Собиров, С.Баратов, А.Абдиримов).

Шаҳарсозлик ва меъморчилик. Антик даврда Хоразм Ўрта Осиёда шаҳарсозлик ва меъморчилик кенг ривожланган муҳим марказларига айланди. Аҳамонийлар (Форс) подшолиги таркибидан чиқиб, давлат мустақилигига эришган қадимий Хоразмда

деҳқончилик воҳа–туманларининг ташқи сарҳадлари ҳарбий истехкомлар билан мустаҳкамланди. Давлат чегараларида ҳамда савдо карвонлари ўтадиган масканларда қалъалар қурилган. Улар қудратли мудофаа иншоотлари бўлиб, алоҳида буржлар ва деворлар ичидаги ўқчилар учун мўлжалланган икки қаватли махсус йўлаклардан иборат бўлган.

Бундай қалъалар Қуйи Амударёнинг ўнг соҳил ераларида (Бўрлиқалъа, Аёзқалъа 1, Қўрғошинқалъа) ва сўл соҳил ташқи сарҳадларида (Оқчагелин, Говурқалъа, Қангақирқалъа) тахминан баравар масофада жойлашган.

Мил. авв. IV – III асрларда Хоразм давлати ҳукмдорлари томонидан мудофаа иншоотларининг барпо этилиши сабаблари ташқи босқинлардан ҳимояланиш зарурияти билан боғланган. Хоразм воҳасининг ғарбий ва шимоли–ғарбий чегараларида кўп сонли чорвадор қабилалар Орол денгизи ва Каспий денгизи оралиғидаги даштларда истиқомат қилганлар. Шунингдек, Шарқий Оролбўйи Қуйи Сирдарё ҳавзасида жойлашган чорвадорлар ижтимоий ютуқларга эришиб, қудратли ҳарбий кучга айланганлар. Хусусан, ўша чорвадор қабилалар Македониялик Александрнинг Бухоро воҳасидан фойдали қазилмалар, хом ашёга бой Қизилқум ичкарсига йўл олишга тўсиқ бўлиб турганлар. Улар зироатчилик билан ҳам шуғулланиб, шаҳарлар ва қалъалар бунёд этиш кўникмаларга эга эди. Қуйи Сирдарёда қадимшунослар томонидан ўрганилган Чирикработ, Бабишмўлла, Баланди, Бароқтом каби ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Мил. авв. III асрда Сирдарёнинг қадимий қуйи ўзанларида сув таъминотининг тўхтаб қолиши ва дарёнинг замонавий ўзани пайдо бўлиши натижасида, туб жойли аҳоли аввал ўзлаштирган ерларни тарк этишга мажбур бўлди. Эҳтимол, айнан шу чорвадорлар Қуйи Сирдарёдан Ўрта Сирдарё ҳудудларига кўчиб, Қанғ давлатига асос солганлар.

Мил. авв. IV асрда қадимги Хоразмнинг бир қатор шаҳарларида (Хива, Хазорасп, Қазақлиётган – Оқшахонқала, Катта Ойбўйирқалъа) йирик бинокорлик ишлар амалга оширилди. Бир вақтнинг ўзида кенг тармоқли суғориш тизими яратилди. Шаҳарлар алоҳида деҳқончилик воҳа – туманлари марказларига айланди.

Меъморчилик лойиҳа бўйича шаҳарларда бинокорлик ишларини амалга ошириш, мудофаа тизими ва эски биноларни таъмирлаш, янгиларни бунёд этиш, қурилиш технологияларни

такомиллаштиришни тақозо этган. Қудратли мудофаа иншоотлари, йирик ибодатхона ва саройларни бино қилиш учун миллионлаб хом ғишт керак бўлган. Давлатнинг барча воҳа–туманлари алоҳиси хом ғишт тайёрлаш билан машғул бўлиб, уларни зарур янги қурилиш жойларига етказиб берган. Кенг миқёсда бундай ишларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш, антик давр Хоразмда оммавий равишда йирик суғориш иношоотлар – каналларни барпо этиш жараёни билан қиёслаш мумкин.

Хоразмнинг йирик шаҳарлари қаторига милодий II – III асрларда қурилган Тупроққалъа (майдони 17 га), мил.авв. IV – III асрларда бунёд этилган Бозорқалъа (32 га) ва майдони 42 гектардан иборат Қазақлиётган (Оқшахонқалъа) кўхна шаҳри киради. Тупроққалъа Хоразм ҳукмдорларининг сулолавий маркази ҳисобланади.

Кўхна шаҳар тўғри бурчакли бўлиб, хом ғишдан тикланган ва калин мудофаа девор билан ўралган. Деворларда шинаклар ҳамда буржлар мавжуд. Тупроққалъанинг марказий кўчаси шаҳарни иккига бўлиб, унинг шимолий қисмидан жанубга – шаҳар дарвозасига йўналган. Кичик кўчалар гузарларнинг турар жойларини бир–биридан ажратган.

Тупроққалъа шаҳрининг асосий иншооти улкан ички қалъаси бўлиб, у Хоразм ҳукмдорларининг қароргоҳи эди. Саройда турли мақсадларда фойдаланилган юздан зиёд хоналар ва ҳайкаллар билан безатилган “шоҳлар кошонаси” ҳам очилган. Саройнинг бир қисми икки қават эди.

Қадимшунослар ёзишича, шаҳарда тахминан 2,5 минг катта ёшли кишилар яшаган. Уларнинг асосий қисми Хоразм ҳукмдорлари қароргоҳини муҳофаза қилиш ва шоҳларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган. Кўп жиҳатларга кўра, Тупроққалъа Қадимги Шарқ тарихида маълум “ман қилинган” шаҳарга ўхшаб кетади, чунки “шоҳлар шаҳрига” яқинлашиб киришга кўпчилиكنинг имконияти бўлмаган.

Беруний маълумот беришича, шоҳ Африг Кат шаҳри ёнидаги ал–Фир жойида янги қароргоҳ барпо этади. Милодий IV аср бошларида Тупроққалъа саройи ҳувиллаб қолади.

Ўрта асрлар географлари ёзишича, Хоразмнинг қадим пойтахти Даржаш деб аталган, у Кат шаҳридан аввал бунёд этилган. Ҳозирги кунда Даржаш шаҳри ўнг соҳил Хоразм воҳасида жойлашган Оқшахонқалъа билан боғланмоқда. Шаҳар тўртбурчак

шаклида бўлиб, қалин мудофаа деворлари билан ўралган. Деворларнинг ташқи томонида ва бурчакларида буржлар жойлашган, деворларнинг баландлиги тахминан 12–13 метрдан иборат бўлган.

Шаҳар худудининг шимолий қисми яна бир қалъа девори билан ўралган. Оқшахонқалъанинг ўта мустаҳкамланган бу қисми, махсус муҳофаза қилинадиган “муқаддас шаҳар” ҳисобланган, унинг шимолий бурчагида йирик ибодатхона жойлашган. Ибодатхона атрофидаги галерея – йўлак деворлари рангли суратлар билан безатилган. Мил. авв. IV–II асрларда Хоразм воҳасининг турли жойларида ибодатхоналар бино қилинди. Жанубий Хоразмда Элхарас, шимоли–ғарбда Устюрт чинки чегараларида Катта Ойбўйирқалъа марказидаги ибодатхона, Қуйи Амударёнинг сўл ва ўнг соҳил ерларида Қалъалиқир 2, Говур ва Қўйқирилганқалъа шулар жумласига киради. Улар мамлакат миқёсида бош ибодатхоналар вазифасини бажарганлар. Ойбўйирқалъа ибодатхонасидан ташқари улар меъморчилик жиҳатдан доира шаклга эга бўлиб, мудофаа деворлар билан ўралган.

Дарсликнинг олдинги мавзуларидан бизга маълумки, илк темир даврига қадар Хоразм воҳасида кўп асрлар мобайнида уй–жойлар сифатида аҳоли ертўлалар, кулбалардан фойдаланган. Мил.авв. VI–V асрларда улар воҳа бинокорлигида пахса ва хом ғиштдан фойдаланилган. Антик даврда одамлар ўрнашган жойлар пахса деворлар билан ўралган ҳовли, уч–тўрт хонали уйлар ҳамда йирик уй–кўрғонлардан иборат бўлган. Мисол тариқасида, Ангқақалъа уй–кўрғонининг томонлари 75 метрга тенг бўлиб, у қалин мудофаа девор, тўғри бурчакли буржлар ва девор ичидаги ўқ отиш учун мўлжалланган йўлак билан мустаҳкамланган.

Ижтимоий–иқтисодий муносабатлар. Хоразмликларнинг асосий тирикчилик манбаи деҳқончилик ва чорвачилик бўлган. Воҳанинг қулай географик шароитида ривожланган зироатчилик сунъий суғоришга асосланган. Қадимий қишлоқлар ва уй–кўрғонларнинг атрофларидаги боғлар, токзорлар ва дала–суғориш ерлари кенг майдонларга эга бўлган.

Хусусан, мил.авв. IV–II асрларда Хоразмда улкан суғориш тизими барпо этилади. Антик даврдан аввал хоразмликларда бундай тизим яратиш имкониятлари бўлмаган. Амударёдан канал чиқариш усуллари анча такомиллашиб антик даври суғорилиши дастлабки суғорма зироатчилиқдан сезиларли фаркланиб, узунлиги

40–50 км каналлар вужудга келган. Кенг тармоқли суғориш тизимини барпо этиш марказлашган давлат ҳокимияти томонидан ташкиллаштирилган.

Зарур сув миқдори билан йил мобайнида серҳосилликни таъминлаш, канал ўзанлари серсув оқиб туриш учун баҳор мавсумидаги суғориш иншоотларининг тозалаш ишлари жамоаларнинг ҳаётий муҳим вазифага айланган. У қадимги даврдан бошлаб давлат ва жамоатчиликнинг бурчи ҳисобланган.

Хоразмликлар буғдой, арпа ва тарик экиб, боғдорчилик билан ҳам шуғулланганлар. Манзилгоҳлар атрофида экин майдонлари 200–250 гектар ерларни ташкил этиб, токзорлар ҳам кенг далаларни эгаллаган. Антик даврида Хоразм воҳасида Парфия, Марғиёна ва Бактрия сингари вино (шароб) ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилган. Айрим қишлоқ хўжалик омборхоналаридаги катта хумларда кўп миқдорда вино сақланган. Унинг асосий қисми ташқи савдога мўлжалланган.

Шунингдек, алоҳида қалъалар қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш омборхоналар вазифасини бажарган. Бундай жойларда кўпдан–кўп ўралар ва хумлар аниқланган.

Хоразм хунармандчилиги (кулолчилик, тўқимачилик металлга ишлов бериш, тақачилик, яроғ–аслаҳалар ишлаб чиқариш, заргарлик ва бошқ.) ички ва ташқи савдо–сотик эҳтиёжларини қониқтирган. Шаҳарларда маҳсулот айирбошлашнинг хунармандчилиги ва қишлоқ хўжалиги ўртасида, зироатчилар ва чорвадорлар ўртасида ҳамда вилоятлараро маҳсулот айирбошлаш ривожланган. Иқтисодий воҳа – туманлардан олиб келинган товар маҳсулотлари савдо марказларида тўпланиб, улардан карвон йўлларида олиб чиқилган.

Хоразм воҳасида ўтроқ аҳоли ва чорвадор – кўчманчилар ўртасидаги ўзаро савдо муҳим аҳамиятга эга бўлган. Даштлардан зироатчилар воҳаларига чорва, гўшт, тери ва жун маҳсулотлари олиб келинган. Кўчманчилар билан савдо алоқалари таъсирида айрим жойларда, одатда воҳа ва дашт ҳудудлари чегараларида мавсумий бозорлар ташкиллаштирилган.

Хоразм аҳолиси катта патриархал оилалардан иборат бўлиб, ер, чорва ва мулкка биргаликда эгаллик қилган. Бой–бадавлат Хоразм шоҳларнинг хўжалигида кўпдан–кўп чўрилар, қуллар ва хизматкорлар мавжуд эди. Шундай қилиб, ҳукмдорлар хўжалиги кенг тармоқли иқтисодий тизим бўлиб, махсус маъмурий ва

молиявий бошқарувга асосланган. Тупроққалъадаги саройининг хоразам тилида битилган ҳужжатларида аҳолидан олинган солиқ тушумлари рўйхати ифодаланган. Солиқ ғалла, ун, ёғ, чорва, ҳунармандчилик буюмлари, вино билан тўланган.

Хоразмнинг антик даври тарихида ибодатхоналар мавқеи баланд эди. Янги маълумотларга кўра, ибодатхона жамоаси қоҳинлар ва хизматчилардан иборат бўлиб, ўз ер мулклари, чорва подалари ва ҳунармандчилик устахоналарига эгалик қилган. Ёзма манбалардан маълумки, қоҳинлар ўқимишли бўлиб, уларсиз бирон катта масъулиятли иш бошлаш мушкул эди. Қоҳинлар деҳқончилик ишларини бошлаш, ҳосилни йиғиштириб олиш муддатини аниқ билишган. Диний маросимлар жараёнларини қоҳинларсиз тасаввур қилиш қийин, шунингдек, улар давлат бошқарувида фаол иштирок этганлар.

Хоразм аҳолисининг асосий қисмини зироатчилар, ҳунармандлар, бинокорлар, савдогарлар ва турли ишлар билан банд бўлган хизматчилар ташкил этган. Қадимги Хоразмда патриархал уй қулчилиги ривожланган. Тупроққалъада топилган ҳужжатларда (улар фанда “Хонадонлар рўйхати” деб татбиқ қилинган) хонадонда яшовчи оила аъзолари тилга олиниб, уларга тегишли қулларнинг исмлари ҳам келтирилган. Уй эгаси, унинг хотини, онаси, ўғли ва куёвининг шахсий қуллари санаб ўтилган.

Умуман 19 та хонадон рўйхати топилган. Ҳужжатларнинг маълумотларига кўра, баъзи хонадонларда озодлар билан бирга 20 дан зиёд қуллар яшаган. Мазкур ҳужжатларни аҳолининг рўйхатга олиниши жараёни билан боғлаш мумкин, иккинчидан, жанг қилишга қобил эркакларни аниқлаш вазифаси ҳам эҳтимолдан холи эмас.

“Хонадонлар рўйхати” қадимги Хоразмда хонадон қулчилиги кенг ривожланганидан далолат беради. Агар юқорида келтирилган оддий хонадонда мавжуд қулларнинг миқдори ҳисобга олиниб, у ҳолда мамлакат миқёсида, жумладан жамиятнинг ижтимоий таркибидаги юқори поғонасида турган зодагонлар оилаларида ва шоҳлар саройида ҳамда ибодатхоналар хўжалигида қулларнинг умумий сони озод оила аъзоларига нисбатан айрим ҳолатларда бир неча баравар кўп бўлган.

Тасвирий санъат, ёзув ва дин. Хоразм цивилизацияси ўзига хос хусусиятларга эга бадиий маданият обидалари билан ажралиб туради. Мил. авв. V–IV асрлар чегарасига оид Элхарас

ибодатхонаси деворларида ўсимлик ва геометрик рангли нақшлар аниқланган. Шунингдек, ёдгорликда лойдан ишланган ҳайкалларнинг парчалари топилган.

Оқшахонқалъа ибодатхонасининг йўлак деворлари ранг-баранг суратлар билан безатилган, жумладан, алоҳида кишиларнинг портретлари диққатга сазовордир. Уларнинг айримларини бошида тож тасвири тушурилган. Шу боис, мазкур портретлар “Хоразм номаълум ҳукмдорларнинг суратлари” деб аталган.

Тупроққалъа саройида “Шоҳлар зали”, “Жангчилар зали”, “Ғалабалар зали”, “Буғулар зали” деб номланган алоҳида йирик хоналарида лой ҳайкаллар ва деворлардаги кишилар, ҳайвонлар ва қушларнинг рангли суратлари ўрганилган. Тасвирий санъат намуналарида диний ва дунёвий манзаралар ифодаланиб, улар жонли, юксак бадий маданият услубида бажарилган.

Тасвирий санъат обидалари ичида кўп миқдорда учрайдиган антик даврига оид терракота – сопол ҳайкалчалари, одам юзи тасвирини акс этган сопол ниқоблари ва сопол идишлар сиртидаги турли бўртма тасвирлар эътиборга молик. Шунингдек, фақат Хоразм маданиятига оид тик турган аёл ҳайкали сифатида ишланган катта сопол идиш-оссуарий, сопол кутиларга ўхшаш оссуарийларнинг қопқоғида ўтирган ҳолатда тасвирланган аёл ва эркакларнинг ҳайкаллари ҳамда отни ёки туяни миниб ўтирган чавандоз ҳайкали шаклидаги ясалган оссуарийлар бетакрор бадий маданият намуналари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунарманчилик, суғориш тизими ҳамда меъморчиликнинг кенг миқёсда ривожланиши амалий билимлар, янги технологияларни ҳаётга татбиқ қилишни талаб этарди. Шу боис, Хоразмда астрономия, геометрия, математика каби аниқ фанлар асослари тараққий топган. Икки қаватли баланд Қуйқирилган қалъа ибодатхонасидан коинот жисмларнинг ҳаракатлари кузатилган. Бу муҳим астрономия вазифаларига оид кузатув натижалари зироатчилар учун катта аҳамият касб этган. Маълумки, деҳқончилик ишлари, экин экиш, кўчат ўтказиш ва ҳосил йиғиш мавсумлар йил фасллари алмашуви билан узвий боғланган. Хоразмлик коҳин-астрономлари, миср коҳинлари Нил тошқини вақтини билишгани сингари, Амударё сув сатҳининг кўтарилиши вақтини белгилаб беришган.

Самовий ҳодисаларни табиат ҳодисалари билан боғлаш ва қиёслаш натижасида Ўрта Осиёда дастлаб зардуштийлик тақвими вужудга келган. Унинг асосида Суғд ва Хоразм тақвими тузилган. Тақвим йили 365 кун ва 12 та ойдан иборат бўлган.

Мил.авв. V–IV асрларда оромий алифбоси ҳарфлари тизимига асосланган Хоразм ёзув маданияти шаклланади. Қадимги хоразм ёзуви антик даврида кенг ёйилади. Бу ёзув 20 та ҳарфдан иборат бўлиб, сопол сиртига, чармга ва ёғоч тахтачаларига битилган. Хоразм ёзуви орқали муҳим ижтимоий–иқтисодий масалаларни, моддий ва маънавий маданиятга оид тарихий муаммоларни ўрганиш мумкин.

Ҳужжатларда давлат хазинасига солиқ мажбурияти сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни топширган аҳоли вакилларнинг рўйхати, ибодатхоналар хўжалигидан чорва, ун, ҳунармандчилик буюмлари алоҳида шахсларга берилганлиги ҳақидаги маълумотлар, хонадонлар рўйхати ва шахслар исмлари, “Авесто”дан маълум худолар номлари, Амударёнинг ҳомийси, илоҳи “Вахшу” ва бошқа маълумотлар келтирилган. Хоразмда сарой ва ибодатхоналар қошида бошланғич мактаблар мавжуд бўлишини тахмин қилиш мумкин. Бу мактабларда болаларни ёзиш ва ҳисобга ўргатишган. Иккинчи босқичда ўспиринлардан хўжалик ва маъмурий иш юритувчи хаттотлар тайёрланганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Антик даври Хоразм воҳасида зардуштийлик таълимоти кенг ёйилади. Турли маълумотлар шундан далолат беради. Булар ичида зардуштийларнинг дафн маросимлари билан боғлиқ оссуарийлар – суюкдонлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиёда энг қадимги оссуарийлар хусусан Хоразмда топилган. Хоразмликлар ер, сув, ҳаво ва оловга сажда қилиб, мазкур муқаддас унсунларни қадрлаганлар. Воҳада ҳосилдорлик ва оташпарастлик маросимларига оид йирик ибодатхоналар ва оташгоҳлар топилган. Улар шаҳарлар ва алоҳида воҳа–туманлар ҳудудларида жойлашиб, диний маросимларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлганлар.

Хоразм кўҳна шаҳарларида кўпдан–кўп сопол ҳайкалчалар топилган. Улар ичида аёл ҳайкалчалари диққатга молик. Мазкур ҳайкалчалар буюк “Она илоҳа” ёки сув, ҳосилдорлик, маъбудаси Ардвисура – Анахита (хоразм тилида – Нахитак) рамзини ўзида акс этади. Хоразм сопол идишларнинг сиртидаги мифологик–асотирли мавзулар билан боғлиқ бўртма расмлар ўрганилган. Улар қадимий

этикодлар мазмун–моҳиятини очиб беради. шунингдек, Кушон давлати орқали Ҳиндистондан Хоразмга олиб келинган Будда ҳамда фил, маймун сопол ҳайкалчалари ва халцедондан ишланган маржонлар топилган.

10.2. Қанғ давлати.

Антик давр Ўзбекистон худудларида тараққий этган давлатлардан бири – Қанғ давлатидир. Қадимги Хитой манбаларида Қанғ давлати мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар мил.авв. II асрга тўғри келади. Қанғ давлати мил. авв III асрнинг бошларида пайдо бўлади. Юнон–Бақтрия давлати ва қўшни кўчманчи қабилалар билан бўлган курашлар натижасида Қанғ давлати янада мустақамланади ҳамда манбаларда Ўрта Осиёдаги йирик давлатлардан бири сифатида тилга олинади. Давлатнинг номи “қанғ”, “қанғар”, “қанғуй” деб номланувчи қабиланинг номидан олинган бўлиб, этимологияси мунозарали ҳисобланади.

Қанғ давлати асосини ташкил этган қабилалар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида истиқомат қилганлар. Давлат ташкил топган дастлабки даврда унинг худудий асосини Тошкент воҳаси ташкил этган. Ташқи ҳарбий хужумлар туфайли Қанғ давлати нафақат мустақамланиб олади, балки ўз чегараларини ҳам кенгайтириб боради. Яъни, мил.авв. II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг худуди анча кенгайиб Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўз ичига олар эди.

Қанғ давлати ҳақида бизгача етиб келган манбаларда бу давлат ҳокимияти қандай идора қилингани, бошқарув тартиби ва шакллари ҳақида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Катта Хан сулоласи тарихида (мил. авв. 202–мил. 25 йй) Қанғ подшоси ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутганлиги ҳақида маълумот берилади. Бундан хулоса чиқарган тадқиқотчилар ўша даврда ташкил топган Қанғ давлатида кенгаш муҳим рол ўйнаганлигини, давлат кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашганликларини ҳамда уларнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайдилар. Демак, ўша даврларда подшо саройи қошида кенгаш мавжуд бўлиб, подшонинг ички ҳамда ташқи сиёсати ва бошқа барча давлат ишлари ва бошқаруви билан боғлиқ масалалар ана шу кенгаш йиғилишида ҳал қилинган.

Қанғ давлатига қарашли ерлар бир нечта вилоятларга (ёки мулкларга) бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини жобғу ёки ёбғу (қад. Хитой манбаларида – чжаову) деб номланган ҳокимлар бошқарган. Жобғулар мамлакат бошқарувида Қанғ подшоларининг асосий таянчи ҳисобланган. Жобғулар подшоларга яқин кишилардан, уларнинг қариндошларидан, йирик уруғ–қабила бошлиқларидан тайинланган.

Сиёсий тузилма сифатида Қанғ, эҳтимол, мил. авв II асргача шаклланган кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг Қанғ йўлбошчилари кўл остида бирлаштирилган турли–туман иттифоқларидан иборат бўлган. Дастлаб у унча катта бўлмаган қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, жанубда юечжилар ҳокимиятига бўйсунса, шарқда хуннларга қарам эди. Аммо, мил.авв. II–мил. II асрда аста–секинлик билан у қудратли давлатга айланади. Бу даврда Қанғ давлати манбаларда 120 минг деб кўрсатилувчи кучли кўшинга эга бўлган ва кўшни Хитойга нисбатан ғоятда мустақил сиёсат олиб борган.

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қанғ кўшинларидаги отлиқ суворийлар юечжи суворийлари каби юпка шаклидаги бурмали совут, кўкракка тақиладиган қалқон кийишган. Баланд пўлат ёқалар уларнинг бўйнини ҳимоя қилса, дубулғалар бошни омон сақлаган. Қуроллардан қиличлар, найзалар, жанговар болталар, камон ва ўқлар кенг тарқалган эди. Ҳар бир бўлинма аждар шаклидаги ўзининг махсус туғига эга бўлган. Демак, Қанғ давлати кўшинларида қуролланиш ва ҳарбий санъатга алоҳида эътибор берилган.

Катта Хан сулоласи тарихида «қанғлилар мамлакати подшосининг турар жойи Лоюенидаги Битян шаҳрида» деб маълумот берилади. Бошқа тарихий манбаларда Лоюени номи учрамайди. Бинобарин, унинг қаерда жойлашганлиги аниқланмаган. Олимлар Битян шаҳрини Тошкент воҳасида жойлашган деб ҳисоблайдилар. Чунки тарихий манбаларда айтилишича, Яксарт–Сирдарё бўйида қадимги Канха – Канка шаҳри харобалари жойлашган. Узоқ йиллик археологик тадқиқотлар олиб бориш натижасида Канха шаҳри мил.авв. III–II асрларда пайдо бўлганлигини аниқланди. Демак, манбаларда эслатилган Битяннинг ташкил топган вақти Канка шаҳри пайдо бўлган даврга мос келади. Бу номлар битта шаҳарнинг икки хил номланишидир. Ушбу шаҳар Сирдарёнинг ўнг ирмоқларидан бири

Оҳангароннинг куйи оқимида (ҳозирги Тошкент вил. Оққўрғон тумани ҳудудида) жойлашган.

Канка ҳақида дастлабки маълумотлар Авестонинг энг эски қисмлари бўлган Яштларда Турон қабилаларининг турар–жойлари сифатида эслатилади. Сосонийлар даври (224–651 йй.) манбаларида бу шаҳар «Қандеш» ёки «Қандиз» шаклида тилга олинади. Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида ҳам Канка шаҳри бир нечта марта тилга олинади. Ундан ташқари ўрта асрлар географлари асарларида бу кўҳна шаҳар «Кенкрак», «Харашкент», «Тарбанд» номлари билан эслатиб ўтилади.

Юқорида эслатилган Катта Хан сулоласи тарихида «Қанғ подшосининг ёзги қароргоҳи Лоюенидан етти кун йўл юриб бориладиган ерда жойлашган» деган маълумот берилади. Ши–гу солномаларида таъкидланишича «Қанғ ҳокими қишда (совукда), ёзда (иссиқ пайтларда) бир ерда яшамас эди». Бу билан бу фаслларда уларнинг турар–жойлари бошқа –бошқа ерда бўлиши ўқтириб ўтилади. Келтирилган ахборотдан Қанғ давлати ўша даврларда (мил.авв. III–I, мил. I–V асрлар) асосан ярим ўтроқ қабилалар давлати эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Ўтроқ аҳолидан ташқари Қанғ давлатининг чегарасида бир қанча қабилалар мавжуд бўлиб, улар деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Улар баҳор ва ёз ойларида ўз чорвалари билан кўчиб ёзги яйловларда яшаганлар. Қишда эса анъанавий қишлоқ жойларига кўчганлар.

Антик даврда Қанғ подшоларининг ёзги қароргоҳлари анъанавий қишлоқ жойларидан шимолда ўрта асрлардаги Ўтрор шаҳри ўрнида ҳозирги Қозоғистоннинг Арис ва Туркистон шаҳарлари ўртасида жойлашган. Кейинроқ ҳам, яъни, илк ўрта асрлар даврига келиб ярим мустақил Чоч ҳукмдорлари Ўтрорни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Бу шаҳар уларнинг ёзги қароргоҳи ҳисобланган.

Мил.авв. II–I асрларга келиб Қанғ давлати кучайиши натижасида бир қанча вилоятлар унга тобе этилади. Хитой солномаларида қанғлиларга тегишли кўйидаги бешта вилоятлар ҳақида маълумотлар мавжуд: Сусе (Сусйе), Фуму, Юни, Ги, Юегянь. Ушбу вилоятларнинг қайси ҳудудларда жойлашганлиги ҳақида тадқиқотчилар орасида ягона фикр йўқ. Айрим тадқиқотчилар (В. В. Бартольд, М. Е. Массон, С. П. Толстов) Сусени–Кеш (Шахрисабз), Фумуни–Зарафшондаги Кушония,

Юнини–Тошкент, Гини–Бухоро, Юегянни–Урганч ва унинг атрофлари билан айнан бир деб ҳисоблайдилар. Аммо, Қанғга тобе вилоятларнинг бундай жойлаштириш тўла ҳолда илмий асосланмаган бўлиб, мунозарали ҳисобланади.

Қанғ давлатининг этник таркиби хилма–хил бўлиб, унинг анчагина катта ҳудудларида Суғдиёна, Уструшона ва Тошкент воҳасида яшовчи деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо–сотик билан шуғулланиб келган ўтроқ аҳоли билан биргаликда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилалар (саклар, массагетлар, тоҳарлар, аланлар ва бошқалар) истиқомат қилганлар. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаган қанғлилар Қанғ давлати ташкил топишида асосий ўринни эгаллаган бўлиб, Қанғ подшолари асосан қанғлилар бўлган.

Мил.авв. II – мил. II асрларда Қанғ давлати ўз ривожланишининг юқори чўққисига кўтарилади. Қанғ подшоларига бўйсунувчи ярим мустақил вилоятларни бирлаштирган бу давлат ўз вақтида анчагина кучли бўлиб, ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эгадир. Агарда антик даврда Ўрта Осиёнинг жанубида шаклланган Кушон ва Парфия давлатлари Ахамонийлар, Александр, Салавкийлар асос солган давлатлар анъаналарини ўзлаштириб тараққий этган бўлса, Қанғ давлати тараққиётида кўчманчилар давлатчилиги белгилари борлиги билан ажралиб туради.



Кушон тангалари

Бизга қадар етиб келган ёзма манбалар ва бугунга қадар олинган археологик маълумотларга асосланган тадқиқотчилар Қанғ давлати, унинг таркиби, сиёсий, маданий ва иқтисодий тарихини ёритишга, мазкур сиёсий бирлашмада давлатчилик бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши хусусида ўз муносабатларини билдирадилар.

Манбалар Қанғ подшоларининг номлари ҳақида маълумотлар бермайди. Фақат шу нарса маълумки, улар ўз номлари билан биргаликда уруғ номини ҳам қўллаганлар ва «Қанғ хонадони ҳукмдори» деб аталганлар. Қанғда сайланган ҳукмдорнинг ҳокимияти оқсоқоллар кенгашига таянгани ва айна пайтда кенгаш томонидан чеклаб қўйилганини кузатиш мумкин. Қанғ ҳукмдорларининг қандай унвон билан аталганлиги маълум. Аммо, кенгашдаги зодагонлар вакиллари қандай аталганлиги турли баҳсларга сабаб бўлган. Антик даврдаги усунлар, юечжилар ва қанғларнинг ҳукмдорлари ябғу унвони билан аталган.

Қанғ давлати олиб борган ташқи сиёсат қўшни давлатлар билан савдо–сотик алоқаларини ўрнатиш, кескинлашган вазиятнинг олдини олиш ва ўз чегарасида осойишталик ўрнатишга қаратилган эди. Шу билан биргаликда, пайти келганда атрофдаги кучсизланиб қолган қабилаларга, воҳаларга, вилоятлар устига ҳужум қилиб, уларни ўзига қарам қилиш айрим ҳолларда ташқи сиёсатни белгилаб берар эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, қанғлиларнинг энг ашаддий душманларидан бири – усунлар эди. Қанғ давлати ҳокимият бошлиқлари усунларнинг босқинчилик сиёсатини чеклаш мақсадида хунлар билан яқинлашиб, улар билан дўстона муносабатлар ўрнатадилар. Мил. авв II–I ва мил. I асрда усунлар Хитой ҳукмдорлари билан яқин муносабатлар ўрнатиб хунлар ва қанғлиларга қарши кураш олиб борадилар. Ўз навбатида Хитой императорлари кўчманчиларнинг ўзаро курашларидан фойдаланиб, ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Қашғар, Ёркент ва Даван ерларига ҳужумлар уюштирадилар. Қанғлилар хитойликларнинг ҳарбий ва сиёсий мақсадларини тушуниб, уларни ўз чегараларига яқинлаштирамасликка ҳаракат қиладилар. Чунончи, Хитой қўшинлари мил.авв. 104,102,65 йиллар ва милодий I асрда Даван, Ёркент ва Қашғар вилоятларига босқинчилик юришлари уюштирган вақтларда қанғлилар ёрдамга келиб хитойликларнинг босқинчилик юришларини бартараф этишда фаол иштирок этадилар.

Қанғ давлатининг жанубдаги қўшнисини – антик даврдаги улкан ва қудратли салтанатлардан бири Кушон давлати эди. Қанғлилар бу давлат билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилишларига қарамасдан мил. I асрда кушонлар қанғлиларнинг мулклари ҳисобланган айрим вилоятларни ўз чегараларига қўшиб оладилар.

Қанғ давлатининг асосий аҳолиси ўтроқ ва ярим ўтроқ турмуш тарзи кечирганлар ва уларнинг атрофида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаган. Ўтроқ аҳоли асосан водийда, дарё воҳаларида яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва хунармандчилик билан шуғулланганлар. Қанғлилар деҳқончилигида арпа, буғдой, тарик, нўхот, шоли ва бошқа донли маҳсулотлар етиштириш асосий ўринда турган.

Воҳаларда яшовчи ўтроқ аҳоли деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Ёзма манбаларда бу аҳолининг сут–қатиқлари ва зотдор отлари борлиги ҳақида маълумотлар берилади. Чорва молларининг кўпчилик қисми кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли ихтиёрида бўлган. Кўп сонли чорва молларини эса мавсумга қараб, бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб боққанлар. Қанғ подшолари ва уларга яқин бўлган кишилар ниҳоятда бой чорвадорлар бўлганлар. Улар баҳор келиши билан яқинлари, қариндош уруғлари билан биргаликда ёзги қароргоҳда, яъни Ўтрорга бориб ёзни ўтказганлар. Кузда эса қишлоғни ўтказиш учун Қангага қайтиб кетганлар.

Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда Ўтрор, Оқтепа, Қоровултепа, Қовунчи, Чоштепа, Мингўрик харобалари ўрнида қанғарларнинг кўрғонлари ва кўхна шаҳарлари бўлган. Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ халқлар кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан юқори турганлар. Тошкент воҳасида яшовчилар асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар. Улар арпа, буғдой, тарик, нўхот, шоли ва бошқа донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтзор ва узумзорлари кўп бўлган. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғарлар асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

Қорамозор, Қурама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мисгарлик хунарининг ривожланиши учун керакли маъданлар бўлган. Бу жойлардан жуда кўплаб мис, темир, кумуш ва бошқа металллар олинган. Усталар турли металлларни бир–бирига қўшиб, мустаҳкам қуроллар ясашни ҳам ўзлаштирганлар. Шунингдек, кундалик эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқарилиб ички ва ташқи савдо учун турли маҳсулотлар тайёрланган.

Қанғ шаҳарлари қалин ва баланд деворлар билан ўралган. Деворларнинг ташқарисида қалъа атрофи гир айлантирилиб чуқур ва кенг қилиб ҳандақ қазилган. Шаҳарлар ичида мустаҳкам истехком (арк) ва шахристонларнинг ҳам баланд мудофаа

деворлари, бир неча дарвозалари бўлган. Йирик шаҳарлардан ташқари, Тошкент воҳасида юзга яқин аҳоли яшайдиган катта ва кичик қўрғонлар ҳам мавжуд бўлган.

Қанғлиларнинг кўпчилиги шаҳарларда ва катта–кичик қишлоқларда яшаганлар. Шаҳарлар мустаҳкам ҳимоя иншоотлари билан ўраб олиниб, уларда қалъалар ҳам мавжуд бўлган. Кўпчилик шаҳарларнинг аввалдан ўйланган режавий тўзум асосида қурилганлиги Қанғ давлатида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлигидан далолат беради.


Мустаҳкам ҳимоя иншоотлари ва қалъаларга эга бўлган шаҳарларда ҳамда йирик қишлоқ ва қўрғонларда йирик қабила бошлиқлари, уруғ ёки жамоа оқсоқоллари, бой–бадавлат оилалар ва қисман ҳунармандлар яшаганлар. Турар–жойлар асосан пахса ва хом ғиштдан қад кўтарган. Қанғ давлати аҳолисининг кўпчилик қисми тарқоқ ҳолда кичик–кичик қишлоқларда, ертўлаларда, қапа уйларда ва ўтовларда яшаб, ярим ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзи юритганлар.

Шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари – кулолчилик, темирчилик, терига ишлов бериш, заргарлик, тоштарошлик, тўқимачилик каби ўнлаб турлари ривожланган эди. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, йирик шаҳарларда ҳунармандчиликнинг маълум соҳасига ихтисослашган усталарнинг маҳаллалари мавжуд бўлган. Тадқиқотлар натижасида топилган рангдор сопол идишлар, турли матолар қолдиқлари, чарм буюмлар, от–улов анжомлари ҳамда турли зеб–зийнатлар Қанғ давлати маданияти ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради. Шунингдек, Канка ҳаробаларидан, Жўнариқ атрофларидаги тепаликлардан, Қовунчитепа, Чоштепа ва Тошкент воҳасининг кўпгина ҳудудларидан мил.авв. III – милодий V асрга оид археологик топилмалар ҳам Қанғ маданияти ривожининг намунасидир.

Қанғ тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, бу давлат маданиятининг юқори даражаси тасодифий ҳол эмас. Яксарт–Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғлиларнинг Суғдиёна, Фарғона ҳамда дарёнинг қуйи оқимида яшовчи кўплаб халқлар билан ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари Қанғ давлати маданияти тараққиётига асос бўлган эди. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда улар маданиятидаги умумийлик кўзга ташланади. Ундан ташқари Қанғ давлати ҳудудларидан Буюк ипак йўли

тармоқларининг ўтганлиги ҳам давлатнинг иқтисодий ва маданий ривожига, қўшни давлатлар билан сиёсий ва дипломатик алоқаларнинг таракқий этиши учун омил бўлиб хизмат қилган эди.

Қанғ давлатининг идора–тартиб усули



10.3. Даван давлати.

Ўрта Осиёнинг Шарқида, Сирдарёнинг юқори хавзасида жойлашган қадимги Фарғона антик давр тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Фарғона ҳақида юнон–рим муаллифлари маълумотлар бермайдилар. Бу давлат ҳақидаги ёзма маълумотлар асосан Хитой манбаларида – Чжан Цян маълумотларида, Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар», Бан Гуннинг «Биринчи хан сулоласи тарихи» асарларида берилади. Бу манбаларда ушбу давлат «Даюан» ёки «Да–ван» номи остида эслатилади. Фарғона сўзи Суғд манбаларида «Фрагоник» шаклида ёзилиб «тоғлар орасидаги водий, атрофи берк сойлик» маъносини беради. Хитой манбаларидаги Дайюан ҳам «тоғлар орасидаги водий» маъносини беради.

Даван давлати тарихи бўйича узоқ йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб борилиб, сўнгги йилларда ўзбек олимларидан А.Асқаров, А.Хўжаев, Б.Матбобоев, А.Анорбоев, С.Қудратов, Б.Абулғозиева, Б.Абдуллаев, Абдуҳолиқ Абдурасул ўғли кабилар археологик маълумотларни ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш асосида самарали ишлар олиб бораётган бўлишларига қарамай, бу

йўналишда ҳали кўпгина масалалар ўз ечимини топмаган. Даван давлати шаҳарларининг аниқ жойлашуви, давлат тизими ва бошқаруви, давлатнинг чегаралари, кўшни давлатлар билан муносабатлар, маҳаллий маданиятнинг кўшни маданиятлар билан муносабатлари масалалари шулар жумласидандир.

Қадимги Фарғона аҳолиси бронза давридаёқ булоқ сувлари бирлашувидан пайдо бўлган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида ўзига хос суғорма деҳқончилик маданиятини яратадилар. Илк темир ва антик даврга келиб Фарғонада маҳаллий маданиятлар анъаналари асосида тараққий этаётган қадимги деҳқончилик маданиятлари бутун водийни қамраб олади ва аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзи жамият иқтисодий асосини ташкил этади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. III асрдан бошлаб бутун Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти кенг ёйилади. Айнан мана шу даврда Фарғона водийси орқали ўтган Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб Ахсикент, Марҳамат, Кубо, Марғилон, Боб (Поп) каби кўхна шаҳарлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам мил.авв. II асрга оид Хитой манбалари Фарғонада 70 та катта–кичик шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради.

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида Даваннинг иккита пойтахти – Эрши ва Ючен бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Бу шаҳарларнинг жойлашуви масаласида олимлар орасида ягона фикр йўк. Улар Ўзган, Мингтепа (Марҳамат), Қўқон, Косон, Ахсикент, Ўратепа ёки Жиззах ўрнида жойлаштирилади.

Энг қадимги ёзма манбалар Ўрта Осиёдаги айрим илк давлат уюшмалари ҳақида маълумотлар берсада, Фарғона ҳақида бундай маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан Ю.А.Заднепровский Қадимги Фарғона (Даван) подшолигининг мавжуд бўлганлигини тахмин қилади. А. Асқаровнинг фикрича, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан олдинги даврдаги Фарғона ҳақида сўз юритилганда одатда фақат «чифдом» (воҳа) шаклидаги қадимги давлат асосларининг пайдо бўлиши англашилади. Олимнинг фикрича, мана шу ҳолатни ҳисобга олиб Фарғонада давлатчилик, афтидан, мил. авв V–IV асрларда пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Б.Матбобоевнинг айтишича, А. Асқаровнинг бу хулосаси иккита тарихий далилга асосланган. Биринчиси, айнан мана шу даврга оид археологик топилмалар (Шўрабашот маданияти) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги (маҳсулот ишлаб чиқариш ва савдо сотиқнинг ўсиши) ҳақидаги тахминларни илгари суриш

имконини беради. Иккинчиси, мил.авв. II асрдаёқ Фарғонада кўп сонли шаҳарлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мил. авв II асрдан бошлаб Қашғардан Даванга шимолий йўлдан карвон йўли ҳаракати бошланади. Бу йўлдан ипак ва бошқа маҳсулотларнинг халқаро транзит савдоси амалга оша бошлайди. Бу пайтга келиб Даван аҳолиси кўпая бошлайди ва кўплаб мустаҳкамланган аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади. Савдо йўлида Даван муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ясса ва Қорадарё воҳаларида кўпгина қалъалар савдо йўлини кўриқлаш мақсадида барпо этилади.

Мил.авв. 125 йилда Даванга келган Хитой элчиси Чжан Цян бу ерда қишлоқ ва шаҳарлари обод, суғорма деҳқончилик ва хунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, кучли ҳарбий кучларга эга давлатни кўради. Чжан Цян Даваннинг қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор. Даваннинг барча жойларида узум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта миқдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда ҳам бузилмай сақланади». Шунингдек бу элчи, бу давлат аҳолиси жуда хушмуомала, меҳмондўст, кўнгли очик одамлар эканлиги ҳақида маълумот беради.

Хитой манбалари қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланганлигини исботлайди. Хитойликларни айникса, ўзлари учун нотаниш бўлган беда ва узум ҳайратга солган. Манбаларда яна шундай маълумот бор: «Хитой элчиси уруғ келтирди, шунда осмон фарзанди(Хитой императори) унумдор ерга беда ва узум экди». Даванликларнинг боғларида узумдан ташқари анор, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар кўп бўлган. Хитой тарихчилари бу меваларнинг Хитойда пайдо бўлишини Даван билан боғлайдилар.

Хитой манбалари, шунингдек, қадимги Фарғона чорвачилигининг ўзига хос томони бўлган йилқичиликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Даван давлати антик даврда машҳур зотдор отлари билан шуҳрат қозонган эди. Манбалардан маълум бўлишича, уларни етиштириш билан ўтроқ аҳоли шуғулланган. «Даванда яхши отлар бўлиб, улар Эрши шаҳридадир, отларни яширадилар ва Хан элчисига беришга рози бўлмайдилар». Даваннинг машҳур «самовий отлари»

тасвирлари туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Хусусан, Ўшдан 8 км узоқликдаги Айримчатовнинг қоя адирларида 30 та чиройли зотдор отларнинг тасвирлари бор. Худди шунга ўхшаш тасвирлар Марҳамат яқинидаги Аравон қоясидан, Навқат воҳаси ва Обиширсойдан ҳам топилган. Бу тасвирлар Даван ўзининг самовий отлари билан қадимдан машҳур бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, фарғоналикларнинг юксак санъат соҳиблари бўлганликларидан ҳам далолат беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қўшни давлатлар, хусусан, Хитой императорлари Даван отларини ниҳоятда қадрлаганлар.

Даван давлати маълум бир сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб, давлатни бошқарувчи ҳукмдор манбаларда «Ван» (подшо) унвони билан иш юритгани эслатилади. Манбаларда «Ван» унвонига эга бўлган Моцай, Чань Финь, Муғуа, Яньлю каби ҳукмдорларнинг номлари сақланиб қолган. Ягона ҳукмдор бўлган подшо, яъни, «Ван» давлат аҳамиятига молик бўлган ишларни оқсоқоллар кенгашига суянган ҳолда олиб борган. Манбаларнинг маълумот беришича, подшога яқин кишилар (одатда унинг қариндошлари) орасидан ёрдамчилар – бита катта ёрдамчи (Фу ван) ва битта кичик ёрдамчи (Фу-го-ван), тайинланган. Давлат ҳукмдори ёки подшо мамлакатнинг сиёсий ва диний ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бу жараёнда оқсоқоллар кенгашининг ҳам аҳамияти кам бўлмаган. Оқсоқоллар уруш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этишда иштирок этганлар, баъзан улар ҳукмдорнинг тақдирини ҳам ҳал қилганлар. Мисол учун, манбаларда қайд этилишича, урушда мағлубиятга учраганлиги учун ҳукмдор Ван Моцай оқсоқоллар кенгашидаги умумий овоз беришда айбдор деб топилган ва қатл қилинган.

Даван давлати ҳудудлари шаҳарлар ва воҳаларга бўлинган ҳолда идора этилган бўлиши мумкин. Чунки манбаларнинг маълумот беришича, Ючен шаҳрининг ҳокими Хитой қўшинига озиқ-овқат етказиб беришдан бош тортган. Тадқиқотчи Н. Горбунова ҳар бир шаҳарнинг, эҳтимол, воҳанинг ўз ҳокими бўлганлиги ҳақидаги тахминни илгари суради. Олиманинг фикрича, айнан мана шу ҳокимлар оқсоқоллар кенгаши таркибига кирган ва унда ҳал қилувчи мавқега эга бўлган. А. Асқаровнинг фикрича, оқсоқоллар кенгаши олдида подшо-ҳукмдорнинг ҳуқуқлари чекланган эди. Айниқса, уруш ва тинчлик, дипломатик

масалаларда ҳал этувчи куч ва ҳуқуқ оқсоқоллар кенгаши қўлида эди.

Сўнгги йилларда Даван давлати тарихи бўйича самарали иш олиб бораётган Б.Х.Матбобоевнинг ёзишича, ички тартибни сақлаш ва мамлакатни ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун Даван давлатида асосан пиёда аскарлар ва отлик суворийлардан иборат бўлган 60 минг кишилик қўшин мавжуд эди. Манбаларнинг маълумот беришича, даванликлар «отда кетаётиб ўқ отишда моҳир бўлганлар». Жангчиларнинг қуроллари ўқ–ёй ва найзадан иборат бўлган. Даван қўшинлари очик жангга киришга ҳам, узоқ муддатли мудофаа урушлари олиб боришга ҳам қодир бўлган.

Даваннинг «самовий отлари» ва давлатнинг серунум ерлари учун мил. авв II асрнинг охирларида Хитой ва Даван ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтади. Чжан Цян ва Сима Цянларнинг берган маълумотларига кўра, Хитой императорлари Даванга икки марта юриш қиладилар. Биринчи юриш мил.авв. 104 йилда уюштирилиб, хитойликлар Даваннинг маркази Эршига етиб кела олмай Лобнорда қаттиқ қаршиликка учрайдилар. Ундан ташқари Ўзгандда катта талофат кўрган Хитой қўшинлари, қанглилардан ёрдам келаётганини эшитгач император қўшинлари даванликлардан 3 мингта «самовий тулпор» ни олиб Хитойга қайтишга мажбур бўладилар. Шундай қилиб Даван давлати хитойликлардан ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

Ўзининг бутун тарихи давомида Даван давлати йирик императорлар ва кучли давлатлар таъсири остига тушмасдан ўз сиёсий эркинлигини сақлаб қолган. Археологик топилмалар ҳам қадимги Даваннинг ўзига хос ривожланиш йўлига эга бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, Фарғона водийси мил.авв. VI–IV асрларда Эрон Ахамонийлари ва Александр Македонский босқинларидан четга қолган. Александр фақат Хўжанд шаҳригача келганлиги тахмин қилинади. Салавкийларнинг ҳам Фарғона водийсига кириб борганлари ҳақида маълумотлар йўқ.

Милоднинг I–II асрларига келиб қадимги Фарғона аҳолисининг ўтроқ деҳқончилик маданияти юқори даражага кўтарилади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида бу даврга оид кўп сонли аҳоли манзилгоҳлари, қалъалар, кўрғонлар, кўхна шаҳарлар харобалари аниқланган. Аҳоли манзилгоҳларини водийнинг турли ҳудудларида кенг

ёйилиш суғорма деҳқончилик ва ирригация ишларининг юқори даражада ривожланиши натижаси эди. Давлатнинг сиёсий ва маданий ривожланишида ҳунармандчиликнинг маркази бўлган қадимги шаҳарлар айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврга оид археологик топилмалар деҳқончиликдан ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Бу жараён ўз навбатида ҳунармандчилик ва тоғ–кон саноатининг (турли маъданлар қазиб олиш) янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Хитой манбаларида Даванда қўрғошин, олтин, темир рудалари қазиб олинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Қўрғошин Ҳайдаркондан, темир, кумуш ва зумрад эса Фарғонанинг жанубидан, шимолидан ва шимоли–ғарбидан қазиб олинган. Ушбу худудлардан кўплаб аниқланган қадимги конлар қолдиқлари ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва қадимги йўлларнинг мавжудлиги туфайли Фарғона водийсида Шарқий Туркистон билан олиб борилган ташқи савдо билан бир қаторда, атрофдаги тоғ водийларда яшовчи чорвадор – кўчманчи аҳоли билан ҳам ўзаро алмашинув ривожланади. Антик давр Фарғона ёдгорликларининг айримларида Хитой тангалари (у–ши) учраса ҳам маҳаллий тангалар учрамайди. Бу ҳол натурал хўжалик (маҳсулот айирбошлаш) устунлик қилганлигидан далолат беради.

Даван давлати мил.авв. III – милодий III асрларда мавжуд бўлган бўлиб, бошқарув тизимига кўра подшолик ҳисобланган. Аҳолининг кўпчилиги шаҳарларда истиқомат қилган. Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ҳам ушбу давлатнинг гуллаб–яшнаган даврига тўғри келади. Хитойдан Ўрта ер денгизигача чўзилган бу йўлдаги қитъалараро савдода шарқий Суғдиёна чегараларидан то Тан давридаги Хитой империясигача бўлган йўлнинг хавсизлигини таъминлашда, озиқ–овқат, йўл кўрсатувчилар ва таржимонлар етказиб беришда Даван давлати асосий рол ўйнаган.

Демак, подшолик бошқарув тизими ва оқсоқоллар кенгашига асосланган Даван давлати – ўз даврида қадимги ўзбек халқи давлатчилиги тараққиёти анъаналарини давом эттирган давлат бўлиб, давлатчилигимиз тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги олиб борилажак тадқиқотлар Даван давлати тарихи муаммолари билан боғлиқ кўпгина масалаларга аниқлик киритиши шубҳасиздир.

10.4. Юечжи–Кушон ва Кушон давлати.

Тарихий манбалар Юнон–Бақтрия давлати кўчманчи қабилалар томонидан тор–мор этилганлиги ҳақида маълумот беради. Страбон маълумотларига кўра, Бақтрияни ассиёлар, пассианлар, тохарлар, саклар қабилалари босиб оладилар. Помпей Трог хабар беришича, – “Бақтрия ва Суғдиёнинг скиф қабилалари сараукалар ва ассианлар босиб оладилар”. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар иккала тарихчи битта қabila ҳақида маълумот берган.

Қадимги Хитой манбалари Бақтрияни юечжи қабилалари босиб олганлиги ҳақида маълумот беради. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагида (тадқиқотчилар бу санани мил.авв. 172–161 йиллар оралиғида деб белгилайдилар) юечжилар хунлардан мағлубиятга учраганидан сўнг Ўрта Осиёнинг шимолий худудларида кўчиб юрадилар. Бу қабилалар Хитой манбаларида “Да–юечжи” – “Буюк” ёки “Катта юечжи” деб эслатилади. Чжан Цзян маълумотларига кўра, юечжилар хун қабилаларидан мағлубиятга учрагач Ўрта Осиёнинг жанубига томон ҳаракат қилиб, Дахя (Бақтрия)ни босиб оладилар ва Гуйшуй (Амударё)нинг шимолий томонида жойлашадилар. Катта Хан уйи тарихида ҳам юечжилар Гуйшуй дарёсининг шимолий томонида ўз пойтахтларига асос солганликлари таъкидланади.

Юечжилар мил.авв. 140–130 йиллар оралиғида Бақтрияга бостириб кирганлар. Орадан кўп ўтмай Бақтрияда Катта юечжи давлати ташкил топади. Кичик Хан уйи тарихи маълумотларига кўра, Катта юечжи ҳукмдорлари қўл остида бешта ҳокимлик (Хи–хэу) бор бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думилардан иборат эди. Хитой манбаларидан хулоса чиқарган кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия тарихидаги бутун юечжи даврини уч босқичга бўладилар:

1. Мил.авв. 139–125 йиллар – Катта юечжи Дахя вилоятини босиб олади, аммо уларнинг асосий мулклари Амударёдан шимол томонда эди.

2. Мил.авв. 25 йилга қадар – Катта юечжи давлатининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши. Давлатнинг пойтахти Амударёдан шимол томонда бўлиб, жанубий чегараси Гибин атрофларида (Кашмир ёки Қандаҳор) эди. Юечжилар бўйсундирган

худудлар Хисе, Шаунми, Гуйшуан, Хюми, Думи мулкларидан иборат бўлиб, улар хи–хоу (ябғу) томонидан бирлаштирилган.

3. Мил.авв. 25 йилдан кейин Катта юечжи давлатининг инқирози ва юқорида эслатилган мулкларнинг мустақил бўлиши. Кушон (Гуйшуан) ябғуси Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) қолган тўртта мулкни бирлаштириб Кушон давлатига асос солди.

Таъкидлаш лозимки, маданий ва ижтимоий–иқтисодий тарихга нисбатан Кушон давлатининг сиёсий тарихи кам ўрганилган масала ҳисобланади. Кушонларнинг ҳокимият тепасига келиш санаси, ушбу давлат тарихини даврлаштириш айрим кушон ёзувлари, тангашунослик маълумотлари, қисман Хитой манбалари, буддавий маълумотлар ва илк ўрта асрлар манбаларига асосланади. Тадқиқотчилар Кушон давлати тарихини қуйидаги учта босқичга ажратадилар:

1. Юнон–Бактрия подшолари ҳукмронлигининг тугатилиши ҳамда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон худудларида бир нечта алоҳида давлат уюшмаларининг ташкил топиши (мил.авв. II асрнинг охири – I аср).

2. Буюк Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва гуллаб яшнаши (милодий I–III асрлар).

3. Кўчманчиларнинг тинимсиз урушлари натижасида Кушон давлатининг инқирози ва кулаши (III аср охири – IV аср).

Кушон давлатининг пайдо бўлиши ҳақида кўпроқ Хитой манбалари ва тангашунослик маълумотлари хабар беради. Умуман, Кушонлар салтанатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ вақт тадқиқотчилар орасида баҳсларга сабаб бўлган бўлсада, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу масалага жуда кўплаб аниқликлар киритиш имконини берган тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, 1961 йил Лондонда ўтказилган халқаро симпозиум, 1968 йил Душанбеда ЮНЕСКОнинг конференцияси, 1970 йил Қобулдаги халқаро анжуман Кушон давлати масалаларига бағишланган бўлиб, ундан кейин ҳам бу масала бўйича кўплаб халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Мил.авв. I асрнинг охири – мил. I асрнинг бошларига келиб, Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю барча мулкларни бирлаштириб Қобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Натижада бу даврга келиб дастлабки пойтахти Сурхон воҳасидаги Далварзин кўҳна шаҳри ҳаробалари бўлган Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан

рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги “Гуйшуан ҳоқими Киоцзюкю”, илк Кушон даврига оид топилма тангалар акс эттирилган “Кушон подшоси Кужула Кадфиз”га айнан мос тушади.

Тангашунослик маълумотларига таянган тадқиқотчиларнинг фикрича, Кужула Кадфиз ёки Кадфиз I 80 йилдан зиёдроқ умр кўриб 50–60 йил давлатни бошқариб, тахминан милодий 35 йилда вафот этади. Ўзининг ҳукмронлиги даврида Кадфиз I Бақтриядаги унча катта бўлмаган юечжи мулклари ҳукмдоридан Бақтриядан ташқари Ғарбий ва Жанубий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни ўз таркибига олган қудратли давлатнинг подшоси даражасига кўтарилади. Аммо, манбаларнинг гувоҳлик беришича Кадфиз I даврида Кушон давлати тўла шаклланиб бўлмаган эди. Ҳар ҳолда, бу даврда Кушонлар ўз тангаларига эга бўлмай, Кадфиз I Рим императорларига (Август ва Тиберийга) тақлид қилиб танга зарб эттирган.

Манбаларнинг далолат беришича, Кужуладан кейин тахтга унинг ўғли Вима (Гима) Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. Хитой муаллифлари Кадфиз II тахтга ўтирганидан сўнг “Тянчжу (Марказий Ҳиндистон)ни забт этди ва у ерга ўз саркардаларидан бирини бошқариш учун қолдирди. Шу даврдан бошлаб юечжи кучли ва бой давлатга айланди”, деб хабар берадилар. Бу хабарни тангашунослик маълумотлари ҳам таъкидлайди. Кадфиз II зарб эттирган тангаларнинг ўнг қирғоқ Бақтриядан, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий туманларидан топилиши бу ҳудудларнинг Кушон давлати таркибига кирганлигидан далолат беради. Тангашуносларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, Кадфиз II зарб эттирган “Шоҳлар шоҳи – буюк халоскор” деган ёзув бор тангалар Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Бундай тангалар Ашхобод, Хоразм, Тошкент воҳаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Панжикент ҳудудларидан ҳам топилган. Кадфиз II нинг Рим салтанати билан алоқалар ўрнатганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳукмронлиги даврида Кушонлар салтанати гуллаб-яшнашининг юқори чўққисига кўтарилади. Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатта кўшиб олинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, давлатнинг пойтахти Далварзиндан

Пешовар (Афғонистон) атрофларига кўчирилади. Бу даврда (мил. II аср) мамлакатнинг худуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шарқий Туркменистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, “Канишка подшолик қилган даврда унинг шон шухрати кўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз гаровга қўйган одамларини юборар эдилар”.



Канишка I тасвири туширилган тангалар.

Кушонлар сулоласи ёзма манбалар асосида ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Кушонлар даврида чиқарилган илк тангаларнинг бир томонида Юнон–Бактриянинг сўнгги подшоси Гермей тасвири, иккинчи томонида эса “кушонлар ябғуси Кужула Кадфиз” деган сўзлар бор. Демак, дастлаб Кушон ҳокимлари ўз номларини “подшо”, “шоҳ” тушунчалари билан боғламаганлар. Аммо, Кушон давлати худудининг кенгайиши ва сиёсий–ҳарбий аҳамиятининг ортиб бориши билан бирга танга пулларда “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи” атамаси кўплаб учрайди. Бундай ўзгаришлар Хитой муаллифи берган маълумотларни яъни, давлатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик мамлакатлар томонидан тан олинганлигини исботлайди.



Кушонлар даври ёдгорликлари

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлат бошқаруви анъаналарини сақлаб қолди ва давом эттирди. Маълум вилоятлар ва шаҳарлар давлат тепасида турувчи олий ҳукмдор ноиблари томонидан бошқарилар эди. Бундай ноиблар подшо томонидан тайинланиб, унинг энг яқин ва ишончли вакиллари ҳисобланган. Улар олий ҳукмдорга, яъни, подшога сўзсиз итоат этиб, доимий равишда давлат хазинасига ўлпонлар тулаб турганлар. Кушонлар даврида маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ тартиби ҳақида маълумотлар бизгача сақланмаган бўлса-да, бундай тартиб мавжуд бўлганлиги аниқ.

Кушон подшолиги рухонийлар кўлидаги давлат бўлиб бу давлатда подшо ҳокимиятни бошқариш билан бирга бош қоҳин ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг ноиблари подшо томонидан тайинланган. Кушон подшолиги марказлашган давлат ҳисобланиб, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган.

Сўнгги йилларда олиб борилган кўплаб археологик тадқиқотлар Кушон даври Ўрта Осиё халқларининг моддий маданиятини ўрганиш бўйича бой материаллар бериб, кенг имкониятлар яратди. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг охири–милоднинг дастлабки асрлари Ўрта Осиёда хўжалик ва маданий ҳаёт даражасининг кўтарилган даври бўлди. Жанубий Туркменистон ва Хоразм, Бухоро ва Самарқанд, Сурхон воҳаси, Вахш, Қашқадарё ва Фарғона водийсидан топилган шу даврга оид археологик топилмалар

суғорма деҳқончиликнинг анчагина ривожланганлигидан далолат беради.

Деҳқончиликнинг ривожини туфайли кенг ҳудудлар ўтроқ аҳоли томонидан жадаллик билан ўзлаштирилади. Мисол учун, Э.В.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, фақатгина Шимолий Бактрияда (Сурхон воҳаси) 120 дан зиёд кушон даврига оид аҳоли шаҳар ва қишлоқлари аниқланган. Бу даврда деҳқончилик нафақат текисликларда балки тоғли ҳудудларга ёйилади. Зарафшон ва Қашқадарёнинг юқори оқимидаги тоғли ҳудудлардан деҳқончилик манзилгоҳлари топиб ўрганилган. Бу даврда шунингдек, Хоразмда, Зарафшонда, Сурхон воҳасида илгариги даврдагига нисбатан анчагина мураккаблашган суғориш иншоатлари барпо этилади. Деҳқончилик қуролларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Самарқанд яқинидаги Талибарзу ёдкорлигидан II–III асрларга оид ер ҳайдайдиган омоннинг темир учи топилган.

Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарлари ҳам юқори даражада ривож топади. Кушон даври кўпгина вилоятлар ва воҳаларда ўтган даврларга нисбатан йирик шаҳар марказлари, кичик шаҳарчалар ва шаҳар типидagi манзилгоҳлар сонининг анча кўпайганлиги кузатилади. Кушон даври шаҳарлари вилоятлар, айрим воҳалар ва туманларнинг маъмурий–сиёсий марказлари ҳисобланиб, уларнинг сақланиб қолган харобаларида қалъалар алоҳида ажалиб туради. Бундай қалъалар Самарқанддаги Афросиёбда, Марвдаги Говурқалъада, Қарши воҳасидаги Ерқурғонда, Эски Термизда, Далварзинтепа ва бошқаларда яққол кўзга ташланади.



Кушонлар давлати

Шунингдек, Кушон даври шаҳарлари диний–мафкуравий марказлар вазифасини ҳам бажариб, уларда йирик–йирик топиниш

жойлари ва диний маросимлар ўтказиладиган иншоотлар жойлашган. Хоразмдаги Тупроққалъа, Балхдаги будда мажмуаси, Термиздаги будда ибодатхоналари, Қувадаги будда саройи шулар жумласидандир.

Кушон даври шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо–сотиқнинг ҳам маркази эди. Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларидан жуда кўп сонли ҳунармандчилик буюмлари, сополчилик хумдонлари, метални қайта ишлашнинг излари, заргарлик буюмлари, ҳарбий ва хўжалик қурол–яроғлари топиб ўрганилган.

Кушон давлатида ташқи ва ички савдо ҳам тараққий этади. Кушонлар буюк ипак йўлининг шарқий қисми назоратини ўз қўлларига олган эдилар. Четдан келтирилган ипак, мўйна, бронза кўзгулар, муҳрлар, шиша идишлар, ҳайкалчалар ташқи савдо тараққиётидан далолат берса, кўплаб ҳунармандчилик буюмлари ҳамда кумуш ва бронза тетрадрахмлар (тангалар) ички савдо ривожланганлигини исботлайди.



Кушонлар даври кулолчилигидан намуналар

Ўз гуллаб–яшнаган даврида Кушон давлати кўплаб халқлар ва элатлар яшаб турган ҳудудларни эгаллаган эди. Ушбу халқлар ва элатлар турли тилларда гаплашганлар, ёзувнинг турли тартибидан фойдаланганлар ҳамда турли диний эътиқодларда бўлганлар. Моддий маданият буюмларида ҳам айрим фарқлар кузатилади. Шунга қарамасдан Кушонлар даври маданиятига кўпгина умумийлик сезилади. Аммо, бутун Кушон давлатида ягона маданият ҳукм сурганлиги ҳақида фикр айтиб бўлмайди. Бу улкан давлатнинг ҳар бир вилояти қайсидир томонлари билан ўзига хос бўлган маданиятга эга бўлган.

Авваламбор, Шимолий Бактрия (Сурхон воҳаси) ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу вилоят Кушон давлатининг энг йирик вилоятларидан бири бўлиб, маданияти юксак даражада ривожланган эди. Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёда буддизмнинг ёйилиши милоднинг биринчи асридан бошлаб айнан Бактрия–Тохаристон ҳудудларидан бошланган. Ҳозирги кунда бу ҳудудлардан ўндан зиёд будда ибодатхоналари, юздан ортиқ будда ҳайкаллари аниқланиб ўрганилган. Улардан энг машҳурлари Термиз яқинидаги Қоратепа ибодатхоналари, Зартепа ва Айритом топилмалари, Далварзинтепа ибодатхоналари ҳисобланади. Шимолий Бактриянинг ўзига хос маданияти меъморчилик санаътида (бинолар устунлари ва пештоқларининг безатилиши), шаҳарсозлик маданиятида, кулолчилик ва заргарлик буюмларида ҳам ўз аксини топади.


Кушонлар даврида Суғд кичик мулкларга бўлинган эди. Маданий жиҳатдан бу вилоятни уч қисмга – Самарқанд Суғди (Зарафшоннинг юқори ва ўрта оқими), Бухоро Суғди (Зарафшоннинг қуйи оқими) ва Қашқадарё Суғди (Қашқадарё воҳаси)га ажратилади. Бу ҳудудлардаги диний иншоотлар Сангзор дарёси воҳасидан, Киндикли тепа ва Ерқўрғондан, Сеталк I (Бухоро)дан, Самарқанд яқинидаги Кўрғонтепадан топиб тадқиқ этилган. Суғд Кушон давлати таркибига кирмаган.

Канишка даврида Ҳиндистондан тарқалган будда дини давлат динига айланди. Оромий ва юнон ёзувлари асосида кушон ёзуви мавжуд бўлган. Шунингдек, бу даврда Суғдча ва хоразмийча ёзувлар ҳам бор эди. Ушбу ёзувлар ёдгорликларида ўша даврдаги ижтимоий–сиёсий ва маданий ҳаётни акс эттирувчи айрим маълумотлар сақланиб қолган. Шунингдек, Кушонлар даврида Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётининг қурувчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик каби соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришилган. Хоразм, Суғдиёна, Бактрия, Фарғона, Чоч, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистондан очилган кўплаб маданий ёдгорликлар юқоридаги ҳудудлардаги маданий ҳаёт ўзининг юқори чўққисига чиққанлигидан далолат беради.

Кушонлар даврида бинокорлик ва меъморчилик ҳам шаклан ҳам мазмунан ривож топганлиги кузатилади. Чунки, бу даврдаги маъмурий, диний, ишлаб чиқариш, турар–жой, мудофаа иншоотлари, Шарқ меъморчилиги билан айрим ўхшашликлар топсада, ўзига хос томонлари устунлик қилади. Меъморчиликнинг

ўзига ҳос намуналари Далварзин, Холчаён, Эски Термиз, Кампиртепа, Фаёзтепа, Қоратепа кабилардан ўрганилган бўлиб, улар жаҳон миқёсида машҳур бўлган обидалардир.

Кушон давлатининг инқирозга учраши Юнон–Бақтрия ва Рим салтанати тарихий тақдирига анча ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг барчаси кулаш арафасида тинимсиз юришлар олиб боришга мажбур бўлганлар. Ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш учун ички ва ташқи сабабларга кўра, заифлашган йирик давлатларда етарли ҳарбий имконият топилмади. Милодий IV асрга келиб Кушон подшолиги ўзининг асосий худудларидан маҳрум бўлди. Бу подшоликнинг айрим мулклари Шимолий Ҳиндистонда сақланиб қолди.



Фаёзтепа

Кушон даври Шимолий Бақтрия шаҳарлари. Мил. авв. I–милодий III асрлар Шимолий Бақтрия шаҳарларининг гуллаб–яшнаган даври бўлди. Айнан мана шу даврда типологик жиҳатдан турлича бўлган, турли вазифаларни бажарган шаҳарлар пайдо бўлади. Бақтриядаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, айниқса, бу худудларнинг Кушон давлати таркибига кириши бу жараёнга имконият яратган эди. Бақтриянинг кўпгина шаҳарлари муҳим карвон йўллари бўйларида, дарёдан ўтиш жойларида, савдо йўллари чорраҳаларида пайдо бўлади. Таъкидлаш жоизки, уларнинг шаклланиши турли йўллар билан бўлиб ўтган.

В.М.Массоннинг фикрича, Шимолий Бактриянинг кушон даври шаҳарлари икки хил йўл билан пайдо бўлган. Уларнинг айримлари аҳолининг аста–секин кўпайиши натижасида ўз–ўзидан пайдо бўлган бўлса, айримлари эса доимий режа асосида марказий ҳокимиятнинг марказга интилиш сиёсати натижасида пайдо бўлган.

Кушон даври Шимолий Бактрия шаҳарларининг шаклланиш жараёни, уларнинг тарҳи ва тузилиши кўп ҳолларда унинг асосига, илгари аҳоли яшаган манзилгоҳга боғлиқ бўлган. Бу ҳолатни археологик маълумотлар асосида ўрганган. Э.В.Ртвеладзе ўз асослари билан фарқланувчи шаҳарларнинг қуйидаги учта гуруҳини ажратади:

1. Аҳамонийлар даврига бориб тақаладиган, қадимги асосга эга бўлган кўп қатламли шаҳарлар (Жондавлаттепа, Қалаимир, Ҳайитободтепа ва балки Термиз);

2. Юнон–Бактрия ёки Салавкийлар даврига бориб тақаладиган шаҳарлар (Далварзинтепа, Кайқубодшоҳ, Саксонохур, Термиз, Шаҳринав(?), Холчаён);

3. Юечжи ёки Кушон даврида пайдо бўлган шаҳарлар (кичкина шаҳарларнинг асосий қисми ва Будрач, Зартепа, Ғаров–қалъа (Яван), Калламинор (Денов ёнида), Шохтепа ва бошқ.).

Кушон даври шаҳарларининг келиб чиқиши ва шаклланиш жараёнини Далварзинтепа нисбатан яхши акс эттиради. Унинг дастлабки асоси мил. авв. III асрда кўҳна шаҳарнинг жануби–шарқий қисмида, икки томондан қадимги ирмоқ ўтиб турган балан тепаликда пайдо бўлади. Бу ирмоқлардан хандақ сифатида фойдаланилган. Кейинроқ, юнон–бактрия даврида бу бўлак 2 метрдан ошиқ қалинликдаги пахса девор билан ўраб олинади ва майдони 3 гектардан зиёд қалъага айланади. Унинг шимолида эса тарқоқ режага эга мустаҳкамланмаган қишлоқ пайдо бўлади.

Афтидан, мил. авв. I асрнинг иккинчи ярми ёки милодий I аср бошларида дастлабки марказ ўрнида қалинлиги 7 метрли девор ва хандақ билан ўраб олинган мустаҳкам қалъа шаклланади. Мустаҳкамланмаган манзилгоҳ шаҳарга айланади. Бу шаҳар аниқ тўғри бурчакли режаси ва шу режа асосидаги деворлари билан ажралиб туради. Унинг ичида жадаллик билан қурилишлар олиб борилади. Шу даврдан бошлаб Далварзинтепа тарихида янги давр – шаҳар даври бошланади. Далварзиннинг кейинги ривожланиши Кушон даврига тўғри келади. Яъни, ҳашаматли турар–жой иншоотлари, ибодатхоналар, ишлаб чиқариш маҳаллари барпо

этилиб, деворлар мустаҳкамланади. Шунингдек, бир томонида диний ва дафн маросимларига оид иншоотлар, иккинчи томонига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мулклар марказлашган каттагина шаҳар олди қисми шаклланади. Далварзинтепа умумий ҳудудининг 34 фоизини мудофаа иншоотлари, 41 фоизини асосий истиқомат қисми, 7 фоизини майдонлар ва кўчалар, 18 фоизини бошқа бинолар эгаллаган деб тахмин қилинади. Бу ердан ибодатхоналар, шаҳар аҳолисининг уйлари, ишлаб чиқариш устахоналари, шаҳар майдонлари ва ҳовўзлар, сув тармоқлари тизими, кўча тармоқлари қазиб очилган ва ўрганилган.

Қиёсий таҳлил учун солиштириб кўрадиган бўлсак, С.П.Толстовнинг ёзишича, Ўрта Осиё шаҳарлари ўсиб чиқадиган бошланғич асос бир томондан – *refugium* (лотинча, мустаҳкамланмаган, хавф туғилган пайтида аҳоли панагоҳи) ва иккинчи томондан – бозор ҳисобланади. Е.Е.Неразикнинг таъкидлашича, қалъа атрофида шаҳарларнинг шаклланиши Хоразм учун ривожланишнинг энг тарқалган усулларида бири эди. Парфия ва Марғиёнанинг ҳам кўпгина шаҳарлари асосини мустаҳкам қисм – қалъа ташкил этган.

Жанубий Суғдиёнанинг антик даврга оид қатор кўҳна шаҳарлари – Қалъаи Заҳоки Марон, Шуллиуктепа, Кўҳна Фазли, Киндиклитепа қабиларнинг ҳам дастлабки асосини мустаҳкамланган қалъа ва миноралар ташкил этган.

Демак, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Шимолий Бактрияда ҳам шаҳарларнинг шаклланиши асосан қалъадан бошланган. Шунинг учун ҳам, кушон даври барча шаҳарларда илгариги мустаҳкамланган манзилгоҳ асоси бўлган қалъалар мавжудлиги тасодифий ҳол эмас, деб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат қурилиш услубларидаги маҳаллий анъаналар антик даврда ҳам давом этганлигидан далолат беради.

Антик даврда Шимолий Бактрияда тарҳий тузилиши аниқ тўғри бурчакли ва тўрт қисмли (қалъа, шаҳарнинг ўзи, шаҳар олди ва атроф) шаҳар ва шаҳарчалар кўп тарқалган. Ташқи режавий тузилиши нотекис бўлган шаҳарлар кам учрайди. Тўғри бурчакли шаҳарлар негизини ягона шаҳарсозлик анъаналари ҳамда қайсидир маънода, кушон даври ижтимоий ва маданий меъёрлари ташкил этган бўлса, нотўғри режа асосидаги шаҳарлар мустаҳкам қалъалар ёнида, ўз–ўзидан, аҳоли ўсиши натижасида пайдо бўлиб, уларнинг соҳиблари мавжуд чегараларга мослашганлар.

Кўплаб кушон қалъалари олдинги давр билан генетик боғлиқ бўлган. Улар мустақамланган кўрғон–марказ ўрнида шаклланиб улардан ташқи кўринишини ҳам мерос қилиб олган (Далварзинтепа, Термиз, Кампиртепа). Уларнинг айримлари (Будрачдаги Оқмозортепа, Зартепа, Хайрободтепа) аввал бошдаёқ қалъа сифатида шаклланган бўлиши ҳам мумкин. Бу қалъалар бир–бирларидан ўлчамлари ва шаҳар қурилиши тартибида жойлашуви билан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қалъаларнинг аҳамияти шаҳарларнинг вазифалари ва ўлчамлари билан белгиланиб, бир қатор омиллар, хусусан, табиий шароитлар ҳам ҳисобга олинган. Кўпчилик қалъалар шаҳарнинг бир бурчагига жойлашиб, тўлиқ шаҳар қурилиши тизимига кирган. Айрим ҳолларда қалъа кўҳна шаҳарнинг бир бурчагида жойлашиб шаҳар деворлари чегарасидан чиқиб турган (Далварзин, Арпапойтепа). Баъзи қалъалар кўҳна шаҳарнинг марказида (Ялангтўштепа, Ғаровқалъа, Дилбаржин), айримлари эса шаҳарнинг асосий қисмидан алоҳида ёки дарё бўйида жойлашган (Термиз, Кампиртепа).

Кўҳна шаҳарларнинг қалъалари ўлчамлари ва режавий тузилиши жиҳатдан ҳам бир–биридан фарқланган. Мисол учун тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз), тўрт бурчакли (Зартепа, Оқмозоттепа, Хайрободтепа), кўпбурчакли (Далварзинтепа). Шаҳарларнинг маъмурий–ҳудудий жойлашувига қараб улардаги кўрғонлар турли вазифаларни бажарганлар. Таъкидлаш жоизки, кўпгина қалъалар ҳарбий–мудофаа хусусиятига эга бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа кўҳна шаҳарлари қалъалари билан қиёсий таҳлил қилсак, улар кушон даврида бошқачароқ тузилишига эга бўлган. Мисол учун, Тупроққалъанинг сўнгги антик давр қалъасида сарой, оташкада ва ҳарбийлар билан боғлиқ бир неча иншоотлар бўлган. Қадимий Марвнинг қалъаси Эркқалъада эса, шоҳ саройи, хизматчилар хоналари ва маъмурий иншоотлар жойлашган. Г.А.Пугаченкованинг тахминларига кўра, Ўрта Осиё антик давр шаҳарларининг қалъалари маъмурий бинолар марказлашган жой бўлиб бу ерда ҳукмдор ҳузуридаги хизматкорлар, омборхоналар, гарнизон иншоотлари жойлашган. Хуллас, Ўрта Осиёнинг антик давр катта кўпчилик кўҳна шаҳарларида қалъа асосий аҳамиятга эга бўлган бўлсада, Хоразмнинг бу давр айрим шаҳарлари қалъасиз бўлган. Аммо, антик давр Бактриясининг қалъалари кўҳна шаҳарларнинг,

кўрғонларнинг ва ҳатто қишлоқ манзилгоҳларининг ажралмас қисми эди.

Антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари ҳаётида шаҳристонлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Антик давр шаҳристонларининг илдизлари бронза даври манзилгоҳларининг мустаҳкамланмаган қисми ва аҳамоний–бақтрия даврининг илк шаҳарлари асосий турар–жойларини деворлар билан ўраб олинган даврга бориб тақалади. Илдизлари жиҳатдан улар бир–бирлари билан чамбарчас боғлиқлиги аниқ. Аммо, бажарган вазифаси нуқтаи назаридан улар турлича бўлган. Хусусан, дастлабки давр шаҳарлари шаҳристони фақат турар–жой қисми ва эҳтимол ибодатхонадан иборат бўлган бўлса, кейинчалик, яъни, Кушон даврига келиб турар–жойлар, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, мафкуравий ва савдо–сотик бир ерга тўпланган жойга айланади.

Шаҳристонларнинг шакли тўғри бўрчакли, айрим ҳолларда тўртбурчак ёки кўпбурчаклидир. Кушон даврида пайдо бўлган ёки қайта қурилган шаҳарларнинг шаҳристонлари қатъий геометрик режа асосда қурилган. Чунки, улар жойлардаги табиий шароит ҳисобга олинган ҳолда олдиндан режалаштириб бунёд этилган. Уларнинг қалъаларга нисбатан жойлашувида ҳам турли: географик, ҳарбий ва иқтисодий омиллар ҳисобга олинган. Кушон даврида шаҳристонлар асосан қалъадан шимол ва шимоли–шарқ томонда, айрим ҳолларда жануби–шарқ томонда жойлашиб, чуқур ва кенг хандақлар ва минорали мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган.

Далварзинтепа шаҳристонини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, кўҳна шаҳар маркази кенг кўча билан икки асосий қисмга бўлинган. Бу кўча шаҳар дарвозасидан бошланиб, унчалик катта бўлмаган майдонга чиққан. Майдон эса бой ва ҳашаматли бинолар билан қуршалган. Марказий кўчадан икки томонга кўча ва тор кўчалар ўтган. Аммо, уларнинг тузилишида мунтазамлик йўқ. Далварзинтепа маҳаллалари табақачилик асосида бунёд этилган бўлиши мумкин. Аммо, улар нечта уйлардан иборат бўлганлиги номаълум.

Хуллас, кўҳна шаҳарлар шаҳристонларининг маҳаллаларга бўлиниши антик даврда ҳам давом этади. Кўҳна шаҳарлар кўп ҳолларда аниқ режа асосида, бир неча қисмдан иборат бунёд этилган бўлиб, ҳар бир қисмнинг муайян вазифаси бор эди. Ушбу қисмлар шаҳарлар ҳудудларида жойлашиб, улар жойлашувида

табий–географик ва ҳарбий–сиёсий вазиятлар ҳамда шарт–шароитлар ҳисобга олинган.

Антик давр Шимолий Бактрия шаҳарлари маъмурий, ҳарбий–сиёсий ва мафкуравий марказ бўлибгина қолмасдан савдо–сотик ва ҳунармандчилик марказлашган ҳудуд ҳам ҳисобланган. Чжан Цзяннинг мил. авв. II асрнинг ўрталарига оид маълумотларига кўра, Даҳя (Бактрия) аҳолиси савдо–сотикда ниҳоятда моҳир, мамлакатнинг пойтахтида эса ҳар хил маҳсулотларга бой бўлган бозор мавжуд эди.

Ўрта ер денгизи мамлакатларини Узоқ Шарқ билан боғловчи Буюк ипак йўлининг ушбу ҳудудлардан ўтиши халқаро савдонинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган эди. Птоломей тасвирлаган бу йўлнинг бир тармоғи Бақтрадан шимолга, Амударё орқали Тармиладан ўтиб шимоли–шарққа қайрилган ва Сурхон воҳаси бўйлаб бориб Қоратоғ орқали комадлар ўлкаси бўйлаб Қоратегин томонга кетган. Бу йўлнинг бошқа бир тармоғи Тармиладан сўнг Шерободдарё водийсидан ўтган ва Темир дарвоза орқали Суғдга олиб чиққан. Бу йўл Ўрта Осиё ва Шимолий Бактриянинг марказий ва шимолий вилоятларини Ҳиндистон билан боғлаб турган. Шимолий Бактрияни Парфия ва Хоразм билан боғловчи дарё йўлидан ҳам фойдаланилган. Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра, Чуй Шуй (Амударё) бўйида савдогарлар ва сотувчилар яшаганлар. Улар ўз молларини курукликдаги йўлда ҳам сув йўлида ҳам қўшни давлатларга сотганлар.

Шимолий Бактриянинг айрим ҳудудларини бирлаштириб турган ва ички савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири Амударё воҳаси бўйлаб ўтиб Шимолий Бактриянинг шарқий ва ғарбий ҳудудларини боғлаган. Амударё бўйларида жойлашган айрим манзилгоҳлар (Кампиртепа, Хотинрабод, Айвож) савдо марказлари ва балки, ўзига хос божхона маскани вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Вилоятдаги халқаро савдо алоқаларининг йўналишлари ва тараққиёти ҳақида баъзи археологик топилмалар гувоҳлик беради. Булар Ҳиндистондан келтирилган – тароқ, шахмат доналари, фол очадиган суяк, тилла буюмларнинг бўлаклари, фил суягидан ясалган нарсалар (Далварзинтепа); Римдан – шиша (Холчаён), мрамор бош (Илонттепа), маскарон (маҳсус қиёфани ўзгартирувчи буюм, меъморчиликда ишлатилган, Шахригулгул), Нерон тангаси (сестерций, Хайрободтепа); Мисрдан – тақинчоқлар ва туморлар,

улар Шимолий Бақтриянинг қабристонларидан топилган (Бойсун, Бандихон, Кампиртепа, Тўпхона), папирус (Кампиртепа); Хитойдан – ипак матолар парчалари (Кампиртепа, Холчаён), ойналар (Айритом, Бараттепа, Жанубий Тожикистон қабристонлари); Парфиядан – тангалар; Хоразмдан – айлана нақш солиб ишланган идиш (Кампиртепа) кабилардир.

Хунармандчилик ишлаб чиқариши савдо–сотиқнинг, хусусан ички савдонинг жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Антик даврда Шимолий Бақтриянинг кўҳна шаҳарларида кулолчиликка ихтисослашган маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзида бир нечта хумдонлар ишлаб турган. Улардаги идишларни пишириш хоналарида бир пиширишда юздан ортиқ идишлар сиғдирилган. Кулолчилик хумдонларининг қишлоқларда бўлмаганлиги ёки камлиги шундан далолат берадики, кулоллар ўз маҳсулотлари билан нафақат шаҳар, балки, қишлоқ аҳолисининг ҳам талаб–эҳтиёжларини қондирган. Кўҳна шаҳарларда темирни қайта ишлайдиган хунармандчилик устахоналари ҳам бўлган. Улар темирдан ҳар хил буюмлар тайёрлаганлар. Термиздан темирчилар маҳалласи аниқланган. Темир ва мисни қайта ишлаш хунармандчилигининг қолдиқлари Шўртепадан ҳам аниқланган.

Шимолий Бақтрия шаҳарларида қурилиш ишлари ва меъморчиликнинг юқори даражаси бу ҳудудларда ўз касбининг устаси бўлган қурувчилар ва меъморлар бўлганлигидан далолат беради. Қурилишда хом ғишт ва пахса билан бир қаторда Кушон даврида пишиқ ғишт ҳам ишлатилган. Ғишт пиширадиган хумдонлар Далварзинтепада аниқланган. Айрим ғиштлардан шахсий муҳрлар излари қайд этилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ғишт пиширувчи устахоналар буюртма бўйича ишлаган.

Шимолий Бақтриянинг шаҳар ва қишлоқларида тўқимачилик хунармандчилиги ҳам кенг тарқалган. Қазималар пайтида жуда кўплаб урчуқ учлари топилганки, улар гилам, шолча ва мато тайёрлашда ишлатилган. Тўқимачиликнинг кенг ривожланиши шундан далолат берадики, ихтисосликнинг бу тури фақат майда, уй хунармандчилиги бўлиб қолмасдан, кўҳна шаҳарларда йирик тўқимачилик устахоналари бўлиб улар халқаро ва ички бозор учун маҳсулот чиқарганлар. Тўқимачи усталар бўлганлигини Далварзинтепа ва Кампиртепадан топилган шахсий муҳрлар яна

бир марта исботлайди. Кўхна шаҳар ва қишлоқларда хунармандчиликнинг бошқа кўринишлари – заргарлик, тошга ишлов бериш, тегирмончилик (ун тортиш) ишлари ҳам ривожланган. Кўпгина шаҳарлардан танга пулларнинг топилиши пул зарб этиш яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Хуллас, антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилган эди. Ёзма манбаларда Бақтрия ҳақида «минг шаҳарлар ўлкаси», деб эслатиб ўтилиши ҳамда кўп сонли археологик маълумотлар ушбу фикримизнинг далилидир. Антик даврда бу ҳудудлардаги шаҳарлар тараққиёти учун кўпгина имкониятлар (ижтимоий–иқтисодий, ҳарбий–сиёсий, географик ва бошқ.) мавжуд эди. Шаҳарлар кўп ҳолларда илгаридан белгилаб қўйилган қатъий режа асосда қурилиб бир неча қисмдан иборат бўлган. Ҳар бир қисмнинг муайян бажарадиган вазифаси мавжуд эди. Шаҳарларнинг ўзи эса ижтимоий–иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланиб, сиёсий ҳаётда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Тараққиёт қонуниятларига кўра, аввалги даврларда бўлгани каби, антик давр шаҳарлари давлатчилик тараққиётининг асосий омили бўлиб қолаверди.

Бадий маданият, ёзув, тасвирий санъат ва дин. Шимолий Бақтрия. Жамиятнинг маданий тараққиётида, эътиқодларда, маданий алоқалар ривожда бадий маданият, хусусан, санъатнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари минглаб йиллар давомида юксак даражадаги амалий ва бадий санъат намуналарини яратиб, бадий маданиятни босқичма–босқич ривожлантириб борганлар. Бу жараён антик даврда ҳам давом этди.

Авваламбор Шимолий Бақтрия ҳақида сўз юритадиган бўлсак, антик даврда бу ҳудудларнинг бадий маданияти бой ва ранг–баранг эди. Ўтган асрнинг 30–йилларидан бошлаб олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Шимолий Бақтриядан антик даврга оид кўплаб бадий маданият намуналари топиб ўрганилган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, бу даврда аҳолининг маънавий ҳаётида ҳайкалтарошлик, маҳобатли иншоотлар, мусиқа, театрлаштирилган манзаралар, тасвирий санъат катта аҳамият касб этган. Бу ҳудудлардаги Айритом, Холчаён, Далварзин, Фаёзтепа, Кампиртепа, Термиз, Қоратепа, Оққўрғон, Бароттепа каби ёдгорликдан кўплаб топилган бадий санъат топилмалари фикримиз далилидир.



Чанг чалаётган аёллар тасвири

Даставвал муסיқа санъати ҳақида гапирадиган бўлсак, муסיқачилар сиймолари Айртом, Далварзин, Холчаён кабилардан топилган. Мисол учун Айртом накшли хошия (фриз)ларида арфа, гитара кўринишидаги уд, кўш барабан, найсимон муסיқа асбоби (флейта) тасвирлари билан бирга муסיқачи аёллар ҳайкалчаларини ҳам учратиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Айртом хошиясида гўзал муסיқачи аёллар тасвирланган бўлса, ҳайкалчалар муסיқа билан одамлар қалбини ҳаяжонга солувчи тимсолдир. Холчаён саройи хошиясидаги муסיқачи аёллар тасвири эса Бактрия зодагонларининг базмини ифода этади.



Муסיқачи аёллар тасвири

Тасвирларда асосан аёл муסיқачилар бўлиб, улар кўп ҳолларда уд чалиб турган ҳолатда ифодаланган. Антик давр муסיқа санъатида уд кенг тарқалган бўлиб, шарқ муסיқашунос тадқиқотчиларининг фикрича ушбу муסיқа асбоби даставвал Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа ҳудудларга тарқалган.

Антик даврдаги эллинишув натижасида Бактрияда корокластик санъати пайдо бўлади. Тадқиқотлар натижасида Бактрия усталарининг маҳаллий эътиқодлар билан боғлиқ кўплаб ҳайкалчалари топилган. Шимолий Бактриядаги антик давр деярли барча ёдгорликларидан топилган ҳаёкалчалар асосан худолар, аёллар ва қисман ҳайвонлар тасвирларини ифодалайди.

Юечжи–кушон ва Буюк кушонлар даврига келиб Шимолий Бактрия бадий маданиятининг турли жабҳаларида юксалиш жараёнлари кузатилади. Бу юксалиш археологик тадқиқотлар натижасида юзага чиққан деворий манзаралар, саройлар ва ибодатхоналарни беэаб турган ҳайкаллар, айрим бой хонадонлардаги тасвирлар орқали ўз исботини топади. Манзаралар асосан минерал буёқларга ўсимлик мойини аралаштириш орқали калин сувоқ устига туширилган.

Манзаралар ва тасвирлар мавзулари хилма–хил. Масалан, Холчаён саройидаги деворларда нақшли манзаралардан ташқари (узум меваси ва барглари, гуллар) эллин кўринишидаги иккита эркак боши ҳамда сочлари ўзига хос тарзда қиртишланган монголоид ирқига ўхшаб кетувчи боланинг боши қисми тасвирланган. Далварзиндаги Бактрия илоҳаси саройида эса кўлларида бола кўтариб илоҳага талпинаётган аёл ва эркак қоҳинлар, ёнида эркак киши турган от, уларга қараб турган аёллар тасвирлари ифодаланган.

Далварзинтепадан кўплаб аёл ҳайкалчаларининг бошлари топилган. Бундай ҳайкалчалар Эски Термиз, Оққўрғон, Зартепа ва Холчаёнда ҳам кўплаб учрайди. Уларнинг юз кўринишларини қиёсий таҳлил этган Г.А.Пугаченкова улардаги иккита – “бактрия” ҳамда “сак–юечжи” этник гуруҳларини ажратади. Бундай ҳайкалчалар орасида эркаклар ва болаларга нисбатан аёллар тасвирлари кўпчиликни ташкил этади.

Россомлик санъати буддавийлик иншоотларининг асосий беэагий таркиби ҳисобланган. Бу ўринда Далварзиндаги Будда ўзига хос бўлса, Қоратепадаги ғорлардан бирида ўтирган ҳолатдаги Будданинг йирик тасвири аниқланган. Фаёзтепа ибодатхонадаги тасвирлар ҳам маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларини ифодалайди.

Антик давр Шимолий Бактриянинг классик санъатида ҳайкалтарошлик юқори ўринда туради. Илк кушонлар давридан бошлаб деярли барча ёдгорликларда ҳайкалтарошлик

намуналарини учратиш мумкин. Ҳайкалтарошликнинг асосий хом ашёси қайишқоқ (пластичная) лой ҳисобланиб, тайёрлаш техникаси яхши ишлаб чиқилган. Ҳайкаллар асосан қўлда тайёрланган бўлса-да, айрим ҳолларда қуйма қолиплардан ҳам фойдаланилган.

Бу даврдаги ҳайкалтарошлик манзаралари ёки алоҳида ҳайкаллар мавзуси хилма-хил бўлиб, тадқиқотчилар томонидан қуйидаги гуруҳларга ажратилади: ҳукмдор хонадонини улуғловчи сулолавий мавзу; будда дини ва маҳаллий эътиқодларни тарғиб этувчи диний-мифологик мавзу; урф-одатлар ва байрамлар билан боғланидиган театрлаштирилган ёки топиниш ҳаракатлари мавзуси.

Холчаён саройининг ҳайкаллари айвон ва бош зални безаб турган бўлиб, уларда тасвирланган сиймолар асосан Кушон хонадони вакиллари ифодалади. Аммо, ҳайкаллар орасида қалин соқолли бактриялик ва парфиялик задогонлар сиймолари ҳам учрайди. Холчаён ҳайкалтарошлик санъати антик давр аслзодаларининг ёши, эътиқоди, кийим-кечаклари, безаклари ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайшида муҳим аҳамият касб этади.

1960 йилдаёқ ташкил этилиб, ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган Ўзбекистон Санъатшунослик институти экспедициясининг узоқ йиллик археологик тадқиқотлари туфайли Шимолий Бактриядаги антик давр ёдгорликлари – Далварзин, Холчаён, Айртом, Фаёзтепа, Қоратепа. Кампиртепа, Оққўрғон каби кўплаб ёдгорликларидан турли-туман мавзуларда, турли катталиқдаги ҳайкаллар намуналари топилган. Улар илмий жиҳатдан тадқиқ этилиб, натижалари фанга жорий этилган. Ушбу натижалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, антик давр шаҳар маданияти, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг тараққий этиши бадиий маданият, жумладан, ҳайкалтарошликнинг ривожига ҳам катта таъсир ўтказди. Турли эътиқодлар ҳамда маданиятларнинг аралашуви ҳамда уйғунлашуви туфайли ҳайкалтарошлиқда маҳаллий усталарнинг ўз санъатини антик дунёда намоиш этган мактаби шаклланди.

Бу ўринда дунёга машҳур бўлган Далварзин хазинаси ҳақида тўхталишни лозим топдик. Турли маданиятлар аралашуви (синтези)ни ўзида акс эттирувчи бу тилла буюмлар хазинаси 1972 йилда Далварзинтепадаги бактриялик зодагон хонадони қазишмаларидан топилган. Милодий I асрга оид ушбу тилла буюмлар хазинасида дид билан ишланган узуклар, билагузуклар, сирғалар, бўйин тақинчоқлари, тилла ёмби (қуймалар)лар бор.

Ушбу заргарлик санъати намуналари кушон давридаги учта: эллин, хинд ва бактрия маданиятлари ўзаро уйунлашувини ифодалайди.

Дин. Антик давр Шимолий Бактриянинг диний ҳаёти анча мураккаб эди. Илгариги даврларда маҳаллий аҳоли зардуштийлик динига эътиқод қилган бўлиб, бу эътиқодлар қисман антик даврда ҳам сақланиб қолди. Хусусан, тадқиқотларга кўра, улкан давлат ҳукмдорларининг диний қарашларини ифода этувчи кушон тангаларида ҳосилдорлик худоси Митра, ой худоси Мах, шамол худоси Вадо, олов худоси Атшо кабилар тасвирланган. Шунингдек, Шимолий Бактриядан топилган мис тангаларда тўкин–сочинлик ва фаровонлик илоҳаси Ардохшо ҳамда сув худоси Вахшу (унинг номи Вахш дарёси номида сақланган бўлиши мумкин) сиймолари тасвирланганлиги кузатилган.

Македониялик Александр юришларидан сўнг Шимолий Бактрияда эллинистик олам худолари оммалаша бошлайди. Мил. авв. III асрнинг ўрталаридан бошлаб, яъни, Юнон–Бактрия давлати даврида маҳалли диний анъаналарда Шарқ эллинизмнинг кучли таъсири кузатилади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, юнон–бактрия ибодатхоналарида юнон худолари Гермес ва Гераклга бағишланган битиклар, Зевс ва Посейдоннинг ҳайкаллари топилган. Юнон–бактрия ҳукмдорлари тангаларида Гемос, Ника, Геракл каби худоларнинг, илоҳий эгизакларнинг тасвирлари учрайди.

Эллин худоларининг кўпчилиги юечжилар кириб келгач ва кушон даврларида ўзининг илгариги ахамиятини йўқотса–да, тангаларда ва ҳайкалтарошликда уларнинг айримлари маҳаллий худолар билан, масалан, Эллин Гелиос маҳаллий Михр билан, Ника Ванинда билан, Геракл Охшо билан қўшилиб кетади. Э.Ртвеладзенинг фикрича, сак–юечжи кабилалари билан Бактрияга уруғчилик эътиқодлари кириб келиб маҳаллий асосларга эга бўлган сулолавий эътиқодлар билан аралашиб кетади. Бу ҳолат шоҳона қиёфадаги отлик тасвирланган Герай ва Сотер Мегас тангаларида, шунингдек, отлик бутчалар терракота ҳайкалчаларда ўз аксини топади.

Кўплаб диний эътиқодларга сиғинган халқларни бирлаштирган Кушон давлатининг ҳукмдорлари Канишка ва Хувишка тангалар зарб этганларида кўп сонли диний эътиқодларга нисбатан ўзларининг диний бағрикенгликларини ифода этганлар. Уларнинг тангаларида кўплаб зардуштий ва маҳаллий худолар

(Атеш, Охшо, Михр, Мах, Нана, Ардохшо)нинг тасвирлари ҳамда айрим ҳинд худоларининг сиймолари туширилган.

Ўқувчилар эътибор беришлари лозимки, Кушон давлатининг худудларининг Ҳинд воҳасигача кенгайиши натижасида давлат худудларига Будда дини кириб келади. Кушон подшолари Вима Кадфиз ва Васудева I тангаларида фақат буддавийларнинг жангари худоси Шива тасвирлари учрайди. Шунга қарамасдан, буддавийлик Шимолий Бактрияда нафақат оддий аҳоли ва зодагонлар, балки Кушон ҳукмдорлари орасида ҳам кўплаб тарафдорларини топдики, бу худудлардаги кўп сонли буддавийлик ибодатхоналари ва саройлари фикримиз далилидир.

Бошқа Ўрта Осиё вилоятларида бўлгани каби антик давр Бактрияда аҳоли орасида ҳам (асосан аёллар орасида) Буюк илоҳага топиниш кенг оммалашган. Бу илоҳанинг жуда кўп сонли терракота ҳайкалчаларининг Шимолий Бактриядаги деярли барча ёдгорликлардан топилиши шундан далолат беради. Буюк илоҳанинг қандай номланганлигини аниқ айтиш қийин. Айрим олимларнинг уни Авестодаги Анахита билан қиёслашлари илмий жиҳатдан ўз тасдиғини топмаган.

Ёзув. Антик давр Шимолий Бактрия ёзувлари турли-туман бўлиб, улар қисқа сатрларда сопол идишларда, тангаларда ва қадимги иншоотлар деворларида битилган. Мил. авв. I асрда Герай ва кейинроқ Қадфиз II тангаларида бактрия-юнон ёзуви намуналарининг кўп учраши бу ёзувнинг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Шимолий Бактриядаги Айртом казишмалари вақтида бактрия-юнон ёзувидаги битиклар топилган бўлиб унда, Хувишка даврида маҳаллий диний иншоотдаги таъмирлаш ишлари ҳақида хабар берилади. Бу худудлардаги Зартепа, Фаёзтепа, Кампиртепа, Қоратепа каби ёдгорликлардаги сопол идишлардаги курсив ёзувлар қисқа матнларда ифодаланadi. Мисол учун Қоратепадaги идишлардан бирида “Буддашир (Совғаси), дхарма сиғинувчиси” ёзуви битилган. Бу ибодатхонага совға келтирган кишининг номи ҳам бўлиши мумкин. Қоратепада ҳинд тилидаги кхарошти ва брахма ёзувлари ҳам учрайди.

Шунингдек, Қоратепадан топилган бир идишда насихат – ёзув куйидагича ўқилган: “Кимда ким одамлар ўртасидаги фарқни ажратиб, уни йўқотса, у йўлнинг энг олдида бўлади”.

Ҳинд алифбосидаги кхарошти ёзуви Далварзинтепа хазинасидаги олтин ёмбилардан бирида учрайди. Унда ёмбининг

аниқ оғирлиги ва уни хазинадан берган хазинабонинг номи (Мира – бакрияча ном) битилган. Бу ёзув милодий I аср билан саналанган.

Шимолий Бактриядаги юнон алифбосига асосланган бактрия ёзувлари асосан Сурхондарё вилояти ҳудудларидан топилган. Бу ёзувларнинг бир қисми лўнда ва қисқа услубда, ҳарфлар ёзилиши ажратилган, айлана ва бурчаксимон белгилар шакллари кўшилиб кетган ҳолатда битилган. Ёзувларнинг асосий қисми босма (курсив) ҳарфларда, айлана шаклдаги ҳарфларнинг кўплиги билан ажратилиб туради.

Сурхондарё вилоятидаги Қоратепа, Кампиртепа, Мирзакўлтепа, Фаёзтепадан топилган бактрия ёзувлари милодий I аср охири – II асрнинг биринчи ярмига оид бўлса, Қоратепа граффитлари, Эски Термиз ва Далварзиндаги курсив ёзувлар III – IV асрларга оиддир. Э.Ртвеладзе Шимолий Бактриядаги бактрия ёзувларини қуйидаги еттита гуруҳга ажратади:

1. Қора бўёқ билан битилган сопол идишлар парчаларидаги ёзувлар (Қоратепа, Фаёзтепа, Эски Термиз, Зартепа).

2. Аввал бутун бўлиб, кейин синиб қолган идишлардаги ёзувлар (Эски Термиз, Кампиртепа).

3. Сопол идишлар пиширилгунга қадар тирнаб битилган ёзувлар (Далварзинтепа, Душанбе, Мирзакўлтепа, Тепаи Шох, Ялангтўштепа).

4. Граффит ёзувлар (Қоратепа ва Қоракамар).

5. Ҳайкалларнинг тагкурсисада (блокида) қисқа ва лўнда услубда битилган ёзувлар (Айртот).

6. Папирусга битилган қўлёзма матнлар парчалари (Кампиртепа).

7. Кушон ва кушон–сосоний тангаларидаги ривоятлар.

Бугунги кунга қадар Шимолий Бактриядан топилган ёзув намуналари бактрия, юнон, хинд (пракрит ва санскрит), ўрта форс ҳама сак–юечжи гуруҳи тилларида битилган. Тадқиқотларга кўра уларнинг тарқалиши кўлами ва даври бир хил бўлмаган. Уларнинг айримларидан фақат шаҳарларда фойдаланилган бўлса, айримларидан шаҳар ва қишлоқларда фойдаланишган. Бу ҳудудларда бактрия тили маҳаллий аҳолининг тили ҳисобланган бўлса, қолганлари маълум тарихий–маданий сабаблар – миграция, ҳарбий ҳаракатлар, динларнинг тарқалиши ва маданий алоқалар туфайли кириб келган. Бу жиҳатдан кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги турли муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Сўғдиёна. Бадий маданият. Антик давр Сўғдиёнада бадий маданият ва санъат қўшни Бактрияга нисбатан пастроқ даражада ҳамда айрим ҳолларда унинг таъсири остида ривожланди. Шунга қарамасдан узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар Сўғдиёнанинг бу давр бадий маданияти ҳақидаги тасаввурларимизни анча бойитади.

Авваламбор санъат ҳақида гапирадиган бўлсак, бу даврда Суғдда нисбатан кенг тарқалган санъат тури қоропластика эди. Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби, Суғдда ҳам терракота ҳайкалчалари тайёрлаш мил. авв. IV–III асрларда қайтидан риволана бошлайди. Айрим тадқиқотларда санъатнинг бу тури ривожланишининг қуйидаги иккита – сўнгги ахамонийлар ва эллистик давлатлар даври (мил. авв. IV–II асрлар) қоропластикаси; кушон даври (мил. II – IV асрлар) қоропластикаси даврига ажратилдилар. Биринчи давр учун иккита асосий услубий йўналиш белгиланади: 1. Олд Осиё типидagi ва 2. эллистик типидagi тасвирлар.

Олд Осиё типидagi ҳайкалчаларда аёллар ва эркаклар сиймолари кўпроқ учрайди. Суғддаги илоҳий аёллар ҳайкалчалари илмий адабиётларда “буюк илоҳа – она” сифатида талқин этилса–да, уларда илоҳалар эмас, балки уй ўчоғининг руҳи акс этган (В.Лившиц), деган фикрлар ҳам бор. Бу типдаги ҳайкалчаларда қўлини кўкрагига қўйиб турган илоҳа тасвири нисбатан кенгроқ тарқалган. Шунингдек, улардаги тақинчоқларнинг кўплиги ҳам диққатга моликдир. Бу типдаги ҳайкалчалардаги эркаклар сиймоси алоҳида ажралиб туради.

Сўғдиёнанинг эллин типидagi юнон кийиларидаги Дионис, Афина, жангчи эллин ва илоҳалар сиймолари кўпроқ учрайди. Айрим ҳайкалчаларда маҳаллий ва эллин анъаналарининг уйғунлашиб кетганлигини кузатиш мумкин.

Суғднинг кушон даври терракота ҳайкалчалари санъатини айрим олимлар (В.Мешкерис) учта бадий йўналишга ажратдилар. Булар: 1. қўпол архаик ҳайкалчалар; 2. жуда пухта тасвирий санъатни акс эттирувчи ҳайкалчалар; 3. маълум услубга солинган ҳайкалчалар. Р.Сулаймоновнинг фикрича, биринчи ва иккинчи йўналишдаги ҳайкалчалар мил.авв. II – мил.одий III асрларда бир вақтда мавжуд бўлган бўлса, маълум услубга солинган ҳайкалчалар фақат III асрнинг ўрталарида пайдо бўлади.

Қўпол архаик ҳайкалчаларда тик турган аёллар (кам ҳолатларда эркаклар) тасвирланган. Уларнинг кийим–бошлари бир хилда. Пухта ва пишиқ тайёрланган ҳайкалчаларда эса аёл худолар, эркаклар, муסיқачилар тасвирлари акс этган.

Суғднинг антик даврдаги тошга ишлов бериш, нақш бериш санъати ҳақида ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Тадқиқотчилар Афросиёб қазишмаларидан манзараси ва ишланиш услубига кўра эллинистик хусусиятга эга нақшланган тошларни топганлар. Уларнинг бирида жанг пайтида ўз қуролдошини қалқон билан ҳимоя қилаётган иккита жангчи тасвирланган бўлса, иккинчисида бошларида дубулға кийган, жанг қилаётган иккита қанотли афсонавий мавжудот акс эттирилган. Яна бир тош парчасида илоҳа олдида баҳайбат махлуққа миниб турган чавандоз тасвирланаган бўлиб, бу тасвир кушон даврига оиддир.

Бу даврдаги Суғднинг тасвирий санъат ёдгорликлари учта кўп эмас. Шунга қарамасдан Ерқўрғондан топилган деворий суратлар ва ҳайкаллар намуналари Суғднинг тасвирий санъати ҳақида маълум тасаввурлар беради. Суғд ҳайкаллари лой ва тошдан ишланган бўлиб, улар ишланиш техникаси жиҳатдан кўшни Бактрия ҳайкалларига ўхшаб кетади. Ерқўрғон идобатхонасидаги деворий суратлар нақшли ва тасвирий манзараларда ифодаланади. Нақшлар орасида тўрт бурчак, ромб, панжарасимон, айлана ва ўсимликлар нақшлари учрайди.

Антик давр Суғддаги тақинчоқлар ишлаш санъати ҳақида ҳам маълумотлар етарли эмас. Аммо, топилмаларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, анъанавий шаклдаги (шарсимон), ақиқ ва ярим қимматбаҳо тошдан ишланган маржонлар кенг тарқалган. Суғд топилма тақинчоқлари орасида мис тўғноғичлар, бронза узук ва билагузуқлар, олтин ва кумуш шокилалар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Сўнгида таъкидлаш лозимки антик давр Суғднинг бадийий маданиятида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Тадқиқотларга кўра, агар бу даврда Суғднинг жанубдаги Бактрия билан кучли маданий алоқалари кузатилса, антик даврнинг охирларига келиб (айниқса, милодий III–IV асрларда) Сирдарё (Яксарт) бўйидаги воҳалар билан алоқалар кучаяди. Бу ҳолат қуйидаги иккита омил билан ифодаланади: биринчидан, Қовунчи маданияти айрим гуруҳларининг Суғдга кириб келиши бўлса, иккинчидан, Қанғнинг Суғдга сиёсий назорати кучаяди.

Таянч сўзлар

Хоразм, турлар, сак қабилалари, апасиак, массагетлар, Оролбўйи, Фарасман, Хоразм тангалари, Африғийлар, Артав ва Артамуш, Қуйи Сирдарё, Кат, Тупроқ қалъа, Қанғ, қанғар, ёбғу, чжавоу, Қанғдеш, Қанғ вилоятлари, кўчманчи, чорвадорлар, усунлар, Даван, Сима Цян, Фрагоник, Да-юан, Эрши, Ючен, Қорадарё, Шўрабашот маданияти, Хитой билан муносабатлар, Аравон, Обишир, Моцай, Ван, самовий отлар, Юечжи – Кушон, Страбон, Помпей Трог, Катта Юечжи, сараукалар, ассианлар, Гуйшаун, Канишка, Гермей, Кужула Кадфиз, Кушон шаҳарлари, Далварзин, Холчаён, Талибарзу.

Савол ва топшириқлар.

1. Хоразм давлатининг тарихий жиҳатларини ўрганишда нималарга эътибор бериш лозим?
2. Африғийлар сулоласи ҳақида нималарни биласиз?
3. Хоразм шаҳарсозлиги ва меъморчилиги тўғрисида гапириб беринг.
4. Қанғ давлати ҳақида умумий маълумот беринг.
5. Қанғ давлатининг ҳудуди, бошқаруви ва этник муносабатлари қандай эди?
6. Даванда давлатчилик пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?
7. Давандаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт қандай кечган?
8. Катта юечжи ҳақида нима биласиз?
9. Кушон давлати тарихи нечта босқичга ажратилади?
10. Кушон даври шаҳарлари ҳақида гапириб беринг.

10–мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964.
2. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Отв.ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
3. Рапопорт Ю.А. Из истории религии древнего Хорезма. – М., 1971.
4. Мкртычев Т.К. Буддийское искусство Средней Азии. – М., 2002.

5. История Древнего Востока / Под. ред. В.И. Кузищина. – М., 1988.
6. Массон В.М. Цивилизации древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации). ИМКУ. – Самарканд, 1999. Вып.30
7. Матбобаев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. //Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Маъруза матнлари. – Наманган, 2001. – 23–40 бб.
8. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия–Тохаристан. Древность и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990
9. Ртвеладзе Э.В., Лившиц В. Памятники древней письменности. – Ташкент: Узбекистан, 1985.
10. Хорезм в истории государственности Узбекистана / Ответ.ред. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. – Ташкент, 2013.
11. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982.
12. Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи (қадимги даврдан бугунги кунгача). – Тошкент, 2009
13. Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
14. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: Вост.лит.РАН, 1999.
15. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990.
16. Қарши. 2700. – Тошкент, 2006.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1–мавзу. “Ўзбекистон тарихи” фани тўғрисида умумий маълумотлар.	8
2–мавзу. Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври	45
3–мавзу. Бронза даври тарихи.....	80
4–мавзу. Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш асослари.....	97
5–мавзу. “Авесто” ва зардуштийлик.....	117
6–мавзу. Қадимги давлатлар тарихи	135
7–мавзу. Мил. авв.VI–IV асрлар тарихи. Ўрта Осиё Ахамонийлар давлати таркибида.....	159
8–мавзу. Македониялик Александрнинг Бактрия ва Сўғдиёнага юришлари.....	175
9–мавзу. Ўзбекистоннинг антик давр давлатчилиги. Салавкийлар ва Юнон–Бактрия давлатлари.....	201
10–мавзу. Хоразм, Қанғ, Даван, Юечжи–кушон ва Кушон давлатлари.	222